

УДК
34
9-60



ЯНГИ ҚОНУНЛАР МОҲИЯТИ



СУЩНОСТЬ НОВЫХ ЗАКОНОВ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ХУЗУРИДАГИ АМАЛДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МОНИТОРИНГИ ИНСТИТУТИ

ЯНГИ ҚОНУНЛАР МОҲИЯТИ

(Илмий-амалий қўлланма)

B 1354/2

O' z M U

Ilmiy kutubxonasi

МУАЛЛИФЛАР ЖАМОАСИ

Ш.Рўзиназаров — ю.ф.д., проф., Ш.Файзиев — ю.ф.д., проф., Б.Исмоилов — ю.ф.д., Д.Каримов — ю.ф.н., доц., М.Мамасиддиқов — ю.ф.н., доц., Н.Норматов — ю.ф.н., С.Найимов — ю.ф.н., Д.Раҳимов — ю.ф.н., Ж.Абдуллаев — ю.ф.н., У.Муҳамедов, Д.Қурбонова, М.Миракулов, Р.Ҳакимов, Н.Мухторов, Ғ.Машкуров, М.Хусанова, А.Ҳазратқулов, Э.Мақсумов, Д.Огай, Э.Эргашев, Т.Набиев, Н.Хаттабов.

Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор Ш.Х.ФАЙЗИЕВ.

Мазкур қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн учинчи ҳамда ўн тўртинчи ялпи мажлисларида маъқулланган қонунларининг мазмун-моҳиятига бағишланган илмий-амалий мақолалари ўрин олган. Уларда икки палатали парламент томонидан қабул қилинган қонунларнинг аҳамияти ва моҳиятини ёритиш асосида жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш шароитида инсон манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқий ҳимоя тизимини такомиллаштириш борасидаги устувор вазифаларнинг мазмуни ифода этиб берилган.

Ушбу қўлланмада янги қонунларнинг асосий йўналишлари, уларнинг халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоида-талабларига мослиги ва хорижий мамлакатларнинг ушбу соҳадаги тажрибаси илмий-оммабон тарзда баён этилган.

Қўлланмадан қонунларни амалиётга татбиқ этиш, уларнинг моҳиятини тарғиб қилишда ва аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда кенг фойдаланиш мумкин.

КИРИШ

Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида қонун ҳужжатларининг ижроси ва мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш муҳим ўрин тутadi. Айниқса, ислоҳот ва ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосларини нафақат тушуниш, балки уларни амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ҳеч кимга сир эмас—биз қураётган янги жамият ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгилашниш жараёнлари, ислоҳотларнинг тақдири ва келажаги, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, жойларда шу борада одамларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккурининг юксалишига боғлиқ. Бу оддий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак»¹. «...Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун» деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади»². Дарҳақиқат, бугунги кунда иқтисодиёт, сиёсат, давлат-ҳуқуқ ва суд соҳасида амалга оширилаётган барча ўзгариш ва ислоҳотлар пировард натижада ягона мақсадга — Ўзбекистон халқи учун муносиб турмуш шароити яратиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, ҳар бир инсонга ўзининг интеллектуал, касб ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятлар яратиб беришга қаратилганини шу соҳаларда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ривожланиши ҳам ёрқин исботламоқда.

¹ И.А. Каримов. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиздир. /Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза/. «Халқ сўзи», — 2006 йил 8 декабрь.

² И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. /Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза/. — Т.: «Ўзбекистон», 2007.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн учинчи ҳамда ўн тўртинчи ялпи мажлисларида 100 та қонун маъқулланган бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ва амалиётда қўллаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда. Хусусан, «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги, «Йод этишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги, «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги, «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказишнинг тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда қонун ижодкорлиги фаолиятининг ривожланиши аҳолининг, қолаверса уни қўлловчи ижрочиларнинг янги қабул қилинаётган қонунлардан хабардорлик даражасига, бошқача қилиб айтганда, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятига узвий боғлиқдир. Ҳуқуқий маданиятнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳам мустақиллик қадриятла-

рининг ҳаётий рўёбга чиқаётганлигининг далолатидир. Ҳукукий маданият фуқароларнинг инсоний фазилатлари соғломлашувига, ҳуқуқ доирасида шахс фаолиятининг такомиллашувига ва уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишга имкон беради. Юртбошимиз И. А. Каримов таъбири билан айтганда, токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёжи сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади. Бугун одамларнинг дунёқараши, онги, тафаккурини ўзгартириш мана шу масала билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди.

Ҳар бир инсоннинг ҳукукий маданиятли бўлиши ва қонунларга қатъий риоя қилиши — жамиятни янгилаш ва демократлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда қонун устуворлигига эришиш, бугун бошқарув тизимида қонуннинг мавқеини ошириш, қонунга бўйсуниб яшашни ҳамманинг турмуш тарзига айлантириш энг демократик давлатнинг сифат кўриниши, фуқаролик жамиятининг беқиёс фазилати эканлиги маълум. Фуқароларнинг ҳуқуқни билиши янги қонунлар моҳиятидан хабардор бўлиб боришни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг ҳукукий маданияти юксалишига олиб келади.

Энг муҳими шундан иборатки, аҳолининг ҳукукий маданиятини ошириш ва ҳукукий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Мустақиллик шароитида ҳукукий маданият мавқеи тобора ошмоқда. Ҳукукий маданиятни ҳукукий мафкура асосида идрок этиш, унинг моҳиятини тушуниш ҳам фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, ҳукукий онгга, фикрлашга, идрок этишга қодир бўлган инсон ҳукукий қадриятлар моҳияти ва мазмунини чуқур тушуниш имкониятига эга бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Жамиятда ҳукукий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да кўзда тутилган муҳим чора-тадбирлардан бири қонун ҳужжатларини фуқароларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, судлар, адлия органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ўз вақтида етказиш ҳисобланади. Шу сабабли мазкур вазифа оқилона бажарилиши фуқаролар билим-савияси ва ижро этиш масъулиятининг ошиши, тегишли ташкилотлар

мансабдор шахслари ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Юксак ҳуқуқий маданият кучли фуқаролик жамиятининг пойдеворидир. Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги босқичи ҳуқуқий маносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни объектив зарурият қилиб қўймоқда. Ўз навбатида, янги қонунларнинг моҳиятини тушунган ҳолда аҳолининг ҳуқуқий маданияти шакллантирилган тақдирда жамиятни янгиташ ва демократлаштириш борасида турган вазифаларни мураффақиятли ҳал этиш мумкин.

Қонун устуворлиги тан олинган шароитда ҳуқуқий меъёрлар ижтимоий муносабатларни тартибга солишчи восита сифатида фуқаролик жамияти барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Шу боисдан, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш даражаси айнан қонунларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнига ва давлат органлари томонидан фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинишига ҳам узвий боғлиқ.

Жамиятнинг нечоғлиқ янгиланиши, демократлашуви, фуқаролар ҳуқуқларини амалга ошириш ва бурчларини бажаришлари, энг аввало, кучли фуқаролик жамияти аҳолисининг феъл-атвориغا, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий камолотига чамбарчас боғлиқдир.

Агар фуқаролар давлат томонидан белгиланган ҳуқуқий қоидаларга риоя қилиб яшашни оддий турмуш тарзига айлантирса, ўз хатти-ҳаракатини муайян қонун-қоидалар асосида, юксак даражада ҳуқуқий идрок этиб, ҳуқуқий ҳаётда ўзининг ҳуқуқий маданиятини намоён эта олсагина, улар жамиятнинг ҳуқуқий тафаккурли баркамол фуқаролари сифатида гавдаланади.

Миллий-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш тадрижий, узоқ давом этадиган, бир неча йилларни ўз ичига оладиган, ҳуқуқий ҳаётда фуқаролар фаоллигини таъмин этишга қаратилган мураккаб узлуксиз жараёндир. Фуқаролик жамияти эҳтиёжи учун қабул қилинаётган қонунларни фуқаролар вақтида идрок этиб, амалиётда қўлласа, ҳуқуқий ислохотларни жадал амалга ошириш учун шароит яратилади. Ўз навбатида, ҳуқуқий онглилик аҳолининг турмуш тарзини сифат жиҳатидан ўзгартиришга, фуқароларнинг қонун йўл қўйган тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишига имконият туғилади.

Президентимиз И.А. Каримов қайд этганидек, «Бозор муносабатларига ўтиш даврида жамият аъзоларининг ўз салоҳия-

ти ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари учун уларга биринчи галда тенг имконият ва эркинлик муҳитини, ҳам қонуний, ҳам амалий шарт-шароитларни яратиб бериш зарур. Оддий қилиб айтганда, куч-ғайрат билан бирга, билим ва тажрибаси, ақл-идроки, касб малакаси етарли бўлган, қонунларни, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва мажбуриятларини яхши билган одамгина тадбиркорлик ёки фермерлик билан шуғулланиши, ўз хусусий ишини оқилона ва самарали ташкил этиши мумкин».

Бинобарин, ҳуқуқий маданиятли инсон жамиятни янгилаш ва демократлаштириш жараёнида фаол иштирок этишга қодир шахсдир. Ҳуқуқий маданиятли инсон, ўз навбатида, юксак маънавиятли ва маърифатли инсон ҳисобланади.

Демократик давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, қонун ҳужжатлари моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига янада кенгроқ ва чуқурроқ етказиш, уларда қонунга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини оширишнинг турли хил шаклларида фойдаланишни тақозо этади. Бошқача айтганда, қабул қилинаётган янги қонунлар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун хизмат қилмоқда. Янги қонунларнинг моҳиятини англаш инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашнинг энг муҳим гаровидир.

Юртбошимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, аслида, ҳар қандай ислохотнинг энг муҳим самараси аввало ҳалқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онги ва тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаёти, тақдирига дахлдор эканлигини чуқур ҳис қилиши ва шундан ҳулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга ошираётган ислохотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида, ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда қўриш, кузатиш қийин эмас.

Мазкур қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти илмий ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн учинчи ҳамда ўн тўртинчи ялпи

мажлисларида маъқуланган қонунларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган илмий-амалий мақолалари ўрин олган. Икки палатали парламент томонидан қабул қилинган қонунларнинг аҳамияти ва моҳиятини ёритиш асносида жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш шароитида инсон манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқий ҳимоя тизимини такомиллаштириш борасидаги устувор вазифаларнинг мазмуни ифода этиб берилган.

Ушбу қўлланмада янги қонунларнинг асосий йўналишлари, уларнинг ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида-талабларига мослиги ва хорижий мамлакатларнинг ушбу соҳадаги тажрибаси илмий-оммабон тарзда баён этилган.

Ушбу қўлланмадан амалдаги қонунларни тарғиб қилишда самарали фойдаланишнинг йўлга қўйилиши барча соҳалардаги ислоҳотларни жадаллаштиришга ва демократик янгиланишларни қарор топтиришга хизмат қилади.

Мазкур қўлланма аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий малакиятини янада ошириш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўрганишда муҳим амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

I. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг VIII ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар:

1. «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

2. Янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

3. «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

4. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

5. «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

6. «Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

7. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

8. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

9. «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

10. «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

11. «Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

12. «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Уставига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатиға қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

13. «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Конвенциясига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатиға қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

14. «Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённомани (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

15. «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ VIII ЯЛПИ МАЖЛИСИДА МАЪҚУЛЛАНГАН ҚОНУНЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар қамрови кенг кўламли бўлиб, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида кейинги 6 йил давомида уй-жой соҳасида аҳамиятли даражада ўзгаришлар бўлганлигини кузатиш мумкин. Шу боис 1999 йил 1 апрелда кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш шароитидаги ижобий ўзгаришларни қонунчиликка сингдиришга қаратилган фаолият сифатида баҳолаш мумкин.

2006 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида Олий Мажлис қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини маъқулланиб, 2007 йил 8 январда кучга кирди.

Ушбу Қонуннинг мақсади уй-жой фондини, кўп квартиралли уйдаги мулкни бошқариш, сақлаш ва таъмирлаш билан кўп квартиралли уйлардаги турар жойлар мулкдорларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек коммунал хизматлар ва кўп квартиралли уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жой эгаларининг умумий мулкдаги улуши, умумий мулкни бошқариш бўйича хизматлар ва бошқа хизматларни кўрсатувчи корхона ҳамда ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги билан боғлиқ қоидаларни қайта белгилашга қаратилган.

Мазкур қонун уй-жой фондини сақлаш ва унга хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизмини жорий этиш орқали уни сама-

рали бошқариш ва яхши сақланишини таъминлаш ҳамда мазкур муносабат субъектларининг ўзаро манфаатдорлигини таъминлаш асосида ишлаб чиқилганлиги билан муҳим ҳисобланади.

Қонун бешта моддадан иборат таркибда тузилган бўлиб, унинг 1-моддаси 1995 йил 21 декабрда ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 211-моддаси ва 219-моддасига ўзгартиш киритишни назарда тутди. Мазкур ўзгартишлар Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги 2006 йил 12 апрелдаги Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан киритилди. Бунда Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларини қабул қилинган янги қонун нормалари мазмунига мувофиқлаштириш талаб этилади.

Хусусан, «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасида кўп квартиралли уйдаги умумий мол-мулкнинг ҳолати ёки таркиби белгиланганлиги ва ФК нинг 11-моддаси мазмунини 28-моддада белгиланган қоидалар мазмунига мувофиқлаштириш орқали қонунчиликда вужудга келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олиш билан бирга, қонун ижодкорлари томонидан икки палатали қонун чиқарувчи ҳокимият шароитида ишлаб чиқилган пухта, пишиқ қонун нормаларини бир палатали қонун чиқарувчи ҳокимият даврида қабул қилинган ФКнинг алоҳида нормасига аниқлик киритилиши билан изоҳланади.

ФК 219-моддасининг номи ва биринчи қисмига киритилган ўзгартишлар модданинг амалдаги таҳрирдаги номланиши «Улушли мулкдаги улушларни аниқлаш»ни янги таҳрирда аниқлаштирилиб, «Улушли мулкдаги умумий мол-мулкка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш» тарзида баён этилганлиги қонунчилик жараёнида ва қонунийликни таъминлашда уни бир хил тушуниш ва қўллашни таъминлайди.

Қонуннинг 2-моддаси 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг бир нечта моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга бағишланган. Қонунда Кодекснинг 5-моддаси янги таҳрири баён этилган бўлиб, унда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонун мазмунидан келиб чиқиб қайтадан белгиланган. Бунда давлат уй-жой фонди ва бошқа коммунал объектларга хизмат кўрсатиш ишини ташкил этиш ваколати уй-жой мулк-

дорларининг ширкатларига берилганлиги муносабати билан бундай ваколат маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан олиб ташланди.

Қолаверса, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мустақиллигини таъминлаш, ваколатларни марказий органлардан маҳаллий органларга ўтказиш жараёнида амалдаги таҳрирда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз тасарруфидаги ҳудудда коммунал хизматларга бўлган тариф сиёсатини шакллантиришни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга ошириши белгиланган бўлса, мазкур қонунда бу ваколатни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишмаган ҳолатда маҳаллий давлат ҳокимиятининг ўзи мустақил ҳал этиши белгиланди.

Кодексга «Қўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари номли 16¹-модда киритилди. Бу ўзгартиш «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунда берилган янги тушунча, яъни қўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари ва уларнинг мазкур мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустаҳкамлашга қаратилган нормалар мазмунини Кодексда ҳам алоҳида тартибда белгилаб қўйиш мақсадида ишлаб чиқилган. Унда яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорларининг бундай мулкка муносабатининг ҳуқуқий асоси аниқ белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Кодекснинг 35-моддаси тўртинчи қисми янги таҳрири ишлаб чиқилган бўлиб, унда қўп квартирали уйдаги ту-рар жойни ижарага олган шахс шу ту-рар жойдан фойдаланиш би-лан бир қаторда умумий фойдаланишдаги мол-мулкдан ҳам қо-нун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш имкония-ти ёки умумий фойдаланишдаги мулкка бўлган ҳуқуқи батафсил кўрсатилган.

Кодекснинг 49-моддаси иккинчи қисми, 50-моддаси саккизинчи қисмининг ҳам янги таҳрири ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар ижара муносабатларини тартибга солишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Жумладан, янги таҳрирда ижарага берувчи ижарага олувчига лозим даражадаги шароитни таъминлаб бериши билан бирга, ту-рар жой жойлашган уйнинг яхши сақланишини таъминлаш масъулиятини ҳам юклайди. Бу эса ту-рар жой ва у жойлашган уйнинг ижарага берувчи ва ижарага олувчининг ўзаро манфаатдорлиги асосида умумий ҳолатининг яхши сақланишини таъминлайди. 50-модданинг янги таҳририда эса ижарага олувчи-

нинг турар жойдан оқилона фойдаланиши ва ижара муносабатлари тартибига амал қилиши ҳамда ижарадаги турар жойга бўлган унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш орқали ижарачининг ижарага олган турар жойга муносабатининг ҳуқуқий асоси ифодасини топган. Умуман олганда, қонунга киритилиши мўлжалланаётган уй-жой ижараси масаласига оид ўзгартиш ва қўшимчалар ижара муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш орқали турур жой ва у жойлашган уйнинг яхши сақланишини таъминловчи қондаларни назарда тутати.

Кодексдаги яна бир асосий ўзгартиш ва қўшимчалар унинг VIII бўлимини янгича таҳрирда номлаш ва ушбу бўлим моддаларини янги қондалар билан тўлдиришга қаратилган. Амалдаги таҳрирдаги «кўп квартирали уйдаги кўчмас ва бошқа мол-мулкка умумий мулк ҳуқуқи» деган тушунча «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунда қўлланилган «Кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулки» тушунчаси асосида мазкур бўлимни қайта номлаш ва бўлимга тегишли нормалар мазмунини ҳам мувофиқлаштиришни талаб қилганлиги муносабати билан Кодекснинг 124—128-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қуйида уларнинг мазмунига батафсил тўхталиб ўтамиз.

Кодекснинг 124-моддаси мазмунини амалдаги таҳрирда фақат турар жой мулкдорларининг умумий фойдаланишдаги объектларга бўлган ҳуқуқларини белгилашга хизмат қилган бўлса, янги таҳрирдаги модда мазмунини турар жой мулкдорлари билан бирга яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини ва умумий мол-мулк турларини аниқ белгилаб бери.

125-модданинг «Турар жойга ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга бўлган мулк ҳуқуқи кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган улушли мулк ҳуқуқидан ажралмасдир» тарзидаги қисм билан тўлдирилиши кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкка бўлган улушли мулк ҳуқуқи кўп квартирали уйнинг турар жойи ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойига бўлган ҳуқуқнинг таркибий қисми сифатида мустақкамланиши фойдаланувчиларга умумий мулкдан улушли фойдаланишни кафолатлайди. 126-моддага киритилаётган ўзгартишлар орқали эса «умумий мулк иштирокчиси» тарзидаги жумлани «умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиси» деган

жумлага алмаштириш билан уй-жой муносабатлари ҳуқуқий асосларининг аниқ тушунчалар орқали ифодаланиши таъминланади. 127-модданинг «Қўп квартиралар уйдаги умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари қўп квартиралар уйдаги турар жойлар мулкдорларининг қўпчилиги томонидан қабул қилинган қарорга биноан бошқа шахсларга фойдаланишга, арендага берилиши мумкин» деган янги қисм билан тўлдирилиши қўп квартиралар уйдан фойдаланувчилар ўзаро келишган ҳолатда умумий мол-мулкни фойдаланишга бериши мумкинлиги ва буни қўпчиликнинг фикри устунлиги қондаси асосида амалга оширилишини мустаҳкамлайди. 128-модданинг янги таҳрири модданинг амалдаги таҳририда бўлмаган хусусий уй-жой мулкдорларининг тушунчаси ва мақоми (нотижорат ташкилот эканлиги), хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини ташкил этиш ва уни бошқаришга оид қоидаларни белгилайди.

Уй-жой кодексининг IX бўлимига аниқлик киритилиб, «Турар жойлар ҳақини, уй-жойни сақлаш харажатларини ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш» тушунчаси қўлланилди ва 129, 132-моддалар номи ва мазмуни ҳам тушунарли тарзда аниқлаштирилди. Қонуннинг янги таҳрири 132-моддасида қўп квартиралар уйдаги турар жойларни ва умумий мол-мулкни сақлаш харажатларини тўғридан-тўғри турар жой мулкдорининг ўз ҳисобидан амалга оширилишини назарда тутди. Шунингдек, қўп квартиралар уйларга тегишли умумий харажатларни турар жой мулкдорларининг мажбурий бадаллар шаклида биргаликда зиммаларига олишлари белгиланди. Мажбурий бадаллар миқдори турар жой мулкдорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Яна бир ижобий қўшимча қўп квартиралар уйларга тегишли умумий мол-мулкни сақланиши, таъмирланишига оид умумий харажатларнинг уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан турар жой мулкдорлари ўртасида тузиладиган мажбурий шаклдаги шартномалар асосида амалга оширилиши ва мазкур шартноманинг шакли ҳамда уни тузиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши кўрсатилганлигидадир. Кирилган ўзгартиш ва қўшимчалар истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, коммунал хизмат тўловларини ундиришни амалга оширувчилар ўртасидаги муносабатни аниқ ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган. Чунончи, 133-модданинг янги таҳририда коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар тушунчаси ва турлари, шунингдек, истеъмолчиларга коммунал хизмат учун тўловларни белгиланган шартномага мувофиқ амалга оширишлари қатъий белгиланган.

134-модданинг янги таҳририда амалдаги таҳрирда бўлмаган кўп квартирали уйдаги жойларни ижарага — арендага олувчилар томонидан умумий фойдаланишдаги мол-мулкни сақлаш ҳақини ижара — аренда шартномасига мувофиқ қонунда белгиланган муддатда тўлашлари алоҳида тартибда белгилаб қўйилган. Шунингдек, коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар муддатлари аниқ кўрсатилган, қолаверса, муддатида тўланмаган тўловлар учун пеня тўлаш фоизлари миқдори белгиланган.

135, 136-моддага киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар уй-жойни сақлаш ва коммунал хизмат ҳақини тўлашда фуқароларнинг айрим тоифаларига ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган, кам таъминланган тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган муайян имтиёзлар берилишини назарда тутди. Бу эса беш тамойилнинг асосийси бўлган кучли ижтимоий ҳимояни қонунчиликда мустаҳкамлашга қаратилган. Шунингдек, Кодекснинг X бўлими номи «Уй-жой фондини сақлаш» деб ўзгартирилди ва бунга мутаносиб равишда бўлим моддалари номланиши ҳамда мазмунига оид ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. 137-модда «Уй-жой фондини сақлаш» деб қайта номланиб, модданинг биринчи қисмида амалдаги таҳрирда бўлган уй-жой фондини бошқариш тушунчасини ҳам қамраб олган тарзда уй-жой фондини сақлаш тушунчаси кенг ва тушунарли тарзда берилган.

Модданинг янги таҳририда, хусусий уй-жой фондини сақлаш харажатларини молиялаштириш мулкдорларнинг маблағлари ҳисобидан, муниципал уй-жой фондини ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондини сақлаш харажатларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, идоравий уй-жой фондини сақлаш харажатларини молиялаштириш уй-жой фонди ўз тасарруфида ҳамда балансида турган давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши алоҳида тартибда белгиланди. Шунингдек, фавқулодда вазиятлар оқибатида вайрон бўлган уй-жой фондини тиклаш харажатларини молиялаштириш Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида амалга оширилиши белгиланди.

138-модда «Уй-жой фондини бошқариш» деб номланиб, унинг мазмуни мутлақо янгича қоидалар билан тўлдирилди. Жумладан, уй-жой фондини бошқариш тушунчасининг аниқ таърифи берилган, давлат уй-жой фондини, хусусий уй-жой фондини, кўп квартирали уйни бошқариш тартиби ва субъектлари аниқ белгиланди.

139-модда номланиши аниқлаштирилиб, «Уй-жой фондини бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш шартномалари» тарзида ифода этилди. Модда мазмуни бир қатор янги қоидалар билан тўлдирилган. Хусусан, уй-жой фондини бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш шартномалари ёзма шаклининг тузилиши, шартнома тарафлари ва уй-жой фондини бошқариш шартномасининг мажбурий шартлари батафсил кўрсатилган. Энди қонуннинг учинчи моддаси, яъни 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунни ўз кучини йўқотган деб топиш масаласини ёритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мазкур қонун 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган бўлиб, қабул қилинган вақтдан бери уй-жой фондини хусусийлаштириш жараёнларининг бошланишидан то бугунги кунгача уй-жой фондидан фойдаланиш, сақлаш, уй-жой соҳасидаги мулкчилик муносабатлари, фуқароларни уй-жой билан таъминлаш билан боғлиқ бошқа муносабатларни тартибга солишга хизмат қилган. Лекин бугунги кунга келиб уй-жой соҳасига оид мулкчилик ва муносабатлар шакли ҳамда мазмуни ўзгарганлиги, қолаверса мазкур қонунда белгиланган нормалар мазмуни кейинги қабул қилинган бир қатор қонунларда мавжудлиги муносабати билан уни бекор қилиш масаласи кўрсатилган.

Ҳақиқатан ҳам, уй-жой фондига оид муносабатларни тартибга солувчи қонунлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши ва бугунги кунгача Уй-жой, Фуқаролик ва Оила кодексларига киритилган уй-жойга оид муносабатларни тартибга солувчи ўзгартиш ва қўшимчалар «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун нормаларида ҳам мавжудлиги, бундай таҳрирдаги такрорланишларнинг олдини олиш мақсадида ушбу қонун ва уни амалга киритиш тартиби тўғрисидаги Олий Мажлис қарори ҳамда 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг XI бўлимини ўз кучини йўқотган деб топиш белгиланди. Шунингдек, Қонуннинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини ушбу қонунга мувофиқлаштириши, давлат бошқаруви органлари ушбу қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлаш вазифаси юклатилди. Қонуннинг 5-модда-

сида ушбу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгиланди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш шароитида хусусий уй-жой мулкдорларини ҳимоя қилиш ва уларнинг кўп квартиралли уйдаги умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқини амалга оширишнинг кафолатланиши мазкур муносабат субъектларининг ўзаро манфаатдорлигини таъминлашга хизмат қилади.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида жамият ҳаётининг барча соҳаларида чуқур ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Мустақиллик йилларида демократик янгилиниш ва сиёсий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим натижаларга эришилди. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Биз, энг аввало, ҳуқуқий асосни тайёрладик, жамиятимизнинг асосий ақидалари, унинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий йўналишлари белгилаб берилган конституциямиз ҳам ана шу асосга қурилган. Биз қонунчилик базасини барпо этиб, бутун давлат тузилмасини ўзгартирдик. У ҳозир бозор мақсадларига жавоб беради». Жамият ҳаётининг энг муҳим соҳалари каби оммавий ахборот воситалари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар доираси ҳам муайян ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Республикамизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаган дастлабки қонун ҳужжати, яъни «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун 1991 йил 14 июнда қабул қилинган. Ушбу қонунда илк маротаба Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркинлиги, ҳар бир фуқарога сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситаларида ўз мустақил фикрини очиқ айта олиш ҳуқуқи кафолатланди.

Лекин оммавий ахборот воситаларини том маънода «халқнинг овози» сифатидаги мақомини ва демократик давлатни қуриш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим институт сифатидаги ўрнини белгилайдиган қонунчилик ҳужжатлари республикамиз мустақилликка эришгандан кейингина қабул қилина бошланди. Мустақиллик йилларида мамлака-

тимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидаги кенг йштирокини таъминлашга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилди, хусусан, оммавий ахборот воситалари соҳасини жадал ва изчил ривожлантириш учун зарур бўлган қонунчилик, мукамал меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Мамлакатимизнинг асосий қомуси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам оммавий ахборот воситалари фаолияти ва бу институтга бериладиган кафолатларнинг асосий тамойилларини ўрнатувчи нормалар белгиланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида конституциявий тузумнинг асоси сифатида «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас»лиги белгилаб қўйилди.

Конституция кўрсатилган умумий тамойиллар билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи махсус конституциявий нормаларни ҳам ўз ичига қамраб олган. Хусусан, Конституциянинг VII боб 29-моддасида «ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга» эканлиги кафолатланган. Айнан оммавий ахборот воситаларининг мақомини конституциявий-ҳуқуқий ифода этган норма Конституциянинг 67-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унда «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди» деб белгиланган. Ўтган йиллар давомида халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартлар ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган конституциявий тамойиллар асосида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (1997 йил), «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ноширлик фаолияти тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги каби бир қатор қонуни ҳужжатлари қабул қилинди.

Юқоридаги қонулар билан бир қаторда, уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, тегишли идораларнинг норматив ҳужжатлари қабул қилинди. Мазкур норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, ўз навбатида, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонун даражасида ҳуқуқий таъминланишига ва олдин мавжуд бўлмаган ахборот ҳуқуқий инс-

титутларининг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди. Хусусан, ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари эркинлиги, сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситалари томонидан ишлаб чиқарилган ахборот ва бошқа маҳсулотларнинг монеликсиз тарқатилиши, шунингдек, ахборотни қидириш, олиш, ишлаб чиқариш ва тарқатишдаги чекловлар, уларга эгаллик қилиш, тасарруф этиш, оммавий ахборот воситалари маҳсулотини яратиш ва тарқатишда ишлатиладиган материаллар ва хом ашёлар, техник воситалар ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш ҳамда эксплуатация қилиш ва бошқа масалалар бозор иқтисодиёти талаблари ва демократик андозаларга мос равишда юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда.

XXI аср жамият ҳаётига ахборот асри сифатида кириб келди. Замонавий ахборот ва алоқа технологияларининг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг қўлланилиши ахборотни жамият ривожланишига таъсир ўтказувчи асосий омиллардан бирига айлантди. Бундай шароитда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи тегишли қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш зарурати туғилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг асосий устувор вазифа ва йўналишларини белгилаб берар экан, Президентимиз бу жараёнда муҳим таркибий қисм бўлган матбуот, телевидение ва радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, «Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг гоят муҳим шарти — бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш буйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир. Бу борадаги асосий вазифа — мамлакатимизда ислохотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлмиш матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашдан иборат», деб таъкидлади.

Ушбу маърузада кўтарилган устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан 2005 йил 10 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва

янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги ПҚ-24-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда жамият ҳаётининг турли соҳалари билан бирга оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва янгилаш, улар фаолиятини ислоҳ қилиш борасида бир қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш ҳам белгилаб қўйилди.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасидан кейин ҳамда юқоридаги қарор асосида оммавий ахборот воситаларига оид қонунчилик ривожланишининг янги босқичи бошланганлигини эътироф этиш мумкин.

Кўрсатилган ушбу вазифа ва йўналишларни бажариш учун эътибор, аввало, оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солишга қаратилган асосий ҳужжат, яъни 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ҳолда янги таҳрирда қабул қилишга қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида кўпгина қонун ҳужжатлари билан бир қаторда мазкур қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда у янги таҳрирда маъқулланди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди.

Янги таҳрирдаги қонун 1997 йилдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонундан ҳажм ва мазмун жиҳатдан анча кенг бўлиб, 40 моддани ўз ичига олади. Қонуннинг олдинги матнида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг турли хил соҳалари муайян институтлар сифатида ажратилиб берилмаган эди. Янги таҳрирдаги қонун олдинги қонундан фарқли ўлароқ, моддалари тизимлаштирилиб, улар тартибга солиш предметиға қараб олти бобға, хусусан:

- умумий қондалар;
- оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш;
- оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш;
- оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш;
- оммавий ахборот воситалари бозорини монополиялаштиришға йўл қўйилмаслиги;
- оммавий ахборот воситаларининг фуқаролар ва ташкилотлар билан муносабати;
- якуний қондалар каби бобларға ажратилиб берилди.

Янги таҳрирдаги қонуннинг кириш қисмиға қонуннинг мақсади, унинг қўлланилиш соҳаси, оммавий ахборот воситалари

тўғрисидаги қонун ҳужжатларига бағишланган моддалар киритилди. Бу ўзгаришлар ўз навбатида қонуннинг қўлланиш доирасини янада аниқлаштиришга хизмат қилади.

Қонуннинг 4-моддасида оммавий ахборот воситалари тушунчасига мазкур институт ривожланишининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб, тамомил янгича мазмунга эга бўлган таъриф берилди. Унга биноан, «Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситалари» ҳисобланади. Олдинги қонундан фарқли ўлароқ, янги таҳрирдаги қонунда ҳозирги кунда ахборот соҳасида ўзининг оммавийлиги, тезкорлиги ва кенг қамровлилиги билан ҳаётимизга тобора тез кириб келаётган умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб-сайтлар ҳам оммавий ахборот воситалари сифатида белгиланди. Ушбу моллада, шунингдек, оммавий ахборот воситаси сифатида маълум бир даврийликка, яъни олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган воситаларгина тан олингани белгиланган.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида оммавий ахборот воситалари барқарор фаолият юритиши ва мустақиллиги кўп жиҳатдан таҳририят билан муассис ўртасидаги муносабатларнинг қай даражада ўрнатилишига боғлиқ. Янги таҳрирдаги қонуннинг 12-моддаси айнан муассис ва таҳририят ўртасидаги шартномага оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, аввалги қонундан фарқли ўлароқ, улар ўртасида тузиладиган шартномада акс этиши лозим бўлган талабларни аниқ, алоҳида бандларга ажратган ҳолда ифода этади.

Ушбу қонуннинг 15-моддасида оммавий ахборот воситалари таҳририяти тушунчасига ҳам таъриф берилади, яъни таҳририят оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини амалга оширувчи юридик шахс ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади, шунингдек, у қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин. Мазкур моддада, шу билан бирга, таҳририятнинг ўз касб фаолиятида мустақил эканлиги кўрсатиб ўтилган ва унинг оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтқа-

зилганидан кейин ўз фаолиятини бошлаши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Қонунда ахборотни рўйхатдан ўтказмаган ҳолда тарқатиш тартиби билан боғлиқ масалаларга янада ойдинлик киритилди. Хусусан, унинг 21-моддасида рўйхатдан ўтказилиши талаб этилмай фаолият юритиши мумкин бўлган оммавий ахборот воситаларининг турлари кенгайтирилди, яъни унга кўра:

— фақат ўз расмий хабарлари ва материалларини, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини эълон қилиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситалари;

— корхона, муассаса, ташкилотнинг (шу жумладан ўқув ва илмий муассасанинг) ўз эҳтиёжларини қондириш учун адади юзгагача нусхада чоп этиладиган даврий босма нашрлар;

— кабель тармоқлари орқали олиб бериладиган (кўрсатиладиган) теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, шунингдек, тарқатилиши бир корхона, муассаса, ташкилот (шу жумладан ўқув ва илмий муассаса) биноси ва (ёки) ҳудуд билан чекланалган аудио-, аудиовизуал хабар ва материаллар рўйхатдан ўтказилиши талаб этилмайди.

Бу эса, ўз навбатида, юқорида кўрсатиб ўтилган ахборот субъектларининг фуқароларни ахборотга бўлган эҳтиёжларини кенгроқ қондириш борасидаги фаолият доирасини кенгайтириш учун зарур имкониятлар яратади.

Янги таҳрирдаги қонуннинг 22-моддаси оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказишни рад этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, у аввалги қонундаги мазкур муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормадан (15-модда) жиддий фарқ қилади. Хусусан, олдинги қонунда оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказишга рад этиш асослари бўлган қуйидаги икки ҳолат, яъни: 1) ариза суднинг оммавий ахборот воситаси фаолиятини тугатиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганига бир йил тўлмай берилган бўлса; 2) оммавий ахборот воситаси муассисининг ёки муассисларидан бирининг ёхуд ноширнинг маъзили Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса, деб белгиланган талаблар янги таҳрирдаги қонуннинг ушбу моддаси доирасидан чиқариб ташланди. Бу эса оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказишни рад этиш асослари доирасининг анча камайгирилишига ва оммавий ахборот воситаларини таъсис этувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгроқ таъминлашга қаратилган. Олдинги қонун-

дан фарқли ўлароқ, янги таҳрирдаги қонуннинг 25-моддасида оммавий ахборот воситалари маҳсулоти тушунчасига таъриф берилган. Унга биноан, оммавий ахборот воситаларининг маҳсулоти деганда, «даврий босма нашр алоҳида сонининг адади ёки ададининг бир қисми ёхуд теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурларнинг ва оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа электрон тарздаги алоҳида «чиқарилиши» тушунилиши кўрсатиб ўтилган. Мазкур қоида ҳуқуқни қўлловчилар учун оммавий ахборот воситалари томонидан ишлаб чиқиладиган ёки тайёрланадиган маҳсулотлар деганда нимани тушуниш лозимлигига муайян аниқлик киритали.

Ушбу қонуннинг муҳим янгиликларидан яна бири унинг 27-моддасида ифодасини топган бўлиб, унга кўра даврий босма нашрнинг электрон шакли даврий босма нашрни тарқатиш усулларида бири сифатида кўрсатилган. Яъни, «тегишли даврий босма нашрнинг босма ва электрон шакллариининг мазмуни ва айнан бир хил бўлган ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган тақдирда даврий босма нашр таҳририяти даврий босма нашрнинг электрон шаклини мустақил оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказмасдан тарқатишга ҳақли», деб белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, қонуншунос даврий босма нашр таҳририяти даврий босма нашрнинг электрон шакли тарқалиши тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи органи ёзма шаклда хабардор қилиши шартлигини ҳам кўрсатиб ўтган. Ушбу янги норма оммавий ахборот воситалари томонидан етказиб бериладиган ахборотлардан тегишли веб-сайтлар орқали дунёнинг исталган жойидан фойдаланиш ҳамда муштариолар доирасини кенгайтириш имкониятини туғдиради.

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, ушбу қонун демократик институтлардан бири ҳисобланган оммавий ахборот воситалари фаолиятини замон талаблари асосида янада ривожлантиришга қаратилгандир. Чунки мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, олиб борилаётган ислохотларнинг сифати ва самараси жамоатчилик фикрининг ҳолатига боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда муайян ижтимоий институтларга, хусусан оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилади.

Бугун олдимизда ўзбек оммавий ахборот воситаларини жаҳон матбуотининг энг илғор ва замонавий андозаларига чиқариш, шу билан бирга миллий ўзига хос шакл ва мазмунни қарор топтиришдек муҳим вазифа турибди. Шу мақсадда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини

тартибга солишга қаратилган ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда демократик талабларга жавоб берадиган қонунчилик тизимини яратиш ва уни доимий тарзда шакллантириб бориш, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сўз эркинлиги ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи принципларининг изчил ва тўлиқ бажарилишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунчиликни янада шакллантиришга қаратилган юқоридаги қонун бу борада амалга оширилаётган изчил сиёсатнинг мантиқий давомидир.

ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

2006 йил 20 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни эълон қилинди. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш ва чет эл инвесторларининг мамлакатимизга ўз сармояларини жалб этиш даврида божхона қонунчилигини такомиллаштириш, ушбу хизмат тизимида ҳам муайян таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши замон талабидир. Қабул қилинаётган қонунларнинг такомиллашган, бекаму-қўст бўлиши эса уларнинг инсон манфаатлари учун ижобий хизмат қилишига олиб келади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган қонун ижодкорлигини ривожлантириш уни умумэътироф этилган халқаро андозаларга мутаносиб такомиллаштириб борилаётганлигининг яққол миқсолидир. Айниқса, қонун лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасида кенг муҳокама қилиниши, бунда мутахассис ва амалиётчилар фаол иштирокининг аҳамияти катта бўлмоқда. Қонунларнинг ислохотлар натижасида икки палата томонидан муҳокама қилиниши, бунда жамоат ва давлат ташкилотларининг илмий ва амалий фикрлари ўрганилаётганлиги, қолаверса ҳар бир қонун унинг лойиҳа ҳолатидан то тасдиғигача бўлган босқичларида асосланган илмий тадқиқ қилиниши эришилган яна бир ютуқ бўлди.

2006 йил 9 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-302 сонли Қарори қабул қилинган эди. Мазкур Қарорни қабул қилишдан асосий мақсад республика божхона

органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, божхона комплекслари ва постларида божхонага оид қонун ҳужжатларига риоя этиш устидан назоратни кучайтириш, шунингдек божхона органлари хизматига қабул қилиш ва уни ўташ тизимини такомиллаштиришдан иборатдир.

Қарорнинг иккинчи бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппаратининг кадрлар боли бошқармаси таркибида штатлар сони 15 кишидан иборат бўлган божхона комплекслари ва постларини назорат қилиш бошқармаси ташкил этилиб, қуйидагилар ушбу бошқарма фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилаб берилади:

— божхона комплекслари ва постлари шахсий таркиби томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган қоидабузарликларнинг одини олишга, ўз хизмат вазифаларини бажариш учун ҳар бир ходимнинг шахсий жавобгарлигини оширишга қаратилган чоратадбирлар комплексини амалга ошириш;

— Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтладиган юклар ва транспорт воситаларини рўйхатга олиш, кўздан кечириш, божхонада расмийлаштириш ҳамда божхона назорати остида етказиб бериш тартиб-қоидаларига риоя этиш бўйича божхона комплекслари ва постлари зиммасига юкланган вазифалар сўзсиз бажарилишини назорат қилиш;

— божхона комплекслари ва постлари ходимларининг касбий билим савиясини баҳолаш, уларнинг малакасини ошириш чораларини кўриш;

— божхона комплекслари ва постларининг малакали ҳамда ҳалол мутахассислар билан тўлдирилганлигини ўрганиш ва бунинг учун номзодларни танлаш.

Қайд қилинган Қарор талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунига, хусусан унинг 3-моддаси олтинчи қисми, 8-моддаси тўртинчи қисми ҳамда 10-моддасига ўзгартишлар киритиш зарурияти туғилганлиги боис, қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, барча босқичларда чуқур таҳлил этилгач, имзоланиб эълон қилинди. Бундан ташқари, мазкур қонуннинг қабул қилиниши 2003 йил 24 апрелдаги 470-II сон «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ва 2003 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси қонуни янги таҳрирининг кучга кириши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 февралдаги Ф-2188-сонли Фармойиши талабларига мувофиқ келади.

Қонуннинг I-моддаси биринчи бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси мазкур аппарат ходимларининг чекланган сони билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиши, Давлат божхона қўмитаси тўғрисидаги Низом, шунингдек унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари аппаратининг, ихтисослаштирилган божхона комплекслари ва постларининг намунавий тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди. Эндиликда божхона органларида хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиши, божхона органларининг мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган божхона органларининг интизомий устави билан белгиланади.

«Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддаси янги таҳририга биноан, божхона органларининг мансабдор шахслари улар эгаллаб турган лавозимларга ҳамда неча йил ишлаганликларига қараб, қуйидаги махсус унвонлар берилди: кичик таркиб — божхона хизматининг кичик сержанти, божхона хизматининг сержанти, божхона хизматининг катта сержанти; ўрта бошлиқлар таркиби — божхона хизмати лейтенанти, божхона хизмати катта лейтенанти, божхона хизмати капитани; катта бошлиқлар таркиби — божхона хизмати майор, божхона хизмати подполковниги, божхона хизмати полковниги; олий бошлиқлар таркиби — божхона хизмати генерал-майори, божхона хизмати генерал-лейтенанти, божхона хизмати генерал-полковниги. Махсус унвонлар бериш ва улардан маҳрум этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик тизимининг такомиллашуви, уларни амалда қўллаш механизмининг самарадорлиги миллий истиқлол ғоясида акс этган буюк мақсадларга эришишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚИШ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КИРИШ ВА МАМЛАКАТИМИЗДА БЎЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йилнинг 30 ноябрь ва 1 декабрь кунлари бўлиб ўтган саккизинчи ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар маъқулланди. 2006 йилнинг 16 декабрида ана шу қонунлардан бири — «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни матбуотда расман эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Ушбу қонунни қабул қилишдан асосий мақсад қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун белгиланган маъмурий ва жиноят қонунчилиги санкцияларини кучайтириш орқали бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқароларининг қонунчиликка риоя қилишларини таъминлаш чораларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Мазкур Қонун уч моддадан иборат бўлиб, унга асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 223-моддасининг биринчи қисми санкцияси, 224-моддасининг бириинчи, иккинчи ва учинчи қисми санкцияларига, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 225-моддаси биринчи, иккинчи ҳамда учинчи қисми санкцияларига ўзгартишлар киритилди. Қонунни қўллаш амалиёти таҳлилларига кўра қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганликдан иборат ҳуқуқбузарликлар кўплаб содир этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотига биноан, 2005 йилда 16376 нафар шахс, шу жумладан 15646 нафар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда 730 нафар фуқароларимиз ушбу соҳада маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган.

Қонунчилигимизда бундай турлаги ҳуқуқбузарликлар учун жазо тариқасидаги жариманинг кам миқдорда белгиланганлиги кутилган самара бермаяпти ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини ололмаяпти. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Жиноят

кодексининг белгиланган тартибини бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи 223-моддаси санкциясидаги энг кам иш ҳақининг эллик бара-варидан юз бараваригача миқдорда белгиланган жарима жазо-си энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз барава-ригача бўлган миқдор билан алмаштирилди.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ко-дексининг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи 224-моддаси биринчи қисми санкциясидаги энг кам иш ҳақининг эллик бара-варидан юз бараваригача миқдорда белгиланган жарима жазоси икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача бўлган миқ-дорга, иккинчи қисми санкциясидаги энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда белгилан-ган жарима жазоси уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача бўлган миқдорга, учинчи қисми санкциясидаги энг кам иш ҳақининг эллик бара-варидан юз бараваригача миқдорда белги-ланган жарима жазоси эса икки юз бараваридан тўрт юз бара-варигача бўлган миқдорга ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғри-сидаги кодексининг чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бу-зиши, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжат-ларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақ-тинчалик ёки доимий прописка, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, муддати туга-гач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тарти-бига риоя қилмаганлиги учун жавобгарликни белгиловчи 225-мод-даси биринчи қисми санкциясидаги энг кам иш ҳақининг ўн бара-варигача миқдорда белгиланган жарима эллик бара-варидан юз бараваригача бўлган миқдор билан алмаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғриси-даги кодексининг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг мансабдор шахс томони-дан бузилиши учун жавобгарликни назарда тутувчи 225-мод-даси иккинчи қисми санкциясидаги энг кам иш ҳақининг беш бара-варидан ўн беш бараваригача бўлган миқдорда белгилан-

ган жарима йигирма бараваридан юз эллик бараваригача бўлган миқдорга ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томонидан мазкур фуқароларнинг вақтинча пропискадан ўтишларини, шунингдек улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач чиқиб кетишларини таъминлашга доир чоралар кўрилмаслиги, шунингдек уй-жой, транспорт воситалари бериб қўйилиши ёхуд бошқа хизматлар кўрсатилиши (агар бу Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келиши олдиндан аён бўлса) учун жавобгарликни белгиловчи 225-моддаси учинчи қисми санкциясидаги энг кам иш ҳақининг икки бараваридан ўн беш бараваригача бўлган миқдорда белгиланган жарима ўн бараваридан юз бараваригача бўлган миқдор билан алмаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг амалда самарали татбиқ этилиши мамлакатимиз хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқароларининг қонунчиликка риоя қилишларини янада кучайтириш ва пировардида фуқароларимизнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

МУАЛЛИФЛИК ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ КАФОЛАТЛАРИ

Маълумки, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2006 йил 30 ноябрда маъқулланган ва 2007 йил 17 январдан кучга кирди.

Ушбу қонунни қабул қилиш зарурияти шу билан изоҳланадики, 2006 йил 20 июлда «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормаларини унга мувофиқлаштиришни талаб этди.

Мазкур қонун асосида Фуқаролик кодексининг бир қатор нормаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар татбиқ этилади. Муаллифлик ҳуқуқи бирон-бир объектив шаклда бўлган ошкор қилинган асарларга ҳам, ошкор қилинмаган асарларга ҳам татбиқ этилади.

Қонунда белгиланган талабларга жавоб берадиган асарнинг мустақил равишда фойдаланилиши мумкин бўлган қисмлари (шу жумладан унинг номи); ҳосила асарлар (таржималар, ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хулосалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар, соддалаштиришлар ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларининг бошқа қайта ишланмалари); тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган бошқа жамлама асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади.

Ҳосила ва жамлама асарлар, уларнинг яратилиши учун асос бўлган ёки уларнинг таркибига кирган асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинади. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлиб расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар ва шу кабилар), шунингдек уларнинг расмий таржималари; расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва шу кабилар); халқ ижодиёти асарлари; оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ёки жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар; инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти амалга оширилмасдан муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар ҳисобланмайди.

Маълумки, асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади. Фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик ҳуқуқи уни яратиш факти бўйича юзага келади. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмийликка риоя этиш талаб қилинмайди. Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

Асар имзосиз ёки тахаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг тахаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдир-

майдиган ҳоллар бундан мустасно), асарни чоп этган, асарда исми ёки номи кўрсатилган ношир, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эгалир. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунига ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунига қадар амалда бўлади.

Ҳосила асар муаллифига фан, адабиёт ва санъат асарининг мазкур муаллиф томонидан амалга оширилган қайта ишланмасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи тегишлидир. Ҳосила асар муаллифи қайта ишланган асар муаллифи ҳуқуқларига риоя этган тақдирда ўзи яратган асарга муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади. Ҳосила асар муаллифининг муаллифлик ҳуқуқи қайта ишлашга асос бўлган асарни бошқа шахслар ҳам қайта ишлашларига тўсқинлик қилмайди.

Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (аудиовизуал асарларни тайёрловчилар, энциклопедия ноширлари, продюсерлар ва бошқа шу кабилар) тегишли асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилмайди. Бироқ Фуқаролик Кодексида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда бундай шахслар ана шу асарлардан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин. Аудиовизуал асарни тайёрловчи бу асардан фойдаланганда ўз исми ёки номини кўрсатишга ёхуд исми ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир. Энциклопедиялар, энциклопедик луғатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журналлар ҳамда бошқа даврий нашрлардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар уларнинг ноширига тегишлидир. Бундай нашрлардан ҳар қандай тарзда фойдаланилганда ношир ўз исми ёки номини кўрсатишга ёхуд исми ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир. Бундай нашрларга киритилган асарларнинг муаллифлари, агар муаллифлик шартномасида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса, умуман нашрдан қатъи назар, ўз асарларидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Асар муаллифининг шахсий номулкий ҳуқуқларига асар муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи); асардан муаллифнинг ҳақиқий исми, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёхуд исминини кўрсатмасдан, яъни имзосиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқи (муаллифлик исмига бўлган ҳуқуқ); асарни ҳар қандай шаклда ошкор қилиш ёки ошкор қилишга рухсат бериш ҳуқуқи (ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ),

шу жумладан қайтариб олиш ҳуқуқи; асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва қадр-қимматиға зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи (муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи) кабилар киради.

Муаллиф асарни ошкор қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қароридан, асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларға улар шундай қарор туфайли кўрган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш шарти билан, воз кечиш ҳуқуқиға (асарни қайтариб олиш ҳуқуқиға) эгадир. Агар асар ошкор қилинган бўлса, муаллиф уни қайтариб олганлиги тўғрисида оммага маълум қилиши шарт. Бунда у асарнинг аввал тайёрланган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишға ҳақлидир. Бу қоидалар, агар муаллиф билан тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хизмат асарларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланишда асарнинг ўзига, номиға ва муаллифнинг исми кўрсатилишиға бирон-бир ўзгартиш киритишға фақат муаллифнинг розилиги билан йўл қўйилади. Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар, сўзбоши, хотима, шарҳлар ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари, унинг мулкый ҳуқуқларидан қатъи назар, унга тегишли бўлиб, асардан фойдаланишға бўлган мутлақ ҳуқуқлар бошқа шахсға ўтказилган тақдирда ҳам унинг ўзида сақланиб қолади.

Муаллиф ўз асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқиға (ҳақ олиш ҳуқуқи) эга. Агар чоп этилган асарнинг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсға ўтказиш воситасида фуқаролик муомаласиға қонуний киритилган бўлса, уларнинг бундан буёнги тарқатилишиға муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўланмаган ҳолда йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадға қаратилмаганлигидан қатъи назар, асардан фойдаланилган деб ҳисобланади. Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қоидаларни (кашфиётларни, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий қўллаш асардан муаллифлик ҳуқуқи маъносида фойдаланганлик деб ҳисобланмайди.

Муסיқа асарларини расмий, диний ва дафн маросимларида, бундай маросимларнинг хусусиятига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўланмаган ҳолда омма олдида ижро этишга йўл қўйилади. Шунингдек, асарлардан суриштирув, дастлабки тергов, маъмурий ва судлов ишларини юритиш мақсадларини кўзлаб, фойдаланиш мақсадига мос ҳажмда муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ҳамда ҳақ тўланмаган ҳолда фойдаланишга йўл қўйилади. Хизмат вазифаларини ёки хизмат топшириғини бажариш тартибида яратилган асарга (хизмат асарига) бўлган муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари асар муаллифида сақланиб қолади. Хизмат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, агар муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, иш берувчига тегишлидир. Хизмат асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади. Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар ошкор қилинган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса ундан ҳам олдин-роқ асардан фойдаланиш ва ҳақ олиш ҳуқуқини тўлиқ ҳажмда қўлга кирилади. Муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган усулда фойдаланиш ҳуқуқи чекланмайди. Иш берувчи хизмат асаридан ҳар қандай тарзда фойдаланишда ўз номини кўрсатишга ёхуд уни кўрсатишни талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий турар жойга эга бўлган муаллифларнинг ёки муаллифлик ҳуқуқининг бошқа дастлабки эгаллик қилувчиларининг асарларига; муаллифларининг фуқаролиги ва доимий турар жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида биринчи марта чоп этилган асарларга; Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган асарларга муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади.

Агар асар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида биринчи марта чоп этилган санадан сўнг ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чоп этилган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳам биринчи марта чоп этилган деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ асарга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муҳофаза берилган тақдирда, асар муаллифи муаллифлик ҳуқуқини олиш

учун асос бўлиб хизмат қилган юридик факт қайси давлатнинг ҳудудида содир бўлган бўлса, ўша давлатнинг қонуни билан аниқланади.

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилиши мумкин. Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган охириги шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Тахаллус остида ёки имзосиз қонуний ошкор қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар ошкор қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исмига бўлган ҳуқуқ ва муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи муддатсиз муҳофазат қилинади.

Асарларга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаши уларнинг ижтимоий мулкка айланишини билдиради. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳеч қачон муҳофазат берилмаган асарлар ижтимоий мулк ҳисобланади. Ижтимоий мулк бўлган асарлардан ҳар қандай шахс ҳақ тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда муаллифнинг шахсий номлиқ ҳуқуқларига риоя этилиши керак.

Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида ёки мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин. Мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фақат ушбу ҳуқуқлар ўтказилаётган шахс асардан муайян усулда ва шартномада белгиланган доирада фойдаланишига рухсат беради. Мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси фойдаланувчига асардан шундай ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказган мутлақ ҳуқуқлар эгаси ва (ёки) бу асардан айна шундай усулда фойдаланиш учун рухсат олган бошқа шахслар билан тенг равишда фойдаланишга ижозат беради. Муаллифлик шартномаси бўйича бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқлар, агар шартномада бевосита бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, мутлақ бўлмаган ҳуқуқлар ҳисобланади. Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар акс эттирилган моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ эмас.

Моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқини ёки моддий объектга эгалик қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш шу объектда акс эттирилган асарга бўлган бирон-бир муаллифлик ҳуқуқининг ўз-ўзидан бошқа шахсга ўтказилишига сабаб бўлмайди.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган аниқ ҳуқуқлар); асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари назарда тутилиши лозим.

Муаллифлик шартномаси тарафлар зарур деб топган бошқа шартларни ҳам назарда тутиши мумкин. Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, агар фойдаланувчи шартнома бекор қилингунига қадар камида олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин. Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси кўрсатилиши шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади. Бошқа шахсга ўтказилиши муаллифлик шартномасида тўғридан-тўғри назарда тутилмаган асардан фойдаланиш ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказилмаган деб ҳисобланади. Шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақида ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар муаллифлик шартномаси предмети бўлиши мумкин эмас. Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоииз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади. Мазкур ҳақнинг энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Агар асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида ҳақ тўлаш қатъий сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп адади белгилаб қўйилиши шарт. Муаллифлик шартномаси бўйича ўтказилган ҳуқуқлар бундай шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Муаллифлик

шартномасининг муаллифни келгусида мазкур мавзуда ёки мазкур соҳада асарлар яратишини чеклайдиган шарти ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни амалга ошириш кафолатлари ижодий фаолият билан шуғулланувчи субъектлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТИ

Маълумки, ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш бош стратегик мақсад этиб белгиланди. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маънавиятимиз қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлай олиши эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида шундай деб таъкидлайди: «Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига қўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида, барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт».

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда энг муҳим омиллардан бири бўлиб унинг институционал қисми бўлган нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳисобланади. Мамлакатимизда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи нодавлат-нотижорат ташкилотларининг нуфузи ва таъсирини оширишга катта эътибор берилётганлигини шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва

фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосини шакллантириш, ташкилий-техникавий, моддий шарт-шароитларни, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигининг самарали усул-услугларини вужудга келтириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда нодавлат-нотижорат ташкилотлари самарали фаолият кўрсатиши учун зарур ишончли кафолат вазифасини бажарувчи ҳуқуқий базани шакллантириш ва ривожлантиришга давлатимиз раҳбарияти алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шу боис, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг Асосий қонуни бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий пойдеворини ўрнатиш, унинг асосий қонда ва талабларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топишига алоҳида урғу берилди.

1991 йилда «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, 1999 йилда эса «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, айрим нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солишчи «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинди. Матбуотда эълон қилинган «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам демократик кадриятларни мустаҳкамлашда, аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда фаол иштирок этаётган нодавлат-нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш бўйича бошланган ишларнинг изчил давомидир.

Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини алоҳида қонун қабул қилиш орқали кафолатлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ўзини илғор демократик давлатлар сафида ҳисоблайдиган мамлакатларда ҳам кузатилмайдди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон демократик тараққиёт сари собитқадам илдамлаётган давлат сифатида мазкур масалага юксак даражада аҳамият бераётганидан далолатдир.

«Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги 24-сонли Қарори билан тасдиқланган концепцияга асосан ишлаб чиқилди. Концепцияда мамлакатни модернизация қилиш учун танланган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» моделига хос энг муҳим принципни амалга ошириш, энг муҳим давлат қарорлари қабул қилинишида сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида нодавлат-нотижорат ташкилотларига давлат томонидан бериладиган асосий ёрдам шакллари (субсидиялар, грантлар ва бошқалар), жамоат тузилмалари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини мазкур қонунда ифода этиш вазифаси белгиланган эди.

Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлаш ва муҳокама қилиш жараёнларида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кўплаб нодавлат-нотижорат ташкилотлари, халқаро экспертлар, мутахассислар, олимлар фаол иштирок этдилар. Қонун 5 боб, 18 моддадан иборат бўлиб, умумий қоидалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий кафолатлари, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, яқуний қоидалар бобларига бўлинади.

Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятига кафолатлар бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, нодавлат-нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш қонуннинг мақсадини ташкил этади.

Қонуннинг 4-моддасида давлат нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлаш, уларни қўллаб-қувватлаш шакллари ва шартларини белгилаш, юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу ташкилотлар фаолиятини молиявий ёки бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлаши белгиланган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий кафолатлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- фаолият эркинлиги кафолатлари;
- ахборотдан фойдаланиш кафолатлари;
- мулк ҳуқуқи кафолатлари.

Шу билан бир қаторда, қонунда мазкур ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш усуллари сифатида уларнинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш, интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш, давлат органларининг ғайриқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилиш каби қоидалар мустақкамланган.

Маълумки, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўз номидан келиб чиқиб, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ташкилотлардир. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадлар маълум бир миқдордаги моддий, молиявий сарф-харажатларни талаб этади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш, қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу уларнинг мустақил фаолият юритиши ва ривожланиши учун асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Барча нодавлат-нотижорат ташкилотларига, уларнинг тури ва мақсадидан қатъи назар, жамиятимизда фаолият олиб бориши учун давлат зарур шарт-шароитларни яратиб бериши лозим. Айтиш мумкинки, бу — жамиятни том маънода демократлаштириш гарови ҳамдир. Шунинг учун ҳам қонуннинг 4-бобида назарда тутилган нодавлат-нотижорат ташкилотларининг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари, яъни субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида қўллаб-қувватлаши мумкинлиги мазкур қонуннинг муҳим бўлган қоидаларидан биридир.

Қонуннинг 12-моддасига кўра давлат субсидияси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан нодавлат-нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун бериладиган ва махсус лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган молиявий ёки бошқа кўмакдир.

Қонуннинг 13-моддасига кўра давлат гранти нодавлат-нотижорат ташкилотларига ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун танлов асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бериладиган пул маблағлари ва моддий ресурслардир.

Қонуннинг 14-моддасига кўра давлат ижтимоий буюртмаси нодавлат-нотижорат ташкилотларига ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат органи ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўртасида шартнома тузиш орқали ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказишга қаратилган давлат топшириғидан иборатдир. Давлат субсидияси, давлат гранти, давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартиби ва шартларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Мазкур қонуннинг нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятига кафолат берувчи муҳим нормаларидан бўлиб, қонунларда назарда тутилганидан бошқа ҳолларда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақиллиги, уларга ҳисобот бермаслиги ва назорати остида бўлмаслиги, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашish тақиқланиши (5-модда), қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқа ҳолларда нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборот бепул берилиши (6-модда), нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилишда давлат божини тўлашдан озод этилишлари (10-модда) ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун нодавлат-нотижорат ташкилотларининг жамиятимизда фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида уларнинг эркин, мустақил ҳолда тенг шароитларда фаол иштирок этишлари учун муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади.

ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллиги ва самарадорлиги тегишли муносабатларни тартибга солишчи, белгиловчи ва фаолиятни йўналтиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий базанинг яратилиши билан узвий боғлиқдир. Бу борада эса бугунги икки палатали Парламент шароитида ҳаётимизнинг барча жабҳаларини, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш борасида пухта-пишиқ қонунлар яратилаётганлигига кўпчилигимиз гувоҳмиз.

Шу ўринда, Президентимизнинг «Демократия — бош йўлимиз» номли маърузасида: «Хуқуқ органлари фаолиятининг қонуний негизини мустаҳкамлашимиз зарур. Албатта, уларнинг мураккаб ўтиш даврида қонун, ҳуқуқ-тартиботга бўйсунитишни таъминлагани, МДХдаги айрим давлатларда юз берганидай, жиноятчиликнинг ҳаддан ташқари кучайиб кетишига йўл қўймаганини эътироф этиш керак. Шу билан биргаликда, биз ҳар ким ва ҳар бир нарса қонунга бўйсунитиш лозим бўлган ҳуқуқий давлат қурмоқчимиз. Бизнинг жамиятда қонун бошқарувнинг асосий ва кўп қиррали воситасига айланиши зарур. Бундай шароитда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари зиммасига катта масъулият юкланади. Уларнинг касб маҳорати ва ахлоқий сифатларига бўлган талаб кескин ошади. Шундан келиб чиққан ҳолда, суд, прокуратура, милиция тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириб бориш зарурати тобора кўзга ташланмоқда», — деган фикрларини айтиш жоиз. Бу борада, бугунги кунда яхши анъанага айланган давлат идоралари ходимлари байрами кунини Қонун қабул қилиш орқали белгиланиши, ўз навбатида, уларга юксак ишонч ва масъулиятни юклайди. Бунга эса яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонунни мисол келтириш мумкин.

Мазкур Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2006 йил 27 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган. Қонун лойиҳаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 29 ноябрда қабул қилиниб, шу кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига маъқуллаш учун тақдим этилган. Қонун Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 1 декабрдаги саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланди ва 2006 йил 7 декабрдан кучга кирди.

Ушбу қонуннинг 1-моддасига биноан, 25 октябрь Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгиланди. Шу ўринда, савол тугилади. Нима учун айнан 25 октябрь мамлакатимизда ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами сифатида белгиланди?

Авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йилнинг айнан 25 октябрдаги Қарори билан «Ўзбекистон ССР иттифоқ — республика Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилганлиги» боис, ушбу сананинг бу соҳада хизмат кўрсатувчи ходимлар учун тарихий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканли-

гини кўрсатди. Шунингдек, ушбу Қарор билан ички ишлар идоралари фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, ўтган мустақиллик йилларида мазкур ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора фаолиятини, хусусан таркибий тузилмаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, хизматни тўғри ташкил этиш каби йўналишларни янада такомиллаштириш мақсадида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йилнинг март ойидаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фармоннинг ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг олтинчи қарори қабул қилинганлиги ушбу соҳада қуйидаги туб ижобий ўзгаришларнинг амалга оширилишига олиб келди:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Криминал, уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш бўйича чоралар тўғрисида»ги қарори (2001 й. апрель) га асосан, ИИБнинг марказий ҳамда туман ИИБларига бўлган барча бўғинларидаги тезкор хизматларнинг ташкилий тузилиши кўриб чиқилди. Хусусан, Вазирлик Жиноят-қидирув бош бошқармаси ва Коррупция, рэкёт ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси негизида Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси ташкил этилди. Шунингдек, мазкур соҳанинг Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИБ, вилоятлар ва Нақлиёт ИИБларида алоҳида бошқармалари; шаҳар, туман ИИБларида жиноят-қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими (бўлинма)лари ташкил этилди. Бундан ташқари, Қарорда Ички ишлар идораларининг жиноятчиликка қарши курашишдаги вазифалари ҳамда тезкор хизматларнинг устувор вазифалари аниқ белгиланди;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар вазирлиги тергов бўлинмаларининг жиноятчиликка қарши курашдаги ролини кучайтириш тўғрисида»ги (2001 й. май) Қарорига биноан, ИИБ Тергов бошқармаси негизида Тергов бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИБ, вилоятлар ва Нақлиёт ИИБларида тергов бўлимлари бошқармаларга айлантирилди. Шунингдек, ҳудудий ички ишлар идоралари тергов бошқармалари бошлиқларига ИИБ бошлиғининг ўринбосари мақоми берилди. Ушбу мантикий ўзгариш ички ишлар идораларининг

қуйи бўғинларида ҳам амалга оширилди. Шунингдек, мазкур Қарор билан тергов идоралари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи ҳужжат — «Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов бош бошқармаси ҳақида»ги Низом тасдиқланди;

учинчидан, «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (2001 й. май) қарорига мувофиқ, Вазирлик таркибидаги Давлат автомобиль назорати тузилмалари негизида Вазирлик Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Наҳлиёт ИИБлари тизимида бошқармалар ташкил этилди. Шунингдек, мазкур хизмат соҳасининг асосий вазифалари белгиланди ҳамда тегишли Низом тасдиқланди. Бундан ташқари, ходимлар сони қисқартирилиб, профилактик хизматни мустаҳкамлашга эътибор берилди;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат тартибини сақлаш ва Патруль-пост хизмати фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Қарори (2001 й. май) билан муайян ходимлар сонига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси ИИБ Патруль-пост хизмати ва Жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси ҳамда тегишли ҳудудий ИИБларида бошқарма ва бўлимлар ташкил этилди. Албатта, ушбу Қарор билан мамлакатда жамоат тартибини сақлаш, ўз вақтида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги профилактика хизматларининг жиноятчиликка қарши курашдаги ролини кучайтириш чоралари тўғрисида»ги Қарори (2001 й. июнь)га мувофиқ, ички ишлар идоралари профилактика хизматларининг жиноятчиликка қарши кураш тизимида марказий ўринни эгаллаши, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда умумий ва махсус ёндашувни ташкил этиш, мамлакатда ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян ишларни амалга ошириш каби вазифалар белгиланди. Бундан ташқари, ушбу Қарор билан ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси ва унга мутаносиб равишда тегишли ҳудудий ички ишлар идораларида бошқарма ва бўлимлар ташкил этилди. Энг асосийси, ҳудудий ички ишлар идораларида вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам марказлари ҳамда милиция таянч пунктлари фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, мазкур Қарор билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ёшлар ўртасида тарбиявий ва оммавий-спорт ишларини ташкил этиш, уларни кичик бизнесга қизиқтириш каби вазифалар юклатилган педагог-тарбиячи лавозими жорий этилди;

олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2001 йил июнь) Қарори талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ҳамда тегишли ҳудудий ички ишлар идораларида бошқарма ва бўлимларнинг қайта ташкил этилиши аҳолининг фавқулодда ёнғин хавфидан сақланиши ёки содир бўлган ёнғинни бартараф этиш ишларини оқилона ташкил этилишини таъминлашга хизмат қилди. Албатта, мазкур ислохотлар ички ишлар идораларининг жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш фаолиятини янада такомиллаштиришга, мазкур соҳа ходимларининг аҳоли ичига кириб боришига ва натижада фуқароларнинг ҳуқуқларини нафақат ҳимоя қилиш, балки уларнинг амалга оширилишини таъминлашда муносиб ҳисса қўшишларига олиб келди.

Шу билан бирга, бугунги кунда ижтимоий ҳаётимизда ислохотларни изчиллик билан амалга оширувчи малакали соҳа ходимларини, хусусан Ватанга ва ўз бурчига садоқатли, иқтидорли ва замон талабига жавоб берадиган етук кадрлар тайёрлаш бошқа давлат идоралари каби, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мазкур вазифани бугунги кунда мустақиллик йилларида ҳуқуқий мақоми ўзгартирилган ИИБ тизимидаги олий ўқув юрлари (ИИБ Академияси, Тошкент Олий Ҳарбий техник билим юрти, Тошкент Ёнғин хавфсизлиги Олий мактаби) муносиб бажариб келмоқдалар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йилнинг июль ойидаги «Ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Фармони билан ИИБ Академияси қошида Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курслари ташкил этилди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур Фармон билан офицерлар, сержантлар ва оддий сафдор ходимлар ўртасида хизмат вазифаларининг тақсимланиши қайта кўриб чиқилди. Ва энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизмат қилиш давлат хизматининг муҳим тури сифатида ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатда назарга тутилди.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчилик фаолиятимизнинг принципаал асослардан бири — Ўзбекистон Конституцияси муқаддимасида белгиланган «Ўзбекистон халқи: ...республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида мазкур Конституцияни қабул қилади...» деган конституциявий қонидани амалга ошириш ва унинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда таъминлашда ички ишлар идораларининг ўрни муҳим ва салмоқлидир. Албатта, ушбу тизимда амалга оширилаётган ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда ва бунда юқорида таъкидлаб ўтилган қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, бугунги жамият ва давлат тараққиёти ички ишлар идоралари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, аниқроғи «Ички ишлар органлари идоралари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарурати юзага келганлигини кўрсатмоқда. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ VI сессиясида «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» номли маърузаларида «... ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари тўғрисидаги қонунларни — судлар, прокуратура, милиция тўғрисидаги қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқларининг устуворлиги нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш керак»лигини эслаш мақсадга мувофиқдир.

Ўйлаймизки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, Ички ишлар идоралари ходимлари жамият ва давлатнинг бундай эътибор ва ғамхўрлигига, ўз фаолиятини халқ ташвиши билан ҳамнафас ташкил этиш, зиммаларига юклатилган хизмат вазифаларини виждонан бажариш, ташаббус ва масъулиятни тўла ҳис этиш билан жавоб берадилар.

II. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг IX ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар:

1. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни.

2. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

3. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

4. «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

5. «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241'-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

6. «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

7. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

8. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

9. «Йол етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

10. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

11. «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

12. «Ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

13. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

14. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

15. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

16. «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

17. «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона» тўғрисидаги Шартномани (Семипалатинск, 2006 йил 8 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

18. «Марказий Осиё Ҳамкорлиги Ташкилотининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённомани (Минск, 2006 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ IX ЯЛПИ МАЖЛИСИДА МАЪҚУЛЛАНГАН ҚОНУНЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

«ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ЯНАДА ДЕМОКРАТ- ЛАШТИРИШ ҲАМДА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИ- РИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУННИНГ АҲАМИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳоли турли қатламларининг мақсад-муддаолари ва манфаатларини ифодаловчи жамоат ташкилоти — сиёсий партиялар муҳим ўрин тутadi. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги мақсадларга изчиллик билан эришишда сиёсий партияларнинг давлат ҳамда жамият қурилиши тизимидаги роли ва аҳамиятини тубдан қучайтириш бўйича изчил, босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилди.

Ушбу соҳадаги ислохотларни мустақиллик давридаги тарихий ривожланишдан келиб чиқиб, шартли равишда икки босқичга ажратиш мумкин. Бу босқичларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида муҳим ўрин эгаллади.

Дастлабки босқич (1991—2000 йиллар). Мазкур босқич мустақил Ўзбекистон сиёсий тизими пойдеворини барпо этиш соҳасида пухта ва жиддий иш олиб борилган давр бўлди. Маълумки, истиқлолгача юртимизда ҳақиқий маънодаги сиёсий партия ҳамда кўппартиявийлик бўлмай, якка мафкура, ягона партия ҳукмронлиги ўрнатилган эди. Фақат мустақилликка эришилгандан кейингина мамлакатимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги конституциявий асосда белгиланиб, ҳақиқий маънодаги сиёсий партиялар фаолият кўрсатиши учун зарур ҳуқуқий база яратилди. Бу босқичда амалга оширилган ислохотларнинг ҳуқуқий негизини ташкил қилув-

чи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги (1991), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (1993), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги (1994), «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (1994), Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995—1996), «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги (1996), «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги (1999) қонунлар қабул қилинди. Мустақилликка эришилгач, мамлакатимиз демократия ва ҳокимиятни тақсимлаш принципларига асосланган янги давлатчиликни барпо этиш, демократик-ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни стратегик мақсад сифатида белгилади.

Ушбу босқичда кўппартиявийлик тамойили Олий Мажлис ва халқ депутатлари Кенгашлари ишига жорий этилиб, партиявий фракциялар ва гуруҳлар фаолияти қонунлаштирилди. Фракциялар орқали партиялар қонунларни ишлаб чиқишга таъсир кўрсатиб, шу тариқа давлат бошқарувига муносиб ҳисса қўшиши таъминланди. Шундай қилиб, биринчи босқичда амалга оширилган ислохотлар жараёнида республикада янги демократик сиёсий тузумнинг асослари яратилди. Бу тузум сиёсий ташкилотларнинг, мафкура ва фикрларнинг турли-туманлиги асосига қурилган бўлиб, давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлади.

Иккинчи босқич (2001—2008 йиллар). Бу босқичдаги устувор йўналишларнинг барчасини ўзига қамраб олган энг муҳим вазифа — мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини янада эркинлаштиришдан иборат бўлди. Бу босқичда мустақил ривожланиш йилларида тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш, ривожланган давлатларнинг давлат қурилиши ва бошқаруви бўйича босиб ўтган йўлини чуқур тадқиқ этиш асосида ижобий тажрибани ўтган йиллар мобайнида тўпланган миллий тажрибамиз билан уйғунлаштириш асосида жамиятимизни демократлаштириш ва янгилашнинг концепциясини, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислох этиш бўйича асосий вазифалар белгилаб олинди. Мазкур босқичда мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг ушбу босқичдаги энг долзарб вазифа сифатида ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самараси ҳисобланди.

Ушбу босқичда, аввалги босқичлардан фарқли равишда, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини тубдан кучайтириш масалаларига катта аҳамият қаратилади.

Бу босқичда амалга оширилган ислохотларнинг ҳуқуқий негизини ташкил қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» (2002), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида» (2002), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси тўғрисида» (2002), «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Конституциявий қонунлар (2003), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида» (2003), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида» (2003) «Ўзбекистон Республикаси «Вилоят, туман ва шаҳар Халқ депутатлари Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» (2003), янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» (2003), «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида» (2004), «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» (2007), «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» (2007), «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)» (2007), «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги (2007) қонунлар қабул қилинди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида» (2005), «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида» (2005) қарорлари қабул қилинди.

Мазкур даврда сиёсий партияларга қонунлар асосида берилган имкониятларнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (2005), «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (2007) қарорлари қабул қилинди.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз парламентида сиёсий партияларнинг демократик ўзгаришларни амалга оширишдаги роли ва таъсири анча ортиб, сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти тобора жонланди. Парламентда фракциялараро курашлар кучайиши самараси ўлароқ бу ҳолат жамиятда сиёсий партиялар нуфузининг ҳамда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Айни пайтда ўтган йиллар мобайнида сиёсий партиялар томонидан тўпланган тажриба, аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллигининг тобора юксалиб бораётганлиги, шунингдек, жамиятимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнининг ҳозирги босқичи давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтиришни тақозо этмоқда. Юртбошимиз қайд этганларидек, «... биз ўзимизнинг пировард мақсадимизга эришиш учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда воқеликнинг ортида эмас, балки унинг олдида юришимиз, ҳар қандай нохуш ҳаракат ва муаммоларнинг олдини олишимиз, тараққиётимиз ва демократик янгиланиш заминини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳаёт тақозо эгаётган ўзгариш ва қўшимчаларни киритишимиз зарурати бугун нечоғлик долзарб эканини англаш, тушуниш қийин эмас»¹. Шу муносабат билан Президентимиз ташаббуслари асосида парламентимиз томонидан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ҳамда «Ўзбекистон

¹ И.А. Каримов. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиздир. /Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ./ «Халқ сўзи», — 2006 йил 8 декабрь.

Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун бу борада муҳим омил ва тўртки вазифасини ўташи шубҳасиздир.

Мазкур қонунлар қабул қилинишининг заруратини қуйидагилар билан изоҳлашимиз мумкин:

Биринчидан, мустақиллик даврида танлаган миллий тараққиёт йўлимизнинг муҳим шarti бўлмиш ислохотларни амалга оширишдаги тадрижий ривожланиш тамойили асосида ислохотларни янги босқичга кўтариш зарурати юзага келганлигини эътироф этиш даркор.

Иккинчидан, юртимизда ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг муҳим йўналиши бўлган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясининг изчил равишда амалга оширилиши натижасида фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири ҳисобланадиган сиёсий партияларнинг амалий тажрибаси, сиёсий нуфузи тобора ўсиб бормоқда. Бу ўз навбатида уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш ва ҳаётимизда ҳал қилувчи сиёсий кучга айлантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосларни давр талаби асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Учинчидан, бугунги замон талаблари асосида фуқароларимизнинг сиёсий етуклиги ва ижтимоий фаоллигининг тобора ортиб бориши сиёсий ислохотларни шунга монанд тарзда янги босқичда давом эттиришни, бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришни ва фуқаролик жамиятининг муҳим шarti сифатида жамоатчилик назоратини кучайтиришни талаб қилмоқда.

Тўртинчидан, мамлакатимизда икки палатали парламентнинг ташкил этилганлиги, парламент қуйи палатасида партия фракцияларининг блоklarга бирлашиши, кўпчилик ва мухолифатга бўлиниши, ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш учун фаол ҳаракат қилаётганлиги парламентдаги депутатлар бирлашмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада демократлаштиришни ривожлантириш заруратини бугунги кун тартибига қўймоқда.

Бешинчидан, сиёсий қурилиш соҳасида шаклланган ва шиддат билан тараққий этаётган бугунги амалиёт ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим барпо этишни тақозо этмоқда ва бошқалар.

Ушбу қонунларнинг давлат ва жамият ҳаётини янгилаш ва модернизациялашдаги муҳим аҳамияти қуйидагиларда кўрилади:

Биринчидан, жамиятимиз ҳаётида ижтимоий ва сиёсий фаоллик ҳамда жамоатчилик назоратини оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, кенг кўламли ислохотларни ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар қурилишнинг мақсадли вазифаларини бажаришда, ижро этувчи ҳокимият томонидан ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтиришга олиб келади.

Учинчидан, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар таъминланади.

Тўртинчидан, ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришини белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмлар яратилади.

Бешинчидан, бугунги кунда парламент қўйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўртасида юзага келган ўзига хос конструктив рақобат муҳитини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Олтинчидан, сиёсий партия фракцияси вакилининг қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашда кафолатли ҳуқуққа эга бўлиши сиёсий партиялар фракцияларининг Олий Мажлис қўйи палатаси фаолиятини ташкил этишдаги ролини оширишда муҳим омил бўлади.

Еттинчидан, мамлакат Бош вазири, шунингдек Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокими номзодлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишинча қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар билан ҳамда маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш тартибининг жорий этилиши Қонунчилик палатасида, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партияларга, шунингдек фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан сайланган депутатларга марказда ва жойларда ижро органла-

рини шакллантириш жараёнига фаол таъсир кўрсатиш имкониятини берадиган ҳуқуқий механизмларнинг яратилишига хизмат қилади.

Саккизинчидан, мамлакат Бош вазирининг сиёсий партиялар фракцияларининг ташаббусига биноан, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг эса партия гуруҳлари ташаббуси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимидан озод қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги қоидаларнинг белгиланиши ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларининг вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг фаолияти устидан назоратини кучайтиришга олиб келади.

Тўққизинчидан, Конституциядаги Президентнинг бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи эканлиги тўғрисидаги норманинг чиқарилиши ва ушбу норма ўрнига Президент давлат бошлиғи сифатида давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши борасидаги қоидаларнинг белгиланиши давлат бошқарувини янада демократлаштириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва жойлардаги давлат органларининг зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларини амалга оширишдаги роли ва масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади ва бошқалар.

Ушбу қонунларда белгиланган қоида-талабларнинг амалга оширилиши ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич тадрижий ривожлантиришнинг натижаси сифатида фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, мазкур қонунларнинг аҳамияти фақат ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолияти билангина чекланиб қолмайди. Ушбу қонунлардаги қоидаларнинг рўёбга чиқарилиши бутун сиёсий тизимга, давлат қурилиши тизимига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар, мамлакатни демократик жиҳатдан янгилаш жараёнларига ҳам чуқур таъсир ўтказад.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида сиёсий партияларни шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, институционал ҳамда малакали кадрлар тизими ташкил топши ва изчил ривожланмоқда.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА АСОСЛАРИ

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асосиз равишда аралашувининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик, шунингдек текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, тадбиркорларни, хўжалик юритувчи субъектларни (ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар ва сотувчиларни) ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

«Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241¹-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2006 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган. 2006 йил 22 ноябрда қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва 2006 йил 24 ноябрда Сенатга тақдим этилган. 2007 йил 29 мартда Сенатнинг тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган. Қонун 2007 йил 14 апрелда матбуотда расмий эълон қилинган ҳамда шу кундан эътиборан кучга кирган. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги 2006 йил 24 майда қабул қилинган ПҚ-357-сонли Қарори асосида ишлаб чиқилган.

Қарорда 2006 йил 1 сентябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби ўрнатилиши, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда амалга оширилиши, энг муҳими, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришгача бўлган муддат кўпи билан икки иш кунини ташкил этиши қатъий белгиланди. Қарорда белгиланган талабларни бажариш мақсадида Қарорга илова — «Тадбиркорлик субъект-

ларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди.

Айнан қарорнинг 8-бандида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш назарда тутилган бўлиб, мазкур қонун ушбу талаб асосида ишлаб чиқилган. Қонуннинг асосий мақсади тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби асосий принципларини қонунчилик даражасида жорий этиш йўли билан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш учун қўшимча шароитлар яратилишини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 2001 йил 7 декабрда киритилган ҳамда 2002 йил 20 январдан кучга кирган «Қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш» учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи 241¹ -моддаси айнан тадбиркорлик фаолиятига асоссиз равишда аралашганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутди. Мазкур қонун билан ушбу моддага, яъни 241¹ -модданинг биринчи қисми диспозициясига хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш учун жавобгарликни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, аввалги таҳрирдан фарқли равишда қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган статистика ҳисоботини ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш ёки назарда тутилган ҳисоботларни тақдим этишнинг белгиланган муддатларига ҳилоф равишда талаб қилганлик учун жавобгарликнинг белгиланиши тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини амалга оширишларида уларга эркинлик бериш билан бирга, улар фаолиятини ривожлантиришни таъминлайди. Шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларни тадбиркорлик фаолиятига асоссиз равишда аралаштиришларининг олдини олади деб ҳисоблаймиз.

Юқорида киритилган ўзгартиришлар тегишли тартибда жавобгарликни белгилаш орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва қонуности ҳужжатларининг самарали ижросини таъминлашга қаратилган. Маълумки, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий

номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахслар ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ўзига хос ўринга эга бўлган субъект ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда, товарлар ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатишда ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида юридик шахслар фуқаролар (жисмоний шахслар)га қараганда кенг имкониятларга эгадир.

Юридик шахс ҳуқуқ субъекти сифатида расман фаолият олиб бориши учун у дастлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши лозим бўлади. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ юридик шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун юридик шахсларнинг очиқ бўлган ягона давлат реестрига киритилади.

Мазкур қонун билан Фуқаролик кодексининг 44-моддаси иккинчи қисмига «Давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби белгиланган юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади» жумласи киритилди. Ушбу қонуннинг киритилиши бевожуба юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланганлиги билан изоҳланади. Зеро, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли шахсларни хабардор қилиш орқали амалга оширилиши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Фуқаролик кодексининг 44-моддаси иккинчи қисмига киритилган мазкур ўзгартиришлар қонун ҳужжатларидаги ўзига хос «бўшлиқни» тўлдиришга ва тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

НИКОҲНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШНИНГ АСОСЛАРИ

Олий Мажлис қонунчилик палатасига бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси киритилган эди. Қонунчилик палатасида ҳамда Сенатда бўлиб ўтган қизгин муҳо-

камалар натижасида қабул қилинган ва маъқулланган мазкур Қонун 2007 йилнинг 7 апрелида матбуотда эълон қилинди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар замирида оилани мустаҳкамлаш, ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом қилиб тарбиялаш муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Шарқда қадим-қадимдан оила муқаллас ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир». Оила, оналик, оталик ва болалик муҳофазаси Ўзбекистон сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Қадриятларимизнинг ҳуқуқий ифодаси сифатида белгиланган оналик ва оталик иззат-иқромга ҳамда ҳурматга сазоворлиги тўғрисидаги қоида Оила кодексининг 4-моддасида ўз ифодасини топган. Зеро, оила устунлари бўлган ота ва онанинг ҳам ақдан, ҳам жисмонан етуқлиги келажак авлоднинг баркамол бўлиб етишишига замин яратади.

Маълумки, оиланинг мустаҳкамлиги, турмушнинг соғломлиги жамият ривожига бевосита таъсир кўрсатади. Республикамизда тузилаётган ҳар бир оила никоҳнинг ихтиёрийлиги, тарафларнинг никоҳ ёшига етганлиги, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлардан холилиги ҳамда никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганликлари каби шартларга асосланади.

Агарда никоҳни тузиш ихтиёрий бўлмаган бўлса (Оила кодексининг 14-моддаси), белгиланган ёшга тўлмаган шахслар ўртасида никоҳ тузилган бўлса (Оила кодексининг 15-моддаси), никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар бўла туриб никоҳ тузилган бўлса (Оила кодексининг 16-моддаси), никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитетни танқислиги вирусини (ОИТС инфекцияси) борлигини бошқасидан яширган бўлса (17-модданинг 3-қисми), шунингдек сохта никоҳ тузилган, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ тузган бўлса, бундай никоҳ Оила кодексининг 49-моддасига мувофиқ ҳақиқий эмас деб топилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Оила кодексининг 17-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди. Яъни ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланганидек,

башарти никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитети танқислиги вируси (ОИТС инфекцияси) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб судга мурожаат этиши мумкинлиги ҳақидаги норма чиқариб ташланди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасида эса ушбу кодекс 17-моддасининг учинчи қисмига ҳавола этилган норма сақланиб қолingan эди, бу эса қонунчилик техникаси қоидаларига зид ҳисобланади. Ушбу моддадаги мавжуд бўлган бу номувофиқлик судлар томонидан никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишларни кўришда бир қанча муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган эди. Бунда никоҳдан ўтган шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитети танқислиги вируси (ОИВ касаллиги)¹ борлигини иккинчи тарафдан яширган бўлса, иккинчи тараф судга никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлиб, судга ёки ФХДЁ органига никоҳдан ажратиш ҳақида мурожаат этиш имконияти таъминланмаган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг ҳуқуқий оқибатлари никоҳдан ажратишнинг ҳуқуқий оқибатларидан жиддий фарқ қилади. **Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ** эр-хотин учун Оила кодексда белгиланган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмайди. Никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкӣ-ҳуқуқӣ муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади (Оила кодексининг 56-моддаси).

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда жавобгар тараф алданган тарафга никоҳ тузиш бўйича бажарган ҳамма нарсасини қайтариб беришга, олинган нарсани асл ҳолида қайтаришнинг иложи бўлмаганида эса, унинг қийматини пул билан тўлашга, шунингдек унинг барча қилган харажатларини тўлашга мажбур бўлади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 123-моддаси).

Никоҳдан ажратишда эса алданган тараф бундай ҳуқуққа эга бўлмайди, чунки судда никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқиляётганида тўйни ўтказишга кетган барча сарф-хара-

¹ «Одам иммунитети танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1999 йил, 9-сон, 213-модда.

жатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди (Оила кодексининг 44-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 25 банди). Суднинг ҳал қилув қарорига кўра никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда никоҳ тузилган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 55-моддаси). Никоҳ суд тартибида ажратилганда, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб никоҳ тугатилган деб ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 47-моддаси). Никоҳдан ажратиш ишларини кўришда суд эр-хотинни яраштиришга ва оилавий вазиятни соғломлаштириш чораларини кўриш мақсадида эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлаши мумкин (ушбу Кодекснинг 40-моддаси). Суд томонидан никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ишларини кўришда эса эр-хотинга ярашиш учун муҳлат тайинланмайди. Амалдаги Оила кодексининг 17-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарорига асосан никоҳланувчилар тиббий кўрикдан ўтишларининг мажбурийлиги ва тартиби белгиланган. Айрим ҳолларда никоҳланувчилар тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида уларнинг бирида таносил касаллиги ёки одам иммунитетни танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) билан касалланганлигини врач хатоси оқибатида аниқлаш имконияти ўша вақтда бўлмаслиги ёки врач хулосаси сохталаштирилиши ёхуд касал ўзининг касаллигини бошқа йўллар билан яшириши мумкин. Шунингдек, тиббий кўриқдан ўтган даврдан никоҳи қонуний қайд этилгунга қадар бўлган вақт ичида юқоридаги касаллик билан касалланиш эҳтимоли борлигини, шунингдек тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида касалликнинг инкубацион даври бўлиб, ўша пайтда аниқлаш имконияти бўлмаслиги ҳолатларини инобатга олган ҳолда Оила кодексининг 49-моддаси матни қуйидаги тахрирда ўзгартирилди:

«Никоҳ қуйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади: ушбу Кодекснинг 14—16-моддаларида белгиланган шартлар бузилганда; сохта никоҳ тузилганда, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳни қайд қилдирганда; никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитетни танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини бошқасидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб билан мурожаат этса».

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Оила кодексини «Ўзбекистон Рес-

публикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги Қонунига мувофиқлаштиришдир. Яъни «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддаси учинчи қисми чиқариб ташланган бўлса-да, ушбу кодекснинг 49-моддасида 17-модданинг учинчи қисмига ҳавола этилган норма сақланиб қолган.

Оила Кодексининг 49-моддаси матни янги таҳрирда берилиши билан, *биринчидан*, кодексдаги қонунчилик техникаси талабларига риоя қилинишига; *иккинчидан*, фуқаролар, мутахассислар ва суд томонидан никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ишларини кўриш жараёнида вужудга келадиган муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига эришилади; *учинчидан*, ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан камол топтиришга қаратилган ҳуқуқий асослардан бири бўлиб хизмат қилади.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ

Мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг энг муҳим соҳалари каби йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш борасида ҳам муайян қонунчилик базаси яратилди. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида юзага келувчи муносабатларни тартибга солиш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкини муҳофаза этишни таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек атроф табиий муҳитни ҳимоя этиш мақсадида 1999 йил 19 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни мазкур соҳадаги алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлардан бири саналади. Ушбу қонунга кўра, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви ва тегishiли давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари; транспорт воситалари эгаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мажбуриятлари; йўлларни сақлаш ва таъмирлашга доир талаблар; транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарида доир талаблар; транспорт воситаларидан фойдаланишни таъқиқлаш; йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ бошқа масалаларнинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган, автомобиль транспортида халқаро, транзит ва республика ичида юklar ва йўловчиларни йил давомида бир маромда ва самарали ташишни таъминловчи умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини янада ривожлантириш, шунингдек йўл қурилишидаги инвестиция жараёни иштирокчиларининг хўжалик муносабатларини мақбуллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги ПҚ-535-сонли қарори билан «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 2007—2010 йилларда ва келажакда ривожлантириш концепцияси» тасдиқланди.

Юқоридаги қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этиш бора-сида соҳада амалий ишлар муваффақиятли кечаётганлигига ҳаммамиз гувоҳмиз. Хусусан, мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларини водий вилоятлари билан боғлайдиган Қамчиқ довонида икки тоннель қурилди. Шу билан бирга «Тошкент—Ўш», «Тошкент—Термиз», «Самарқанд—Бухоро—Олот», «Кўнғирот—Бейнов», «Тошкент—Чимён—Чорвоқ дам олиш зонаси» йўналишларида замонавий автйўллар ишга туширилди ва қайта таъмирланди. Тошкент халқа автйўлининг яхлит фаолият кўрсатишига эришилди. Амударё дарёси устида замонавий қўшма автомобиль-темир йўл кўприги, йирик аҳоли пунктларини айланиб ўтувчи йўллар, мураккаб транспорт чорраҳалари ва бир қатор бошқа объектлар қурилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида йўл хўжалиги бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, йўл қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифатини ошириш, йўл хўжалигини молиявий ресурслар билан таъминлаш ишларини янада жонлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 19 августдаги «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан Республика йўл жамғармаси «Ўзавтйўл» ДАК таркибидан чиқарилиб, Молия вазирлиги ихтиёрига ўтказилди, бунинг натижасида йўл қурилиши учун ажратилаётган маблағларнинг манзиллилиги таъминланди, Республика йўл жамғармаси маблағларининг самарали, мақсадли ишлатилиши устидан назорат қилиш тизими яратилди, шу билан бирга, аввалги Ўзбекистон Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш давлат акциядорлик концерни негизида Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш Давлат акциядорлик компанияси қайта ташкил этилди. Ушбу ҳолат ўз нав-

батида тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди.

Бу борадаги муайян бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 29 мартда бўлиб ўтган ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қонуни маъқулланди ва у 2007 йил 5 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди. Ушбу қонун асосида амалдаги қонуннинг 4, 8-моддаларининг тегишли бандлари мавжуд воқелик билан мувофиқлаштирилди.

Қонунга киритилган ўзгартиришлар ўз навбатида амалдаги Қонун нормаларини такомиллаштириб, уларни янада мукамал даражага кўтариш ва бунинг натижасида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига эришиш, фуқароларнинг ҳаётига хавф солувчи ҳолатларни бартараф қилишга хизмат қилади. Мустақиллик йилларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига ва йўл ҳаракати қоидаларига, йўл ҳаракатини ташкил этиш масалаларига доир ҳам бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, Президентимизнинг 2001 йил март ойидаги «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 18 майда «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги 221-37-сонли Қарор қабул қилинди. Ушбу қарорнинг ижроси баробарида Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тизимида туб ислоҳотлар ўтказилиб, янги таркибий тузилма жорий этилди, уларнинг замонавий моддий-техника базаси шакллантирилди, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилиб, ҳуқуқий ва ижтимоий томондан ҳимоялаш кучайтирилди, илгариги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат автомобиль нazorати инспекцияси негизида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкил этилди.

Шу муносабат билан янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Қонуни билан амалдаги Қонуннинг 4, 8, 9- ҳамда 15-моддаларига йўл хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус вако-

латли давлат органларининг номини янгича ном билан алмаштиришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди. Шунингдек, мазкур қонун билан амалдаги қонуннинг 21-моддасида тегишли тоифалардаги транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлашнинг ягона дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланиши қайд этиб қўйилди. Қонуннинг ушбу моддасига ўзгартириш киритилиши, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» 2006 йил 28 февралдаги ПҚ-294-сонли қарори ҳамда ушбу қарор талабларини бажариш ва Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш тартибини, шу жумладан йўловчи ташишда қатнашувчи ҳайдовчилар таркибини тайёрлаш ва ўқитиш қоидаларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 2006 йил 2 августдаги Қарори билан мувофиқликни келтириб чиқаради.

Қонунчиликдаги ушбу ўзгаришлар йўловчилар ташишда иштирок этувчи транспорт ҳайдовчиларини ўқитиш, қайта тайёрлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини назарий ва амалий тарзда синовдан ўтказиш ва ҳайдовчилик гувоҳномаси беришнинг бугунги кундаги мавжуд қоидаларини такомиллаштириш, шу жумладан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжат олиш учун ўқитиш бўйича мураббий-устозларга нисбатан қўйиладиган малака талабларини ошириш мақсадида ягона дастур асосида ўқитишни жорий этишни кўзда тутди.

Ҳозирда Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Автомобиль мактаблари, «Автохаваскорлар клуби», транспорт йўналишидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларида транспорт воситалари ҳайдовчилари ҳар хил муддатда, ҳар хил режа ва дастур асосида ўқитилиб келинмоқда. Бу эса тайёрланаётган ҳайдовчиларнинг малака ва кўникмалари, савиясининг ҳар хиллигига ва сифат даражасининг пасайишига сабаб бўлаётир. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан намунавий дастурлар тасдиқланиб келинган бўлса, эндиликда те-

гишли қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлашнинг ягона дастурлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Бугун олдимизда мамлакатимизнинг йўллар билан боғлиқ инфратузилмасини жаҳоннинг энг илғор ва замонавий андозаларига мос ҳолатда тайёрлашдек муҳим вазифа турибди. Ушбу вазифани бажариш, ўз навбатида, республикамизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни самарали тартибга солишга ёрдам берадиган ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда демократик талабларга мос бўлган қонунчилик тизимини яратиш ва уни доимий тарзда шакллантириб боришни тақозо этади. Шу жиҳатдан олганда, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қонунчиликни янада шакллантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонунини бу борада амалга ошириладиган изчил сиёсатнинг мантиқий давоми сифатида эътироф этиш мумкин.

ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ КЎРСАТМАЛАРИНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 29—30 мартдаги тўққизинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларини тартибга солишга қаратилган қатор қонунлар муҳокама қилинди ва маъқулланди. Ушбу қонунлардан бири — «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2007 йил 24 апрелда матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 27 июндаги ПФ-3093-сонли Фармонига асосан давлат бюджетининг ижроси, давлат активлари ва пассивларининг ҳолати ҳамда ҳаракати, қимматбаҳо металллар ва тошлар билан операциялар амалга ошириш, олтин-валюта захираларини бошқариш, хорижий капитални республика иқтисодиётига жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш, давлатнинг ташқи қарзи ўз вақтида қайтарилиши доимий мониторинги ва

назоратини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ташкил этилган эди.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги Низомнинг 5-бандида Ҳисоб палатаси томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар, идоралар, мулкчилик шаклидан қатъи назар барча ҳўжалик юритувчи субъектлар ва мансабдор шахслар учун бажарилиши мажбурий эканлиги, худди шунингдек, Низомнинг 9-бандида Ҳисоб палатаси ўзига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида текширишларни ташкил этиши ва унинг натижалари бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориш ваколатига эга эканлиги мустақкамлаб қўйилган. Қонуннинг мақсади ҳам Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан оқилона фойдаланишни молиявий назорат қилишнинг ғоят муҳим воситаси сифатида унинг фаолияти таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, мазкур соҳада қабул қилинган қарорларнинг ижро этилишида давлат ва ҳўжалик тузилмаларининг масъулиятини, мансабдор шахсларнинг Ҳисоб палатаси кўрсатмаларини бажармаганлиги учун жавобгарлик чораларини кучайтиришдан иборат.

Қонуннинг 1-моддаси биринчи бандига биноан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг кўрсатмаларини бажармаслик» деб номланган янги 215²-модда билан тўлдирилди. Ушбу моддада: «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ўзи ташкил этган текширишлар натижаларига биноан юборган кўрсатмаларини бажаришдан бўйинтовлаш ёки ўз вақтида бажармаслик мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади», деб кўрсатилди. Қонуннинг 1-моддаси иккинчи бандида эса мансабдор шахслар томонидан Ҳисоб палатасининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйинтовлашга оид ҳуқуқбузарликлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилиши белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган мазкур қўшимчалар жамиятда молиявий интизомни таъминлаш, бюджет маблағларидан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш жараёнида мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

ЙОД ЕТИШМАСЛИГИ КАСАЛЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Йод етишмаслиги касалликлари (ЙЕК) ҳозирда дунёнинг 130 мамлакатаида соғлиқни сақлашнинг энг муҳим муаммоларидан биридир. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг (БССТ) маълумотларига кўра, ер юзи аҳолисининг учдан бир қисмидан ортиқроғи йод етишмаслиги касалликлари келиб чиқиши хавфи мавжуд бўлган ҳудудларда истиқомат қилмоқда. Шу билан бирга, ушбу касаллик (зоб) билан оғриганлар сони 740 миллион нафардан ортиқни ташкил этиб, 50 миллион инсонларда эса йод етишмаслигидан келиб чиққан ақлий ривожланишнинг пастлиги ҳолати кузатилади. Дарҳақиқат, йод етишмаслиги ақлий ривожланишнинг пастлигини келтириб чиқарувчи энг кўп тарқалган сабаблардан бири бўлиб, оқилона профилактика усули билан унинг олдини олиш мумкин. Лекин энг асосийси — йод етишмаслиги ҳолати ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи барча аҳолининг ақлий ривожланиши пастлиги хавфини келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, иммунитет пасайиши юз беради, шунга кўра юқумли касалликларга учраш хавфи ортади, ақлий сустлик учрайди, умумий ҳолсизлик кузатилади, кўриш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқади. Бир неча йил аввал эса олимлар инсон ақлий имкониятларига баҳо беришнинг илғор услубларидан фойдаланган ҳолда ҳайратомуз ихтирони юзага чиқаришди: йод етишмаслиги, биринчи навбатда (гипотериознинг ташқи белгилари кўринишидан аввалроқ), инсоннинг ақлий имкониятларини чегаралаш билан белгиланар экан. Лекин, тасдиқланган хорижий амалий факт мавжудки, унга кўра тажриба ўтказишда назоратдаги гуруҳ болаларининг овқатига йод моддаси мавжуд маҳсулотлар қўшиб борилганида, улардан 10—15 фоизининг интеллектуал кўрсаткичи кўтарилган.

Йод етишмаслиги касалликларининг турлари жисмоний ва ақлий ривожланишнинг орқада қолиши, кретинизм, эндемик буқоқ, аёллар репродуктив функциясининг бузилиши, болалар ҳаётининг биринчи йилларида ўлимнинг ошиши кабиларни ўз ичига олади.

БССТ йод етишмаслиги касалликларини бартараф этишни соғлиқни сақлаш тизимининг худди чечак ёки полиомиелит каби касалликларни йўқотишдагига ўхшаш галабаси дея баҳоламоқдалар. Бу вазифани давлат томонидан ҳал қилишнинг йўллари билан бири сифатида тегишли ҳуқуқий ва меъёрий асосларни

ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга киритишнинг самарали механизмини яратишни эътироф этиш мумкин.

Тузларни йодлашни тартибга солиувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қуйидагилар назарда тутилган бўлиши мумкин:

1. Инсон истеъмол қиладиган тузларнинг мажбурий равишда тегишли меъёрларда йодланиши. Айрим давлатларда (Польша) тузларнинг йодланиши мажбурийлиги фақат ош тузига тегишли бўлиб, у ҳам чакана савдо орқали сотувга чиқарилади. Масалан, Голландияда нон ишлаб чиқариш учун махсус, чакана савдога чиқариладиган тузлардан кўра икки баравар кўпроқ йодланган (40 мг/кг) туз ишлаб чиқариш мумкинлиги белгиланган.

2. Чакана савдо ва саноат мақсадларида истеъмол тузини ихтиёрий равишда йодлаш.

Охирги йилларда кўплаб давлатлар ЙЕКнинг олдини олишнинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда, ўз қонунчиликларида ош тузини йодлашнинг мажбурийлигини белгиловчи нормалар киритмоқдалар, жуда кўп давлатларда эса тузларни йодлаш одатий ҳоллигини кузатиш мумкин. МДХ мамлакатларида ЙЕКнинг олдини олиш дастурини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва йодланган туз ишлаб чиқаришга оид кўпгина нуқтани назарлар мавжуд. ЙЕКнинг олдини олиш ва йодланган туз ишлаб чиқариш дастурлари қонунлар, давлат бошлиғининг фармонлари, ҳукумат қарорлари, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қарорлари билан тартибга солинади.

Шундай қилиб, ЙЕК бутун миллатнинг соғлиғи ва интеллектуал имкониятларига жиддий хавф туғдиришидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, аҳолини йодланган туз билан таъминлаш ва бу билан унинг соғлиғини асрашнинг кафолатланган йўли чакана савдо, истеъмол учун ишлаб чиқариш ва иложи борица қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йодланган туз билан таъминлашдир. Бу концепция ҳозирда БССТ ва ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар томонидан фаол равишда қўллаб-қувватланмоқда.

Туз билан савдо қилишнинг бошқа маҳсулотлар каби чегараси мавжуд эмас. Бу ҳолатда халқаро шартномаларни қабул қилишдан асосий мақсад сифатида умумий мақсадларга эришиш учун алоҳида давлатларнинг тегишли қонунчилигини тартибга солиш ва уйғунлаштиришни белгилаб олишдир. Шу мақсадларда 2001 йил МДХ давлатлари Ҳукумат бошлиқлари Кенгаши йиғилишида «МДХ иштирокчи давлатлари аҳолиси

орасидаги йод етишмаслиги ҳолатининг олдини олиш тўғрисида»- ги шартнома имзоланган бўлиб, бу шартнома ЙЕКнинг олдини олиш соҳасидаги ҳамкорликдаги ишларни тартибга солишга ва йодланган туз ишлаб чиқаришга қаратилгандир.

Шу нуқтаи назардан 2007 йил 4 майда Ўзбекистон Республикасининг «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг матбуотда эълон қилиниши мамлакатимиз аҳолиси соғлиғини сақлаш, интеллектуал хавфсизлигини таъминлашда муҳим воқеа бўлди.

Қабул қилинган қонун Ўзбекистон Республикасида йод етишмаслиги билан боғлиқ бўлган касалликларнинг профилактикаси соҳасидаги давлат томонидан амалга ошириладиган тадбирларнинг тизимини белгилайди. Ушбу қонун фуқаролар соғлиғини ҳимоя қилиш, йод етишмаслиги билан боғлиқ бўлган касалликлардан огоҳлантириш ва уларнинг олдини олиш, шунингдек, мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини сақлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасининг «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадини кўзлаб, йод етишмаслиги касалликларининг юзага келишидан огоҳлантириш ва олдини олиш, профилактика борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш механизмларини тартибга солади.

Қонунда йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасининг давлат томонидан тартибга солиниши, йод етишмаслиги касалликлари профилактикасига доир чора-тадбирлар, йодланган тузга ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар батафсил ёритилган бўлиб, унда, хусусан, бу соҳадаги давлат сиёсати, давлат бошқаруви органларининг ваколатлари, шу билан бирга касаллик профилактикаси турлари, оммавий ва яқка тартибдаги профилактика, аҳолини бу соҳага доир ахборот билан таъминлаш, профилактикага доир тадбирларни молиялаштириш, туз ва озиқ-овқат маҳсулотларини йодлаш, йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлигига доир талаблар, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш, йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кириш шартлари белгилаб ўтилган.

Қонун асосида йод етишмаслиги билан боғлиқ бўлган касалликларни профилактика қилиш мақсадида барча тузларни йодлаштириш талаб этилади. Кейинги йилларда Ўзбекистон

Республикасида тузларни кенг миқёсда йодлаштириш қайта бошланди ва унинг сифати ошганлигини таъкидлаш лозим. Қонун инсон томонидан истеъмол этилаётган барча тузлар йодлаштирилиши кераклигини назарда тутди. Оммавий йодлаштириш усули сифатида йодланган ош тузидан фойдаланиш сўзсиз катта аҳамият касб этади. Тузнинг йодлаштирилиши унинг таъмига ёки мазасига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Мазкур технологияларни амалда татбиқ этган хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ош тузининг деярли тўлиқ йодлаштирилиши умуман сезилмаган ҳамда оммавий истеъмол қилинган.

Тузни йодлаштириш технологияси содда ва қулай бўлганлиги сабабли тузни ишлаб чиқарувчи барча корхоналар учун жуда арзон тушади, бинобарин, улар ҳозирги кунда йодланган ош тузини оддий туз қатори катта миқдорда ишлаб чиқармоқдалар. Истеъмолчилар учун бундай профилактиканинг нархи ҳар қандай тиббий йод дори-дармонларга қараганда анча паст ва йилига 30—80 сўмдан ошмайди.

Шунинг учун тузларни оммавий йодлаштириш йод етишмаслиги билан боғлиқ бўлган касалликларнинг профилактикасида универсал ва кам харажатили усул ҳисобланиб, аҳоли соғлигини ва турмуш даражасини оширишда ҳамда йод етишмаслиги билан боғлиқ бўлган касалликларнинг олдини олишда катта аҳамият касб этади. Бинобарин, ушбу муҳим Қонун ҳужжатини Ўзбекистон Республикаси томонидан эълон қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили»да қабул қилинганлиги алоҳида диққатга сазовор.

Иқтисодий жиҳатдан йодланган ош тузини истеъмол қилиш миллатнинг жисмоний ва интеллектуал соғлигини сақлашга жуда самарали инвестиция ҳисобланади. Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда бир миллиондан ортиқ аҳоли, улардан 60% ини, яъни 800 мингтасини ёшлар ташкил қилган ҳолда эндокрин тизим билан боғлиқ касалликларга чалинган эди.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан истиқлолнинг илк йиллариданоқ мазкур турдаги касалликларнинг олдини олиш ва бундай касалликка чалинган беморларни даволаш бўйича кенг миқёсда давлат даражасида чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. 2005 йилда йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси бўйича огоҳлантириш ва олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар режасини ўзида мужассамлаштирган 4 йилга мўлжалланган давлат дасту-

ри қабул қилинди. Шу билан бирга, мамлакатда бир қатор халқаро ташкилотлар ҳам йод етишмаслиги касалликларининг олдини олишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириб келишмоқда. Бу соҳада амалга оширилган ишлар натижасида маълум ютуқларга эришилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Жойларда, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах, Навоий, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида жуда катта ва бой бўлган туз конлари мавжуд. Кейинги йилларда бир қатор туз ишлаб чиқарувчи корхоналар модернизация қилинди. Эндемик буқоқ касаллигига чалиниш ҳолатлари маълум миқдорда камайди, йодланган ош тузи сифати устидан мониторинг амалга оширилмоқда, йод етишмаслиги касалликларининг якка тартибдаги профилактикаси бўйича тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Қонуннинг 5-моддасига биноан йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширади. Қонуннинг 10-моддасига биноан инсон организмнинг йодга бўлган зарурий эҳтиёжини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йод етишмаслиги касалликларининг оммавий ва якка тартибдаги профилактикаси амалга оширилади.

Оммавий профилактика озиқ-овқатга йодланган туз ишлаши ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш орқали, якка тартибдаги профилактика эса профилактика ва санитария-эпидемиология тадбирлари, тиббий кўриклар ўтказиш, ташхис қўйиш ва даволаш орқали амалга оширилади. Қонуннинг 15-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган ош тузи албатта йодланиши керак. 20-моддага биноан эса йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилувчи юридик ва жисмоний шахслар уларни ташиш, сақлаш ҳамда реализация қилишни қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар ва нормаларга риоя этган ҳолда амалга оширишлари шарт деб белгиланган.

Қонун мувофиқлик сертификати бўлмаган ва яроқлилик муддати ўтган йодланган туз ҳамда йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилишни тақиқлайди. Аҳолининг соғлигини сақлаш учун давлатимиз барча зарур чора-тадбирларни

кўрмоқда, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилмоқда, тегишли давлат бошқаруви органларининг бу соҳадаги масъулияти ва ваколатларини оширмоқда. Лекин ҳукуматимизнинг бундай ғамхўрлиги билан бир вақтда халқимиз ҳам ўз соғлиғига бўлган эътиборини кучайтириши, мазкур соҳада фаолият олиб бораётган ишлаб чиқарувчилар, савдо ишларини олиб бораётган субъектлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг давлат сиёсати комил инсонни тарбиялашга йўналтирилган. XXI асрда дунё тараққиётини, инсониятнинг қай йўлдан боришини комил инсонлар белгилashiга шубҳа йўқ. Чунки XXI аср — интеллектуал авлод асри бўлади. Янги минг йилликда давлатларнинг, халқларнинг тақдирини моддий бойлик эмас, интеллектуал, яъни маънавий-маърифий бойлик ҳал қилади. Бундай бойлик устувор бўлган жойга моддий бойликнинг ўзи оқиб келаверади. Шундай экан, бундай салоҳиятнинг қонунчилик асосини таъминлаш, аҳолининг ақлий ривожланиши пастлиги хавфини бартараф этиш, таъбир жоиз бўлса, интеллектуал хавфсизлигимизни муҳофаза қилишда «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонун ўзига хос муҳим қалам бўлди.

«ҲОМИЙЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ АҲАМИЯТИ, ЗАРУРИЯТИ ВА МОҲИЯТИ

«Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўп-кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб етиб келган. Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ўз заминимизга татбиқ этиш лозим. Шу билан бирга, миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-этиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур»¹.

Барчамизга маълумки, юртбошимиз томонидан 2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган ҳамда мам-

¹ И.А. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-том. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 304-6.

лакатимизда халқимизнинг маънавий қадрияти сифатида ҳомийликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ҳомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда аҳолининг кенг қатламлари, барча мулкчилик шаклидаги ташкилотлар ва корхоналарнинг иштирокини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 январдаги «Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастури тўғрисида»ги ПҚ-266-сон Қарори¹ қабул қилинган эди.

Ушбу дастурда эса «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг асосий вазифаларидан бири сифатида «...ҳомийликнинг мустақкам кафолатланиши ва ижтимоий нуқтаи назардан кенг эътироф этилишини таъминлайдиган қонунчилик базасини шакллантириш, ўз даромадларининг бир қисmini қалб амри билан ҳомийлик мақсадларига йўналтиришга тайёр олижаноб инсонларнинг ҳолисона интилишларини қўллаб-қувватлаш, халқимиз, айниқса ёшларнинг онгида меҳр-мурувват, саховат ва ҳиммат каби эзгу инсоний фазилатларни юксалтириш» белгиланган бўлиб, ўтган йили мазкур дастурда кўзда тутилган тадбирлар ижроси учун қарийб 284 миллиард сўм, жумладан 133 миллион сўм бюджет маблағи, 151 миллион сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағи сарфланди². Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «... савоб ва хайрия деган муқаддас тушунчалар жуда кенг. Бозору мазорларни обод қилиш, бева-бечораларга, муҳтож инсонларга, oilаларга, болалар ва норасидаларга мурувват кўрсатиш ҳам мусулмончилик талабларига киради. Буни асло унутмаслигимиз керак»³. Мазкур устувор вазифани бажариш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 январдаги «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида»ги ПҚ-266-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўлими, 2006 йил 4—5-сон, 25-модда.

² И.А. Каримов. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш — асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2007 йил 13 феврал.

³ И.А. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-том. Т.: «Ўзбекистон», 1997, 225-б.

мақсадида, дастурнинг 2-бўлими («Ҳомийлик фаолиятининг ишончли кафолатланиши ва ижтимоий нуқтаи назардан кенг эътироф этилишини таъминлайдиган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш») 24-бандига биноан, ҳомийликнинг моҳияти ва тушунчасини ақс эттирадиган, хайрия фаолиятини амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахсларга зарур солиқ имтиёзлари ва тегишли рағбатларни назарда тутадиган «Ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этиб ўтилган эди.

Ушбу вазифани самарали бажаришда, яъни қонун лойиҳасини тайёрлашда халқаро тажриба, хорижий давлатларнинг шу соҳага оид, жумладан Евросиё Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар (Россия Федерациясининг 1995 йил 11 августдаги «Ҳомийлик фаолияти ва ҳомийлик ташкилотлари тўғрисида»-ги, Украина Республикасининг 1997 йил 16 сентябрдаги «Ҳомийлик ва ҳомийлик ташкилотлари тўғрисида»ги, Тожикистон Республикасининг 2003 йил 22 апрелдаги «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги, Молдова Республикасининг 1995 йил 7 июлдаги «Хайрия ва ҳомийлик тўғрисида»ги, Қирғизистон Республикасининг 1999 йил 6 ноябрдаги «Меценатлик ва ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги, Арманистон Республикасининг 2002 йил 8 октябрдаги «Ҳомийлик тўғрисида»ги ва бошқа давлатларнинг) қонунчилиги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг 1997 йил 6 декабрда Санкт-Петербург шаҳрида 10-8-сонли Қарори билан тасдиқланган «Меценатлик ва ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги Намунавий (Модельный) қонуни ўрганиб чиқилди. Бундан ташқари, халқимизга хос қадриятлар, урф-одатлар сингдирилди. Хусусан, улуғ бобомиз Алишер Навоий фақат буюк шоир, олим, донишманд сифатида эмас, балки саховатпеша арбоб, илм ва санъат аҳлини қўллаб-қувватлаган юксак қалбли ҳомий сифатида ҳам шуҳрат тоңганлиги, ўз маблағлари ҳисобидан 50 дан зиёд работ, 20 га яқин тўғон, ўнлаб мадрасалар, кўприklar қурдиргани, кўплаб ҳовуз ва ариқлар қаздиргани ёхуд Темурийлар даврида давлат хазинаси билан бир қаторда, саховатли тadbиркорлар маблағларидан бева-бечораларга, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига турли-туман ёрдамлар кўрсатилганлиги тарихдан маълумдир.

Вазирлар Маҳкамаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига киритилган «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонун қуйи палата томонидан

2007 йил 28 февралда қабул қилиниб, юқори палата — Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланди ҳамда 2007 йил 3 майида кучга киритилди. Қонун ўзининг мазмун-моҳиятига кўра 4 та боб, 23 та модладан иборат.

Таъкидлаш керакки, ушбу қонун ҳомийлик тушунчаси ва унинг мазмун-моҳиятини аниқ белгилаш билан бир қаторда, юридик ва жисмоний шахсларнинг кўмакка муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатиш борасидаги савб-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, давлат томонидан тегишли имтиёзлар ва қўшимча имкониятлар беришнинг яхлит тизимини яратди, десак муболаға бўлмайди. Бундан ташқари, қонуннинг аҳамияти ва роли унинг номидан ҳам келиб чиқади. Яъни, ундаги «ҳомийлик» сўзи шунчаки ҳомийлик муносабатларини тартибга солишга қаратилган тушунча эмас, балки юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. Яъни, ҳомий деганда, ён-атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизга тасаввур эта-миз»¹.

Қонуннинг «Асосий тушунчалар» деб номланадиган 3-моддасида кўнгиллилар, ҳомийлар, ҳомийликка олувчилар, ҳомийлик субъектлари, ҳомийлик ташкилоти каби субъектларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланиши билан бир қаторда, «ҳомийлик (ҳомийлик фаолияти)»нинг юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан пул маблағларини қайтармаслик шарти билан ёки имтиёзли шартларда беришда, улар учун ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий бегараз ёрдами (фаолияти) сифатида тушунилиши белгилаб қўйилган. Ушбу тушунчанинг қуйидаги икки асосий белги билан ифодаланишини кузатиш мумкин:

биринчидан, ҳомийлик фаолиятининг ихтиёрий равишда амалга оширилиши. Бу ўринда ҳомийлик фаолиятига турли мажбурий тўловлар ва бадаллар (жарима, солиқ, ижтимоий соҳалар учун пул маблағларини ажратиш ва ҳоказо)нинг кир-

¹ И.А. Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. 14-том. Т.: «Ўзбекистон», 2006, 87-б.

маслигини тушуниш мумкин. Шу билан бирга, ижтимоий соҳадаги (соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва ҳ.к.) давлат органларининг фаолияти фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган фаолият бўлганлиги боис, мазкур фаолиятни ҳомийлик фаолияти сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас;

иккинчидан, ҳомийлик фаолиятининг бегараз ёрдам эканлиги. Қонунга мувофиқ, бегараз ёрдам деганда нафақат бошқа жисмоний ва юридик шахсларга мол-мулкни (шу жумладан, пул маблағларини) қайтармаслик шарти билан беришни, балки имтиёзли шартларда тақдим этилишини тушуниш зарур. Ўз ўрнида бегараз ёрдам ҳомийлик ёрдамини олаётган шахслар томонидан миннатдорчилик ифодаланиши тақиқланишини акс эттирмайди. Аммо ушбу миннатдорлик ҳомийлик ёрдамини тақдим этиш шарти сифатида намоён бўлмаслиги лозим.

Шунингдек, ушбу қоидадан Қонунга мувофиқ ҳомийлик фаолиятининг кенг шаклларига эътибор қаратилганлигини, хусусан пул маблағларини ажратиш шаклида, мол-мулкларни эгаллик қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ ҳолда тақдим этиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш каби шаклларда амалга ошириш мумкинлигини кузатиш мумкин. Қонуннинг мазкур моддаси талабларига биноан, ҳомийлик фаолияти юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши ва ўз навбатида ҳомийлик олувчилар ҳам фуқаролар билан бир қаторда юридик шахслар ҳам бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Қонуннинг 4-моддасида ҳомийлик мақсадларининг ифодаланиши амалда мазкур фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб берувчи асосий белгилардан бири бўлиб ҳисобланади. Яъни Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, «Ҳомийлик фаолияти» сифатида белгилаб қўйилган фаолият қачонки 4-моддада назарда тутилган мақсадларни амалга оширишга қаратилган бўлса, у ҳолда мазкур фаолият ҳомийлик сифатида тан олинади.

Ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш *бевосита* ҳам *билвосита* бўлиши мумкин. Чунончи, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳомийлик фаолиятини *бевосита* амалга ошириш ҳисобланса, бошқа шахсларга (энг аввало ҳомийлик ташкилотларига) ҳомийлик фаолияти мақсадларини амалга оширишда ҳамкорлик кўрсатиш *билвосита* бўлиб саналади.

5-моддада юридик ва жисмоний шахслар ҳомийликни якка тартибда ёки биргалашиб, ҳомийлик ташкилотини ташкил эт-

ган ёхуд ташкил этмаган ҳолда ихтиёрий равишда ҳамда моне-ликсиз амалга оширишга ҳақли эканликларининг ифодалани-ши жамият умумий манфаатига эришишга қаратилган устувор йўналишлар ва фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини белги-лаш масалаларида давлатнинг фуқаролик жамияти билан ўза-ро муҳим алоқасини таъминлаш учун асос вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари, ушбу модданинг учинчи қисмига бино-ан, ҳомийлар ўз ҳомийлик хайрияларидан фойдаланиш мақ-садлари ва тартибини белгилашга ҳақли бўлиб, ҳеч ким қонун-да белгиланган ҳомийлик фаолияти мақсадлари ва уни амалга ошириш шакллари таллаш эркинлигини чеклашга ҳақли эмас. Бошқача айтганда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, «Зарур иншоотларни қуриш ва таъмирлаш, жойларда ободон-лаштириш ишларини амалга оширишдек олижаноб мақсадлар-ни баҳона қилиб ҳар қайси маҳаллий раҳбарнинг тadbиркор-лардан ўзбошимчалик билан ўлпон йиғишига, хайрия ишла-рини мажбуриятга айлантиришига асло йўл қўйиб бўлмайди»¹.

Қонуннинг 2-боби «**Ҳомийлик ташкилотлари**» деб номлана-ди. Шу ўринда 3-моддада ушбу ҳомийлик субъектига берилган таърифдан қуйидаги учта ўзига хос белгига эга бўлган ташки-лотларни тушуниш мумкин:

биринчидан, мазкур ташкилот нотижорат ташкилот бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 40-моддасига биноан, тижоратчи бўлмаган таш-килотни фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ташкилот сифатида тушунилиши мақсадга мувофиқ-дир. Худди шу сингари, Ўзбекистон Республикасининг «Но-давлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунининг² 2-моддасига биноан, ташкилот нотижорат деб тан оlinиши учун:

1) даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақ-сади қилиб олмаган;

2) oлинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ташкилот бўлиши за-рур;

иккинчидан, бу ташкилот нодавлат ташкилот эканлиги;

¹ И.А. Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. Т.: «Ўзбекистон», 2002, 401-б.

² Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Нодавлат-но-тижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил, 5-сон, 115-модда.

учинчидан, ҳомийлик ташкилотлари жамият манфаатлари йўлида Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган мақсадларни амалга ошириш учун ташкил қилинишидадир. Бошқача айтганда, ҳомийлик ташкилотлари ўз муассислари, аъзолари ёки муайян фуқаро ёхуд ташкилотга ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил қилинмайди. Мазкур белгилар ҳомийлик ташкилотларининг мақомини белгилаб берувчи асосий белгилар бўлиб саналади. Шу билан бирга, у қонунда назарда тутилган бошқа талабларга ҳам жавоб бериши лозим.

Ушбу бобнинг 6-моддасига биноан, ҳомийлик ташкилотлари жамоат бирлашмаси, жамоат фонди шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклларда ҳамда ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳисобланувчи уюшмаларга (иттифоқларга) бирлашишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ҳомийлик ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари билан боғлиқ масалалар эса Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 74,75,76-моддалари, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонунлари билан тартибга солинади. 7-моддада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек давлат унитар корхоналари, давлат ташкилотлари ҳамда муассасаларидан ташқари, бошқа юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳомийлик ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб уларнинг муассислари бўлиши мумкинлиги қайд этиб ўтилган. Хусусан, муассис сифатида жисмоний шахслар жамоат бирлашмаси ва жамоат фондлари шаклида ташкил қилинадиган ҳомийлик ташкилотларида иштирок этишлари мумкин. Бу ўринда, жамоат бирлашмасининг ташаббускорлари Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунининг¹ 8-моддасига биноан, камида ўн нафар фуқаролар бўлиши лозим. Юридик шахслар эса «жамоат фондлари» шаклида тузиладиган ҳомийлик ташкилотларининг муассислари сифатида қатнашишлари, шунингдек

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 4-сон, 76-модда.

жисмоний шахслар билан биргаликда жамоат фондлари ва жамоат бирлашмаларини ташкил қилишлари мумкин. Аммо, бунинг учун энг аввало, юридик шахсларнинг ўзлари жамоат ташкилотлари бўлиши, *иккинчидан*, жисмоний шахсларнинг сони камида ўн нафар бўлиши зарур.

Қонуннинг 9—10-моддалари эса *ҳомийлик ташкилотларининг мол-мулки ва уларни шакллантириш манбалари билан боғлиқ масалаларга* бағишланган. Хусусан, қонун ҳомийлик ташкилотларининг мол-мулки таркибини чекламайди. Шу билан бирга, ҳомийлик ташкилотларининг мол-мулкидан фойдаланишга бир қатор талабларни белгилайди. Жумладан, Қонуннинг 9-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, ўз таъминоти (шу жумладан, фаолияти билан боғлиқ харажатлари) учун ҳомийлик ташкилоти молия йилида ўзи сарфлайдиган молиявий маблағларнинг 20 фоизидан ортиғидан фойдаланишга ҳақли эмас. Шунингдек, қонунда ушбу чекловнинг ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан қўлланилмаслиги кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, мазкур модданинг олтинчи қисмига биноан, ҳомийлик ташкилотларининг мол-мулки бу ташкилотларнинг муассисларига ёки аъзоларига бошқа шахсларга сотилиши ёки берилишига қараганда қулайроқ шартларда сотилиши ёхуд берилиши мумкин эмас. Шунингдек, «Ҳомийлик дастури» деб аталадиган 11-модданинг учинчи қисмига мувофиқ, ҳомийлик дастурларини молиялаштириш учун пул маблағлари ажратилган бўлса, у ҳолда ҳомийлик ташкилоти молия йилида бу маблағнинг камида 80 фоизидан ҳомийлик мақсадларида фойдаланиши лозим.

Бундан эса, ҳомийлик дастурлари ҳомийлик ташкилотлари томонидан ўзларининг молиявий фаолиятини режалаштириш ва олиб бориш учун мўлжалланган асосий ҳужжатлардан бири, деган хулосага келиш мумкин. Мазкур мақсадлар учун ҳомийлик дастури тахмин қилинаётган тушумлар ҳамда режалаштирилаётган харажатлар сметасини (шу жумладан, ҳомийлик дастурини амалга оширишда иштирок этаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни) ўз ичига олади, дастурни амалга ошириш босқичлари ва муддатларини белгилайди. Қонуннинг 12-моддаси ҳомийлик ташкилотини қайта ташкил этиш ва тугатишга оид масалаларга бағишланган бўлиб, ушбу жараён Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49—56-моддалари ва «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қону-

нининг¹ 20-моддалари билан тартибга солинади. Шу билан бирга, Қонун ҳомийлик ташкилотини тугатиш жараёнида қолган мол-мулкдан фойдаланиш мақсадларида қўшимча чекловларни белгилайди. Хусусан, 12-модданинг иккинчи қисмига биноан, *ҳомийлик ташкилоти тугатилганда, унинг кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулкдан ташкилот уставида назарда тутилган тартибда ёки агар ҳомийлик ташкилотининг уставида ўз мол-мулкдан фойдаланиш тартиби назарда тутилмаган бўлса ёхуд қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, тугатиш комиссиясининг қарорига биноан ҳомийлик мақсадларида фойдаланилади.*

Мазкур чекловнинг амалиётга татбиқ этилиши, энг аввало, ҳомийлик ташкилотларидан фойдаланиш орқали мол-мулкни шакллантириш ҳамда уни муассислар (иштирокчилар) томонидан даромадлар манбаига айлантирмасликда намоён бўлади. Аксинча, мазкур чеклов киритилмаган тақдирда, энг аввало, айрим «муассислар (иштирокчилар)» томонидан амалда солиқ имтиёзлари эвазига мол-мулкга эга бўлиш мақсадида ҳомийлик ташкилотларини ташкил қилишлари, кейинчалик эса уни қайта ташкил қилиш ёхуд муассислар томонидан бошқа тижорат ташкилотларига мол-мулкни бериб юбориш орқали муайян «бойлик»ка эга бўлиши мумкин.

Қонуннинг «*Ҳомийликнинг амалга оширилишида давлатнинг иштирок этиши. Халқаро ҳомийлик фаолияти*» деб номланган 3-бобида ҳомийлик субъектларига давлат томонидан кафолатлар берилиши, ҳомийликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари, уларга бериладиган имтиёзлар, ҳомийлик ташкилоти фаолияти устидан назорат, халқаро ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш, шунингдек чет эл фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, халқаро ва чет эл ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ҳомийлик фаолияти каби масалалар қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, қонуннинг 14-моддасига биноан, *давлат ҳомийлик дастурларини танлов асосида молиялаштириш; давлат мол-мулкни ҳомийлик ташкилотларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бепул ёки имтиёзли асосда мулк қилиб бериш; давлат мулки бўлган бинолар, жойлар ва бошқа мол-мулк ижараси ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар бериш; ҳомий-*

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «Нодавлат-тижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил, 5-сон, 115-модда.

лик ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш; ҳомийлар, кўнгиллилар ҳамда ҳомийлик ташкилотларини рағбатлантириш каби кенг доирага эга бўлган шаклларда ҳомийликни қўллаб-қувватлаши мумкинлиги қайд этиб ўтилган. Ушбу қонданинг Қонунда акс этиши мамлакатимиздаги нодавлат ташкилотлар, биринчи навбатда талбиркорлик фаолияти субъектларини, халқаро хайрия тузилмаларининг вакиллариини ҳомийлик ишларига кенг жалб этиш ва шу асосда ҳомийликни оммавий ижтимоий ҳаракатга айлантиришга хизмат қилиши табиийдир.

Шунингдек, ушбу бобнинг 16-моддаси *ҳомийлик ташкилотлари фаолияти устидан назорат қандай тартибга амалга оширилиши* каби масалаларга бағишланган бўлиб, унга кўра ҳомийлик ташкилотининг устави қондаларига риоя этилиши устидан адлия органлари, уларнинг молиялаштириш манбалари ва даромадлари ҳамда солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши устидан давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга оширишлари, ўз навбатида, ҳомийлик ташкилотининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот бошқа юридик шахслар каби қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда адлия ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Қонун ҳомийлик ташкилотлари фаолияти устидан назоратнинг бошқа шаклларида фойдаланиш мумкинлигини назарда тутди. Чунончи:

— *муассислар (иштирокчилар) томонидан амалга ошириладиган назорат* (жумладан, ҳомийлик ташкилотига мол-мулк, шу жумладан пул маблағлари берувчи ҳомийлар мазкур ташкилотдан ана шу мол-мулкдан мақсадли фойдаланилганлиги тўғрисида ҳисобот талаб қилишга ҳақлидир);

— *жамоат назорати* (бу ўринда, асосий механизмлардан бири оммавий ахборот воситалари фаолияти эканлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир);

— *давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан назорат.*

Бундан ташқари, қонун ҳомийлик ташкилотлари фаолиятининг «шаффоф»лигига бўлган талабларни бошқа нодавлат тижорат ташкилотларига нисбатан таққослаганда кучайтирилганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, 16-модданинг бешинчи қисмига кўра, *ҳомийлик ташкилотлари ўз йиллик ҳисоботларидан эркин фойдаланилишини таъминлашлари лозим.*

Қонуннинг 17-моддаси ҳомийлар, кўнгиллилар ҳамда ҳомийлик ташкилотларининг халқаро ҳомийлик фаолиятини

амалга ошириш шакллари белгилаган бўлиб, жумладан: а) халқаро ҳомийлик лойиҳаларида қатнашиш; б) халқаро ҳомийлик ташкилотларининг ишида иштирок этиш; в) ҳомийлик фаолияти соҳасида хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш; г) халқаро амалиётда қабул қилинган ҳамда халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин.

Ўз навбатида, ҳомийлик ташкилоти ҳам чет эл фуқароларидан, фуқаролиги бўлмаган шахслардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳомийлик хайриялари олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳам ушбу модданинг учинчи қисмида ёритиб берилган.

Аксинча, Қонуннинг 18-моддасига биноан, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, халқаро ва чет эл ташкилотлари ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳомийлар ва кўнгиллилар сифатида фаолиятни амалга оширишлари мумкин бўлиб, уларнинг ҳомийлик хайрияларидан мақсадли фойдаланилиши мониторингини олиб бориш ҳамда бундай хайриялардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган тартибда амалга оширилиши кўрсатилган. Бундан ташқари, амалиётда ҳомийлик ташкилоти ва манфаатдор шахслар (яъни, мазкур ташкилот бошқарув органларининг ходимлари, шу жумладан мансабдор шахслари, аъзолари, уларнинг яқин қариндошлари ёки кредиторлари, шунингдек ўзларининг ҳомийлик ташкилоти билан ўзаро муносабатлари оқибатида ташкилотнинг мол-мулкни тасарруф қилишга таъсир этиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаат кўриш мақсадида ташкилот билан шахсан ёки ўз вакиллари орқали ҳамкорлик қилувчи юридик ва жисмоний шахслар) ўртасида амалга ошириладиган, ҳомийлик ташкилотининг мол-мулкни тасарруф этишга дахлдор бўлган, ҳомийлик фаолиятининг манфаатлари ҳамда мақсадларига мос келмаган ёки мос келмаслиги мумкин бўлган битимлар ёки операциялар учраб туриши табиийдир. Шу боисдан, *Қонуннинг «Манфаатлар тўқнашуви» деб аталадиган 4-боби 19-моддасида* ушбу битимларни тузиш жараёнида, манфаатлар тўқнашуви чоғида вужудга келадиган низоларни ҳал этиш масалалари мустаҳкамлаб қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, халқлар ўртасида тинчлик,

дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш, низоларнинг олдини олиш, оиланинг жамиятдаги нуфузи, ўрни ва аҳамиятини ошириш ҳамда бошқа мақсадларда мужассам топадиган хайрли фаолият — ҳомийликка бағишланган «Ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида ҳомийлик субъектларининг ўрни ва ролини оширишда, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб боришида аҳолининг муҳтож қатламларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида жамиятимизда бундай бегараз ва олижаноб интилишларнинг муносиб ўрин олиши зарурлигини қуйидагича тавсифлади: «Айни пайтда бутун халқимиз, авваламбор, ёшларимиз онги ва тафаккурида меҳр-мурувват, саховат фазилатларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятимиз бўлмиш бу ҳаракатни янада кучайтириш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркор»¹.

МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишга қаратилган стратегик вазифалардан келиб чиқиб, демократик ҳуқуқий давлатни қуришнинг долзарб масалалари, уларни ҳал этиш йўллари, суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича алоҳида муваффақиятларга эришилмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини кучайтиришда миллий бойлигимизни асраб-авайлаш, уларни турли хил талон-тарождардан сақлаш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, таркибида рангли металллар бўлган механизм ва агрегатларни талон-торож қилинишдан сақлаш, рангли металл парчалари ва чиқиндиларини яширинча тайёрлаш, уларни мамлакат ташқарисига контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш, шунингдек рангли металл парчалари ва чиқиндилари ҳосил бўлиши ҳамда улардан фойдала-

¹ И.А. Каримов. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. 14-том. Т.: «Ўзбекистон», 2006, 91-б.

нишни тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш, уларни комплекс ва чуқур қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш билан боғлиқ ишларни кучайтириш ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 июлдаги ПҚ-419-сонли «Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизнинг иқтисодиёти асосларига қарши қаратилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, уларга барҳам беришда, миллий бойлигимизни асраб-авайлаш ҳамда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур қарорнинг 6-бандини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан рангли металллар, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сотиб олиш, фойдаланиш ва сотиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтириш юзасидан «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда қонунчилик ташаббуси тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилди. Мазкур Қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 22 ноябрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, 2007 йил 6 апрелда матбуотда эълон қилинди. Ушбу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирган бўлиб, ҳозирда амалда қўлланилиб келинмоқда.

Мазкур қонун асосида 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185¹-моддаси матнига ўзгартиш киритилиб, унга кўра, қимматбаҳо металллар сирасига кирмайдиган рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, агар ўша қилмишлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланиши белгиланди.

Мазкур модданинг учинчи қисмига кўра, агар ўша қилмишлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Агар Жиноят кодексининг 185¹-моддаси олдинги таҳририга қарайдиган бўлсак, ушбу модда бир қисмдан иборат бўлиб, мазкур жиноятни содир этган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланиши белгилаб қўйилган эди.

Дарҳақиқат, эндиликда ушбу тифдаги жиноятлар учун иқтисодий жазолар бирмунча кучайтирилган бўлса-да, лекин ҳозир амалда бўлган Қонуннинг юқсаридаги моддаси биринчи қисмидаги шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазолар олдинги таҳрирдаги қонун санкциясига қараганда бирмунча енгил эканлигини ҳам кўришимиз мумкин.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонунга кўра Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 219¹-моддасига ҳам ўзгартиш киритилиб, ушбу модданинг санкциясидаги жазо бирмунча кучайтирилди ва ундаги «беш бараваридан ўн бараваригача» ва «ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар тегишинча «ўн бараваридан ўн беш бараваригача» ва «ўн беш бараваридан эллик бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилди. Эндиликда, бундай ҳуқуқбузарлик учун мазкур Кодексга мувофиқ, рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузганлик учун рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чиқитлари мусодара қилиниб, фуқароларга энг кам иш

ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солинади.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш зарурати ҳақида тўхталадиган бўлсак, мавжуд прокурор назорати ҳужжатлари, давлат божхона хизмати ҳамда ички ишлар органларида ушбу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўрганилганда, республикадан ташқарига рангли металл парчалари ва чиқиндиларини ноқонуний равишда олиб чиқиб кетишга кўплаб уринишлар мавжудлигини кўрсатди. Таҳлиллар шундан далолат берадики, Давлат божхона хизмати органлари томонидан 2005 йил давомида 355 та ҳолатда 126 тонна, жами 42,4 млн. сўмлик, 2006 йилнинг январь—август ойларида эса худди шундай 201 та ҳолатда 71 тонна, жами 35,6 млн. сўмлик рангли металлarnи республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетиш ҳолатларининг олди олинган.

Шунингдек, ички ишлар органлари томонидан 2005 йилда 193,7 млн. сўмлик 28,1 тонна рангли металллар, уларнинг парчалари ва чиқиндилари ҳамда 76,8 минг метр кабель ва симларни талон-тарож қилиш, ўғирлаш ва ноқонуний муомала қилиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 427 та жиноят ишлари тергов қилинган. 2006 йилнинг ўтган январь—август ойларида ушбу тоифадаги тергов қилинган жиноят ишлари 442 тага кўпайган. Талон-тарож қилинган ёки ноқонуний муомаладан олиб қўйилган рангли металллар, уларнинг парчалари ва чиқиндилари 20,7 тоннани, кабель ва турли хилдаги симлар 133,4 минг метрни ташкил этган. Бу эса 2005 йилнинг кўрсаткичларига қараганда 1,7 баравар кўп эканлигини кўрсатади. Юзага келган ҳолат рангли металллар, уларнинг чиқиндиларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидалари бузилганлиги учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтириш зарурлигини тақозо этган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 июлдаги ПҚ-419-сонли қарорида рангли металл парчалари ва чиқиндилари ҳосил бўлиши ҳамда улардан фойдаланиш тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш, уларни комплекс ва чуқур қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, Қарорда «Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» ОАЖнинг энг муҳим вазифалари ва функциялари сифатида қуйидагилар белгиланди:

— рангли металл парчалари ва чиқиндиларини комплекс равишда чуқур қайта ишлаш, республика истеъмолчиларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамда экспортга етказиб беришни кенгайтириш учун улардан прокат, қотишмалар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида тизимли ишларни ташкил қилиш;

— мавжуд қайта ишлайдиган қувватларни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, рангли металлларни қайта ишлашнинг замонавий юксак самарали ускуна ва технологияларини татбиқ этиш;

— рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда уларни темир-терсак топширувчилардан қабул қилиш, шу жумладан рангли металл парчалари ва чиқиндиларини юридик шахслар билан фьючерс шартномаларини тузиш йўли билан тайёрлаш ва қабул қилишнинг аниқ-пухта тизимини ташкил қилиш;

— топшириладиган рангли металл парчалари ва чиқиндилари учун фақат юридик шахслар — темир-терсак топширувчилар томонидан темир-терсак ҳамда чиқиндилар топширилишини рағбатлантирувчи эркин (шартномавий) нархлар бўйича ҳисоб-китоблар тизимини жорий этиш.

Дарҳақиқат, қимматбаҳо металллар сирасига кирмайдиган рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш каби ножўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда рангли металл парчалари ва чиқиндиларини комплекс ҳамда чуқур қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, бу тоифадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида амалий чора-тадбирларни амалга ошириш рангли металлларнинг ноқонуний айлланишига чек қўйишга, уларни фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қурилмаларидан ўғирланишининг олдини олишга хизмат қилади. Шундай қилиб, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши аввало рангли металллар, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш, қайта ишлашнинг белгиланган тартибига риоя этилишини таъминлашга мутасадди мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада оши-

ришга, коммуникация тармоқларидан рангли металлларни олиш мақсадида уларга шикаст етказиш, трансформаторларни, агрегатлар ва двигателларнинг ҳар хил узеллари ҳамда деталларини талон-тарож қилиш ҳолларига чек қўйилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса халқ фаровонлигини оширишга, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг янада кучайишига, ҳар бир шахснинг халқ мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлишига, қолаверса, амалдаги қонунларимизга сўзсиз риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲАЁТИ, СОҒЛИҒИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Асосий қомусимиз — Конституциянинг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади» деб қатъий белгиланган. Мазкур нормада ҳуқуқий демократик давлат, одил фуқаролик жамияти қуришдек умумэътироф этилган йўлни танлаган мамлакатимизда инсон, унинг шахси юқори даражада улуғланганлигини кўриш мумкин. Истиқдолнинг илк кунларидан то бугунгача юртбошимиз раҳнамолигида юқоридаги норма мазмунининг ҳаётийлигини таъминлашга қаратилган турли йўналишдаги янгилаш ва модернизациялаш ислохотлари босқичма-босқич тизимли тарзда амалга оширилаётганлиги, Парламент томонидан эса зарурий қонунлар ўз вақтида қабул қилинаётганлигига барчамиз гувоҳмиз.

Бугунгача фақат аҳоли саломатлиги ва ҳаёти хавфсизлигини муҳофаза қилиш ҳамда таъминлаш мақсадида ҳуқуқий тартибга солувчи, ҳимоя қилувчи, кафолатловчи, жавобгарликни белгиловчи бир неча қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари қабул қилинган ва амалда қўлланилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 26.04.1996 й., «Дори воситалари ва фармацевтика фалияти тўғрисида»ги 25.04.1997 й., «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги 30.08.1997 й., «Экологик экспертиза тўғрисида»ги 25.05. 2000 й., «Фуқаро муҳофазаси

тўғрисида»ги 26.05.2000 й., «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги 31.08.2000 й., «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 11.05.2001 й., «Чикиндилар тўғрисида»ги 05.04.2002 йилларда қабул қилинган Қонунлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чигит етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишни тартибга солиш тўғрисида» 31.05.2006 йилдаги 360-сонли Қарори, «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 16.03.2007 йилдаги 605-сонли Қарори, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 14.06.2005 йилдаги 3619-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 04.09. 1998 йилдаги 378-сонли, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 28.11.2002 йилдаги 414-сонли, «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 06.07.2004 йилдаги 318-сонли Қарорлари ва ҳоказо.

Яратилган ҳуқуқий база ва эркин шарт-шароит ҳамда имкониятлар мавжудлигига қарамай, айрим шахслар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бузиб фаолият кўрсатиш ҳолатлари кўплаб учраб турибди. Бундай шахсларнинг ноқонуний фаолиятларига чек қўйиш ва бошқа шахсларнинг ҳам жиноят содир этишининг олдини олишда жиноят қонуни ва унда белгиланган принципларнинг аҳамияти катта.

Содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига бугунгача бир неча марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шундай ўзгартиш ва қўшимчаларга оид қонунлардан бири Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонундир. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилган. 2007 йил 28 февралда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва 2007 йил 5 мартда кўриб чиқиш учун Сенатга юборилган. 2007 йил 30 мартда Сенатнинг тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган. Қонун 2007 йил 26 апрелда эълон қилинган ҳамда шу санадан кучга кирган.

Мазкур қонунни қабул қилишнинг зарурати ва мақсади ҳақида тўхталишдан аввал мамлакатимизда аҳолини сифатли ва хавфсизлик талабларига жавоб берадиган товарлар ҳамда хизматлар кўрсатиш билан таъминлашга қаратилган бир қатор ислохотлар амалга оширилаётганлигини айтиш ўринли. Шунга қарамай, бозор иқтисодиётига ўтиш, тадбиркорликни эркинлаштириш шароитида айрим «сохта ишбилармонлар» томонидан ноқонуний даромад олиш илинжида қонун ҳужжатларида белгиланган хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳолатлари ва унинг аҳоли саломатлигига салбий таъсири кузатишмоқда.

Биргина «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тақдим этилган маълумотга асосан агентлик ва унинг ҳудудий идоралари томонидан 2006 йилда мамлакатимизда товар ва хизматлар кўрсатиш сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида республиканинг 1029 та танланган корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш (хизматлар кўрсатиш)да стандарт талабларига риоя этилиши ўстидан назорат ўтказилганда, 880 та (85,5 %) корхоналарда стандарт талаблари бузилганлиги аниқланган.

Натижада, 283 та ҳолатда стандарт ва техникавий шартлар талабларига мос бўлмаган маҳсулотларни сотиш, 72 та ҳолатда маҳсулотларни ишлаб чиқариш тақиқланган. Шунингдек, меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бермаган ҳамда сертификатлаштирилмаган маҳсулотларни реализация қилганлиги учун корхоналарга 218523,0 минг сўмлик, сотиш тақиқланишига қарамасдан маҳсулот сотилгани учун 5426,1 минг сўмлик жарима қўлланилган. 852 та корхонанинг масъул шахсларига 15685,8 минг сўм миқдорида маъмурий жарималар қўлланилган.

Юқоридаги каби ва шунга ўхшаш чора-тадбирлар кўрилишига қарамасдан ноқонуний даромад орттириш мақсадида «сохта тадбиркорлар» томонидан хавфсизлик талабларига риоя этмасдан фаолият кўрсатиш ҳолатлари давом этмоқда. Бундан эса энг аввало аҳоли, қолаверса ривожланаётган бозор иқтисодиёти механизми зарар кўрмоқда. Ушбу қонун эса юқоридаги ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутди. Шу боис айнан мазкур Қонуннинг 1-моддаси 1-банди билан Жиноят кодексининг 186-моддасига бир нечта

ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Таъкидлаш керакки, Жиноят кодексининг 186-моддасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар модданинг барча қисмларига тегишли, яъни модда номининг ўзгартирилиши, унинг диспозициясини аниқ ва тушунарли қоидалар билан алмаштирилиши ҳамда жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнида модда санкциясида муқобил жазо турлари сонининг кўпайганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Модда номланиши «Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш» тарзида ўзгартирилди. Диспозициясида белгиланган ижтимоий хавфли қилмишлар бир неча мустақил муқобил ҳаракатлардан иборат таҳрирда белгиланди. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларга асосан шахсни қуйидаги ҳолатларда улардан бирини ёки бир нечасини содир этганда мазкур модда билан жавобгарликка ториш асослари юзага келади:

1. Истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқарганлик учун.

2. Истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб сақлаганлик учун.

3. Истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ташиганлик ёки ўтказганлик учун.

4. Истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ишлар бажарганлик учун.

5. Истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган хизматлар кўрсатганлик учун.

Шахсни мазкур модда билан жавобгарликка тортиш учун жавобгарликка тортишга ваколатли шахслардан қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш талаб этилади:

1. Товарларни истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб беришини таъминлаш воситалари ёки омиллари нима ва бунга масъуллар (жиноятнинг олдини олиш учун)? Қачон товарлар хавфсизлик талабларига жавоб бермаган ҳисобланади (қилмишни жиноят деб топиш учун)?

2. Ишлар бажаришни истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб беришини таъминлаш воситалари ёки омиллари нима ва бунга масъуллар (жиноятнинг ол-

дини олиш учун)? Қачон ишлар бажариш хавфсизлик талабларига жавоб бермаган ҳисобланади (қилмишни жиноят деб топиш учун)?

3. Хизматлар кўрсатишни истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб беришини таъминлаш воситалари ёки омиллари нима ва бунга масъуллар (жиноятнинг олдини олиш учун)? Қачон хизматлар кўрсатиш хавфсизлик талабларига жавоб бермаган ҳисобланади (қилмишни жиноят деб топиш учун)?

4. Товарларга, ишлар бажаришга ва хизматлар кўрсатишга оид истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талаблари билан боғлиқ қоидалар белгиланган қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд?

Қонунда хавфсизлик тушунчаси нафақат товар ва маҳсулотларга, балки кўрсатилаётган хизматлар ва бажарилаётган ишларга нисбатан ҳам аниқ кўрсатиб берилган. Товарлар, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишнинг истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф-муҳит учун хавфсиз бўлишига доир талаблар эса тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасида товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги тушунчаси ёритиб берилган. Қонуннинг мазкур нормасига мувофиқ товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги—товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишнинг, шунингдек иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкка ва атроф-муҳитга зарар етказиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг йўқлигидир. Худди шундай, Ўзбекистон Республикаси «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддасида озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тушунчаси етарли даражада аниқ берилган бўлиб, бунга кўра озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги озиқ-овқат маҳсулотининг санитария, ветеринария, фитосанитария нормалари ва қоидаларига мослиги ҳисобланади.

Бу масала бир қатор хорижий давлатлар қонунчилигида анча олдинроқ белгиланганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 238-моддасида истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жа-

воб бермайдиган ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш, то-вар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, олиб ўтиш ёки ўтказиш, шунингдек қонунга ҳилоф равишда хавфсизлик талабларига жавоб берадиган хизматлар, ишлар ва товарларни тасдиқлайдиган расмий ҳужжатлар бериш ёки улардан фойдаланиш учун жарима ёки икки йил муддатгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Шу каби жавобгарлик Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 269-моддасида ҳам назарда тутилган.

Умуман олганда, мазкур соҳада жавобгарликни кучайтириш зарурияти хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш, энг муҳими, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларни истеъмол бозорида ўтказиш, шунингдек ушбу маҳсулотларни истеъмол қилиш оқибатида аҳолининг саломатлигига зарар етказилишининг олдини олишга қаратилган.

Мазкур қонуннинг 1-моддаси 2-банди билан Жиноят кодекси 186³-моддасининг номланиши эски таҳрирда сақланган ҳолда, унинг диспозиция ва санкция қисмига бир нечта ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди. Жиноят кодексининг 186¹-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар шундан иборатки, модда қисмларининг санкцияларида аввал мавжуд бўлган жазо турлари кучайтирилди, баъзи жазо турлари чиқарилди ҳамда модданинг аввалги таҳририда бўлмаган тўртинчи қисм, яъни «Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуду кўп миқдорда қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш» тарзидаги қўшимча киритилди.

Мазкур модда диспозицияси ва санкциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни модда қисмларининг енгилидан оғирига қараб жойлашуви нуқтаи назаридан изоҳлаганда қуйидагилар кўринади:

— биринчи қисм санкциясининг олдинги таҳририда бўлган «энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима» жазоси «энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима» жазоси тарзида, «уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» жазоси «беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш» жазоси тарзида белгиланди;

— иккинчи қисм санкциясининг олдинги таҳририда бўлган «...энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима» жазоси «...энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима» жазоси тарзида, «уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш» жазоси «беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш» жазоси тарзида белгиланди;

— учинчи қисм санкциясининг олдинги таҳририда бўлган «энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима» жазоси чиқарилиб, эски таҳрирдаги «етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш» жазоси «етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш» жазоси билан алмаштирилди. Ушбу қисм санкциясидаги фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси мутлоқ жазо тури сифатида қолдирилди.

Натижада биринчи қисмда кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмиш учун жазо миқдори ва муддатини ошириш билан жазо кучайтирилди ҳамда жиноят ижтимоий хавфлилик даражасига кўра эски таҳрирдаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумидан унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига ўтказилди.

Моддага янги таҳрирда киритилган тўртинчи қисм жиноят таркибини аниқлантириш ва бу борада мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида «Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуду кўп миқдорда қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш» тарзида белгиланди ва санкциясида фақат бир турдаги жазо, яъни «етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади» деб белгилаб қўйилди. Бойси, юқорида баён этилган ҳаракатларнинг хизмат лавозимини суистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш орқали содир этилишининг ижтимоий хавфлилик даражаси анча юқорироқдир.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида сўзлаган маърузаларида таъкидланган «... корхоналар фаолия-

воб бермайдиган ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш, товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, олиб ўтиш ёки ўтказиш, шунингдек қонунга ҳилоф равишда хавфсизлик талабларига жавоб берадиган хизматлар, ишлар ва товарларни тасдиқлайдиган расмий ҳужжатлар бериш ёки улардан фойдаланиш учун жарима ёки икки йил муддатгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Шу каби жавобгарлик Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 269-моддасида ҳам назарда тutilган.

Умуман олганда, мазкур соҳада жавобгарликни кучайтириш зарурияти хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш, энг муҳими, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, уларни истеъмол бозорида ўтказиш, шунингдек ушбу маҳсулотларни истеъмол қилиш оқибатида аҳолининг саломатлигига зарар етказилишининг олдини олишга қаратилган.

Мазкур қонуннинг 1-моддаси 2-банди билан Жиноят кодекси 186¹-моддасининг номланиши эски таҳрирда сақланган ҳолда, унинг диспозиция ва санкция қисмига бир нечта ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди. Жиноят кодексининг 186¹-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар шундан иборатки, модда қисмларининг санкцияларида аввал мавжуд бўлган жазо турлари кучайтирилди, баъзи жазо турлари чиқарилди ҳамда модданинг аввалги таҳририда бўлмаган тўртинчи қисм, яъни «Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуду кўп миқдорда қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш» тарзидаги қўшимча киритилди.

Мазкур модда диспозицияси ва санкциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни модда қисмларининг енгилидан оғирига қараб жойлашуви нуқтаи назаридан изоҳлаганда қуйидагилар кўринади:

— биринчи қисм санкциясининг олдинги таҳририда бўлган «энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима» жазоси «энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима» жазоси тарзида, «уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш» жазоси «беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш» жазоси тарзида белгиланди;

— иккинчи қисм санкциясининг олдинги таҳририда бўлган «...энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима» жазоси «...энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима» жазоси тарзида, «уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш» жазоси «беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш» жазоси тарзида белгиланди;

— учинчи қисм санкциясининг олдинги таҳририда бўлган «энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима» жазоси чиқарилиб, эски таҳрирдаги «етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш» жазоси «етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш» жазоси билан алмаштирилди. Ушбу қисм санкциясидаги фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси мутлоқ жазо тури сифатида қолдирилди.

Натижада биринчи қисмда кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмиш учун жазо миқдори ва муддатини ошириш билан жазо кучайтирилди ҳамда жиноят ижтимоий хавфлилик даражасига кўра эски таҳрирдаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумидан унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига ўтказилди.

Модлага янги таҳрирда киритилган-тўртинчи қисм жиноят таркибини аниқлантириш ва бу борада мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида «Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуду кўп миқдорда қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш» тарзида белгиланди ва санкциясида фақат бир турдаги жазо, яъни «етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади» деб белгилаб қўйилди. Боиси, юқорида баён этилган ҳаракатларнинг хизмат лавозимини суистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш орқали содир этилишининг ижтимоий хавфлилик даражаси анча юқорироқдир.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида сўзлаган маърузаларида таъкидланган «... корхоналар фаолият-

тига аралаштириш учун маъмурий имкониятлардан, уларнинг молиявий ва бошқа ресурсларидан ҳар қандай шаклда ноқонуний фойдаланишга қаратилган уринишларнинг қатъий барҳамга етилиши ва бундай хатти-ҳаракатларга йўл қўйганлар маъмурий тартибда ҳамда суд орқали жазоланиши зарурлиги ҳақида»ги фикр-мулоҳазаларининг амалий ифодасини таъминлаш мақсадида мавжуд ҳуқуқий базада тегишли норма белгиланганлигини кўриш мумкин.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар ҳаётий заруратдан келиб чиққан ҳолда киритилди. Чунки, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, ҳисобга олинмаган, сифатсиз молларни контрабанда йўли билан олиб келиш ва сотиш, шунингдек этил спирти, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш ҳолларига барҳам берилмаяпти. Мазкур жиноятнинг содир этилиш миқдори, сифати ва даражаси ўсаётганлиги ва энг муҳими бундан жамият, одамлар саломатлиги ва ҳаётига хавф ошаётганлиги кузатишган.

Республика Прокуратурасининг берган маълумотларига қараганда масъул мансабдор шахслар, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ходимлари ўз ваколатларини суиистеъмол қилиб, тамагирлик ниятида спирт, алкогольли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний муомаласига бевосита ҳомийлик қилганликлари ҳолатлари ҳам мавжудлиги аниқланган.

2005 йил ва 2006 йилнинг 10 ойи давомида республикада бундай ҳолатлар юзасидан 3726 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 71 нафар шахслар мансабларини суиистеъмол қилганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, 2006 йил мобайнида «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Алкоголли маҳсулотларнинг сифати бўйича давлат инспекцияси томонидан мамлакатимиз ҳудудларида ишлаб чиқарилаётган алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ 232 та қорхона ва савдо ташкилотларида алкогольли маҳсулотлар сифати бўйича давлат назорати текширувлари ўтказилганда, 174 тасида (75 %) турли камчиликлар аниқланган.

Натижада камчиликлар аниқланган ҳўжалик юритувчи субъектларга жами 51106,5 минг сўм миқдорида иқтисодий жарима қўлланилган. Жумладан, маҳсулотларнинг физик-кимёвий кўр-

саткичлари, тамғаланиши, сақланиши меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келмаганлиги, яроқлилиқ муддати тугаганлиги, сотишни тақиқлаш тўғрисидаги амирномалар бажарилмаганлиги учун жами 2643,4 минг сўм ва маҳсулотлар мувофиқлик сертификатларисиз сотганлиги учун 48463,1 минг сўм миқдорида иқтисодий жарималар қўлланилган. Биргина 2006 йилда Агентлик томонидан ўтказилган текширувлар натижасида амалдаги қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар талабларини бузганликлари учун жами 158 та масъул шахсларга умумий ҳисобда 2810,0 минг сўмлик маъмурий жарималар қўлланилган.

«Солиқ» ва «Божхона хабарлари» газетасида берилган маълумотда Самарқанд вилояти давлат солиқ идоралари томонидан 2006 йил давомида хуфёна ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган 625 та яширин цех фаолияти тўхтатилганлиги, шундан 10 таси ноқонуний равишда спиртли ичимлик, 32 таси ўсимлик ёғи, 405 таси озиқ-овқат ва 177 таси ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан банд бўлганлиги аниқланганлиги кўрсатилган. Шунингдек, Хоразм вилояти Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2006 йилда ўтказилган текширишларда вилоятда спирт ва спиртли ичимликларни муомалага киритиш билан боғлиқ 199 та қонун бузилишлар аниқланган. Яширин тарзда спиртли ичимликлар тайёрлашга мўлжалланган цехлар фош этилган. Маҳаллий шароитда тайёрланган 4631 литр алкоғолли ичимликлар тегишли рухсатнома ва кириш ҳужжатлари йўқлиги учун савдодан чиқарилган. Натижада 95 нафар фуқаро маъмурий жаримага тортилган. Тўпланган 71 та материал ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилиб, улар юзасидан 38 та жиноят ишлари қўзғатилганлигига оид фактлар аниқланган.

Бу каби қонунбузарликлар давлатимизнинг иқтисодий манфаатларига жуда катта зарар етказади, энг ёмони — истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини поймол қилади ҳамда инсонларнинг соғлиғига таҳдид солади. Бу эса, этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ёки муомаласига қарши курашиш борасида жиноят қонунчилигининг роли ҳамда аҳамиятининг кучайтирилиши зарурлигини тақозо этмоқда. Айни пайтда жавобгарликнинг кучайтирилиши жиноий-ҳуқуқий нормаларнинг профилактик аҳамиятини оширишга шароит яратади. Қонунинг 1-моддаси 3-банди билан амалдаги Жиноят кодексига аввал мавжуд бўлмаган янги

мазмундаги «Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш» номли 186²-модда билан тўлдирилди.

Ушбу модда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2006 йил 18 сентябрдаги 199-сонли Қарори асосида ишлаб чиқилган. Қарорнинг 8-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига пахта чигитини қайта ишлаш билан ноқонуний шуғулланаётган жисмоний шахсларга, шунингдек ишониб топширилган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг технология ва санитария нормаларига риоя этмаётган мансабдор шахсларга нисбатан жазо чораларини қўйиштиришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича топшириқ белгиланган эди. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсон, унинг ҳаёти ва соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликларининг аввало ҳуқуқий базасини яратиш, уларни ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришга ҳамда фуқароларнинг саломатлигига таҳдид солувчи омилларга қарши курашиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Бордию бундай қонунбузарликлар содир этилса, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик жараёни давом этмоқда.

Жумладан, пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланишни назорат қилишнинг бозор механизмини такомиллаштириш, бозорда сифатсиз ёғ-мой маҳсулотлари пайдо бўлишининг олдини олиш, пировардида аҳолини белгиланган стандартларга жавоб бермайдиган маҳсулотлар истеъмол қилишдан ҳимоя қилишга қаратилган амалий ишлар бажарилишига қарамасдан амалиётда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган юқорида номи келтирилган қарор талабларига риоя этмаслик ва натижада истеъмолга сифатсиз ёғ-мой маҳсулотлари кириб боришига олиб келмоқда.

Айнан Жиноят кодексига янги киритилган 186²-модда юқоридаги ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарликни белгилайди. Модда учта қисмдан иборат таркибда тузилган. Шахс чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқарса ёки муомалага киритса, модданинг биринчи қисми билан жавобгар деб топилади ва биринчи қисмида кўрсатилган муқобил жазолардан бири билан жазога тортилади. Агар биринчи қисмда кўрсатилган ҳаракатлар кўп миқдорда; бир

гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, модданинг иккинчи қисмида белгиланган оғирроқ муқобил жазолардан бири билан жазога тортилади. Шунингдек, биринчи қисмда кўрсатилган ҳаракатлар жуда кўп миқдорда; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, модданинг учинчи қисми санкциясида белгиланган оғирроқ жазога тортилади. Жиноят кодексига 186²-модда киритилганлиги муносабати билан Жиноят процессуал кодексининг 345-моддаси иккинчи қисмига ҳам қўшимча киритилди, прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб бориладиган дастлабки терговга тегишли жиноятлар қаторига 186²-модда ҳам киритилди. Мазкур модданинг Жиноят кодексига киритилиши аҳолини сифатсиз ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаётганларнинг ноқонуний фаолиятини чеклаш ва асосийси, инсон саломатлигига зарар келтирувчи омиллардан бирининг олдини олишга хизмат қилади.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАЙДОВЧИЛАРИ ВА ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 29—30 мартда бўлиб ўтган тўққизинчи ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар маъқулланди. 2007 йилнинг 7 апрелида ана шу қонунлардан бири — «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди ва бу Қонун 2007 йил 1 июлдан эътиборан кучга кирди.

Мазкур қонунга мувофиқ ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташпишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига, худди шунингдек мотоцикл ҳайдовчиларининг мототшлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаганликлари учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари»да ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлик камаридан фойдаланиши шарт эканлиги кўзда тутилмаган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг

6 мартидаги «Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига биноан эса «Йўл ҳаракати қоидалари»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, 2007 йил 1 июлдан бошлаб конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш тартиби жорий этилди.

«Йўл ҳаракати қоидалари»га асосан конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситаси ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчи хавфсизлик камарини тақиб олиши ва хавфсизлик камарларини тақмаган йўловчиларни ташимаслиги шарт. Шу билан бир қаторда, қуйидагиларга хавфсизлик камари тақмасликка рухсат берилади:

- қоидаларнинг 25.8-бандига мувофиқ орқа ўриндиқдаги 12 ёшгача бўлган болалар;
- транспорт воситасини ҳайдовчиликка ўқиётган ўқувчи бошқараётганда бошқаришни ўргатаётган шахс;
- ҳомиладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган бемор йўловчилар;
- орқага ҳаракатни амалга ошираётган ҳайдовчилар;
- аҳоли пунктларида ҳаракатланишда — йўналиш таксилари ҳайдовчилари, таксининг орқа ўриндиғидаги йўловчилар;
- аҳоли пунктларида — ташқи қисмига тегишли рангли график схемалар чизилган махсус транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари.

Мотоциклни бошқараётганда ҳайдовчи тугмаланган махсус бош кийими кийиши ва тугмаланган махсус бош кийими киймаган йўловчиларни ташимаслиги керак. Ушбу қоидаларга риоя этмаслик Қонунга мувофиқ маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Мазкур Қонунни қабул қилишдан мақсад фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари оғир оқибатларининг олдини олишдан иборатдир. Рақамларга эътибор берсак, мамлакатимизда 2007 йили 10853 та йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган бўлиб, улар оқибатида 2128 нафар шахслар ҳалок бўлган, 11881 нафар шахслар эса турли даражадаги тан жароҳати олганлар. Бу каби нохуш ҳолатларнинг оғир оқибатларини олдини олишда ҳайдовчи ва йўловчиларнинг транспорт воситаларида ўрнатилган хавфсизлик камарларидан фойдаланишлари катта ижобий замин яратади.

Ҳозирги кунда «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги 1968 йилдаги халқаро Конвенцияга аъзо бўлган аксарият хорижий давлатларда ҳам (Россия, Германия, Корея ва бошқалар) ҳайдовчи ва йўловчиларга хавфсизлик камарларини тақмасдан транспорт воситасида ҳаракатланиш қонун билан тақиқлаб қўйилган. Хорижий давлатларда ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳаракат давомида хавфсизлик камарларидан фойдаланишлари содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида уларнинг оғир тан жароҳати олишларини 62—65 фоизга камайтиради. Шу билан бирга, ҳайдовчиларнинг психо-физиологик ҳолатига таъсир этиб, транспорт воситасини ҳушёр бошқаришга ундайди ва йўл-транспорт ҳодисаларининг 12—14 фоизга камайишига хизмат қилади.

Маълумотларга қараганда, Канадада 1989 йилдан 2003 йилга қадар хавфсизлик камари туфайли 6 мингдан ортиқ фуқаронинг ҳаёти, 120 минг нафарининг саломатлиги сақлаб қолинган. Японияда олиб борилган ҳисоб-китобларга кўра, ҳар 100 та йўл-транспорт ҳодисасидан 75 тасида фуқаролар хавфсизлик камарини таққанлиги сабабли омон қолган. Бу рақам АҚШ да 100 тадан 77 тани ташкил этади. Турли мамлакатларда илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари томонидан автотраспорт воситалари тўқнашувларининг оқибатлари тадқиқ этилган бўлиб, бу тадқиқотларнинг хулосалари хавфсизлик камаридан албатта фойдаланиш зарурлигини асослайди. Жумладан, тадқиқотларнинг кўрсатишича, башарти соатига 50 километр тезлик билан ҳаракатланаётган автомобиль ҳаракатсиз тўсиққа урилса, 80 килограмм вазнга эга бўлган шахс организмга 2 тоннага тенг бўлган зарб кучи таъсир этади! Бу ҳолатда ёш болага 500 килограмм зарб кучи тўғри келади. Орқа ўриндикда ўтирган ва хавфсизлик камарини тақмаган йўловчиларга ҳам тўқнашув катта хавф туғдиради. Улар тўқнашув натижасида бошларини шифтга уриб, жуда оғир жароҳат олишлари ёки ҳалок бўлишлари мумкин. Шу билан бир қаторда, орқа ўриндикда ўтирган ва хавфсизлик камарини тақмаган йўловчилар олд ўриндикдаги ҳайдовчи ва йўловчига ҳам тўқнашув вақтида катта хавф туғдиради.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонуннинг амалда самарали татбиқ этилиши мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига ва ҳайдовчи ҳамда йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

III. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг X ялпи мажлисида маъқулланган қонулар:

1. «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

2. «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

3. «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатлари баъзи нормаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

4. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

5. «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

6. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида» ги 222-II-сонли қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

7. «Содиқ хизматлари учун» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

8. «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

9. «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ Х ЯЛПИ МАЖЛИСИДА МАЪҚУЛЛАНГАН ҚОНУНЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

«ЎЛИМ ЖАЗОСИ БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган принциплари ва нормаларига тўла мувофиқ келади. Чунончи, 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида «Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир», 1966 йил 19 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 6-моддаси 1-бандида эса «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди» деб белгиланган.

Мазкур қоидалар мамлакатимиз Конституциясида ўз ифодасини топган бўлиб, унинг 13-моддасига кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, 24-моддасига кўра эса яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилиниши юртимизда амалга оширилаётган давлат ва жамият қуришнинг ўзбек модели ва унинг ажралмас қисми бўлмиш суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг навбатдаги босқичи ҳамда мантиқий давоми бўлганлигини, халқимиз дунёқарашининг ўзгариши, тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг яратилиши, зарур шарт-шароитларнинг пишиб етилишига монанд тарзда босқичма-босқич ҳал этилганлигини, шунингдек мазкур ижобий ўзгаришлар халқаро ҳамжамиятнинг ҳам юксак эътирофи-

га сазовор бўлаётганлигини қайд этиш лозим. Қонунга биноан, Жиноят кодексининг жиноятларни таснифлашга оид нормалари назарда тутилган 15-моддасининг бешинчи қисмидаги «ёки ўлим» деган сўзлар «ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилди. Демак муқаддам санкциясида ўлим жазоси назарда тутилган моддалар бўйича жиноятлар ўта оғир жиноятлар тоифасига киритилган бўлса, эндиликда ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан янги кучга кирган Қонун бўйича санкциясида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар ҳам ўта оғир жиноятлар тоифасига киритилди.

Жиноят кодексининг жазо тизими назарда тутилган 43-моддаси биринчи қисмининг «з» бандидаги «ўлим жазоси» деган сўзлар «умрбод озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилди. Мазкур ўринда жаҳон амалиётида умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосининг қонунда белгиланишига нисбатан турлича ёндашувлар шаклланганлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, баъзи давлатларда (Россия, Беларусь, Молдова, Грузия, Озарбайжон, Хитой, Франция, Польша ва ҳ.к.) умрбод озодликдан маҳрум қилиш мустақил жазо тури сифатида жиноят қонуни жазо тизимида назарда тутилган бўлса, бошқа бир давлатларда (Япония, Корея, Германия, Швеция, Дания, АҚШ, Қозоғистон ва ҳ.к.) озодликдан маҳрум қилиш жазосининг тури сифатида қаралади ва тегишли нормалар жазо тизимида белгиланмасдан, балки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган моддада мустақамланган.

Мамлакатимизда эса ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жиноят қонунининг жазо тизимида мустақил жазо тури сифатида назарда тутилди. Шундан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг янги таҳрирдаги 51-моддасида ушбу жазонинг тушунчаси берилди. Унга биноан, умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир. Қонун бўйича фақат икки турдаги ўта оғир жиноят учун, яъни жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) жинояти учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилди, ҳолос.

Хорижий амалиёт шуни кўрсатадики, баъзи давлатларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси юқорида кўрсатилган ўта оғир жиноятлардан ташқари, агрессия, геноцид, давлат-

нинг хавфсизлигига қарши жиноятлар, жосуслик, конституциявий тузумга тажовуз қилиш, номусга тегиш, мулкни нобуд қилиш, босқинчилик ва бошқа жиноятларни содир қилганлик учун ҳам тайинланади. Масалан, Россияда 6 турдаги, Германияда 7 та, Японияда 9 та, Данияда 10 та, Бельгияда 11 та, Швецияда 13 та, Беларусда 14 та, Озарбайжонда 16 та, Қозогистонда 17 та, Францияда 18 та, Кореяда 19 та, Молдовада 24 та ва Хитойда 66 турдаги ўта оғир жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади.

Қонун бўйича Жиноят кодексининг 51, 58, 64, 69-моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан инсонпарварлик тамойилидан келиб чиқиб, мазкур шахсларга нисбатан ва қуйидаги ҳолатларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас:

- аёлга;
- ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга;
- олтмиш ёшдан ошган эркакка;
- тамом бўлмаган жиноятлар учун;
- суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим топмаса;

- суд жазони ижро этиш муддатини қўллашни лозим топмаса.

Қайд этиш жоизки, миллий жиноят қонунчилигимиз инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда доимо аёллар, вояга етмаганлар ва кексаларга нисбатан жазо тайинлашда бир қатор енгилликларни назарда тутиб келмоқда. Маълумки, мазкур тоифадаги шахсларга нисбатан ўлим жазоси ҳам тайинланиши мумкин эмас эди. Эндиликда ўлим жазоси ўрнига киритилган умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳам мазкур шахсларга нисбатан тайинланмаслиги белгиланди. Ҳуқуқий жиҳатдан олганда вояга етмасдан жиноят содир этган шахс ҳукм чиқариш вақтида ўн саккиз ёшга тўлган тақдирда ҳам умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниши мумкин эмас. Олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан мазкур жазони қўламаслик учун эса унинг суд ҳукмига қадар ушбу ёшдан ошганлиги талаб қилинади. Ўз навбатида, жиноят унга тайёргарлик кўриш ёки уни содир этишга суиқасд қилиш босқичларида тўхтатилган бўлса, яъни тамом бўлмаган бўлса, бундай жиноят учун ҳам умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас.

Бу борада Россия, Украина, Беларусь, Молдова, Грузия, Озарбайжон, Япония, Корея, Хитой, Франция, Германия, Австрия, Польша, Швейцария, Швеция, Голландия, Дания,

Бельгия, АҚШ жиноят қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, санаб ўтилган давлатларнинг фақат 7 тасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш мумкин бўлмаган шахслар тоифасига оид нормалар мавжуд. Мисол учун, Россия Федерациясининг Жиноят кодексига асосан умрбод озодликдан маҳрум қилиш аёлга, шунингдек ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва суд ҳукмига қадар олмиш беш ёшга тўлган эркакка нисбатан қўлланилмайди. Қолган 12 та давлат қонунчилигида эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш қўлланилмайдиган шахслар тоифаси кўрсатилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 64-моддасида жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилишга оид нормалар назарда тутилган. Қонун бўйича киритилган ўзгартишга биноан эндиликда Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатларини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Мазкур ҳолатда шуни назарда тутиш керакки, санкциясида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноят ўта оғир жиноят ҳисобланади. Шундай экан, Жиноят кодексининг 64-моддаси биринчи қисми тўртинчи бандида белгиланган нормадан келиб чиқиб, бундай тоифадаги жиноят содир этилган кундан бошлаб ўн беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади. Бунинг учун суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим топган бўлиши керак. Акс ҳолда, агар суд ушбу муддатни қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига озодликдан маҳрум қилиш жазосини модда санкцияси доирасида тайинлайди. Жиноят кодексининг 64-моддаси бешинчи қисмига асосан, агар жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Мазкур ҳолатда ҳам модда санкциясида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлса, муддатларни қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 69-моддасида жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилишга оид нормалар назарда тутилган. Эндиликда ЖКнинг 69-моддаси бешинчи қисми бўйича умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсга нисбатан муддатлар ўтишини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд муддатлар ўтишини қўллашни лозим

топса, шахс жазони ўташдан озод қилинади. Суд муддатлар ўтишини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси модда санкциясидаги доирада озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади. Жавобгарликка тортиш ёки жазони ижро этиш муддатларини қўллаш масаласида шунинг эътиборга олиш лозимки, терроризм жинояти тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят ҳисобланади. Шу сабабли ЖКнинг 64-моддаси ва 69-моддасида кўрсатилган муддатлар суд томонидан терроризм жинояти учун жазо тайинлашда эътиборга олинмайди. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмлар билан тўлдирилди. Мазкур қўшимчаларга биноан узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин. Ушбу жазо ҳам аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтинчи ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас. Қонуннинг муҳим хусусияти шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми ва 155-моддаси учинчи қисми санкциялари муқобил шаклда, яъни йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади тарзида берилди. Баъзи хорижий давлатларнинг, хусусан Буюк Британия, Янги Зеландия, АҚШнинг қатор штатлари жиноят қонунчилигида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси мутлақ санкция шаклида белгиланган. Муқобил санкция, яъни Жиноят кодекси Махсус қисмида белгиланган алоҳида жиноят санкциясида икки ёки ундан ортиқ жазо турининг белгиланиши бўлиб, бу судлар томонидан жиноят содир этган шахсга қилмишига яраша тайинланадиган жазо турини танлаш имкониятини кенгайтиради.

Умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш институти қўлланилмайди. Қонуннинг яна бир муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, унда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1995 йилдаги умрбод озодликдан маҳрум қилишга доир тавсияларининг устувор қоида ва принципларига мос тарзда умрбод озодликдан маҳрум қилинганларга нисбатан афв этишни қўллаш асослари белгиланган.

**«ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ ҲУҚУҚИ СУДЛАРГА
ЎТКАЗИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБ-
ЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ
ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 18-моддаси иккинчи қисми янги таҳрирда, яъни «Ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас» деб баён этилди ва шу орқали «прокурор санкциясисиз ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас»лиги ҳақидаги норма қонундан чиқарилди. Ўз навбатида «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ҳам шундай мазмундаги ўзгартиш киритилди.

Шахснинг эркинлигини чеклаш, чунончи қамоққа олиш билан боғлиқ масалаларнинг суд тартибида амалга оширилиши лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19, 25 ва 44-моддаларида белгиланган бўлиб, қонунга киритилган юқоридаги ўзгартишлар ушбу конституциявий нормаларни амалиётда қўллашнинг реал механизмларидан бирини яратди. Шунингдек, ушбу ўзгартишлар АҚШ, Россия Федерацияси, Германия, Франция, Англия, Эстония, Арманистон, Молдова каби бир қатор хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги илғор тажрибага мос бўлиб, улар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принцип-ларига тўла мувофиқ келади.

Ўзбекистон Республикасида суд — давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи ҳисобланади. Судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар. Қамоққа олишга санкция бериш жараёнида судларнинг ҳолис бўлиш имкониятлари кенгроқ бўлиб, фақат уларгина инсоннинг конституция ва қонун билан мустаҳкамланган ҳуқуқларини чеклаши ёки улардан маҳрум қилиши мумкин. Мазкур қоида асрлар мобайнида ўзини оқлаб келмоқда. Шундан келиб чиқиб, Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29-моддаси, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддасига киритилган ўзгартишлар бўйича эндиликда суд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш мудлатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлди.

Қонунга биноан ЖПКнинг 36-моддаси биринчи қисмига киритилган ўзгартиш терговчининг айрим тергов ҳаракатлари-

ни амалга ошира олмаслигини белгилайди. Хусусан, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ҳақидаги қарор қабул қилиш ваколати шулар жумласидандир. Шунингдек, киритилган ўзгартишга мувофиқ, терговчи қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома беришга, шунингдек эҳтиёт чорасини Кодекснинг 240-моддасига мувофиқ бекор қилиш ёки ўзгартиришга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилди. Эндиликда терговчи жиноят иши бўйича ЖПКнинг 236, 242-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда, гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли.

Маълумки, Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасига биноан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш учун шахснинг Жиноят кодексида бунинг учун жазо тариқасида уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган қасддан жиноят содир этиш ёки беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этишда айбланиши талаб этилади. Демак, шахсни эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш учун у унча оғир бўлмаган, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган бўлиши лозим.

Ўз навбатида, ушбу қоидадан истисно мавжуд бўлиб, шахс ижтимоий ҳафви катта бўлмаган жиноятни содир этишда айбланаётган бўлса ҳам ЖПКнинг янги таҳрирдаги 242-моддасига мувофиқ, унга нисбатан қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлганда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қўлланиши мумкин. Чунончи:

- айбланувчи, судланувчи тергов ва суддан яширинганида;
- ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида;
- илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи томонидан бузилганида;
- ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи, судланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаганида;
- жиноят қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даврида содир этилганида.

Мазкур ҳолатлар мавжуд бўлмаган тақдирда ижтимоий ҳафви катта бўлмаган жиноят содир этган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш мумкин эмас. Де-

мак, прокурор, терговчи қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўлламоқчи бўлса, тегишли илтимосномани қўзғатиш ҳақидаги қарорида қамоққа олиш заруратини келтириб чиқарган асослар ва бошқа эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслигини асослаш билан бир қаторда юқорида кўрсатилган ҳолатлардан бири мавжудлигини ҳам асослаб бериши шарт.

Жиноят-процессуал кодексининг 243-моддасига биноан, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат ушлаб турилган гумон қилинувчига ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин. Лекин бу умумий норма бўлиб, ЖПКнинг 226-моддаси учинчи қисмига биноан, ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш учун алоҳида ҳолларнинг мавжудлиги талаб қилинади.

Ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан қўлланилганда ушбу эҳтиёт чораси ўн кунгача муддатга қўлланилган ҳисобланади ва ушбу муддат ичида шахс жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим. Акс ҳолда, эҳтиёт чораси бекор қилиниб, гумон қилинувчи қамоқдан озод қилиниши лозим. Мазкур ҳолатда гумон қилинувчини қамоқдан озод қилиш учун қонунда прокурорнинг ёки терговчининг розилиги талаб этилмайди.

Қонунда ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун талаб қилинадиган «алоҳида ҳоллар»нинг тушунчаси берилмаган. Алоҳида ҳолатларда ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан ҳам қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш зарурати шу билан изоҳланадиги, бунда шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишига жалб этиш учун асослар етарли бўлмайди, лекин бошқа турдаги эҳтиёт чорасини танлаш ушбу чораларни қўллаш мақсадларини таъминлай олмаслиги, жиноятни фош этиш имкониятларини камайтириши мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор ва суд ажримида «алоҳида ҳолатлар»нинг мавжудлиги чуқур асосланиши лозим.

Қонунга биноан, ЖПКнинг 243-моддаси янги таҳрирда баён этилди ва қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг суд тартибида амалга оширилиши мустаҳкамланди. Унга кўра, қонунда назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ва

дастлабки тергов давомида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланганда прокурор ёки унинг розилиги билан терговчи қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради. Ушбу қарорда ЖПКнинг 240-моддасида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоққа олиш заруратини келтириб чиқарган ҳолатлар тегишли асослар келтириш йўли билан исботланиши, шу билан бир қаторда бошқа эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслигини изоҳловчи сабаблар аниқ баён қилиниши лозим. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Прокурор терговчининг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномасининг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарор ва зарур материалларни судга юборади.

Агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қўзғатилаётган бўлса, қарор ва материаллар ушлаб туриш муддати (72 соат) тугашидан камида 12 соат олдин (яъни ушланган вақтдан бошлаб 60 соат ичида) судга тақдим қилиниши керак. Ўз навбатида, суд томонидан ушлаб туриш муддатини 48 соатдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш тўғрисида ажрим чиқарилганда ҳам прокурор томонидан қўшимча материаллар ушбу узайтирилган ушлаб туриш муддати тугашидан камида 12 соат олдин (яъни 36 соат ичида) тақдим этилиши лозим. Бундай илтимоснома ушбу муддат ўтгандан сўнг, бироқ ушлаб туриш муддати ўтгунга қадар тақдим қилинган тақдирда суд уни кўриб чиқиш учун қабул қилади ва қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсга нисбатан хусусий ажрим чиқаради. Қонунда белгиланган ушлаб туриш муддати ўтгандан сўнг судга тақдим этилган илтимоснома кўриб чиқилмайди. Мазкур ҳолатда ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи прокурор томонидан озод қилинади, уларга нисбатан бошқа эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи ҳал қилинади.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпо-

гистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан 12 соат ичида, лекин ушлаб туришнинг энг кўп муддатидан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Илтимоснома прокурор, агар ишда қатнашаётган бўлса ҳимоячи, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида кўриб чиқилади. Ушлаб турилган гумон қилинувчи, айбланувчи суд мажлисига олиб келинади. Фақатгина қидирув эълон қилинган айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома айбланувчининг иштирокисиз кўриб чиқирилиши мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, бошқа ҳар қандай ҳолларда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқиляётганда гумон қилинувчи, айбланувчининг суд мажлисидаги иштироки таъминланиши лозим. Суд мажлисида гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қонуний вакили, шунингдек терговчи иштирок этишга ҳақли. Зарур ҳолларда терговчи судга чақирилиши ҳам мумкин. Илтимосномани кўриб чиқиш прокурор маърузаси билан бошланади, у мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш заруратини асослаб беради. Шундан сўнг гумон қилинувчи ёки айбланувчи, ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим қилинган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Судья гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида;

2) қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш тўғрисида;

3) тарафлар қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг асосланганлиги ёки асосланмаганлигига доир қўшимча далилларни тақдим этишлари учун ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш тўғрисида. Қонунга мувофиқ, ЖПКнинг 226-моддаси биринчи қисмига киритилаётган ўзгартиш бўйича ушлаб туриш муддати суднинг қарори билан қўшимча равишда қирқ саккиз соатга узайтирилиши мумкин. Судья томонидан ушлаб туриш муд-

латини қирқ саккиз соатдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш тўғрисида ажрим чиқаришда дастлабки терговда шахсни ушлаш қонуний ва асосли бўлганлиги ҳолатига эътибор қаратилиши лозим.

ЖПКнинг 226-моддасига мувофиқ ушлаб туриш муддати ушланган милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб кўпи билан 72 соатни ташкил этади. Бунда ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асосларга кўра ушланган шахсни оқилона муддат ичида зудлик билан яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтириш шартлигини назарда тутиш лозим. Яъни, ушлаб туриш муддатининг ушланган милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб ҳисобланиши шахсни мазкур идораларга келтириш учун кетадиган реал вақтдан ортиқча муддат ушлаб туриш учун асос бўла олмайди. Башарти, ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асосларга кўра ушланган шахс уни милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтириш учун кетадиган реал вақтдан ортиқча муддатда ўзбошимчалик билан ушлаб турилса, бу борада айбдор шахсларнинг жавобгарлиги ҳал қилиниши лозим.

Худди шунингдек, шуни назарда тутиш лозимки, гарчи ушлаб туриш муддати ушланган милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб ҳисобланса-да, бу ҳолат гумон қилунувчини қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланишдан маҳрум қилмайди ёки уларни чекламайди. Яъни, ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асосларга кўра, ушланган шахс у амалда ушланган пайтдан бошлаб гумон қилинувчи деб ҳисобланади ва ЖПКнинг 48, 49-моддаларида белгиланган ҳуқуқлардан, шу жумладан, ҳимоячи олиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақидаги қарорда ва илтимосномани кўриб чиқиб, ажрим чиқаришда қуйидаги ҳолатларга эътиборни қаратиш лозим бўлади:

— ушлаб турилган гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан бўйинтовлаши мумкинлигини асословчи ҳолатларнинг мавжудлиги;

— бундан кейинги жиноий фаолиятини давом эттириши мумкинлиги даражасини ва унинг олдини олиш заруратини изоҳловчи сабабларнинг мавжудлиги;

— иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал бериши мумкинлиги даражаси ва бу уринишларга йўл қўймаслик заруратини изохловчи сабабларнинг мавжудлиги;

— айбланувчининг дастлабки тергов ва суддан яшириниши мумкинлигини асословчи ҳолатларнинг мавжудлиги;

— жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси;

— айбланувчининг шахсига оид маълумотлар, яъни машғулоти, мансаби, иш жойи, касби, мутахассислиги, ёши, соғлиғи, oilaviy аҳволи, судланганлиги, жамоа билан муносабатлари ва бошқалар;

— шахснинг озодликда қолдирилиши жабрланувчи учун ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари учун, худди шунингдек айбланувчининг ўзи учун ҳам хавф туғдириши мумкинлиги даражаси;

— бошқа турдаги эҳтиёт чорасини танлаш эҳтиёт чораларини қўллаш мақсадларини таъминлай олмаслигини асословчи маълумотлар.

Қамоқ эҳтиёт чорасини танлаш учун ажримда ушбу ҳолатларнинг шунчаки келтирилиши кифоя эмас. Уларнинг ҳар бири тарафлар томонидан тақдим қилинган маълумотлар асосида чуқур асосланиши керак.

Судьянинг ажрими ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилиниши керак. Ажрим судья томонидан имзоланади. Судьянинг ажрими ижро учун прокурорга, маълумот учун эса гумон қилинувчига, айбланувчига, ҳимоячига юборилади. Агар шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарилса, қонунга биноан ЖПКнинг 217-моддасига киритилган ўзгартиш бўйича суд бу ҳақда 24 соатдан кечиктирмасдан унинг оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда эса қариндошларига ёки яқин кишиларига хабар бериши, шунингдек бу ҳақда иш ёки ўқиш жойига маълум қилиниши шарт. Судья айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарганда, эҳтиёт чораси ЖПК 245-моддасида белгиланган уч ойлик муддатга қўлланилган ҳисобланади. Қонуннинг 1-моддаси саккизинчи банди билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг «Эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин бўлган шахслар» номли 239-моддасининг иккинчи қисми, яъни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг қўлланилишида алоҳида мақомга эга бўлган шахслар гуруҳига оид қоидалар янги таҳрирда берилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, Олий Маж-

лис Сенатининг аъзосига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли палатаси ёки унинг Кенгаши розилиги талаб этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) нисбатан ҳам қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилиги талаб этилиши белгилаб қўйилди. Ушбу қонун қабул қилунгунига қадар Омбудсманга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг қўлланилишида муайян органнинг розилиги талаб қилинмаслиги тўғрисидаги норма ЖПКда мавжуд эмас эди. Эндиликда мамлакатимизда Омбудсманнинг мақоми ва дахлсизлигига оид қоидалар янада мустаҳкамланди.

Бу масаладаги яна бир янгилик шундан иборатки, мазкур моддада Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатиға, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашининг депутатиға нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки уларнинг раҳбарлари розилиги талаб этилиши аниқ белгилаб қўйилди.

Қонунга мувофиқ ЖПКнинг 245-моддасига ўзгартиришлар киритилиб, қамоқда сақлаб туришнинг 3 ойлик муддатини: 5 ойгача — Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаширилган прокурорларнинг; 7 ойгача — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг; 9 ойгача — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг; бир йилгача — алоҳида мураккаб ишлар тергов қилинаётган ҳолларда оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг илтимосномасига биноан узайтириш имкони суд томонидан кўриб чиқилиши белгиланди.

Агар айбланувчини қамоқда сақлаб туриш муддати тугаган, жиноят ишини суд қўшимча терговга қайтараётган ва ишнинг ҳолатларига кўра қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаган тақдирда, жиноят ишини қўшимча терговга қайтарган суд томонидан қамоқда сақлаб туриш муддати бир ойгача узайтирилиши мумкин. Кўрсатилган муддатни узайтириш айбланувчи иш судга юборилгунига қадар қамоқда бўлган вақтни ҳисобга олган ҳолда ЖПКнинг

245-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган тартиб ҳамда доирада амалга оширилади. Қонунга мувофиқ, ЖПКнинг 247-моддаси ҳам янги таҳрирда баён этилди ва қамоқда сақлаб туриш муддатини суд тартибида узайтириш асоси белгиланди. Бунда айбланувчини қамоқда сақлаб туришнинг белгиланган муддати тугашидан камида 6 сутка олдин тегишли прокурор қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради, бу қарор судга юборилади. Ушбу қарорда терговнинг чўзилиб кетганлиги сабаблари, текширилиши лозим бўлган тўғриликлар ва ҳолатлар, қўшимча равишда сўралаётган муддат кўрсатилади.

Илтимоснома қонунга мувофиқ қамоқда олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган судья томонидан яқка тартибда, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан 72 соат ичида, ёпиқ суд мажлисида прокурор, айбланувчи, агар ишда қатнашаётган бўлса, ҳимоячи иштирокида кўриб чиқилади. Фақатгина айбланувчи стационар суд-психиатрия экспертизасидан ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган бўлсагина, илтимоснома суд томонидан айбланувчининг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин. Бунда айбланувчининг ҳимоячиси суд мажлисида иштирок этиши шарт.

Судья қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

- 1) қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисида;
- 2) қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисида.

Судьянинг қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисидаги ажрими ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро қилиниши керак. Ажрим судья томонидан имзоланади. Судьянинг ажрими ижро учун прокурорга, маълумот учун эса айбланувчига, ҳимоячига юборилади.

Қонунга мувофиқ ЖПКнинг 241-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра, эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш ва протест билдириш тартиби батафсил баён этилди. Хусусан, эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан терговни назорат қилаётган, уни бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли бўлган прокурорга шикоят берилиши мумкин. Прокурор шикоятни олган пайтдан эътибо-

ран 3 сутка ичида уни кўриб чиқиши ҳамда шикоят берган шахсни ўз қароридан хабардор этиши шарт.

Дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича суднинг ажрими устидан эса мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан 72 соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин. ЖПКнинг 46, 47, 53, 55, 61, 479, 497² - моддаларига кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳисобланадилар. Шикоят, протест ажрим чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд уларни 24 соат ичида материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Апелляция инстанцияси суди кўрсатилган материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан 72 соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак. Шикоят ёки протест берилиши эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги масала бўйича қарор ижросини тўхтатмайди.

Дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича суднинг ажрими устидан у чиқарилгач 72 соат ўтгандан сўнг берилган шикоят (протест) ЖПКнинг 497⁴-моддасининг учинчи қисмига асосан кўрмасдан қолдирилади, бу ҳақда уларни берган шахсларга маълум қилинади.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

1) судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) судьянинг ажримини бекор қилиш ва гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоқдан озод қилиш ёхуд унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш масаласи бўйича чиқарилган суд ажрими юзасидан эса ушбу ажримни бекор қилиш ва қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад этишга ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришга ҳақли. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинган тақдирда, айнан ўша гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан мазкур масала бўйича такроран судга мурожаат қилишга қамоққа олишни тақозо этадиган янги ҳолатлар юзага келганда йўл қўйилади.

Қамоқда сақлаш муддати тугаб, озод этилган айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаб туриш муддати узайтирилган тақдирда, суд унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллайди. Бунда шуни назарда тутиш керакки, суд томонидан қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган ва қамоқда сақлаш муддати тугаган бўлса, айбланувчи озод қилиниши, унга нисбатан бошқа эҳтиёт чорасини танлаш масаласи ҳал қилиниши лозим. Агар апелляция инстанцияси суди судьянинг қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришни рад қилиш тўғрисидаги ажримини бекор қилса, айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллайди. Қонунда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш масаласи бўйича чиқарилган ажрим устидан кассация шикоят (протести), назорат тартибида шикоят (протест) билдирилиши назарда тутилмаган. Қонунга биноан «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Прокурорнинг ваколатлари» номли 28-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, прокурорга қонунларнинг жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар ижро этишлари устидан назорат қилиш жараёнида ўз ваколатлари доирасида суриштирув органларига суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ажримини ижро этишни топшириш, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ваколатларига оид нормалар ҳам белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши:

- фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз эканлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги тўғрисидаги конституциявий тамойилнинг рўёбга чиқишига;

- фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг одил суд орқали муҳофазасини кучайтиришга ҳамда қўшимча кафолатларнинг белгиланишига;

- судга қадар иш юритиш босқичида фуқаролар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни амалга оширишда ва уларнинг дахлсизлигини таъминлашда суднинг ваколатларини кенгайтиришга;

- суднинг мустақиллиги, суд ҳокимиятининг таъсирчанлиги ошишига, фуқароларнинг судларга бўлган ишончи мустақамланишига хизмат қилади.

СУДЬЯЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ЛАВОЗИМЛАРГА ТАВСИЯ ЭТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йилнинг 29—30 июнь кунлари бўлиб ўтган ўнинчи ялпи мажлисида «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун маъқулланди. Мазкур қонун суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтириш, судьялар захирасини шакллантириш, номзодларни танлаш ва лавозимларга тавсия этишнинг демократик тамойилларини янада мустаҳкамлаш, судьялар корпуси барқарорлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида босқичма-босқич равишда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг узвий давомидир.

Юртбошимиз Ислом Каримов қайд этганларидек, мамлакатимизда суд ислохотларини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишидир. Шу маънода, юртимизда ўтган йиллар давомида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Судларнинг жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши қонунан мустаҳкамлаб қўйилди, бу эса ишларни кўриб чиқиш сифати ошишини таъминлади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилиши суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд ишларини юритишда сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Кассация инстанцияси ислох қилинди: фуқаролар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқларини мазкур инстанцияда шахсан ва бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар. Суд процессида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан

тенглигини, уларнинг тортишув принципини амалга оширишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Дастлабки тергов муддатлари икки йилдан бир йилгача ҳамда айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатлари бир ярим йилдан тўққиз ойгача, алоҳида ҳолларда эса бир йилгача қонун йўли билан қисқартирилди. Шунингдек, ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш доираси чекланди. Қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш бўйича юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши судгача тергов, одил судловнинг тезкорлиги ва сифати ошишини, суд процесси иштирокчилари ҳуқуқларига риоя этилишининг процессуал кафолатлари кенгайишини таъминлади. Босқичма-босқич равишда изчил амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида фуқароларнинг судларга бўлган ишончлари тобора ортиб бормоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичида амалга оширилаётган долзарб вазифалардан бири — суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг масъулиятини кучайтиришдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Бинобарин, суд идораси ходимларининг профессионал ва фуқаролик бурчи, ўз вазифасини ҳалол ва сидқидилдан бажариши, энг аввало, ҳокимият идоралари обрўсини ошириш баробарида халқимизнинг суд ҳокимиятига нисбатан ишончининг янада ортишига хизмат қилади. Бу борадаги ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш, айниқса, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги Фармони билан «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тўғрисида»-ги Низом тасдиқлангани, шунингдек Қонунга мувофиқ «Судлар тўғрисида»ги Қонунга, «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш» ва «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низомларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани ҳам ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантикий давоми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 13 ва 14-бандларига биноан, Олий суд, Олий ҳужа-

лик суди раислари ва судьялари Президент тақдими билан Сенат томонидан сайланади, вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва ҳўжалик суди судьялари эса Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг янги Низомига биноан, комиссия доимий ишловчи орган бўлиб, унинг таркиби Сенат, Қонунчилик палатаси, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар, шунингдек, жамоатчилик вакиллари — жами ўн етти кишидан иборат. Мазкур Низомда судьялар заҳирасини шакллантириш, уларни танлаш ва номзодларини лавозимларга тақдим этиш масалалари бўйича судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш ҳам комиссиянинг асосий вазифаларидан бири экани белгилаб қўйилган. Шунингдек, ҳўжалик судлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш ҳам мазкур комиссия зиммасига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан ўнинчи ялпи мажлисда маъқулланган «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомга, «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун тўртта моддадан иборатдир.

Ушбу Қонуннинг биринчи моддаси билан «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг бир неча моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Хусусан, Қонуннинг 11-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, унда эндиликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси нафақат умумий юрисдикция судлари, шу билан бирга ҳўжалик судлари судьяларини танлаш ва лавозимига тайинлаш юзасидан ҳам тавсия тайёрлаши; Олий малака комиссиясининг таркиби ўн етти кишидан иборат бўлиши, Комиссиянинг раиси ва ўн бир нафар аъзоси жамоатчилик асосида беш йил муддатга тасдиқланиши, раис ўринбосари ва тўрт нафар аъзоси ўз фаолиятини доимий асосда амалга ошириши билан боғлиқ нормалар акс этган. «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 53-моддасига киритилган ўзгартишга биноан, бундан буён ҳўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати таркиби ва раиси илгаригидек Олий ҳўжалик суди Пленуми томонидан эмас, балки Ўзбекистон Рес-

публикаси ҳўжалик судлари судьяларининг конференцияси томонидан сайланади. Мазкур Қонуннинг 63-моддаси иккинчи ва учинчи қисми қуйидаги янги таҳрирда баён этилди: «Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг ҳулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиш учун киритилади».

Умумий юрисдикция судлари каби вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳўжалик судлари судьяларини лавозимига тайинлаш (63-модда учинчи қисми), ваколатларини тўхтатиш (71-модда иккинчи қисми) ва муддатидан илгари тугатиш ҳам (72 модда биринчи қисми) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади.

Қонуннинг иккинчи ва учинчи моддаларига мувофиқ, 2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган «Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Низом ҳамда 2001 йил 7 декабрда тасдиқланган «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низомга ҳам бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низомнинг янги таҳрирдаги 8-моддаси учинчи қисмида «Судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятида судья кадрларнинг захирасини шакллантириш ва уларни танлашда ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, хизмат мавқеини сунистеъмол қилиш ва бошқа йўсиндаги қоидабузарлик фактлари аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси судьяларнинг тегишли малака ҳайъати раисини эгаллаб турган лавозимидан бўшатишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимнома киритишга ҳақли» эканлиги ҳақида норма акс эттирилган. Ушбу Низомнинг 24-моддасида ваколат муддати тугаётган судьяларга нисбатан уларнинг номзодини янги муддатга кўрсатиш тўғрисидаги масала судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан кўриб чиқирилиши;

судьялар малака ҳайъатларининг мазкур шахсларнинг судьялик лавозимиға муносиблиги ёки муносиб эмаслиги хусусидаги ҳамда уларни янги муддатга тайинлаш мумкинлиги ҳақидаги қарори уларнинг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборилиши белгиланди.

«Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низомға мувофиқ Олий малака ҳайъати, тегишли малака ҳайъати ёки хўжалик судларининг малака ҳайъатлари ваколатлари турлича бўлиб, ушбу Қонунға биноан улар фаолиятидаги энг муҳим масала, яъни судьялар захирасини шакллантириш билан боғлиқ Низомнинг еттинчи бўлими ҳам такомиллаштирилди. Жумладан, мазкур бўлимнинг номи «Судьялик лавозимларига номзодлар захирасини шакллантириш ва номзодларни танлаш» деб номланди. Қонунчилигимиздаги тартиб-таомилларға мувофиқ, судьялар судларда шакллантирилган захирадаги номзодлар орасидан танлаб лавозимға тавсия этилади. Кадрлар захирасини шакллантириш ва судьялик лавозимиға тақдим этиш судьяларнинг малака ҳайъатлари зиммасига юклатилган. Шунинг учун ҳам еттинчи бўлимдаги 51—59-моддалари янги таҳрирда баён этилди. Хусусан, 51-модданинг иккинчи қисмиға кўра:

— фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ва жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг судьялигиға номзодлар захирасини шакллантириш судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан;

— Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялигиға, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси ва раис ўринбосарлари лавозимларига номзодлар захирасини шакллантириш Судьялар олий малака ҳайъати томонидан;

— Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялигиға номзодлар захирасини шакллантириш Хўжалик судлари судьяларининг мала-

ка ҳайъати томонидан амалга оширилиши белгиланди. Судьяликка номзодлар захирасига йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, мутахассислиги бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари киритилиши мумкин. Судланган шахсларнинг судьяликка номзодлар захирасига қабул қилиниши мумкин эмаслиги 52-модданинг биринчи қисмида белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Низомнинг 55-модда 1-қисмига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмунига кўра судьяларнинг малака ҳайъатлари номзодларнинг касбий, маънавий-ахлоқий ва ишчанлик фазилатлари ўрганилишини ташкил этади ҳамда материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан икки ойдан кечиктирмай малака имтиҳонларини ўтказди, мазкур имтиҳонларнинг натижаларига кўра судьяликка номзодлар захирасига киритиш ёки захирага киритишни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради. Шунингдек, судьяликка номзодлар захирасига киритилиши рад этилган шахс бир йил муддат ўтганидан сўнг судьяларнинг малака ҳайъатларига тегишли ариза билан такрор мурожаат қилиши мумкинлиги 56-моддада ифодаланди.

Эндиликда судьяларнинг малака ҳайъатлари судьялик лавозимларига номзоди биринчи марта кўрсатилаётган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристарлар малакасини ошириш марказида махсус курсларда ўқитишни ташкил этади. Махсус курсларни тамомлаганлик тўғрисидаги сертификат берилган кунидан эътиборан уч йил мобайнида амал қилиши ҳақидаги янги тартиб Низомнинг 58—59-моддаларида ўз аксини топди. Бўшаб қолган судьялик лавозимига ўтказиладиган танловда иштирок этиш истагини билдирган шахслар малака имтиҳони топширади, мазкур имтиҳон натижаларига кўра судьяларнинг малака ҳайъатлари уларнинг судьялик лавозимига муносиблиги ёки муносиб эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади. Судьяларнинг малака ҳайъати муайян бўш судьялик лавозимига тавсия этилган камида икки нафар номзодга доир материалларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборади.

Хулоса қилиб айтганда, «Судлар тўғрисида»ги Қонун ва Низомларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида жорий этилган тартиб-таомиллар мамлакатимиз суд тизимини билимли, тажрибали ва ҳалол кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади.

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизда тadbиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳўжалик низолари ҳўжалик суди билан бир қаторда ҳакамлар судлари томонидан ҳам кўриб чиқилиши илк бор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-tadbирлари тўғрисида»ги Фармонида белгилаб қўйилган эди. Кейинчалик ҳакамлик судларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи махсус қонун — «Ҳакамлик судлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланди ва 2007 йилдан эътиборан кучга кирди.

Ҳакамлик судлари ҳуқуқ тўғрисидаги низони, келишмовчиликларни кўриш ва ҳал қилиш учун тарафларнинг хоҳиширодасига мувофиқ эркин танланадиган нодавлат судининг бир шакли ҳисобланади. Яъни у доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судларидан иборат бўлиб, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тadbиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи ҳўжалик низоларини ҳал этувчи нодавлат органидир. Давлат судлари (хусусан, ҳўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича судлар)дан фарқли равишда ҳакамлик судлари тарафларнинг келишувига асосан ташкил этилган суд тарзида намоён бўлади. Шу ўринда ҳакамлик судларида низоларни кўришнинг қуйидаги афзаллик жиҳатлари тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз:

— тарафларда судьяни мустақил танлаш имконияти мавжуд. Тарафлар доимий фаолият кўрсатадиган ҳакамлик судларида уни ташкил этган юридик шахс тасдиқлаган рўйхатдаги ҳакамлик судьялари орасидан танлашлари мумкин бўлади. Муваққат ҳакамлик суди судьясини эса ҳакамлик битими тарафлари ўзаро келишув асосида танлайдилар;

— низолар битта инстанцияда ҳал этилади. Ҳакамлик судлари қандайдир бир тизимни ташкил этмайди ва бир-бирига бўйсунмайди, яъни ҳакамлик судининг юқори турувчи инстанцияси мавжуд эмас;

— иш кўриш қисқа муддатларда амалга оширилади. «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонунда ҳакамлик судида низони кўриб чиқиш муддати белгиланмаган. Мазкур муддат тарафлар

ўртасида тузиладиган ҳакамлик битимида ёки доимий фаолият кўрсатадиган ҳакамлик судларининг регламентида кўрсатилади. Чет эл тажрибаси шуни кўрсатадики, масалан Россия Федерациясида фаолият кўрсатаётган ҳакамлик судлари регламентида иш кўриш муддати суд таркиби танланганидан эътиборан 20 кун қилиб белгиланган;

— ҳакамлик суди харажатлари низоларни хўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича судларида кўриш ва ҳал этиш учун кетадиган суд харажатларидан бир неча бор кам ва ҳакамлик судларига тақдим этилган даъво аризаларидан давлат божи ундирилмайди;

— ҳакамлик суди муҳокамаси махфий ва ошкор қилиниши мумкин эмас. Ҳакамлик судьяси ҳакамлик муҳокамаси давомида ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ҳакамлик муҳокамаси тарафлари ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари розилигисиз ошкор қилишга ҳақли бўлмайди;

— ҳакамлик муҳокамаси тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг низоми ва регламентида суд муҳокамаси тарафлар ва суд учун қулай бўлган жойда ўтказилиши белгилаб қўйилади.

Ҳакамлик судларининг республикамызда фаолият кўрсатиши тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш баробарида, мамлакатимизда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ва республикамызга кириб келаётган хорижий давлатлар инвестицияларининг оқимини кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади. Маълумки, ҳакамлик судлари қандайдир бир тизимни ташкил этмайди ва бир-бирига бўйсунмайди, ҳакамлик судининг юқори турувчи инстанцияси мавжуд эмас. Лекин «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонунда ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза бериш йўли билан низолашиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, мазкур Қонунга мувофиқ, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, ваколатли суд (хўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича судлар) берган ижро варақаси асосида амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Лекин, таъкидлаш жоизки, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонунда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни ҳамда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро

варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби белгиланмаган. Чунки ваколатли давлат судларининг ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳамда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби бошқа қонун ҳужжатлари билан, хусусан ФПК ва ХПК билан тартибга солинади.

Шунинг учун ҳам амалда ҳакамлик судларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, ушбу судга мурожаат қилган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш мақсадида айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиш киритиш талаб этилар эди. Айнан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида қабул қилинган «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни юқоридаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишни назарда тутди. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан «Давлат божи тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва Хўжалик процессуал кодекси қоидалари «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормалари билан мувофиқлаштирилди. Хусусан, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 36-моддасининг, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5, 7 ва 27-моддаларининг, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 10-моддасининг, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси 25, 52, 86, 88 ва 117-моддаларининг ўзбек тилидаги матнларидаги эскириб қолган «хोलислар суди» атамасини «ҳакамлик суди» деган янги атама билан алмаштирилди.

Мазкур Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг «Иш юритишни тугатиш асослари» деб номланган 100-моддаси ва «Аризани қабул қилишни рад этиш» деб номланган 152-моддасидаги «ҳакамлар судига» деган сўзлар «ҳакамлик судига» деган сўзлар билан, «шартнома

тузилган» деган сўзлар эса «ҳакамлик битими тузилган» деган сўзлар билан алмаштирилди. Шунингдек, мазкур Кодекснинг «Даъвони таъминлаш асослари» деб номланган 248-моддаси ҳакамлик судида кўриб чиқиладиган даъвони таъминлаш чораларини кўриш билан боғлиқ масалани суд томонидан кўриш тартиби ҳақидаги иккита янги қисм билан, «Даъвони таъминлашни бекор қилиш» деб номланган 254-моддаси эса даъво талабларини қаноатлантиришни рал этиш ҳақидаги ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори даъвони таъминлаш чоралари суд томонидан бекор қилиниши учун асос бўлиши тўғрисидаги янги қисм билан тўлдирилди.

Айниқса, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси ФПК ва ХПК ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни ҳамда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби тўғрисидаги нормалар билан тўлдирилиши шахс манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини янада кенгайтиришда ҳамда ҳакамлик суди қарорларини ижро этиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, мазкур Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси уч боб ва ўн уч моддадан иборат бўлган «Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни юритиш» деб номланган 5-кичик бўлим билан тўлдирилди. Ушбу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ФПКнинг яхлитлиги ва тузилишига путур етказмаган ҳолда мазкур 5-кичик бўлимнинг мазмун жиҳатдан яқин бўлган ФПКнинг «Биринчи инстанция судида иш юритиш» деб номланган II бўлимига киритилиши фуқаролик-процессуал қонунчилик техникасига тўла мувофиқ келади ва унинг тизимлилигини таъминлайди. Қолаверса, бу ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни юритиш ФПКнинг I-кичик бўлимидаги умумий қоидалар билан ўзаро боғлиқлигини ва ушбу қоидаларнинг 5-кичик бўлимдаги ишлар учун ҳам татбиқ этилишини англатади. Хусусан, 5-кичик бўлимнинг «Умумий қоидалар» деб номланган 35¹-бобида судлар томонидан ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар ҳамда ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро

варақалари бериш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар ФПКнинг 35¹-35³-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан биргаликда фуқаролик судлов ишларини юритишнинг умумий қоидаларига биноан кўриб чиқирилиши белгилаб қўйилди (309²-модда). Шунингдек, мазкур бобда фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан кўриладиган ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишлар, бу ишларни кўриш тартиби ҳақидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур бобда фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш тўғрисидаги, шунингдек, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкинлиги тўғрисидаги қонданинг мустаҳкамлаб қўйилиши шахс ҳуқуқларини қўшимча равишда кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади.

«Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни юритиш» деб номланган 5-кичик бўлимнинг 35²-боби «Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш» деб аталади ва унда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни, мазкур аризани кўриб чиқиш тартиби, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари ҳамда фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги иш бўйича ажрим чиқаришга доир қоидалар ўз ифодасини топди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорлари юзасидан низолашиш, унинг ҳал қилув қарорини бекор қилишга доир қоидалари кўплаб давлатларнинг қонунчилигида, шунингдек халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам назарда тутилади. Лекин мамлакатимиз қонунчилигида белгиланган ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашишга оид қоидаларнинг бошқа айрим давлатлар қонунчилигидаги шунга ўхшаш қоидалардан устун жиҳатлари мавжуд.

Масалан, Россия Федерациясининг «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонунига кўра (40-м.), агар ҳакамлик битимида ҳакамлик судининг қарори қатъий, ўзгартириб бўлмаслиги юзасидан келишувга эришилган бўлса, у ҳолда ҳакамлик суди чи-

қарган ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш мумкин бўлмаслиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонунида (46-м.) ҳамда шунга мувофиқ киритилган ФПКнинг 309⁴-моддасида ҳакамлик муҳокама-си тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ваколатли судга ушбу ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраб ариза бериш йўли билан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиши мумкинлиги белгиланиб, бу ўз навбатида, ҳакамлик судлари томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган қонун бузилишларининг олдини олади, тадбиркорлик субъектларининг раҳбарлари томонидан корхона манфаатларига зид бўлган келишувлар тузилишига барҳам беради, бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг ваколатли судлар томонидан тикланишига қўшимча имкониятлар яратади. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган жойдаги судга (хўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича судларга) берилиб, мазкур аризалардан тегишлича давлат божи ундирилиши белгиланди. Бу эса «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Давлат божи ундириладиган объектлар» деб номланган 2-моддасининг ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги ва ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан давлат божи ундириш ҳақидаги қоида билан тўлдирилишига ҳамда ФПКнинг «Давлат божи» деб номланган 104-моддасига ҳам шундай қўшимчалар киритилишига олиб келди.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризаларнинг малакали ёзилишини таъминлаш мақсадида аризанинг шакли ва мазмунига оид қоида белгилаб қўйилди. Унга кўра, мазкур аризалар ёзма шаклда берилиб, ҳал қилув қарори юзасидан низолашаётган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Мазкур аризалар фуқаролик ишлари юзасидан тақдим этиладиган аризаларнинг мазмуни (ФПКнинг 149-моддаси)дан ўзга хос жиҳатлари билан фарқланишини, таъбир жоиз бўлса, бирмунча такомиллаштирилганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Хусусан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкинлиги, унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг аниқ рўйхати берилиши каби қоидалар шулар жумласидандир (309⁵-модда).

Қонунда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартибини белгиловчи махсус норма мавжуд бўлиб (309⁶-модда), унда ариза суд мажлисида кўриб чиқилиши, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ҳакамлик муҳокамаси тарафлари албатта хабардор қилиниши каби қоидалар белгиланган. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар ФПКнинг 131-моддасида назарда тутилган муддатларда кўриб чиқилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби бошқа фуқаролик ишларини кўриб чиқишнинг умумий қоидаларидан фарқланади. Хусусан, суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли бўлмайди. Шунингдек, ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини бекор қилишга фақат «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади.

«Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш» деб аталган 35³-боб эса ижро варақаси беришнинг умумий қоидалари, ижро варақаси бериш сўралган аризанинг шакли ва мазмуни, аризани кўриб чиқиш тартиби, ижро варақаси беришни рад этиш асослари тўғрисидаги ҳамда фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги иш юзасидан ажрим чиқариши ҳақидаги қоидаларни ўзида акс эттиради.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси «Хўжалик суди томонидан кўриладиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишлар» деб номланган 25¹-модда ҳамда мазмунан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига киритилаётган ўзгартишларни такрорлайдиган, ўнта моддадан иборат бўлган иккита янги боб («Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш» деб номланган 20¹-боб ва «Ҳакамлик судининг ҳал

қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш» деб номланган 20²-боб) билан тўлдирилди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мос келади ва «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуннинг амалда самарали ишлаши билан боғлиқ енгилликлар яратади ҳамда тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш баробарида, мамлакатимизда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ва республикаимизга кириб келаётган хорижий давлатлар инвестицияларининг оқимини кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади.

**«АМАЛГА ОШИРИЛИШИ УЧУН ЛИЦЕНЗИЯЛАР
ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИНИНГ
РЎЙХАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ 222-П-СОНЛИ ҚАРОРНИНГ
1-ИЛОВАСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ
ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИНИНГ МОҲИЯТИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-П-сонли қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2007 йил 22 мартда қабул қилиниб, 2007 йил 29 июнда Сенатнинг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланди ҳамда 2007 йил 17 июль куни матбуотда эълон қилиниб кучга кирди.

Маълумки, тамаки маҳсулотлари ўзига хос маҳсулот ҳисобланади ва уни истеъмол қилиш истеъмолчилар соғлиғи учун муайян хавф туғдиради. Шу сабабли маҳсулотнинг мазкур турини ишлаб чиқариш базасини такомиллаштириш ва модернизация қилиш, хом ашёни тайёрлаш, уни қайта ишлашдан тортиб то пировард маҳсулот олингунгача бутун занжир бўйича сифатни таъминлаш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Бунинг учун тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш, унинг сифатини яхшилаш ва бозорга паст

сифатли маҳсулот киришига йўл қўймаслик учун тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни лицензиялашни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда, *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 30 майдаги «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 359-сонли Қарори* қабул қилинган бўлиб, ушбу Қарорнинг 9-бандида акциз солиғи олинадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган тамаки саноати корхоналари фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича тегишли вазирлик ва давлат қўмиталари томонидан таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юклатилган эди.

Мазкур банднинг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг Рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли қарорининг I-иловасига тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг киритилиши ушбу қонун қабул қилинишининг асосий мақсадларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, мазкур Қонунга мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг Рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли қарорининг I-иловасига микрокредит ташкилотларининг фаолияти киритилган бўлиб, унинг зарурати бевосита бугунги кунда банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятидан келиб чиқади. Барчамизга маълумки, мамлакатимизда тизимли равишда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда хизмат кўрсатиш соҳасини, хусусан банк тизимида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ижтимоий ҳаётимизда кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш, йирик ва кичик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперацияни, шунингдек, касаначиликни кенгайтиришда, натижада аҳоли даромадларининг ўсишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бу борада эса асосий вазифаси микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи микрокредит ташкилотлари тадбиркорликнинг юқорида таъкидлаб ўтилган йўналишларини ривожлантиришга хизмат қилувчи асосий институтлардан бири бўлиб, улар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида, 2006 йилнинг 20 сентябрида «Микрокредит

ташкilotлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган эди. Мазкур қонуннинг 9-моддасига биноан, микрокредит ташкilotи микромолиявий хизматлар кўрсатиш фаолиятини лицензия олганидан кейин амалга ошириши мумкин. Улар фаолиятини лицензиялаш эса «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкнинг асосий вазифаларидан ҳисобланиб, Марказий банк томонидан ушбу вазифани амалга ошириш учун, энг аввало, мамлакатимизда амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турларини тартибга солиб турувчи тегишли қонунларга қўшимчалар киритишни, хусусан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли қарорининг I-иловасига киритишни талаб этади.

Бундан ташқари, мазкур Қарорнинг иловасидаги, яъни амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият тури — «Шифрловчи техникани ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш ва ундан фойдаланиш»нинг «Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш» жумласида ифодалаш бўйича қонунга киритилаётган ўзгартиш, хусусан «Шифрловчи техникани» жумласини «Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини» жумласига алмаштирилиши бугунги кунда замонавий криптографик воситалар ахборотни ҳимоялашда нафақат шифр техникаларни, балки дастурий-аппарат комплексларини қўллашда ўз аҳамиятига эга. Зеро, ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишни давлат назоратига олиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этилиши, энг аввало, республикада наст сифатли ва контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг олдини олишга хизмат қилиш билан бир қаторда, тамаки хом ашёсини ферментация қилувчилар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга нисбатан қўйиладиган ягона шартлар ва талаблар белгиланишини назарда тутди ҳамда истеъмолчилар учун хавфни кам даражага келтиради.

Бундан ташқари, республикамызда микрокредит ташкилотлари томонидан микромолиявий хизматларни кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини таъминловчи лицензияни бериш механизмини тартибга солиш бўйича Марказий банк зиммасига юклатилган вазифаларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш учун ҳуқуқий асос яратади. Бу эса, ўз навбатида, талбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар, хусусан микрокредитлар ёки микроқарзлар бериш, истеъмоладан кредитларни бериш каби микромолиявий хизматлар кўрсатилишининг кенгайтирилишига, бир сўз билан айтганда, халқнинг оғирини енгил қилишга хизмат қиладиган омиллардан бири бўлишига олиб келади. Ва ниҳоят, ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишни давлат назоратига олишда муҳим аҳамият касб этади.

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг барчаси инсон манфаатлари ва уни ҳимоя қилишга қаратилган экан, шу мақсад йўлида ўзининг жасорати, садоқати ҳамда ватанпарварлиги билан халқ орасида ҳурмат қозонган инсонлар доимо қадрланади. Давлатнинг ана шундай инсонларни муносиб тақдирлаши эса уларни ҳам маънан, ҳам руҳан қўллаб-қувватланишига олиб келади. Юртимизда таъсис этилган бир қанча орден ва медаллар, фахрий унвонлар ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Адолатли ҳуқуқий демократик давлат сари борар эканмиз, бу олийжаноб мақсад йўлида фидокорона хизмат қиладиган фуқароларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ҳамда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш давлатимиз сиёсатининг бош мақсади ва унинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Зеро, Президентимиз И.А. Каримов бошчилигидаги ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ишлар, мақсад ва вазифаларнинг моҳият ва мазмуни ҳам худди шуни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида давлат мукофотларининг асосчиси, ташаббускори ва муаллифи сифатида Президентимиз И.А. Каримовнинг хизматлари буюқдир.

Маълумки, мустақилликка эришганимиздан сўнг республикамызнинг ижтимоий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар

фуқароларни мукофотлаш борасида ўзига хос янги босқични бошлаб берди. Қисқа муддат ичида мустақил республикамизда давлат мукофотларининг янги турлари жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги ғоятда қувонарлидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги 176-І-сонли Қонунининг І-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари меҳнат ва жанговар хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун давлат мукофотлари билан тақдирланишлари мумкин.

Давлат мукофотларини таъсис этишнинг тобора такомиллашиб бораётганлиги давлатимизнинг, шахсан Президентимизнинг бу борадаги изчил сиёсатининг мантиқий довомийлигидир. Яқинда таъсис этилган давлат мукофотларидан яна бири бўлиб Ўзбекистон Республикасининг «Содиқ хизматлари учун» медали ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Содиқ хизматлари учун» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонуни 2007 йил 17 апрелда қабул қилиниб, 2007 йил 29 июнда Сенатнинг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланди ҳамда 2007 йил 7 июль куни матбуотда эълон қилиниб кучга кирди.

Мазкур Қонунга биноан «Содиқ хизматлари учун» медали тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Низомга кўра «Содиқ хизматлари учун» медали билан юксак касбий маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён этган, мамлакатнинг мудофаа қобилияти ҳамда миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар шайлигини ошириш ва Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишида катта хизматлар кўрсатган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланадилар, шу билан бирга айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкинлиги белгиланган. «Содиқ хизматлари учун» медали билан Ўзбекистон Республикаси Президенти мукофотлайди. Мукофотлаш тўғрисидаги фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади. «Содиқ хизматлари учун» медалини ҳамда мукофотлаш ҳақидаги тегишли ҳужжатни тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ва бошқа бунга ваколатли шахслар топширади.

«Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар. «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

«Содиқ хизматлари учун» медали билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда, медаль, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти унинг oilасига топширилади.

Хулоса қилиб айтганда, «Содиқ хизматлари учун» медали билан мамлакатнинг мудофаа қобилияти ҳамда миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашда ўзининг юксак касбий маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён этган кишилар тақдирланиши уларнинг сидқидилдан бажариб келаётган меҳнатига берилган бир баҳодир. Зотан, юртбошимиз таъкидлаганидек, «Ватанимизнинг шу каби орден ва медаллари мазмун-моҳияти билан ҳам, ташқи кўринишию жозибаси билан ҳам ҳавас қилса арзигулик. Уларнинг номида ва шаклида биз танлаб олган йўл, буюк мақсадларимиз, хоҳиш-иродамиз, Ватан ва миллатга муносабатимиз ифода этилгандир. Зеро, улар ҳалол ва баракали меҳнат қилган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир инсон учун олий ном, олий даража, олий қадриятдир!»

ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛ- ЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА

Бугунги кунда хусусий тадбиркорликни кенг кўламда ривожлантириш, хусусий мулкчиликка асосланган, шу жумладан давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида корхоналар

ташқил қилиш ва шу асосда иқтисодиёт таркибида хусусий секторнинг улуғини сезиларли даражада ошириш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва бозор ўзгартиришларининг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу борада эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида таъкидлаганидек, «Биз хусусийлаштириш ишларига нисбатан муносабатимиз ва ёндашувларимизни ҳам тубдан ўзгартиришимиз, иқтисодиётнинг кимё, электротехника саноати, қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги, қурилиш материаллари саноати ва бошқа етакчи тармоқларига қарашли корхоналарнинг акцияларини кимёшди савдосига қўйиш бўйича қатъий чоралар қўришимиз зарур».

Маълумки, республикамызда қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, унинг ошқоралиги ва барқарор фаолиятини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестициялар жалб этилишини фаоллаштириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини янада мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш — тизимли равишда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу вазифани самарали бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрда «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 475-сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорнинг 7-бандига биноан тегишли қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш белгиланган эди.

Ушбу вазифани самарали бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2007 йил 27 февралда қабул қилиниб, 2007 йил 30 июнда Сенатнинг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланди ҳамда 2007 йил 24 июль куни матбуотда эълон қилиниб кучга кирди. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун билан иқтисодий соҳадаги бир қатор қонунларга, хусусан «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси

тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги, «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг бир қатор моддаларига тегишли ўзгартишлар киритилди.

Мазкур қонунларга киритилган ушбу ўзгартишларнинг асосий мазмун-моҳияти, энг аввало, корпоратив облигацияларни фақат очик турдаги акциядорлик жамиятлари томонидан қуйидаги талаблар асосида чиқарилиши мумкинлигини назарда тутилади:

биринчидан, аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси билан тасдиқланган ўз капиталининг облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги миқдори доирасида;

иккинчидан, кейинги уч йил мобайнида рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидликнинг аудиторлик ташкилоти ҳулосалари билан тасдиқланган ижобий кўрсаткичларига эга бўлса, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил рейтинг баҳосини олган бўлса;

ва ниҳоят, учинчидан, инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўланиши бўйича тўлов агентлари вазифаларини бажарувчи тижорат банклари иштирокида чиқариши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу ўзгартишлар:

— агар жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш жамият уставига кузатув кенгашининг ваколатига киритилмаган бўлса ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кузатув кенгашига топширилмаган бўлса, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш, бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозимлигини (ушбу қонуннинг белгиланиши қонуннинг 64-моддасида, яъни жамият уставига белгиланган муддатларда, аммо молиявий йил якунланганидан кейин кўпи билан олти ой ичида акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишни ва унда жамиятнинг бизнес-режаси тасдиқланиши назарда тутилган тартибни мантиқан тўғри амалга оширилишини таъминлайди. Бошқача айтганда, олти ой давомида жамият тасдиқланмаган бизнес-режага асосан фаолият кўрсатиб келиши бартараф этилди. Зеро, ривожланган давлатлар тажрибасида акциядорлик жамиятларининг ўз фаолиятини аввалдан тузилган аниқ бизнес-режа асосида олиб борилиши кузатилган);

— жамият кузатув кенгашининг ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир, шу жумладан жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини акциядорларнинг умумий йиғилишларида беришларини;

— активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилишини ва мазкур ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдор эканлигини, ўз навбатида ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилиши ҳамда баҳолаши лозимлигини (ушбу қонуннинг белгиланиши, ўз навбатида, жамиятларда асоссиз ҳамда мақсадсиз сарф-харажатлар бўлиши, акциядорлар ҳуқуқлари поймол қилинишининг олдини олади ва охир-оқибатда жамиятни барқарор ва самарали фаолият кўрсатиши билан бирга акциядорларнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади);

— устав фондидаги давлат улуши эллик фоиздан кўп бўлган жамиятларда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилишини назарда тутди.

Бундан ташқари, ушбу қонунга мувофиқ «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 74-моддаси учинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 135-моддасининг иккинчи қисми ва 138-моддасининг биринчи қисмлари нормалари мувофиқлаштирилди. Яъни, бизга маълумки, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 74-моддасининг шу даврга қадар амалда бўлган қоида-сига кўра, акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги

ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақли бўлиб, акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма ишончнома асосида иш кўриши белгиланган эди. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартишга кўра, эндиликда жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, яъни Фуқаролик кодексининг 138-моддасига кўра юридик шахс номидан бериладиган ушбу ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилган ҳолда берилиши назарда тутилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 16-моддасида юридик шахс бўлган акциядорнинг ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасининг устав фондиди (капиталини) кўпайтириш учун йўналтириш чоғида қўшимча акциялар қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олинган даромадлари (фойдаси) солиқ солиш объекти бўлмаслиги, 58-моддада, яъни жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадлари фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкани сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтирилган суммалари билан бир қаторда, уларнинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасининг устав фондиди (капиталини) кўпайтириш учун йўналтириш чоғида қўшимча акциялар қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олинган даромадларини қамраб олиши белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида таъкидлаб ўтилган қарорининг 4-бандига асосан, Солиқ кодексида белгиланган тартибнинг амал қилиши депозитарий хизматлари ва қимматли қоғозлар савдосини ташкил қилиш хизматларига татбиқ этилиши ҳамда унга мувофиқ, қимматли қоғозлар айланиши бўйича операциялар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинишини инобатга олиб, 71-моддага тегишли ўзгартишлар киритилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу Қонуннинг ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этилиши:

биринчидан, республикамызда корхоналарни тўлиқ давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда янги акциядорлик жамиятлари

тузиш ҳисобига қимматли қоғозлар бирламчи бозорини янада ривожлантиришга;

иккинчидан, қимматли қоғозлар иккиламчи бозори миқёсларини жадал ривожлантириш ва кенгайтиришга;

учинчидан, фонд бозорининг замонавий инфратузилмасини шакллантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга;

тўртинчидан, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга, унинг тамойиллари бўлган ошқоралик, адолатлилик, масъулият ва ҳисобдорликка жамиятнинг барча раҳбар органлари риоя қилишига;

бешинчидан, молиявий ҳисобот ва молиявий назоратни тўғри ташкил этиш ҳамда унинг таъсирчанлигини оширишга;

олтинчидан, фуқароларнинг муайян корхонага ўз маблағларини сарфлашлари борасида уларга қимматли қоғозлар чиқараётган корхоналарнинг фаолияти тўғрисида тўғри ва тўлиқ маълумотларга эга бўлиши учун қулай имконият яратилишига, бир сўз билан айтганда, акциядорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни янада яхшилашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг, акциядорларнинг қимматли қоғозлардан даромад олишларига, яъни улардан манфаатдор бўлишларига олиб келади.

IV. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XI ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар:

1. «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
2. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
3. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
4. «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
5. «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
6. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
7. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
8. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
9. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
10. «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
11. «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
12. «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

IV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ XI ЯЛПИ МАЖЛИСИДА МАЪҚУЛЛАН- ГАН ҚОНУНЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасида ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга оширишда давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш ва аҳолининг транспортга бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда автомобиль йўллари сифатини яхшилаш, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш, уларни лойиҳалаш соҳасидаги нормалар ва стандартларга риоя этилишини таъминлаш, автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилаш лозим. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида амалга оширилаётган изчил янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонунни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу, ўз навбатида, мазкур қонуннинг «Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш» моделига хос энг муҳим принципларни амалга ошириш бора-сидаги талабларни ҳаётга татбиқ этишни тақозо қилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Қамчиқ довонида икки тоннель қурилиши билан «Тошкент—Ўш», «Тошкент—Термиз», «Самарқанд—Бухоро—Олот», «Қўнғирот—Бейнов», «Тошкент—Чимён—Чорвоқ дам олиш зонаси» сингари замонавий автйўлларни ривожлантириш, энг муҳим транзит транспорт артерияларини комплекс реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича собитқадам ишлар бажарилди. Тошкент ҳалқа автйўлининг яхлит фаолият кўрсатишига эришилди. Амударё дарёси устида замонавий қўшма автомобиль-темир йўл кўприги, йирик аҳоли пунктларини айланиб ўтувчи йўллар, мураккаб транспорт чорраҳалари ва бир қатор бошқа объектлар қурилди.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2007 йил 24 августдаги ўнинчи ялпи мажлисида Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 29 июнда қабул қилинган «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди.

«Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 мартдаги ПП-299-сонли «Йўл-қурилиш ишлари ҳажми ва сифати устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари ҳамда 2006 йилда автомобиль йўллари қурилиши дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш ва республика автомобиль йўллари тизимини ривожлантиришнинг замонавий босқичи талабларидан, автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланишни ташкил этишнинг халқаро тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Ушбу Қонуннинг мақсади автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонунда автомобиль йўллари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари ҳамда тамойиллари белгиланди. Жумладан, иқтисодиёт ва аҳолининг транспорт хизматига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида автомобиль йўллари тизимининг бутун тармоғида ягона техник сиёсатни шакллантириш ва олиб боришни, техник даражаси ва эксплуатация ҳолатини яхшилашни, автомобиль йўлларида фойдаланиш тартибини белгилашни назарда тутган.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007—2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 20 декабрдаги ПҚ-535-сонли Қарорида белгиланган жаҳон талаблари ва стандартларига жавоб берадиган автомобиль йўллари қурилишини янада ривожлантириш, транспорт коммуникациялари тизимининг халқаро транспорт коридорларига кенг интеграциялашувини таъминлашни назарда тутган.

Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти ва автотўйлар соҳасида 30 дан ортиқ халқаро конвенциялар, келишув ва шартномалар иштирокчиси, шунингдек миллий транспорт коммуникацияларини такомиллаштириш ва халқаро транспорт тизимларига интеграциялаш бўйича халқаро ташкилотлар ишлаб чиқаётган бир қатор дастурларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Шунга асосан, Қонунда халқаро нормаларга оид,

хусусан, 1995 йилнинг 17 январида ратификация қилинган «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги Конвенциянинг 4-моддаси (Вена, 1968й., 8 ноябрь), «Йўл белгилари ва ишоралари тўғрисида»ги Конвенция (Вена, 1968 й., 8 ноябрь)нинг тегишли моддаларидаги автомобиль йўллари номунаси, индексация қилиш, йўл белгилари ва уларнинг ўрнатилишини халқаро стандартларга мос келиши, масофани ҳисоблаш ва белгилашга қаратилган масалаларга доир нормалар ўз аксини топган.

Йўл ҳўжалиги мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасининг муҳим элементи ҳисобланади. Унинг самарали фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланиши барқарорлаштириш, таркибий қайта қуриш ва иқтисодиётнинг кўтарилишига ўтиш, мамлакат яхлитлигини ва миллий хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш ва яшаш даражасини кўтариш, жаҳон бозорларига чиқишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Юқоридаги мақсадларга самарали эришиш учун қонун ягона технологик комплексни ташкил этувчи автомобиль йўлларининг барча турлари ва тоифаларига комплекс жиҳатдан ёндашишга асосланган.

Қонун автомобиль йўллари фаолиятини белгиловчи бир қатор тушунчаларни белгилайди. Бунда баъзи тушунчалар Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонун таҳриридан аниқлик киритилган ҳолда олинган, бошқа янги тушунчалар эса республика автомобиль йўллари тизимининг замонавий ривожланиш босқичидан, автомобиль йўллари қуриш ва эксплуатация қилишни ташкил этишнинг халқаро тажрибасидан, йўл фаолиятида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва бозор муносабатларининг ўрнини ошириш заруриятидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган. Хусусан, Қонун «автомобиль йўли», «автомобиль йўлларида фойдаланувчилар», «ажратилган минтақа», «йўл бўйи минтақаси», ҳўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари» ва бошқа тушунчаларни назарда тутди.

Унга кўра, автомобиль йўли — транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган, уларнинг белгиланган тезликда, оғирликда, ўлчамларда муттасил ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, шунингдек ушбу мажмуани жойлаштириш учун берилган ер участкалари ва мажмуа устидаги белгиланган доирадаги бўшлиқ ҳисобланади.

Қонун автомобиль йўлларининг таснифини ўрнатади, мазкур автомобиль йўлларининг эгалари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш заруратидан келиб чиқ-

қан ҳолда уларни бошқариш асосларини ва уларнинг эгалари ҳамда фойдаланувчиларининг мажбуриятларини белгилайди, шунингдек автомобиль йўлларини тузиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мулкний муносабатларни тартибга солади.

Қонуннинг 8-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг автомобиль йўллари мансублигига кўра умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, хўжалик автомобиль йўллари ҳамда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг автомобиль йўлларига ажратилади. Қонуннинг 9-моддасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари аҳоли эҳтиёжларини, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва муҳофаа эҳтиёжларини қаноатлантириш учун шаҳарлар ҳамда бошқа аҳоли пунктлари ўртасида юklar ва йўловчилар ташишни таъминлаш белгиланган. Улар халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларига бўлинади. Қонуннинг 10-моддаси шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари мақомини аниқ белгилаб беради. Шу билан бирга, уларнинг давлат мулки эканлиги, жойлардаги давлат ҳокимияти органларига хўжалик юритиш ва оператив бошқариш учун берилиши, умумий фойдаланиш учун очиклиги, сотилмаслиги ва хусусий мулкка берилмаслиги ўрнатилган. Бунда уларни бошқариш маҳаллий бюджет ҳисобидан, уларни сақлаш, таъмирлаш ва ривожлантириш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Республикадаги автомобиль йўллари тармоғи Марказий Осиёда энг зич ҳисобланади. Автомобиль йўлларининг 80 фоиздан ортиғи қаттиқ қопламали йўллардир. Бу йўлларнинг қўпчилиги халқаро ва давлат аҳамиятига молик бўлиб, улар такомиллаштирилган қопламага эга. Автомобиль транспорт коммуникацияси тармоғи республиканинг энг олис туманлари ва аҳоли манзилгоҳларини ўзаро пухта боғлаб туради, халқаро транспорт тизимларига уланишни таъминлайди. Шу билан бирга, улар бой ўлкамизнинг асосий табиий ва минерал-ҳом ашё захиралари манбаларига бемалол кириб боришни таъминлайди.

Қонун ушбу масалани амалга ошириш учун йўл фаолияти соҳасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини ўрнатди, шунингдек, ушбу соҳада давлат сиёсати асослари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, ваколатли орган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ваколатларнинг ажратилиши белгиланган. Хусусан, ягона давлат ва техник сиёсатни юритиш, давлат ҳисоби ва автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришни режалаштириш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича аниқ чегаралар берилди.

Қонунда автомобиль йўлларини молиялаштириш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш асослари, мазкур жараёндаги давлат иштироки турлари ўрнатилган, автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилиш тартиби, шунингдек мазкур йўллардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007—2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 20 декабрдаги ПҚ-535-сонли Қароридан келиб чиқиб мамлакатимизда 2007—2010 йилларда халқаро аҳамиятга эга умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш дастури ва 2007—2010 йилларда давлат аҳамиятига эга умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дастури амалга оширишни назарда тугали.

Унга кўра, устувор халқаро транспорт йўлаклари таркибига кирадиган асосий халқаро, транзит ва вилоятлараро ташишларни ривожлантириш, транспортнинг Тошкент шаҳри орқали транзит ҳаракатини истисно этадиган, республиканинг шарқий, жанубий ва шимоли-ғарбий минтақалари ўртасида алоқани жорий этиш, шаҳарлар, шаҳар қўрғонлари ва йирик қишлоқ аҳоли пунктларини, шунингдек автойўлларнинг тоғли участкаларини айланиб ўтадиган муқобил маршрутларни қуриш, Амударё ва Сирдарё устида кўприklar, транспорт чорраҳалар, лойиҳадаги Тошкент ҳалқа автойўлини қуриш ва қайта таъмирлаш режалаштирилган. Қонуннинг 5-боби автомобиль йўлларида фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини тартибга солади. Бунда автомобиль йўлларида фойдаланишни халқаро стандартларга мувофиқ автомобиль йўлларида фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги, автомобиль йўлларида фойдаланиш тартиби, ажратилган минтақадан фойдаланиш тартиби, автомобиль йўлларида ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш, автомобиль йўлига тугаш ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари ва улардан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари, автомобиль йўлларида фойдаланиш тартибига риоя қилмаганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги масалалари белгиланди.

Қонунга мувофиқ амалиётда қўлланилмаётган «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги олдинги Қонуннинг айрим қоидалари чиқариб ташланди. Масалан, йўл идоралари ишчиларининг ўзлари хизмат қилаётган йўл бўлимлари чегарасида умумий фойдаланишдаги рейсли (маршрутли) автобусларда улар кетаётган

йўналишда бепул юришларини назарда тутган нормалар ва айрим ҳавола этилган нормалар чиқариб ташланди.

Мазкур қонунни ва унга доир дастурларни амалга ошириш:

биринчидан, мақсадли давлат молия ресурсларини йўл қурилиши соҳасидаги устувор лойиҳаларни амалга оширишга йўналтириш;

иккинчидан, автойўлларни, шу жумладан халқаро транспорт маршрутлари таркибига кирувчи йўллар ва давлат аҳамиятига эга йўлларни қуриш ва қайта таъмирлаш;

учинчидан, автойўллар тармоғини сақлаш ва такомиллаштириш, ички ва ташқи йўналишларда юк ҳамда йўловчилар ташиш оқимининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда унинг халқаро транспорт тизимларига интеграциялашни, йўл тармоғининг ўтказиш салоҳиятини ошириш;

тўртинчидан, автойўлларнинг, аввало, халқаро ва давлат аҳамиятига молик автойўлларнинг транспорт-эксплуатация сифатларини халқаро меъёрлар ва стандартлар талаблари даражасига етказиш, юклар ва йўловчиларни ташишнинг барча йўналишлари бўйича рақобатбардош ва самарали транзитни амалга ошириш;

бешинчидан, аварияларни ва республика йўл-транспорт жамунининг атроф муҳитга ноҳуш таъсирини камайтириш;

олтинчидан, мамлакат автотранспорт коммуникацияларининг ягона, яхлит ва самарали тармоғини шакллантиришнинг навбатдаги босқичини тугаллашни таъминлаш имконини беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши иқтисодий барқарор ва динамик ривожлантиришга, республиканинг муҳофаа қобилияти ва иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлашга, аҳоли турмуш даражасини ўстиришга имкон яратувчи автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш, улардан фойдаланиш хусусиятларини ошириш йўналишлари, ёндашув ва механизмларини белгилашга қаратилган муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

ҚИМОР ВА ТАВАККАЛЧИЛИККА АСОСЛАНГАН БОШҚА ЎЙИНЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси кун тартибига қўйилган «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекис-

тон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун 2007 йил 14 сентябрда матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди. Мазкур Қонуннинг ишлаб чиқиши ва қабул қилинишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 28-мартдаги ПҚ-608-сон Қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 16 августдаги 176-сон Қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

«Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига, Фуқаролик кодексига ва Солиқ кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳамда Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган олтита моддадан иборат.

Ушбу Қонунни қабул қилишдан мақсад мазкур соҳанинг давлат томонидан тартибга солинишини, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ўсмирлар ва ёшлар маънавиятини муҳофаза қилиш, уларни бундай турдаги ўйинларга жалб этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш, қимор бизнесининг ривожланиши салбий оқибатларининг олдини олиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ноқонуний равишда ташкил этиш ва ўтказиш учун, шунингдек қиморхоналарни сақлаб турганлик учун жавобгарликни оширишдан иборатдир.

Қонуннинг 1-моддаси биринчи бандига биноан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгарликни назарда тутувчи 278-моддаси янги таҳрирда берилди. Унга биноан:

а) ушбу модданинг биринчи қисми санкциясида мазкур ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш учун етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди;

б) мазкур турдаги жиноятнинг такроран ёки хавфли рецидивист, уюшган гуруҳ томонидан содир этилишининг ижтимоий хавфлилигини эътиборга олиб, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутувчи иккинчи қисм билан тўлдирилди;

в) ўсмирлар ва ёшлар маънавиятини муҳофаза қилиш, уларни бундай турдаги ўйинларга жалб этишга қўмаклашувчи шартшароитларга барҳам бериш эҳтиёжидан келиб чиқиб, вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ жазосини назарда тутувчи учинчи қисм билан тўлдирилди;

г) телекоммуникация тармоқларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатганлик, тегишли дастурий таъминотдан нусха қўпайтириш, тарқатиш учун жавобгарликни назарда тутувчи тўртинчи қисм билан тўлдирилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида атамаларнинг ҳуқуқий маъноси берилган бўлиб, Қонуннинг 1-моддаси иккинчи бандига биноан тегишли атаманинг суд-тергов амалиётида бир хил қўлланишини таъминлаш мақсадида ушбу бўлимда «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин» атамасининг ҳуқуқий маъноси берилди. Қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларда ўйин тасодифга, иштирокчиларнинг қобилияти, эпчиллиги ва бошқа сифатларига боғлиқ бўлади. Худди шунингдек, бундай ўйинлар қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйин деб топилиши учун ютуқ учун ўйналиши талаб қилинади.

Қонуннинг 2-моддаси биринчи бандига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 191-моддаси (қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар) янги таҳрирда берилди. Унга биноан қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этганлик, вояга етмаган шахсларни қимор ўйинларида иштирок этишга жалб қилганлик, телекоммуникация тармоқларида қимор ўйинларини ташкил этганлик ёки ўтказиш учун хизмат кўрсатганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарори билан 2007 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тиражли, бир лаҳзали ва рақамли лотереялардан ташқари, қимор ўйинларини ҳамда

таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш тақиқланган. Шундан келиб чиқиб, қонуннинг 3-моддаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 984-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Унда давлат томонидан лотереялар ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилди. Мазкур моддадан «тотализаторлар ва бошқа ўйинлар» сўзлари, яъни тақиқланган ўйинларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормалари чиқарилди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Солиқ кодекси 8-моддасида айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ солиш хусусиятлари тартибга солинган. Унга биноан лотереяларни ташкил қилиш, таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш доирасида фаолият кўрсатадиган юридик шахслар ягона солиқ тўлайдилар. Эндиликда эса қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа баъзи ўйинлар тақиқланганлиги муносабати билан Қонуннинг 4-моддаси бўйича Солиқ кодексининг 8-моддасидаги «тотализатор ва бошқа ўйинлар» сўзлари чиқариб ташланди. Хўдди шунингдек, Қонуннинг 5-моддаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-II-сонли Қарорнинг I-иловасидан ҳам лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турлари сифатида «тотализатор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» сўзлари чиқарилди.

Хулоса қилиб айтганда, «Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши қонунчиликни такомиллаштириш, мазкур соҳа билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, ёшларимизни қимор таъсиридан ҳимоя қилишга хизмат қилади.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Инсон ҳаёти учун муҳим бўлган соҳалардан бири — соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида аҳамият бериш — мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий

ислохотларнинг марказий ва ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Зеро, Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисида қилган маърузасида таъкидлаганидек, халқимиз турмуш шароитини яхшилашга доир чора-тадбирлар тизимида соғлиқни сақлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш алоҳида ўрин тутишини ҳаммамиз яхши тушунишимиз мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга мувофиқ ҳолга келтириш — жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантиришга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга олиб келади.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури»нинг асосий йўналишларидан бири сифатида соғлиқни сақлаш тизими норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириб бориш белгиланганлиги бежизга эмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу вазифани самарали бажариш мақсадида, ўтган мустақиллик йилларида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши натижасида бозор иқтисодиётига хос бўлган қатор ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилди. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимидаги махсус ваколатли давлат органи, яъни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қатор ваколатлари бошқа органларга берилди. Бу эса, энг аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини молиялаштириш маҳаллий бошқарув органлари томонидан амалга оширилишига, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббий хизматлар тарифлари даражасини фақат давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида тартибга солинишига, хусусий тиббиёт секторида эса нархлар бозор талабларига асосан шаклланишига олиб келди. Шу билан бирга, бутунги кунда республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида соғлиқни сақлаш тизимлари фаолияти билан боғлиқ айрим масалаларнинг аниқ ечими билан боғлиқ қоидаларни тегишли

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаш зарурияти ҳам вужудга келди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур зарурият энг аввало «соғлиқни сақлаш» тушунчасини фуқаролар соғлиғини сақлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ва тиббий тадбирлар мажмуаси сифатида эътироф этиш, соғлиқни сақлаш тизимидаги махсус ваколатли давлат органи ваколатларининг профессионал йўналишини янада кучайтириш, хусусий ва бошқа хил соғлиқни сақлаш тизимининг молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаш, республикамызда доимий яшайтган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш масалаларида Ўзбекистон фуқаролари билан бир қаторда тенг ҳуқуққа эга эканлигини аниқ баён этиш каби масалаларда намоён бўлиб, ушбу ҳолатлар эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартишлар киритишга асос бўлиб хизмаг қилди.

Шу боисдан, ушбу вазифани самарали бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2007 йил 29 июнда қабул қилиниб, 2007 йил 24 августда Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланди ҳамда 2007 йил 4 октябрь куни матбуотда эълон қилиниб кучга кирди. Таъкидлаш жоизки, ушбу Қонуннинг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши республикамызда тиббиёт муассасалари ва тиббиёт ходимлари томонидан, шу жумладан соғлиқни сақлашнинг хусусий секторида, беморларнинг малакали даволаш ва диагностика ёрдамини олиш бўйича ҳуқуқларини таъминлаш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги тиббий ҳужжатларни юри-тиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида ягона ҳисобга олиш тизимига риоя этиш, энг асосийси соғлиқни сақлаш соҳасида соғлом рақобатни, пировард натижада кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш борасида қўйилган муҳим қадам бўлиб ҳисобланади. Мазкур ижобий тенденцияни эса қонунда белгиланган қуйидаги қоидаларда кузатиш мумкин:

биринчидан, соғлиқни сақлаш тизимидаги махсус ваколатли давлат органи — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бевосита иштирокида ишлаб чиқиладиган ҳамда уларга риоя этилиши устидан назорат амалга ошириладиган «давлат стандартлари» доираси аниқ белгилаб қўйилганлигида. Ҳолбуки, шу даврга қадар мазкур давлат стандартлари «соғлиқни сақлаш сифати»

тушунчасини қамраб олган бўлса, эндиликда «соғлиқни сақлаш» тушунчасини фуқаролар соғлиғини сақлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ва тиббий тадбирлар мажмуаси сифатида эътироф этиш билан бир қаторда, «тиббий ёрдам сифати ва ҳажми» жумласини ўзида ифодалашни аниқ белгилаб қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, соғлиқни сақлаш ва тиббий сугуртанинг норматив базасини, тиббий ёрдам сифати ва ҳажмига оид давлат стандартларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади;

иккинчидан, соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларини молиялаштириш манбалари аниқ кўрсатиб берилганлигида. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига биноан, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз хизматларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш ҳуқуқларига эгадирлар. Шу боисдан, мазкур қонун билан соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари (хусусий тиббиёт амалиёти ёки хусусий фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, шунингдек, даволаш-профилактика, дорихона муассасалари ҳамда тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар)нинг молиялаштириш манбалари ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар бўлиши мумкинлиги аниқ белгилаб қўйилди. Ҳолбуки, шу даврга қадар амалдаги қонунда молиялаштириш манбалари сифатида ўз маблағлари кўрсатилмаган эди. Зеро, тадбиркорлик фаолиятининг мулкий асоси юқорида таъкидлаб ўтилган қонун — «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига биноан, тадбиркорлик субъектларининг ўз мол-мулки ва (ёки) жалб этилган мол-мулк асосида амалга оширилиши мумкинлиги ҳам бунинг яққол ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, эндиликда соғлиқни сақлаш тизимидаги махсус ваколатли давлат органи — Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фақатгина давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида тиббий хизматлар тарифлари даражасини тартибга солиниши билан бир қаторда, давлат томонидан кафолатланган ҳажм доирасида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини ташкил этиш аниқ белгилаб қўйилди;

учинчидан, соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари белгиланган тартибда тиббий ҳужжатларни юритиши

ҳамда статистика маълумотларини тақдим этиши шартлигининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилганлигида. Шу ўринда, ушбу қонданинг қонунда белгилаб қўйилишининг асосий сабаблари сифатида:

а) бугунги кунда республикамизда хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар сонининг муттасил ўсиб бораётганлиги (статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда улар сони икки мингга яқин);

б) соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларида фақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланилишига рухсат этилган профилактика, ташхис қўйиш ҳамда даволаш воситаларидан фойдаланилиши мумкинлиги;

в) «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, хусусий секторга қарашли тиббиёт муассасалари ўз фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларини Давлат Статистика қўмитасининг ҳудудий бўлимларига топширишлари зарурлиги каби ҳолатларнинг инобатга олинганлиги, ўз навбатида, киритилган мазкур норма беморларнинг малакали тиббий хизмат олишларини ҳимоя қилиш ҳамда тиббий ходимларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган суд ишларида уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади;

тўртинчидан, республикамизда доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш масалаларининг аниқ белгилаб қўйилганлигида. Бу ўринда Қонуннинг 14-моддаси иккинчи қисмидан («Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, соғлиқни сақлашда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг ҳуқуқдан фойдаланадилар») «башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса» жумласининг чиқариб ташланиши, ўз навбатида, халқаро шартномаларни қўллашга оид қонданинг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида аниқ белгилаб қўйилганлиги билан бир қаторда, 14-моддада ҳам қайта халқаро шартномаларга изох бериш, ушбу меъёрни турлича талқин этиш каби ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон фуқаролари билан бир қаторда тенг ҳуқуқда тиббий ёрдам олишларига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади;

бешинчидан, тез тиббий ёрдамнинг соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари томонидан кўрсатилишининг ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилганлигида. Маълумки, соғлиқни сақлаш тизимини мустақиллик йилларида ислоҳ қилиш давомида республикада ушбу соҳадаги хусусий секторнинг жадал ривожланиши, мазкур соҳадаги муассасаларнинг замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланишига ҳамда ушбу масканларда малакали мутахассисларнинг фаолият кўрсатишига замин яратилди. Статистик маълумотларга қараганда, бугунги кунда турли йўналишдаги хусусий тиббий муассасалар сони 1,5 мингдан ортиқ, хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланаётган шифокорлар сони эса 2,0 минг атрофида эканлиги бунинг яққол далилидир. Ўз навбатида, тез тиббий ёрдамнинг давлат соғлиқни сақлаш тизимининг махсус тез тиббий ёрдам хизмати билан бир қаторда, хусусий сектордаги тиббиёт муассасалари томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда кўрсатилишига рухсат берилиши соғлиқни сақлаш соҳасида соғлом рақобатни, пировард натижада кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини оширишга хизмат қилади. Зеро, мазкур ижобий ҳолатни бугунги кунда тиббиётнинг хусусий секторида аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатаётган қатор тиббиёт муассасалари (масалан, «МДС-сервис», «Доктор сервис» ва бошқалар) фаолиятида кузатиш мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу қонуннинг ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этилиши, *биринчидан*, соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторнинг янада ривожланишига; *иккинчидан*, бемор фуқароларнинг тиббиёт муассасасини танлашлари ва сифатли диагностика ёрдамидан фойдаланишларига; *учинчидан*, соғлиқни сақлаш соҳасида соғлом рақобатнинг вужудга келишига; *тўртинчидан*, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада оширишга; *бешинчидан*, мамлакат иқтисодиётида хусусий сектор улусининг ўсишига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишлари бўйича конституциявий ҳуқуқларининг таъминланишига олиб келади.

АУДИТ ТИЗИМИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда мустақил аудит тизимини янада ривожлантириш, аудиторлик хизматлари сифатини ошириш, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш усуллари-ни қўллаш, аудиторлик текширувларининг натижалари ва ҳолислиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шу орқали

тадбиркорлик субъектларининг уларга бўлган ишончини ошириш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Зеро, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Илҳом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида таъкидлаганидек, «Барчамизга яхши аёнки, бизнеснинг муваффақияти бозор иқтисодиёти институтлари, хусусан, юксак профессионал даражадаги мустақил аудитни, суғуртанинг замонавий шакллари ва молиявий хизматларнинг бошқа турларини кенг ривожлантиришга бевосита боғлиқ» ҳисобланади.

Маълумки, республикада бизнес, шу жумладан хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратиш амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бизнеснинг муваффақияти эса бозор иқтисодиёти институтлари, хусусан, юксак профессионал даражадаги мустақил аудит тизимини кенг ривожлантиришга бевосита боғлиқ.

Ушбу вазифани самарали бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелда «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги 615-сонли Қарорининг қабул қилиниши республикада мустақил аудит тизимини янада ривожлантириш, аудиторлик хизматлари сифатини ошириш, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш усулларини қўллаш, аудиторлик текширувларининг натижалари ва ҳолислиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шу орқали тадбиркорлик тузилмалари томонидан уларга нисбатан ишончни оширишга, бир сўз билан айтганда, аудиторлик хизматини кўрсатиш маданиятини юқори босқичга кўтаришга замин яратди, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, мазкур қарор билан энг аввало «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Мазкур Низомда аудиторлик ташкилотларининг мақоми, вазифаси, мажбуриятлари, ҳуқуқ ва жавобгарлиги белгилаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аудит тизимини янада ривожлантириш ва аудиторлик хизматлари сифатини оширишга қаратилган ушбу Қарор ўз навбатида тегишли қонун ҳуж-

жатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо қилади. Шу боис, ушбу вазифани самарали бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»- ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2007 йил 29 июнда қабул қилиниб, 2007 йил 24 августда Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланди ҳамда 2007 йил 17 сентябрь куни матбуотда эълон қилиниб кучга кирди. Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун аудиторлик ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш усуллари қўллаш, аудиторлик текширувларининг натижалари ва ҳолислиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шу орқали талбиркорлик тузилмалари томонидан уларга нисбатан ишончни оширишга бевосита хизмат қилади. Мазкур ижобий тенденцияни эса қонунда белгиланган қуйидаги қоидаларда кузатиш мумкин:

биринчидан, мамлакатимизда аудиторлик фаолияти эркинлик, ҳолислик, мустақиллик, профессионал малакалилик ва махфийлик принциплари асосида амалга оширилиши каби аудиторлик фаолиятининг асосий тамойиллари қонунда илк маротаба алоҳида модда сифатида белгиланди;

иккинчидан, шу даврга қадар аудиторлар фаолиятини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, кўпчилик ҳолларда аудиторларнинг ўзлари хизмат қилаётган аудиторлик ташкилотлари обрўсини сақлашга қизиқиши паст даражадалигини, кўпгина аудиторларнинг расман бир аудиторлик ташкилоти штатига киритилгани ҳолда бошқа аудиторлик ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида текширувлар ўтказиб келаётганликларини кўрсатган. Бундай аҳвол аудиторларнинг бу каби текширувларни ўтказишга юзаки қарашларига, текширувларни миждозлар билан келишган ҳолда амалга оширилишига олиб келиши кузатилган. Мазкур салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қабул қилинган Қонунга мувофиқ, эндиликда аудитор меҳнат шартномаси бўйича ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича фақат битта аудиторлик ташкилоти билан ишлаши мумкинлиги белгиланди;

учинчидан, аудиторлик ташкилотлари фаолиятига оид таҳлиллар кўпчилик аудиторлик ташкилотлари ўз штатларида икки нафар аудиторга эга эканликларини ва бу ҳолат уларнинг йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувларини ўтказа олмасликларига сабаб бўлганини кўрсатган. Бундан ташқари, мазкур аудиторлик ташкилотларида моддий-тех-

ник базанинг кучсизлиги, аудит бўйича меъёрий-ҳуқуқий база билан таъминланиш ҳам паст даражада бўлганлигини, айниқса, касбий маҳоратни оширишга жавобгарлик йўқлиги учун айрим аудиторлик ташкилотлари раҳбарлари ва аудиторларнинг малакаси паст даражада бўлганлиги кузатилган. Ушбу салбий ҳолатлар эса, ўз навбатида, кўпгина аудиторлик текширувлари юзаки, аудиторлар ва мижозлар ўртасидаги келишув асосида ўтказилишига, аудиторлик ташкилотларига кўрсатилган хизматлар учун текширувга сарфланадиган ҳақиқатдаги харажатлардан камида 10 маротаба кам бўлган миқдорда ҳақ тўланишига, шунингдек майда аудиторлик ташкилотларининг молиявий бозорда етарли обрўга эга бўлмасликларига, энг асосийси аудиторларнинг ҳам аудиторлик ташкилотининг обрўсини сақлашга қизиқиши жуда паст даражада бўлишига олиб келди.

Шу боис, мазкур Қонун билан юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этишга, аудиторлик хизматлари сифатини оширишга ва тартибга солишнинг самарали усулларини жорий этишга қаратилган бир қатор меъёрлар белгиланди. Хусусан: аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида эллик бир фоизи мазкур аудиторлик ташкилотининг штатдаги бир ёки бир неча аудиторида тегишли бўлиши кераклиги (аудиторлик ташкилоти — чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба корхонаси тузилган ҳоллар бундан мустасно), аудитор (аудиторлар)нинг фақат битта аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси, акциядори) бўлиши мумкинлиги, шунингдек аудиторлик ташкилотининг штат бирлиги тегишли малакага эга бўлган штатдаги аудиторларнинг энг кам сонига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши лозимлиги қабул қилинган қонунда ўз аксини топди;

тўртинчидан, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасида аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси аудиторларни ихтиёрий асосларда бирлаштирадиган нодавлат-нотижорат ташкилоти эканлигини, шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сонли Қарори билан тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида»ги низомнинг 7-банди талабларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Қонунда аудиторлик ташкилоти бошқа ҳуқуқлари билан бир қаторда, аудиторлик текшируви билан қамраб олинган даврда ҳўжалик юритувчи субъектга профессионал хизматлар кўрсатиш (бундан бухгалтер

терия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш, юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш мустасно), аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига аъзо бўлиб кириш каби ҳуқуқларга эга эканликлари қонуний мустаҳкамлаб қўйилди;

бешинчидан, бугунги кунда республикамызда аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ўрганиш натижалари қонун ҳужжатлари билан аудиторлик хулосалари ва ҳисоботларнинг нусхаси мавжуд бўлишини ва сақланишини таъминлаш бўйича мажбурият белгиланмаганлиги сабабли амалиётда мазкур ҳужжатларни йўқотиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги, бунинг натижасида аудиторлик текширувлари натижалари бўйича низолар ҳамда аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг текширув натижаларига жавобгарлик даражасини аниқлашда қатор муаммоларнинг юзага келаётганлиги кузатилган.

Мазкур муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ҳамда аудиторлик ташкилоти фаолиятида лицензия талаблари ва шартларига риоя этишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини, энг асосийси, аудиторлик хизматлари бозорининг тиниқлигини ва фойдаланувчиларнинг аудиторлик ташкилотлари обрўси тўғрисида хабардорлик даражасини ошириш учун рейтинг баҳолашни амалга ошириш механизмини жорий этиш бугунги куннинг муҳим талаби эканлигини инобатга олган ҳолда, мазкур Қонун билан аудиторлик ташкилотининг мазкур талаб ва шартларга риоя этиш мажбуриятини таъкидловчи бир қатор қўшимча мажбуриятлар белгиланди. Қонунга киритилган ушбу қондага кўра, аудиторлик ташкилотлари эндиликда ўтказилган аудиторлик текширувлари натижаларига доир аудиторлик хулосалари ва аудиторлик ҳисоботларининг нусхалари аудиторлик ташкилотида мавжуд бўлишини ҳамда уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланишини таъминлаши, аудиторларнинг бир йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтишларини таъминлаши, аудиторлик ташкилотларининг мажбурий рейтинг баҳолаш учун аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси сўровига кўра ахборот тақдим этиши лозим;

олтинчидан, Қонундаги муҳим янгиликлардан бири сифатида «аудиторлик текшируви назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўра аудиторлик ташкилоти ва ушбу органлар ўртасида тузилган шартнома асосида ўтказилади ҳамда унга мазкур шартнома асосида ҳақ тўланиши»га оид қонданнинг амалиётга татбиқ этилиши, ўз навбатида, эндиликда назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аудиторларни мажбурий тарзда текширувларга

жалб этиш ҳолатларининг олдини олиш, аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг аудиторлик текшируви натижалари учун масъулиятини оширишга олиб келади;

еттинчидан, аудиторлик текширувини ўтказишни тақиқламайдиган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш ва юритиш, молиявий ҳисоботни тузишдан ташқари бошқа профессионал хизматларни кўрсатиш аудиторлик текширувларини ўтказишда ҳолис бўлишга таъсир этмаслиги, шу билан бирга аудиторлик ташкилоти айнан бир ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет уч йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳақли эмаслиги қайд этилди;

саккизинчидан, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ўрганиш натижасида кузатилган салбий ҳолат — «касбий маҳоратни оширишга жавобгарлик йўқлиги учун айрим аудиторлик ташкилотлари раҳбарларининг малакаси паст даражада эканлиги»ни бартараф этиш, мазкур жараёни тартибга солишнинг самарали усулларини жорий этиш мақсадида ушбу қонун билан махсус ваколатли давлат органи томонидан лицензия шартномасида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига аудиторлик ташкилоти томонидан риоя этилишини назорат қилади ҳамда уч йилда камида бир марта мазкур масалалар юзасидан текширув ҳамда аудиторлик ташкилоти раҳбарини уч йилда бир марта аттестациядан ўтказиши белгиланди;

тўққизинчидан, аудитор малака сертификатининг амал қилишини тугатиш асослари доираси кенгайтирилди. Хусусан, аудиторлик ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тугатишга сабаб бўлган қоидабузарликларга йўл қўйган аудиторлик ташкилоти раҳбарининг, шунингдек аудиторнинг малака сертификати амал қилиши лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилиши мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, қонунда назарда тутилган асослар, хусусан аудиторлик текшируви давомида аудитор олинган маълумотларни аудиторлик текшируви буюртмачисининг рухсатисиз учинчи шахсларга бериши (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), аудиторлик фаолиятини амалга ошираётганда қонун ҳужжатлари талабларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузганлик; аудиторлик текшируви ўтказишда аниқланган ҳўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби юритиш, шунингдек аудитор томонидан молиявий ҳисоботни тузиш бўйича белгилаб қўйилган талабларни бузиш фактларини яширганлик;

аудиторнинг малака сертификати бошқа шахсга топширилган бўлиб, мазкур шахс ушбу ҳужжатни аудиторлик фаолиятида ишга яроқли этиш учун ўз номидан фойдаланиш мақсадида ишлатганлик фактининг аниқланганлиги ҳолатлари боис, малака сертификатининг амал қилиши тугатилган шахс аудитор малака сертификати амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил мобайнида малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан такроран мурожаат қилишга ҳақли эмаслиги белгилаб қўйилди;

ва ниҳоят, ўнинчидан, аудиторлик малака сертификатини олувчиларнинг жавобгарлигини ошириш борасида лицензияловчи органга сохта ҳужжатларни тақдим этиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, аудитор малака сертификатининг сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги фактига кўра, малака сертификати бекор қилинган шахс аудитор малака сертификатини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил мобайнида малака сертификати олиш тўғрисидаги ариза билан такроран мурожаат қилишга ҳақли эмаслиги қайд этилди.

Ушбу қонуннинг ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этилиши, *биринчидан*, аудит тизимини янада ривожлантириш ва аудиторлик хизматлари сифатини оширишга; *иккинчидан*, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш усуллари қўллашга; *учинчидан*, аудиторлик текширувларининг натижалари ва ҳолислиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтиришга; *тўртинчидан*, тадбиркорлик тузилмалари томонидан уларга нисбатан ишончни оширишга; *бешинчидан*, республика аудит тизимини халқаро аудит тизимига янада интеграциялашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, аудитнинг бизнес самарадорлигини реал баҳолашнинг амалий воситаси бўлишига, аудиторлик текширувларининг юқори профессионал даражада ўтказилишига, аудит тизимининг молия бозорида ишонч қозонишига ва ниҳоят, тадбиркорлик субъектлари учун сифатли аудит хизматларидан баҳраманд бўлишда зарур бўлган барча қулай шароитларни яратишга олиб келади.

СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Бугунги кунда суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш ва молиявий

барқарорлигини таъминлаш, уларнинг минтақавий тармоқларини кенгайтириш, шунингдек суғурталашни тартибга солиш усулларини такомиллаштириш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Зеро, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида таъкидлаганидек, «Барчамизга яхши аёнки, бизнеснинг муваффақияти бозор иқтисодиёти институтлари, хусусан, юксак профессионал даражадаги мустақил аудитни, суғуртанинг замонавий шакллари ва молиявий хизматларнинг бошқа турларини кенг ривожлантиришга бевосита боғлиқ».

Маълумки, республикамызда бизнес, шу жумладан хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратиш амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бизнеснинг муваффақияти эса бозор иқтисодиёти институтлари, хусусан, юксак профессионал даражадаги суғуртанинг замонавий шакллари ва хизматларини кенг ривожлантиришга бевосита боғлиқ.

Ушбу вазифани самарали бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелда «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 618-сонли Қарорининг қабул қилиниши республикамызда суғурта хизматларини кўрсатиш маданиятини юқори босқичга кўтаришга замин яратди, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, мазкур Қарор билан, *энг аввало*, «2007—2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш Дастури» маъқулланди. Ушбу дастурда суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш; кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса тадбиркорлик фаолиятини, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш, ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш, шу жумладан, суғуртанинг жамғарма турлари соҳасида суғурта хизматлари ҳажмини, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш; республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорларига интеграциялаш; суғурталаш соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг мала-

касини ошириш тизимини такомиллаштириш каби муҳим чоратадбирлар белгиланди; *иккинчидан*, «Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида»ги низом тасдиқланди; *учинчидан*, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмаси ташкил этилди; *тўртинчидан*, суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталашда кенг иштирокини рағбатлантириш мақсадида мол-мулкни ва ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари солиққа тортилмаслигига ҳуқуқий асос яратилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоратадбирлари белгиланган ушбу қарор ўз навбатида тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо қилади. Шу боисдан, ушбу вазифани самарали бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2007 йил 29 июнда қабул қилиниб, 2007 йил 24 августда Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланди ҳамда 2007 йил 15 сентябрь куни матбуотда эълон қилиниб кучга кирди. Таъкидлаш жоизки, ушбу Қонуннинг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши республикаимизда суғурта бозори конъюнктурасини ўрганиш, унинг юқори даражада очиқ-ойдинлигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, суғурта хизматлари ҳажмларини кўпайтириш, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш борасида қўйилган муҳим қадам бўлиб ҳисобланади. Мазкур ижобий тенденцияни эса қонунда белгиланган қуйидаги қоидаларда кузатиш мумкин:

1. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари доираси кенгайтирилгани ҳамда уларнинг ҳуқуқий мақоми, яъни ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилганлигида. Ҳолбуки, шу даврга қадар суғурталовчилар, суғурта воситачилари каби юридик ва жисмоний шахслар суғурта фаолиятининг субъектлари ҳисобланган бўлса, эндиликда улар қаторига аджастерлар, актуарийлар, суғурта сюрвейерлари, шунингдек ассистанслар киритилиб, уларнинг суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инглиз тилидан олинган мазкур тушунчалар бугунги кунда халқаро суғурта амалиётида,

хорижий давлатларнинг суғурта фаолиятини тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатларида (масалан, Украинанинг 1996 йил 7 мартдаги «Суғурта тўғрисида»ги Қонунида, Қозоғистоннинг 2000 йил 18 декабрдаги «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунида) ифодаланганлигини кузатиш мумкин.

2. «Суғурталовчи» тушунчасининг аниқ белгилаб қўйилиши, ўз навбатида, келгусида унинг тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлишини, шунингдек суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олиши ва ниҳоят «тижоратчи ташкилот» мақомига эга бўлган юридик шахс «суғурталовчи» сифатида эътироф этилиши мумкинлигини ифодалайди.

3. Суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширишда «юридик шахс» мақомига эга бўлган суғурта брокерининг, шунингдек, «ўз номидан ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи тариқасида иштирок этувчи суғурталовчининг топшириғига биноан қайта суғурта қилиш шартномаси тузилишини ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритишда «юридик шахс» мақомига эга бўлган қайта суғурта брокерининг эндиликда суғурталовчининг устав фондида иштирок этишга ҳақли эмасликлари ҳамда ўзлари билан суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

4. Республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорига интеграциялаш мақсадида қонунчиликда «янги кириб келган атамалар» билан номланувчи суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари — аджастерлар, актуарийлар, суғурта сюрвейерлари, шунингдек ассистанслар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар доираси ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланди. Хусусан:

а) суғурталовчининг (суғурта қилдирувчининг) топшириғи бўйича хизматларни кўрсатувчи, ўз штатида *тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва маълакага эга бўлган жисмоний шахс* «аджастер» сифатида тан олинди. Шунингдек, у томонидан суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш; суғурта ҳодисаси фактларини ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш; суғурта объектининг шикастланиш сабабларини ва суғурта ҳодисаси мавжудлигини аниқлаш; суғурта ҳодисаси

мавжуд бўлган тақдирда — суғурта ҳодисаси оқибатида вужудга келган шикастланиш даражаси ва зарар миқдорини белгилаш; тўланиши керак бўлган суғурта товони суммасини аниқлаш; суғурталовчи учун суғурта ҳодисаси бўйича хулоса тузиш каби хизматларни суғурта қилдирувчиларга тақдим қилиши мумкинлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди;

б) суғурта воқеаси юз беришининг математик жиҳатдан эҳтимоллиги ҳисоб-китобини амалга ошириш, ҳам алоҳида таваккалчилик гуруҳларида, ҳам умуман суғурта мажмуи бўйича зарар етказилишининг такрорийлигини ва уларнинг оқибатлари оғирлиги даражасини белгилаш; суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) зарур суғурта захиралари ва фондларини математик жиҳатдан асослаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш, уларни шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш; суғурталовчининг инвестициялар сифатида тўпланган бадаллардан фойдаланишида капитал қўйилма нормаси ва нетто-ставка миқдори ўртасидаги боғлиқликни тариф ставкаларини инвестиция даромади суммасига камайтиришга кўмаклашадиган тарзда аниқлаш; суғурта жараёнини таъкил этиш учун зарур харажатларни асослаш ва суғурта хизматлари таннаرخини ҳисоб-китоб қилиш; суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар бир тури бўйича тариф ставкаларини суғурталовчилар учун уларни ўтказишнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли хусусиятини ҳисобга олган ҳолда белгилаш; суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция фаолияти натижаларини актуар ҳисоб-китоблардан фойдаланган ҳолда баҳолаш; суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) даромадларини суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар хил турлари бўйича режалаштириш каби *актуар хизматларини кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс «актуарий»* сифатида эътироф этилди;

в) «Суғурта сюрвейери» суғурта шартномаси тузилгунига қадар суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш; суғурта шартномаси тузилгунига қадар барча фактларни ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш, таваккалчилик даражасини аниқлаш; текширилаётган суғурта объекти бўйича хулоса тузиш каби хизматларни суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) билан тузилган шартномага хизматлар кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган *юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахс* бўлиши мумкинлиги қайд этилди;

г) суғурта қилдирувчиларга (суғурталанган шахсларга, нафолувчиларга) ҳамда суғурталовчиларга суғурта шартномаси дои-

расида ассистанс хизматлари, техник, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатувчи, шунингдек уларга *молиявий кўмак берувчи юридик ёки жисмоний шахс* «ассистанс» бўлиши мумкинлиги ифодаланди.

5. Махсус ваколатли давлат органининг суғурта бозоридаги «суғурталовчиларнинг суғурта заҳиралари маблағларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартларини, шунингдек бундай маблағлар ҳисобини юритиш ҳамда улар бўйича ҳисоботлар тузиш тартибини; суғурталовчилар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг ва эълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботнинг шаклини, шунингдек уни тақдим этиш ҳамда эълон қилиш тартиби ва муддатларини; суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шунингдек суғурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирларини суғурталовчилар томонидан молиялаштириш тартиби ҳамда шартларини; актуар хизматларини кўрсатиш тартибини; актуарий томонидан актуарий сертификатини олиш ҳуқуқи учун малака имтиҳони ўтказиш, малака сертификатига эга бўлган актуарийлар реестрини юритишга оид ваколатлар кенгайтирилди.

6. Суғурталовчилар ва суғурта брокерлари, шунингдек суғурта бозорининг юридик шахс бўлган бошқа профессионал иштирокчилари қонунларда назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилиши, шунингдек суғурталовчилар ва суғурта брокерларини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчиларини давлат рўйхатидан ўтказиш эса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши белгиланди.

7. Суғурталовчининг бошланғич устав фонди лицензия олинadиган пайтга қадар муассислар томонидан шакллантирилган бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган устав фондининг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

8. Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг умумий шартлари, тавсия этилаётган суғурта битимлари ва операцияларининг рўйхати, суғурта тарифлари, суғурта турлари ҳамда муддатлари ҳақидаги маълумотлар очиқ ахборот бўлиши ҳамда суғурта сири предмети бўлиши мумкин эмаслиги аниқ ифодалаб қўйилди.

Ушбу қонуннинг ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этилиши, *биринчидан*, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ри-

вожлантириш ва сифатини оширишга; *иккинчидан*, суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада шакллантиришга; *учинчидан*, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашга ҳамда уларнинг минтақавий тармоқларини кенгайтиришга; *тўртинчидан*, фуқароларимиз учун суғурта бозорининг юқори даражада очиқ-ойдинлигини таъминлашга; *бешинчидан*, тузилаётган тижорат шартномаларини суғуртавий таъминлашга, шу жумладан, экспорт кредитларини кафолатлаш имконига эга бўлишга; *олтинчидан*, потенциал хорижий инвесторларга маблағларни Ўзбекистон Республикаси суғурта соҳасига инвестициялашда кўмаклашишга; *еттинчидан*, республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорига янада интеграциялашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролар, хусусан тадбиркорлик субъектлари учун сифатли суғурта хизматларидан баҳраманд бўлишда зарур бўлган барча қулай шароитларни яратишга олиб келади.

СОЛИҚ ВА БОЖ ТАРИФИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларнинг негизида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш асос қилиб олинганлиги, ўз навбатида, фуқароларнинг, хусусан тадбиркорлик субъектларининг эркин иқтисодий фаолият олиб боришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш йўлида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шу ўринда, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, чўчитиб юбормаслиги, аксинча, уни рағбатлантириши зарур. Солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлик ва ташаббускорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим». Бу борада қўйилган вазифаларнинг ечимларидан бири сифатида 2008 йилнинг 21 сентябрида «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунининг матбуотда эълон қилиниши муҳим қадам бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига мувофиқ, фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар. Демак, давлат ушбу мажбуриятнинг тўлиқ бажарилишини назо-

рат қилибгина қолмай, солиқларнинг адолатли ва ижтимоий-иқтисодий шароитдан келиб чиққан ҳолда, жамият ҳаётидаги барча ўзгаришларни эътиборга олиб тартибга солинишини ҳам ўз зиммасига олиши керак бўлади.

Шу боис, солиқ сиёсатининг асосида инсон ва унинг иқтисодий манфаатларини назарда тутиш ётганлигини 1998 йил 1 январдан кучга киритилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ҳозирга қадар ўттиз беш марта ўзгартиришлар киритилганидан билиб олиш мумкин. Зеро, уларнинг барчаси жамият ҳаётидаги ўзгаришлар ва иқтисодий ривожланишларни ҳамда фуқаролар манфаатларини кўзлаб амалга киритилган.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3860-сонли Фармони қабул қилинган бўлиб, унинг асосий мақсади сифатида хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш эканлиги назарда тутилган.

Мазкур Фармонда республикамызда солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг йигирма беш фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилиши кўзда тутилган.

Фармоннинг тўртинчи бандига кўра, солиқ имтиёзлари янги жиҳозлар ишлаб чиқаришга жорий этилган пайтдан бошлаб навбатдаги солиқ ҳисоботи даври учун қўлланилади, технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайтдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, юқорида қайд этилган солиқ имтиёзи бекор қилинади ва қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетга солиқлар тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади. Яъни, бунда корхона томонидан ўзига берилган имтиёздан фойдаланишни рад этиш деб қабул қилиниб, уни бекор қилиш назарда тутилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу Фармоннинг бандлари эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ҳамда «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунга, аниқроғи мазкур қонуннинг бож тўловларини ундиришдан озод қилиш бўйича мезонларни белгилаб берувчи қондаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 июнда қабул қилинган ҳамда Сенат томонидан 2007 йил 24 августда маъқулланган, шунингдек 2008 йилнинг 21 сентябрида кучга киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунининг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши қуйидаги муҳим ижобий ўзгаришларнинг амалга оширилишини таъминлайди:

биринчидан, аввал киритилган янги технологиялар учун солиқни тўлиқ тўлаб келган микрофирмалар ва кичик корхоналар ушбу қонун амалга киритилишидан бошлаб беш йил давомида янги киритилган ишлаб чиқариш технологиялари, уларга тегишли қисмлар қийматига тенг миқдордаги сумманинг солиғини йигирма беш фоизгача бўлган чегирилган ҳолда тўланиши кўзда тутилган. Агар юқоридаги технологиялар уч йил ичида сотиладиган, текинга бериладиган, яъни бошқа шахснинг тасарруфига ўтказиладиган бўлса, корхоналарга берилган имтиёз бекор қилиниб, солиқ тўлиқ тўланиши керак бўлади;

иккинчидан, шу билан бирга, асосий ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга қаратилган маблағларнинг суммасига тенг бўлган, ҳисобот даврида амортизация ҳисобга олинган ҳолда, даромад (фойда)нинг ўттиз фоизгача бўлган миқдордаги суммага солиқ солинмаслиги белгиланган;

учинчидан, яна Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида таълим муассасалари ҳисобланмиш академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари қурилишига йўналтирилган суммаларга солиқ солиш ҳам қўшилган қиймат солиғидан ўттиз фоиздан кўп бўлмаган миқдорга камайтирилиши назарда тутилган;

тўртинчидан, ишлаб чиқариш технологиялари ёки тегишли асбоб-ускуналар лизингга топшириш учун олинган ҳолда воситачилар, чет эл инвестицияси мажбурияти остида хусусийлаштирилган объектлар ҳам юқоридаги имтиёзлар асосида солиққа тортилиши белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу Қонунга кўра «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, эндиликда юқоридаги солиқ имтиёзлари белгиланган технология ва воситаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тегишли тартибда олиб киришда бож тўловлари ундирилмайди. Мазкур қоида эса, ўз навбатида, тадбиркорлар учун қўшимча қулайликлар ва имкониятларни туғдириши билан бирга, иқтисодиётнинг ривожланиши учун туртки бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Шунини айтиб ўтиш керакки, бу қонуннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга татбиқ этилиши республикада тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор қулайликлар ва имтиёзларни яратиб қолмай, шу билан бирга кичик технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилиши тайин. Бу эса ишлаб чиқариш субъектлари учун айтиб муддао бўлиб, бунини қуйидаги йўналишларда кузатиш мумкин:

1. Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш ҳам катта харажатларсиз бўлмайди. Шу аснода, бу жараёнда яратилган барча имкониятлар ишлаб чиқарувчининг ҳам иқтисодий, ҳам руҳий жиҳатдан чуқур қўллаб-қувватлаши аниқ. Қонунда белгиланган ишлаб чиқарувчилар томонидан республикага киритилган инновацион технологиялар, лизинг асосида сотиб олинган ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай кўринишлари, уларга тегишли бўлган асбоб-ускуналар учун ҳам белгиланган бож тарифи ва солиқ тўловларининг камайтирилиши замирида мамлакат миқёсидаги ишлаб чиқариш субъектлари учун қанчалик катта харажатлардан қутулиш назарда тутилганлигини билиб олиш қийин эмас.

2. Бир қарашда ушбу Қонун қабул қилиниши фақатгина ишлаб чиқарувчининг фойдасига йўналтирилгандек кўриниши мумкин. Лекин, агарда ишлаб чиқарувчи бундай имконият берилса, ортиб қолган маблағни янада янгироқ ва каттароқ қувват асосида ишлаб чиқаришга қаратиши аниқ. Зеро, бунинг натижаси ўлароқ, республикага технологияларнинг кириб келиши ва уларнинг модернизацияланиши, қайта жиҳозланиши янада кенгроқ тус олиши табиий. Чунки, тадбиркорликнинг мазмуни ҳам шундаки, унга берилган ҳар бир имкониятдан тўлалигича фойдаланишга ҳаракат қилади.

3. Иқтисодиёт қонуниятларидан маълумки, давлатдаги ишлаб чиқаришнинг кенгайиши яна бир муаммо, яъни ишсизлик муаммосининг ҳам камайтилишига олиб келади. Шундай экан, ушбу қонуннинг ижроси мамлакатимизда қанчадан-қанча ишчи

ўринларининг кўпайиши, шу билан бирга инновацион технологияларнинг кўпайиши баробарида, улар билан ишлаш кўникмасига эга бўлган профессионал ишчи-ходимларнинг ҳам кўпайишига хизмат қилади.

4. Кейинги натижа сифатида албатта, экспортнинг ажралмас қисми ҳисобланмиш республикага валюта тушумининг кўпайиши, шу аснода давлат тўлов қобилиятининг янада кўтарилишини кўрсатиш жоиз бўлар эди. Зеро, валюта тушуми ҳар қандай давлатнинг иқтисодиёт тизими учун мақбул ҳолатдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мазкур қонуннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга татбиқ этилиши мамлакат иқтисодиётини эркинлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

ЭНЕРГИЯДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Маълумки, ҳар қандай мамлакатдаги миллий стандартлаштириш халқаро стандартлаштириш бўйича ишлардан холи ривожлана олмайди. Шу боисдан, миллий стандартларнинг меъёрий талаблари бошқа мамлакатлар стандартларининг айнан ўхшаш талаблари билан келишилган бўлиши лозим.

Маълумки, 1946 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Стандартлаштиришни координатлаштириш бўйича қўмитасининг бўлиб ўтган мажлисида халқаро стандартлаштириш бўйича ташкилот (ИСО) ташкил этилган эди. Ушбу ташкилотнинг асосий мақсади эса, халқаро товар айрибошлаш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш, шунингдек интеллектуал, илмий-техникавий ҳамда иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, дунё миқёсида стандартлаштиришни ривожлантиришга қўмаклашиш ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида халқаро стандартлаштириш бўйича ташкилот (ИСО) томонидан товарлар, ишлар ва хизматларга қўйиладиган талаблар: инсон ва атроф-муҳит, шу жумладан ўсимликлар ва ҳайвонот олами учун хавфсизлик талаблари; илмий техникавий атамалар, тушунчалар ва уларнинг таърифлари; ўлчашлар бирлигини таъминлашга қўйиладиган талаблар; синонлар натижаларини тан олишга қўмаклашувчи текшириш усуллари, сифат менежменти тизими ва умумий сифатни бошқариш соҳаларидаги стандартларни тартибга солувчи халқаро стандартларнинг 18000 мингга яқин номланиши қабул қилинган эди. Айни кунларда мазкур ташкилот халқаро ва минтақавий ташкилотлар, хусусан халқаро электротехника комис-

сияси (ХЭК), халқаро электр алоқа бирлашмаси (ХЭБ), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий комиссиялари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон эса 1994 йил 1 январдан халқаро стандартлаштириш бўйича ташкилот (ИСО)-нинг ваколатли аъзоси ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқаро стандартлаштириш бўйича ташкилот (ИСО)нинг стандартлари мажбурий эмас. Ҳар бир мамлакат уларни тўлиқ равишда, қисман қўллаш ёки умуман қўлламаслик ҳуқуқига эга. Бироқ жаҳон бозоридаги қатъий рақобат шароитида маҳсулотнинг харидорғирлигини оширишга интилаётган ишлаб чиқарувчилар бошқа халқаро ташкилотларнинг халқаро стандартлаштириш бўйича ташкилот (ИСО) стандартларини ҳам қўллашга мажбур. Шунинг учун халқаро стандартларни ишлаб чиқишда айрим мамлакатларнинг йирик ишлаб чиқарувчилари ўртасида ушбу стандартларга киритиладиган талаблар ифодаланиши учун жиддий кураш бормоқда. Айнан шу ҳолат стандартларнинг мазмунига ҳам тегишлидир. Бошқача айтганда, аниқ маҳсулот стандартида унга қўйиладиган техник талаблар даражаси ҳамда уларни ўлчаш ва синаш усуллари кўзда тутилганлиги боис, халқаро стандартлаштириш амалиётида маҳсулотга стандартлар ишлаб чиқишда маҳсулотни синашнинг ягона усуллари таъкидлаб кўрсатилади.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 21 июнда қабул қилиниб, 2007 йил 25 августда Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланган ҳамда 2007 йил 27 сентябрь куни матбуотда эълон қилиниб кучга кирган **«Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни** ҳам ушбу фаолият соҳасида амал қилаётган қонунлар билан бир қаторда, халқаро стандартлаштириш бўйича ташкилот (ИСО)нинг стандартлари билан уйғунлигини назарда тутди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонуннинг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши республикамызда, энг аввало, халқаро стандартлаштириш бўйича ташкилот (ИСО) томонидан 2004 йилда чиқарилган янги ИСО/МЭК 2:2004 **«Стандартлаштириш ва бир-бирига яқин фаолият турлари. Умумий лугат»** халқаро стандартига мос бўлишида, ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналарни, шу жумладан рўзғорда фойдаланиш учун мўлжалланган асбоб-анжомларни энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига доир қисмида тамғалашни норматив ҳужжатларда кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширилишида муҳим аҳамият касб

эгади. Мазкур ижобий ўзгаришларни эса қонунда белгиланган қуйидаги қоидаларда кузатиш мумкин:

биринчидан, маълумки, «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида стандартлаштириш объектлари ҳамда предметларига тегишли алоҳида қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган эди. Бу ўринда эса, 2004 йилдаги янги **ИСО/МЭК 2:2004 «Стандартлаштириш ва бир-бирига яқин фаолият турлари. Умумий лугат» халқаро стандартида** «стандартлаш предмети» тушунчасининг йўқлигини, ушбу халқаро ҳужжатда ҳамда Ўзбекистон давлат стандартлаштириш тизимида (кейинги ўринларда — ЎЗДСТ) «стандартлаш объекти» тушунчаси мавжудлигини кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, ИСО/МЭК 2:2004 нинг 1.2-бандида «стандартлаш объекти — стандартлаштириш мумкин бўлган объект» ва 3.2-бандида «стандарт — бу консенсус асосида ишлаб чиқилган ва эътироф этилган орган томонидан тасдиқланган ҳужжат бўлиб, унда умумий ва кўп маротаба фойдаланиш учун турли хил фаолиятларга ёки уларнинг натижаларига тегишли бўлган қоидалар, умумий тамойиллар ёки тавсифлар белгиладиган ва у маълум соҳада тартибнинг мақбул даражасига эришишга қаратилади» деб белгилаб қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, Қонуннинг 5-моддасидаги «стандартлаштириш предметлари»га оид қоидаларнинг чиқариб юборилишига ҳамда «энергиядан оқилона фойдаланиш соҳасидаги стандартлаш объектлари»га энергия, энергия ҳосил қиладиган ва уни сарфлайдиган ёки энергияни бир турдан бошқа турга айлантириб берадиган асбоб-ускуналар ва маҳсулотлар, транспорт воситалари, қурилиш, йўлсозлик ва қишлоқ хўжалик машиналари, ёритиш техникаси қурилмалари, иситиш, ҳарорат ва намликни бир хилда сақлаб туриш ҳамда ҳавонини алмаштириш тизимлари, халқ истеъмоли моллари, иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ва қурилиш конструкциялари билан бир қаторда, технология жараёнлари, шунингдек, энергия ҳосил қилиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун энергия сарфи кўрсаткичларининг мажмуи ҳамда қиймати кириши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди;

иккинчидан, шу даврга қадар республикамызда энергетика ресурслари; оммабоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш; энергия ҳосил қилувчи ва уни ишлатувчи асбоб-ускуналар ҳамда маҳсулотлар энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлик бўйича маж-

бурий сертификатлаштирилиши амалга оширилар эди. Аммо ушбу жараён «Энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичлари қандай белгиланади ёки бўлмаса қайси асосларга кўра аниқланади?» каби ҳақли саволларнинг туғилишига сабаб бўлар эди. Шу боисдан, **қонунга киритилган муҳим янгилıklarдан бири** — энергетика ресурслари; оммабоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш; энергия ҳосил қилувчи ва уни ишлатувчи асбоб-ускуналар ҳамда маҳсулотлар эндиликда норматив ҳужжатларда кўрсатилган энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлик бўйича мажбурий сертификатлаштирилади. Бошқача айтганда, агар норматив ҳужжатда энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичи кўрсатилган бўлса, ушбу кўрсаткич сертификатлаш ўтказилаётганда мажбурий тартибда тасдиқланиши лозим бўлади;

учинчидан, маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонунида сериялаб ишлаб чиқариладиган сертификатланган маҳсулот **Мувофиқлик белгиси билан тамғаланиши** ҳамда бу белги ушбу маҳсулот аниқ норматив ҳужжатиға мос келиши ҳамда мазкур ҳужжатға мувофиқ ишлаб чиқарилиши ва сертификатланишини тасдиқлаш белгиланган бўлиб, бу эса эндиликда ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналарни, шу жумладан рўзғорда фойдаланиш учун мўлжалланган асбоб-анжомларнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига доир қисмида **тамғалашни норматив ҳужжатларда кўрсатилган талабларға мувофиқ бўлгандагина амалға оширилиши** мумкинлиги қонуний жиҳатдан мустаҳкамланишиға олиб келди;

тўртинчидан, «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг биринчи қисмидаги («Энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш чоғида, шунингдек энергияни сертификатлаш пайтида мажбурий давлат метрология текшируви ва назорати амалға оширилади») «шунингдек энергияни сертификатлаш пайтида» жумласининг ушбу қонунға мувофиқ чиқариб ташланиши, ўз навбатида, давлат метрология текшируви ва назоратининг давлат метрология хизмати органлари, яъни «Метрология тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасиға мувофиқ «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг органлари томонидан бугунги кунда мажбурий давлат метрология текшируви ва назоратининг сертификатлаш муолажаси ўтказилгунға қадар амалға оширилишиға ҳуқуқий асос яратди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу қонуннинг ижтимоий ҳаётимизға татбиқ этилиши, *энг аввало*, республикаимиз-

да юридик ва жисмоний шахсларнинг ёқилғи қазиб олиш, ёқилғи, иссиқлик ва электр энергияси (матнда бундан буён энергия деб юритилади) ҳосил қилиш, уларни қайта ишлаш, сақлаш, ташиш,¹ тақсимлаш ва сарфлаш билан боғлиқ фаолиятга тааллуқли бўлган бошқа қонунлар, хусусан «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги Қонунлари билан уйғунлигини таъминлашга; *иккинчидан*, миллий қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқни умумэътироф этилган нормаларига интеграциялашувига; *учинчидан*, миллий энергетика ресурслари сақланишини, энергиядан ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлаш чоғида энергиядан самарали ҳамда экологик жиҳатдан хавфсиз фойдаланилишини таъминлашга олиб келади.

V. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XII ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар:

1. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

2. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

3. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

4. «Бюджет тизими тўғрисида»ги ҳамда «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

5. «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

6. «Саноат, газ таъминоти ва кон назорати соҳасидаги бошқарув такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

7. «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

8. «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

9. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

10. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

11. «Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

12. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

13. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

14. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

15. «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига қўшимча ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 61-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

16. «Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

17. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

18. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битимни (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

19. «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

20. «Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги Шартномани (Ашхобод, 2007 йил 18 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

21. «Аҳолини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар ҳудудида ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситалари, вакцина ва бошқа иммунобиологик дорилар, тиббий буюмлар ва тиббий техника билан таъминлаш тўғрисидаги Битимни (Ашгабат, 1993 йил 24 декабрь) денонсация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

V. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ XII ЯЛПИ МАЖЛИСИДА МАЪҚУЛЛАН- ГАН ҚОНУНЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИАТИ

ЯНГИ ТАХРИРДАГИ СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бугунги кунда иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва бозор ўзгартиришларининг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу борада эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси қурултойидаги маърузасида таъкидлаганидек, иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришларни янги босқичга кўтариш, солиқ юкини камайтириш, ер ости ва ер усти бойликларимизни ишга солиб, юксак технологиялар билан қуролланган тармоқ ва ишлаб чиқариш корхоналари тараққиётига кенг йўл очиб бериш, фаол инвестиция сиёсатини кучайтириш ва хорижий сармояларнинг мамлакатимизга кириб келиши учун барча шарт-шароитларни яратиш лозим.

Маълумки, мамлакатимизни модернизация қилиш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизнинг жадал суръатлар билан ўсиши ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлашга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштириш, бу йўналишларни амалга оширишнинг асосий шarti бўлмиш тadbиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатининг изчил қадамлар билан эркин ривожланишига кафолат ва имтиёзлар берадиган сиёсатни давом эттириш, айниқса, бу борада солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш — тизимли равишда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилиниб, 2007 йил 30 ноябрда Се-

натнинг ўн иккинчи ялли мажлисида маъқулланган ҳамда 2007 йил 26 декабрь куни матбуотда эълон қилиниб, 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни солиқ солиш жараёнини тартибга солувчи меъёр ва қоидаларни тизимлаштириш, хусусан солиқларни янада соддалаштириш ва унификациялаш имконини берди. Бошқача айтганда, солиққа тортиш масаласида амалиётда си-налган принцип ва ёндашувлар асосида, бу борада бошқа мам-лакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланган ҳолда амали-ётга татбиқ этилган Солиқ кодекси республикамызда солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи барча амалдаги меъёр ва қоидаларни такомиллаштириш ҳамда тизимлаштириш ор-қали ишлаб чиқилиши натижаси ўлароқ, «тўғридан-тўғри амал қилувчи ягона ҳужжат» мақомига эга бўлди.

Кодекс ўзининг мазмун-моҳиятига кўра умумий ва махсус қисмларга бўлинган 21 бўлим, 64 боб ҳамда 392 моддадан иборат бўлиб (ҳолбуки, шу даврга қадар бўлган Солиқ кодекси 11 бўлим, 41 боб, 135 моддадан иборат эди), умумий қисмда ҳўжа-лик юритувчи субъектларнинг молиявий жавобгарлигини эр-кинлаштириш, назорат қилувчи органлар томонидан текши-рувларни тартибга солиш, солиқ тўловчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қоидалар ўз аксини топган. Бундан ташқари, умумий қисмда аввалги Солиқ кодексидан фарқли ўлароқ, *биринчидан*, Ко-дексда қўлланиладиган асосий тушунчаларни белгиловчи мах-сус боб киритилди; *иккинчидан*, солиқ мажбуриятини бажа-ришнинг умумий қоидалари белгиланди; *учинчидан*, солиқ қар-зини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш тартиби жорий қилинди; *тўртинчидан*, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш ҳамда қайтариб беришнинг аниқ механизмларини белгиловчи қоидалар ўз аксини топди; *бешинчидан*, солиққа оид ҳуқуқбу-зарлик учун жавобгарлик чоралари қайта кўриб чиқилиб, ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди; *олтинчидан*, солиқ назоратининг шакллари ва тартибига оид қоидалар алоҳида бўлимда белгиланди ва ниҳоят, *ёттинчидан*, давлат солиқ хиз-мати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан шикоят беришни тар-тибга солиб турувчи боб белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, Кодекснинг умумий қисмида солиқ қонунчилигининг умумий тамойиллари билан бир қаторда, «солиқ тўловчининг ҳақлиги

презумпцияси» тамойилининг киритилиши, ўз навбатида, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинишини таъминлайди. Бу эса солиқ тўловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасида муҳим аҳамият касб этади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Солиқ кодексининг умумий қисмида салмоқли ўринни эгаллаган III Бўлим («Солиқ назорати») солиқ текширувларига қаратилган бўлиб, унда солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви (тафтиши) — текширувларни амалга оширишнинг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказилиши ва уларни ўтказиш муддати ўттиз календарь кунидан ошмаслиги, алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг қарори билангина узайтирилиши мумкинлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, янги қабул қилинган Солиқ кодексда хўжалик юритувчи субъектлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қоида, яъни солиқ текширувларининг даврийлиги ҳам назарда тутилди. Хусусан, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) эса уч йилда кўпи билан бир марта амалга оширилиши лозимлиги кўзда тутилди. Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти эса улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йилда режали солиқ текширувларидан ўтказилмаслиги белгиланди.

Махсус қисм солиқ солиш тизимини соддалаштиришни, солиқ юкини пасайтиришни, солиқ имтиёзларини тартибга солишни, солиқ тўлашдан бўйинтовлаш имкониятларини қисқартиришни назарда тутувчи талаблар асосида, шунингдек 2006—2008 йиллар учун Солиқ концепциясида назарда тутилган солиқ қонунчилигини такомиллаштириш борасидаги чоратадбирларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, махсус қисмда «Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби»га ало-

ҳида бўлим бағишланган бўлиб, унинг қоидаларига кўра мазкур тартиб қўйидаги тўловларни ўз ичига олиши назарда тутилди:

биринчидан, солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари — микрофирмалар ва кичик корхоналар (акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар; ягона ер солиғи ва қатъий белгиланган солиқ тўлаш назарда тутилган фаолият доирасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар; маҳсулот тақсимотига оид битимлар иштирокчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно), савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар учун ягона солиқ тўлови;

иккинчидан, қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар ҳамда қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари учун ягона ер солиғи;

учинчидан, фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ.

Бундан ташқари, «Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари» алоҳида бўлимда ўз аксини топган бўлиб, унда мазкур тоифадаги солиқ тўловчиларга қўйидагилар кириши белгиланди:

— тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи ва қонун ҳужжатларида тасдиқланадиган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар;

— оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолият кўрсатувчи солиқ тўловчилар;

— деҳқон хўжаликлари;

— бозорлар.

Шунингдек, Солиқ кодексининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш ва бюджетга тўловларни тартибга солиб турувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзида мужассамлаштириш мақсадида махсус қисмда давлат божини тўлаш тартиби ва давлат мақсадли жамғармаларига (ижтимоий жамғармаларга, республика йўл жамғармасига) мажбурий тўлов-

ларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартибини белгиловчи янги бўлимлар назарда тутилди.

Солиқ кодексида айрим турдаги солиқлар бўйича асосий ўзгаришлар қуйидагиларда ўз ифодасини топди:

1. Фойда солиғи бўйича:

а) чегириб ташланадиган харажатлар рўйхатининг (меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, амортизация харажатлари, келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланадиган ҳисобот давридаги харажатлар ҳамда Кодексининг 145-моддасида белгиланган бошқа харажатлар) кенгайтирилиши;

б) солиқ солинадиган даромадларнинг аниқлаштирилганлиги, шунингдек солиқ тўловчи томонидан олинадиган, аммо солиқ солиш мақсадида даромад сифатида қаралмайдиган маблағларнинг белгиланиши;

в) кредит ташкилотлари, суғурта ташкилотлари, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун солиқ солиш базасини (даромадлар ва чегириб ташланадиган харажатларни) аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи қўшимча моддаларнинг киритилганлиги;

г) доимий муассаса орқали ёки тўлов манбаида солиққа тортиладиган даромадларнинг аниқ белгиланганлиги, шунингдек тўлов манбаида солиққа тортиладиган даромад турларининг кенгайтириши ҳисобига норезидентларнинг республикамиз ҳудудида оладиган даромадларига солиқ солиш тартибининг такомиллаштирилганлиги.

2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича:

а) солиқ солинадиган даромадларнинг аниқ рўйхати, шунингдек солиқ тўловчи томонидан олинадиган, лекин солиқ солиш мақсадида даромад сифатида қаралмайдиган маблағларнинг белгиланганлиги;

б) декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар, шунингдек декларацияни тақдим этиш ва у бўйича солиқ тўлаш тартибини белгиловчи махсус бобнинг киритилганлиги;

в) норезидентларнинг даромадларига солиқ солишнинг аниқ қоидалари ўз ифодасини топганлиги.

3. Қўшилган қиймат солиғи бўйича:

а) республикамизда солиқ солинадиган оборотларни белгилаш мақсадида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойи тушунчасининг киритилганлиги;

б) солиқ солинадиган базани белгилаш бўйича аниқ қоидаларнинг киритилганлиги боис солиқ ҳисоб-китоб механизмининг соддалаштирилганлиги;

в) қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган реализация қилиш оборотларининг (товарлар, ишлар, хизматлар) аниқ белгилаб қўйилганлиги;

г) норезидентлардан олинадиган ишлар ва хизматларга солиқ олиш қоидаларининг ўз ифодасини топганлиги.

4. Ер қазьридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар бўйича:

а) ер қазьридан фойдаланувчининг тегишли лицензия асосида фойдали қазилмаларни аниқлаш, қидириш ва қовлаб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун бир марталик қатъий белгиланган тўловлар (бонуслар)нинг киритилганлиги;

б) махсулот тақсимотига оид битим доирасида амалга ошириладиган фаолиятга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи махсус бобнинг киритилганлиги.

5. Бошқа ресурс солиқлари (ер солиғи, мол-мулк солиғи) бўйича:

а) солиқ солиш базасини аниқлаштириш ва ҳисоблаб чиқаришни соддалаштириш ҳисобига мазкур солиқ турларини ҳисоблаб чиқариш тартибининг такомиллаштирилганлиги;

б) норезидентларга қарашли мол-мулк ва ер участкаларини солиқ солиш объектига киритиш ҳисобига ушбу солиқлар бўйича солиқ солиш базасининг кенгайтирилганлиги.

Бундан ташқари, янги қабул қилинган мазкур Солиқ кодексида имтиёзлар тизимлаштирилди. Албатта, солиқларни унификация қилиш, солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ бошқарувини такомиллаштириш ва эркинлаштиришни назарда тутадиган янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг қабул қилиниши, ўз навбатида, «тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган» деб топишни тақозо қилади. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йилнинг 23 ноябрида қабул қилинган ҳамда Сенат томонидан ўтган йилнинг 30 ноябрида маъқулланган, шунингдек 2007 йил 29 декабрь куни матбуотда эълон қилиниб, 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни орқали бир қатор қонунлар (хусусан «Давлат божи тўғрисида»ги, «Патта тўлови тўғрисида»ги, «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа

мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги каби қонунлар) ўз кучини йўқотган деб топилди ҳамда 14 та қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунга асосан Вазирлар Маҳкамаси 2008 ва 2009 йиллар мобайнида мазкур кодекс нормаларининг амал қилиши ва самарадорлиги мунтазам равишда ҳамда ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилинишини таъминлашлари, зарур бўлган ҳолларда, кодекснинг айрим нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда киритиш белгиланди.

Хулоса ўрнида алоҳида таъкидлаш жоизки, амалиётда синалган тамойиллар, солиққа тортиш ёндашувлари, бошқа давлатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш асосида тайёрланган ҳамда 2008 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга татбиқ этилиши, ўз навбатида, солиқ тизимининг такомиллашувига ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг келгуси ривожига солиқларнинг рағбатлантирувчи ролининг ошишига олиб келади.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Бугунги дунёда, аниқроғи инсоният ҳаёти ва фаолияти давомида ахборот технологиялари соҳаси кенг тарқалганлиги билан бир қаторда, тез суръатларда ривожланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамиятни ахборот технологияларидан жиноий мақсадларда фойдаланишдан самарали ҳимоя қилиш муаммосини келтириб чиқаради.

Шу боис 2007 йил 27 сентябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди ҳамда 2007 йил 30 ноябрда Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқулланди ва 2007 йил 26 декабрда расмий эълон қилиб, шу кундан эътиборан кучга кирди.

Авваламбор, мазкур қонуннинг қабул қилиниши сабаблари, мақсади, аҳамияти ва зарурийлиги ҳақида тўхталиб ўтсак.

Мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ мамлакатимизда ахборот технологияларини ривожлантириш ва уни жамият ҳаётининг барча жабҳаларига жорий этиш масаласига катта эътибор бериб келинди. Натижада ахборот технологиялари ва телекоммуникациялардан кундалик ҳаётда ва барча соҳаларда кенг фойдаланилмоқда. Бугунги кунда компьютер ёрдамида банк фаолияти, иқтисодиёт, ҳаво кемаларини бошқариш амалга оширилмоқда, катта ҳажмли маълумотларни яратиш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш билан боғлиқ ахборот технологиялари ишлатилмайдиган бирор бир фаолият соҳаси қолмади. Ҳозирда ахборот технологиялари нафақат маълумот, у ёки бу ҳодиса тўғрисида билим олиш, балки бутун жамиятнинг бошқаришнинг асосий воситаларидан бирига айланмоқда.

Ҳозирги кунда «ахборот макони» деган тушунча вужудга келган ва бу маконда асосий ўринни компьютер тизимлари эгаллайди. Чунки улар ёрдамида турли манбалардаги маълумотларни интеграциялаш ва қайта ишлаш имкони мавжуд. Ахборот технологияларининг вужудга келиши ва ривожланиши билан бу соҳадаги жиноятчиликнинг янги турлари вужудга келиши табиий жараёндир.

Шу маънода ахборот технологиялари ривожининг ҳозирги босқичида ахборот технологиялари кун сайин ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олаётган бир шароитда мазкур соҳани тартибга солувчи ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Чунки ахборот технологиялари тизимининг ривожланганлиги оқибатида, табиийки, ҳуқуқбузарликларнинг ҳам янги турлари кириб келмоқда. Ахборот технологияларидан фойдаланиб ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш, компьютер фирибгарлиги, компьютер вақтини ўғирлаш, рухсати бўлмаган ҳолда ахборотлаштириш тизимига кириш, зарарли дастурларни тарқатиш, ахборотлаштириш тизимидаги маълумотларни йўқотиш, ўзгартириш ёки уларни қалбакилаштириш ва шу каби бошқа қилмишлар ҳудда кўплаб содир этилмоқда.

Чунончи, хорижий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, XX асрнинг 90-йилларида Германияда компьютер техникаси воситасида йилига 4 млрд. маркагача, Францияда бир млрд. франккача, АҚШда бир неча млрд. (6,36) долларгача маблағ талон-тарож қилинган. 2004 йилда берилган «MI2C» деб номланувчи Англия таҳлил компанияси тадқиқотлари шуни кўрсатадики, 2003 йил давомида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар натижасида жаҳон иқти-

содиётига етказилган зарар миқдори 132 млрд. АҚШ доллари-дан ошиб кетган, 2004 йилда эса барча турдаги ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлардан етказилган иқтисодий зарар 411 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. 2005 йилда бу кўрсаткич 687 млрд. АҚШ долларигача етган. Демак, бу соҳадаги жиноятчилик ва ундан кўриладиган зарар миқдори кўрсаткичи йилдан-йилга кўпайишини кузатиш мумкин.

Юқоридаги каби ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бизга ҳам кириб келмоқда. Бу салбий ҳолатнинг вақтида олди олинмаса, келгусида унинг ривожланиши учун шароит юзага келади. Чунки Ахборот технологиялари соҳасида содир этиладиган қилмишларнинг ижтимоий хавфлилиги жуда юқори бўлиб, улар аҳолининг, айниқса ёшларнинг маънавий дунёқарашига, инсон шайни ва қадр-қимматига зиён етказди; ўзгалар мулкини катта миқдорда талон-тарож қилишга ҳамда зарар етказишга олиб келади; турли хил бўхтон ёки уйдирмалар тарқатиш орқали миллий ва жамоат хавфсизлигига, давлатнинг мудофаа ва ҳарбий қудратига таҳдид солади ва шу каби оғир ижтимоий хавф-хатарларни келтириб чиқаради.

Ахборот технологиялари соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, улар чегара билмайди, яъни ушбу жиноятлар дунёнинг исталган бурчагидан чегарани босиб ўтмасдан содир этилиши, исталган банкдан катта миқдордаги маблағлар бошқа ҳисоб рақамига ўтказилиши ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари маълумот базасининг кодини бузиш каби имкониятларни яратади. Жиноий ишлар масалалари бўйича БМТ департаментининг маълумотларига кўра, уюшган жиноятчилик орқали ушбу турдаги жиноятларни содир этувчи шахслар ҳар йили бир триллион АҚШ доллари миқдорида соф фойда оладилар. Ушбу муаммога тегишли халқаро стандартлар ва хорижий тажриба, Европа мамлакатлари ҳамда МДХ қонунчилиги таҳлили шуни тасдиқлайдики, биринчи марта халқаро миқёсда компьютер соҳасидаги жиноятлар муаммосини кўриб чиқишга уриниш Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ташаббуси билан амалга оширилган. Ўтган асрнинг 80-йилларида шу ташкилот томонидан бир қатор ахборот технологиялари соҳасидаги хатти-ҳаракатларни жиноий жазога лойиқ деб топиш тавсия этилган.

Ахборот технологияларидан жиноий мақсадларда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган бир қатор халқаро ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар жумласига саккизлик таркибига кирувчи давлатлар раҳбарлари томонидан 2000 йил 22 июлда

имзоланган «Окинава глобал ахборот жамияти хартияси», 1981 йил 28 январдаги «Шахсий маълумотларни автоматлаштириб ишлов бериш одатларида жисмоний шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Европа Кенгаши Конвенцияси, 2001 йил 23 ноябрдаги «Кибернетик жиноятчилик тўғрисида»ги Европа Кенгаши Конвенцияси, Ахборот жамияти куриш принциплари декларацияси ва бошқалар. Ушбу халқаро ҳужжатлардан айнан «Окинава глобал ахборот жамияти хартияси» дунё ҳамжамятини хавфсиз ва жиноятдан холи бўлган кибернетик муҳит яратишда ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишни назарда тутди. Европа Кенгашига аъзо давлатлар томонидан 2001 йил 23 ноябрда имзоланган «Кибернетик жиноятчилик тўғрисида»ги Европа Кенгаши Конвенцияси компьютер ахборотлари ва тизимлари билан боғлиқ бўлган жиноий ҳуқуқбузарликларни таъқиб этишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, 2004 йил 1 июлдан кучга кирган.

Европа мамлакатлари Жиноят кодексида бир қатор компьютер ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлик белгиланган. Жумладан, компьютерга рухсатсиз кириш ёки рухсат берилган чегаралардан четга чиқиб кириш, зарур эҳтиёт чораларига амал қилмаслик, қасддан вируслар тарқатиш, компьютер фирибгарлиги, компьютердан фойдаланиб талон-тарож қилиш, компьютер саботаж, электрон хабарларнинг махфийлигини бузиш (турли таҳрирда), рухсатсиз эгаллаш, блокировка қилиш, нусха кўчириш, йўқ қилиш, ўзгартириш (компьютер маълумотларини), компьютер тизими ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ёки махсус техника воситаларининг тўғри ишлашини бузиш, компьютер технологиялари ёрдамида парнографик маҳсулотлар тайёрлаш, компьютер техникаси ёрдамида ҳужжатлар, компьютер ёзувларини қалбакилаштириш ва бошқалар. 1996 йил 17 февралда Санкт-Петербургда МДХга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси қарори билан МДХга аъзо давлатлар учун қабул қилинган ва тавсиявий хусусиятга эга бўлган Намунагий (Модельный) Жиноят кодексининг XII бўлими «Ахборот хавфсизлигига қарши жиноятлар» деб номланиб, унда юқорида санаб ўтилган қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ҳозирда мамлакатимиз суд-тергов амалиётида рўйхатга олинган ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган қилмишлар сони кўп эмас, фикримизча, бунинг сабаби ушбу қонун қабул қилингунига қадар бу турдаги ижтимоий хавфли қилмишларни фақат умумий тартибда Жиноят кодек-

сининг 174-моддаси (ушбу қонун билан чиқарилган) билан ахборотлаштириш қоидаларини бузиш деб жавобгарликка тортилар эли. Қолаверса, бу қилмишларнинг латентлик хусусияти юқори ҳисобланади. Лекин бугунги кунда бу турдаги жиноятларнинг кириб келиш хавфи катталиги, ижтимоий хавфли оқибатларининг юқорилиги, етказиладиган зарарнинг кўплиги, мазкур жиноятлар учун Жиноят кодексда жавобгарликни назарда тутувчи фақат биттагина модданинг мавжудлиги, у ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг барча турларини қамраб олмаганлиги, унинг олдини олиш ва унга қарши курашда жиноят ҳуқуқий чораларининг ҳозирги давр талабларига жавоб бера олмаслиги ахборотлаштириш соҳасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш учун жиноий жавобгарликни киритишни тақозо этади.

Юқоридаги ҳолатларни чуқур таҳлил қилган ҳолда қабул қилинган «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга ҳилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 4 моддадан иборат бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал колексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши белгиланган.

Қонуннинг 1-моддасига кўра, Жиноят кодексининг «Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш» номли 174-моддаси чиқариб ташланди ва унда белгиланган ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарлик Жиноят кодексига биринчи маротаба алоҳида киритилган «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар» номли XXI бобда алоҳида модда (278¹-модда)да белгиланди.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ижтимоий хавфли бўлиб, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан; тизимидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер сабогажи, зарар келтирувчи дасгурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш каби ҳаракатларда намоён бўлади.

Киритилган янги бобда 6 та модда назарда тутилди. Жумладан, «Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш» (278¹-модда); «Компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш» (278²-модда); «Компьютер тизимидан қонунга хи-

лоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш» (278³-модда); «Компьютер ахборотини модификациялаштириш» (278⁴-модда); «Компьютер саботажи» (278⁵-модда); «Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш» (278⁶-модда)лардан иборат.

Бу жиноятларнинг аксарияти (278¹-, 278²-, 278⁴-, 278⁵-моддалари) моддий ва маънавий зарар билан боғлиқ бўлиб, турли хилдаги зарар етказилганда жиноят деб топилади. Жумладан, «Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш» (278¹-модда), «Компьютер ахборотини модификациялаштириш» (278⁴-модда) жиноятларининг зарурий белгиси фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказиш билан боғлиқ бўлганда айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилади.

«Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш» номли 278²-моддада ахборот-ҳисоблаш тизимлари, уларнинг тизими ёки тармоқлари таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлган ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланди. «Компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш» номли 278³-моддада ҳимояланган компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш учун жавобгарлик белгиланди. «Компьютер саботажи» номли 278⁵-моддада ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди, шунингдек, компьютер тизимини бузиш (компьютер саботажи) учун жавобгарлик белгиланди.

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ичида энг ижтимоий хавфи катта, кенг миқёсда ва жуда кўп миқдорда зарар етказувчи тури бу зарар етказувчи дастурларни яратиш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлиб, янги киритилган «Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш» номли

278⁶-модда билан айнан юқоридаги, яъни компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини қўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларни ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш учун жавобгарлик белгиланди. Бу турдаги жиноятнинг яна бир ижтимоий хавфли жиҳати шундаки, бундай зарарни етказувчи дастурни ярутувчи ва тарқатувчи субъектни аниқлаш имкони жуда қийин жараён бўлиб, бунда суд-тергов органларидан чуқур билим ва малака талаб этилади.

Шунингдек, юқорида санаб ўтилган олти турдаги ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган алоҳида моддалар санкция қисмида уларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусияти, жамоат ва давлат хавфсизлигига таҳдиди ҳамда одиллик принципи асосида муайян тур ва миқдордаги жиноий жазолар белгиланди.

Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг «Дастлабки терговнинг мажбурийлиги» номли 345-моддасининг бешинчи қисмидаги «168—174» рақамлари «168—173» ва «266—278» рақамлари «266—278⁶» рақамлари билан алмаштирилди. Натижада Жиноят-процессуал кодекси 345-моддасининг бешинчи қисмидан Жиноят кодексининг 174-моддаси чиқарилди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига янги киритилган 278¹—278⁶-моддаларида белгиланган жиноятлар бўйича дастлабки терговни ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилиши белгиланди. Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг «Транспортдаги, йўл ҳўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» номли XI бобига «Компьютер тизимидан фойдаланиш қоидаларини бузиш» номли янги 155¹-модда киритилди. Унга кўра, компьютер тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган шахснинг ушбу тизимдан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузиши компьютер ахборотининг йўқ қилиб юборилишига, тўсиб қўйилишига, модификациялаштирилишига, компьютер ускунаси ишлашининг бузилишига сабаб бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Бу ҳуқуқбузарлик жиноий жавобгарликдан енгилроқ ҳолатларни назарда тутиб, бунда ахборот технологиялари тизими-

дан фойдаланишга рухсати бўлган шахснинг гайриқонуний ҳаракати учун жавобгарликни назарда тутати. Бу турдаги жавобгарлик компьютер ахборотини йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, компьютер ускунаси ишлашини бузганлик учун келиб чиқади. Бундай ҳаракатларни ахборот технологиялари тизимидан фойдаланишга рухсати бўлмаган шахс томонидан содир этилишининг ижтимоий хавфи катта бўлиб, бунинг учун жиноий жавобгарлик қўлланилади.

Шунингдек, Қонуннинг 4-моддасида ушбу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгилаб қўйилган. Унга қўра 2007 йил 26 декабрда мазкур қонун матбуотда эълон қилинди ва шу кундан кучга кирди. Ушбу қонунга мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар таҳлилидан янги нормаларни, аниқроғи, белгиланган янги ахборот соҳасидаги жиноятларни халқаро стандартларда белгиланган қоидаларга ҳамда Европа ва МДХ давлатлари қонунчилигининг ижобий томонларини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилганлигини кўриш мумкин. Қонун мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш, бу соҳадаги жиноятчиликда латентликни камайтириш, унга қарши аниқ чора-тадбирлар асосида курашиш, шунингдек, жамиятни ахборот технологияларидан жиноий мақсадларда фойдаланишдан самарали ҳимоя қилиш муаммосини ҳал этиш ва ахборотлаштириш соҳасини муҳофаза қилишни таъминлаш имконини беради.

САНОАТ, ГАЗ ТАЪМИНОТИ ВА КОН НАЗОРАТИ СОҲАСИДАГИ БОШҚАРУВНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумки, ҳар бир мустақил давлат ўзининг мустақил иқтисодий тизимига, саноат ва ишлаб чиқариш, шунингдек табиий ресурсларига эга. Давлатнинг бу борадаги ўз мақсадларини қанчалик даражада амалга ошириши, вазифаларини бажариши ушбу ресурслардан оқилона фойдалана олишига боғлиқ. Бунга яққол мисол сифатида Президент И.А.Каримовнинг 2005 йил 17 февралда янги таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида: «Ҳозирги кунда давлат қурилиши ва бошқарувида амалга оширилаётган ўзгартиришлардан кўзланган асосий мақсад нима? Бу давлат ҳокимияти барча бўғинларининг масъулияти ва самарадорлигини оширишдир», — деб таъкидлаган сўзларини келтириш мумкин. Ушбу сабаб юзасидан республикаимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича кўплаб ишлар қилинди ва ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. Шулар қато-

ридан давлат раҳбари томонидан 2007 йил 18 декабрь куни имзоланган ва шу йилнинг 19 декабрида матбуотда эълон қилиниб кучга кирган «Саноат, газ таъминоти ва кон назорати соҳасидаги бошқарув такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонун алоҳида ўрин эгаллашини эътироф этиш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлганидан буён давлат раҳбарининг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан тинимсиз ҳамда тизимли равишда ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Бу ҳоҳ сиёсий соҳада, ҳоҳ иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалар бўлсин, шуни ишонч билан таъкидлаш мумкинки, ислоҳотларнинг замирида инсон омили ётибди. Яъни, бутун бошли давлат механизми бир инсоннинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилмоқда, десак адашмасак керак. Ушбу инсон омили Ўзбекистон Республикасида яшаётган ҳар бир шахсга тегишлидир. Ислоҳотлар жараёнида халқ турмуш шароити ва иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги ўзига хосликлар ҳам ўзгариб бормоқда. Буни аввало фуқароларнинг сиёсий онги ўсганлиги, ўзи ва бошқаларнинг келажагига нисбатан эътиборлироқ қараётганлиги билан кўрсатиш мумкин. Албатта, онги баланд ҳар бир инсон унинг ҳаёт жабҳаларини бошқариб ва назорат қилиб турган тизим, давлат органи ёки муайян давлат хизматчисининг ҳам шу даражада онгли ҳамда инсонпарварлик билан ўз вазифасини бажаришини билвосита ёхуд бевосита талаб қилади. Бу ҳолатга қандай нуқтаи назардан ёндашилмасин, барибир, бу жараёни, яъни Ўзбекистон давлатчилигининг янги, олдин ҳеч кузатилмаган йўналиш бўйича ўз ҳаракатини давом эттираётганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга, бу жараёни тўхтатиш ёки унга халақит бериш эмас, балки уни ҳар қандай кўринишда қўллаб-қувватлаш ҳар бир шахснинг бурчидир.

Жумладан, жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодиётни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тузилмаларининг ҳокимият ваколатларини қисқартириш, давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини аниқ чегаралаб қўйиш, шунингдек республика давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2003 йил 9 декабрда чиқарилган «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3358-сонли

Фармони ҳам халқ манфаатини кўзлаб қўйилган қадамдир. Тўрт йилдан ошиқроқ вақт аввал чиқарилган ушбу меъёрий ҳуқуқий ҳужжат шу давр оралиғида республика давлат хизмати тизимида, давлат хизматчиларининг онги ва салоҳиятида, уларнинг халқ манфаатини кўзлаб амалга ошираётган ҳаракатларида чуқур ва сезиларли из қолдирди. Лекин шу билан бирга, бошқа соҳалар каби бу соҳада ҳам Президентимиз томонидан асос сифатида белгилаб берилган ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши тамойилига амал қилинган ҳолда кейинги қадам қўйилди. Ушбу қадам сифатида юқорида кўрсатилган қонунни кўрсатиш мумкин.

Қонунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси 2-қисми, 9-моддаси 2-қисми ва 27-моддаси 1-қисмидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 97-моддаси номи ва 1-қисми, 98-моддаси 1-қисмидаги «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деб алмаштирилиши назарда тутилган. Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги ва «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомларининг тегишли жойларига ҳам худди шундай ўзгаришлар киритилиши билан бирга, бошқа ўзгаришлар ҳам кузатилади. Уларнинг қаторига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган «бош директор» сўзларининг «Давлат инспекциясининг бошлиғи» деган сўзлар билан алмаштирилиши, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига «Ер қаъридан фойдаланиш муддатини узайтириш ёки унинг муддатини узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия берган орган томонидан ер қаъридан фойдаланувчининг аризаси келиб тушган кундан эътиборан ўттиз кун ичида қабул қилинади» деган мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилганлигини ҳам қўшиш мумкин. Булардан кўриш мумкинки, ушбу Қонун асосида бундан олдин фаолият юритган Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги бундан буён Давлат инспекцияси сифатида фаолият олиб боради, шу билан бирга, яна у коммунал-маиший секторда ҳам бошқарувни амалга оширади.

Агентлик билан инспекциянинг фарқи шундаки, агентлик ижро ҳокимияти органларидан бири бўлиб, асосан ҳуқуқни қўллаш, хизматлар кўрсатиш ҳамда давлат мулкини бошқариш билан боғлиқ бўлган фуқцияларни амалга оширади. Агентликлар кўпинча вазирлик ва давлат қўмиталарига тенглаштирилган бўлиб, уларнинг бошлиқлари эса ижро ҳокимияти раҳбари ёки давлат раҳбарига тўғридан-тўғри бўйсуниб тартибида хизмат қилишади.

Давлат инспекцияси эса муайян соҳадаги ишларнинг олиб борилишини назорат қилиш, сифатнинг тегишли даражада туриши устидан назорат олиб боради. Шу билан бирга, «Ер қаъридан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартишга кўра, ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини берган давлат органи ер қаъридан фойдаланаётган шахснинг фойдаланиш муддатини узайтириш тўғрисидаги масалани ўзи кўриб чиқади. Бунда шароит ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, тегишли қарорга келиш керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу Қонун асосида Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги, бундан буён Давлат инспекциясининг фаолият қўлами кенгайиши билан бирга фаолият шакли ҳам бирмунча ўзгарган. Бу билан давлат бошқарувининг такомиллашувида янги бир қадам қўйилганлиги, халқнинг манфаатини ўйлаб иш қилинаётганлигини эътироф этиш мумкин. Чунки халқ учун бошқариш эмас, самарали назорат ва унинг ҳуқуқларини энг қулай тарзда амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилиш муҳимдир.

ЕР СОЛИҒИНИ ТўЛАШГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Маълумки, бугунги кунда ўз олдида бозор иқтисодиётига асосланган, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишни асосий мақсад қилиб қўйган ва бу борада илдам қадамлар билан босқичма-босқич, кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётган мамлакатимизда уларга мос ҳолда ҳамда халқ манфаатини ҳимоя қилувчи ва унга хизмат қилувчи ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан сўнгги йилларда қабул қилинаётган қонунлар амалга оширилаётган ислохотларнинг янада чуқурлашишига хизмат қилмоқда. Айниқса, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда энг асосий устувор йўналишлардан бири — хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратишда кўзга

ташланаётганлигини эътироф этиш жоиздир. Мазкур ютуқни эса биргина солиқ юкини камайтириш борасида амалга оширилаётган изчил сиёсатнинг натижаларида кузатиш мумкин. Хусусан, фақатгина 2000—2007 йиллар давомида даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ миқдори эса 10 фоизга камайтирилди. Шу билан бирга, жисмоний шахслар даромадининг солиқ ставкаси сезиларли даражада қисқартирилди. Шу тариқа кейинги 7 йилнинг ўзида умумий солиқ юки 40 фоиздан 27 фоизга камайтирилди. Буларни эса, энг муҳим устувор вазифа ҳисобланган «ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун» деган эзгу тамойил тўлиқ амалга оширилаётганлигининг ёрқин ифодаси деб ҳам баҳолаш мумкин.

Албатта, мазкур кўрсаткичларнинг ўзи билан шу соҳадаги барча вазифалар ўз ечимини топиб қолганлигини эътироф этиб бўлмайди. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, бугунги кунда биринчи навбатдаги ҳал қилувчи асосий вазифа — бу иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилиниб, 2007 йил 30 ноябрда Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқуланган ҳамда 2007 йил 26 декабрь куни матбуотда эълон қилиниб, 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган **«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни солиқ солиш жараёнини тартибга солувчи меъёр ва қоидаларни тизимлаштириш, хусусан, солиқларни янада соддалаштириш ва унификация қилиш имконини берди. Бошқача қилиб айтганда, солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган тамойил ва ёндашувлар асосида, бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланган ҳолда амалиётга татбиқ этилган Солиқ кодекси республикамизда солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи барча амалдаги меъёр ва қоидаларни такомиллашти-

риш ҳамда тизимлаштириш орқали ишлаб чиқилиши натижаси ўлароқ, *«тўғридан-тўғри амал қилувчи ягона ҳужжат»* мақомига эга бўлди.

Мазкур янги таҳрирдаги Солиқ кодексида солиқ объектлари, уларнинг субъектлари, солиқ солиш тартиби, солиқ даври ва бу бўйича ҳисобот даври тўлиқ ва батафсил ёритиб берилган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, мулк ҳуқуқи, эғалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари солиқ солиш объекти эканлиги билан боғлиқ масалалар алоҳида 12-бўлимда мустаҳкамлаб қўйилди. Хусусан, Кодекснинг 49-бобида юридик шахсларга, 50-бобида эса жисмоний шахсларга ер солиғини солиш билан боғлиқ масалалар тўлиқ ўз ифодасини топди. Жумладан, Кодекснинг 278-моддасида ер учун солиқ ер солиғи ёки ер учун ижара ҳақи кўринишида олинishi мумкинлиги, 279-моддада эса юридик шахслардан олинadиган ер солиғи субъектлари мулк ҳуқуқи, эғалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлиши мумкинлиги белгиланди. Кодекснинг 287-моддасида эса жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи субъектлари мулк ҳуқуқи, эғалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, ер солиғининг объектлари бир-биридан фарқли равишда алоҳида моддаларда мустаҳкамлаб қўйилди. Хусусан, **юридик шахслардан ер солиғи олинadиган объектлар** жумласига мулк ҳуқуқи, эғалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида уларнинг ҳисобидаги **ер участкалари, жисмоний шахслардан ер солиғи олинadиган объектлар** жумласига уларнинг деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилишга берилган, якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эғалик қилишга берилган, жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган, хизмат юзасидан берилган, мерос бўйича ҳадя қилиниши ёки олинishi натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи берилган, тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ва эғалик қилиш ҳамда фойдаланиш

ҳуқуқи ҳам ўтган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари кириши мумкинлиги белгиланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги Солиқ кодексида ер солиғини тўловчилар учун имтиёзлар ҳам назарда тутилган. Бунини республикада амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим кўринишларидан бири деб баҳолаш мумкин. Жумладан, Кодекснинг 282-моддасида имтиёзга эга бўлган, яъни ер солиғини тўлашдан озод қилинадиган юридик шахслар, 290-моддасида эса бундай имтиёз берилган жисмоний шахслар рўйхати келтирилган. Хусусан, ер солиғи тўлашдан озод қилинадиган юридик шахслар қаторига, *биринчидан*, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланадиган ер участкалари учун; *иккинчидан*, ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил қилган юридик шахслар (бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно); *учинчидан*, янги ташкил этилган деҳқон хўжаликлари — давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан эътиборан икки йилга; *тўртинчидан*, ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари кирадилар ва улар тегишли органнинг ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарори ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан ер солиғини тўлашдан озод қилинадилар. Юридик шахсларга солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига 26 тоифадаги ерлар (жумладан, деҳқончилик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот ва корхоналарнинг умумий фойдаланишдаги, жамоа аҳамиятидаги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга кирувчи ерлар ҳамда соғломлаштириш аҳамиятидаги ерлар каби жамият ва давлат ҳаётига молик ерлар) аниқ белгилаб қўйилганлиги ҳам ўз навбатида Кодекснинг тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳуқуқий ҳужжат эканлигидан далolat беради.

Шунингдек, солиқ тўлашда юридик шахслар билан бирга жисмоний шахслар ҳам имтиёзларга эга бўлиб, улар қаторига:

а) яйлов чорвачилиги чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа му-
тахассислари ва ишчилари;

б) «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Совет Иттифоқи Қаҳрамони», «Меҳнат Қаҳрамони» унвонларига сазовор бўлган, учал даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқаролар; ¹

в) 1941—1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланадиган доирадаги уларга тенглаштирилган шахслар;

г) I ва II гуруҳ ногиронлари;

д) ёлғиз пенсионерлар;

е) боқувчисини йўқотган кўп болали oilалар;

ж) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

з) шахсий пенсия тайинланган шахслар;

и) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича — ер участкалари берилган пайдан эътиборан беш йилгача;

й) якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва деҳқон хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича шахслар ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга солиқ тўлашдан озод этиладилар. Бунинг учун албатта ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар тақдим этилиши талаб қилинади.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 286 ва 294-моддаларида ер солиғини тўлашнинг юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида-алоҳида кўринишдаги солиқ тўлаш тартиби ўрнатилган бўлиб, бунда тегишли давр ва тўлов муддатлари қоидаларига амал қилинган ҳолда оралиқлар белгиланган. Жумладан, ер солиғини тўлаш юридик шахслар томонидан йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушларда амалга оширилади. Бундан ташқари, ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ер солиғини тўлаш ҳисобот йилининг 1 июлига қадар йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи, 1 сентябригача 30 фоизи, 1 декабрига қадар қолган сумма тўланиши керак.

Жисмоний шахслар учун эса ўзига хос солиқ тўлаш тартиби белгиланганлигини қуйидагиларда кузатиш мумкин:

биринчидан, ер солиғи ер участкасининг мулкдори, ерга эгалик қилувчи, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг яшаш жойидан қатъи назар, ер участкаси жойлашган ҳудуддаги туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади;

иккинчидан, йил мобайнида ажратилган ер участкалари учун ер солиғи жисмоний шахслар томонидан ер участкаси ажратилганидан кейинги ойдан эътиборан тўланади;

учинчидан, ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, ер солиғини тўлаш ер участкаси камайтирилган ойдан эътиборан тўхтатилади (камайтирилади);

тўртинчидан, ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланган тақдирда, бу солиқ имтиёз ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланмайди. Ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар бекор қилинган тақдирда, бу солиқ мазкур ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан тўлана бошлайди;

бешинчидан, солиқ даври учун ер солиғи тўлаш жисмоний шахслар томонидан йилига икки марта тенг улушларда амалга оширилади. Яъни, ҳисобот йилининг 15 июнига ҳамда 15 декабрига қадар.

Албатта, солиқ тўловчи шахс ўз имкониятлари ва фаолиятининг ўзига хосликларидан келиб чиқиб, тўловни хоҳлаган пайтда амалга ошириши мумкин. Лекин бунда у қонунда белгиланган муддатдан кечиктирмасдан тўловни амалга ошириши талаб қилинади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, амалиётда синалган тамойиллар, солиққа тортиш сиёсатининг ўзига хосликлари, бошқа давлатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш асосида тайёрланган ҳамда жорий йилнинг 1 январидан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга татбиқ этилиши, ўз навбатида, солиқ тизимининг такомиллашувига ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг келгуси ривожига солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ошишига, шу билан бирга ерга нисбатан мулкдорлик масъулиятини янада кучайтиришга олиб келади.

ТАБИЙ МОНОПОЛИЯЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

Табиий монополиялар бутун жамият учун муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Бу, аввало, уларнинг фаолияти бутун жамиятга дахл этиши билан боғлиқ, шу сабабли ундага ҳар қандай ўзгартишлар давлат иқтисодиёти ва унинг фуқаролари фаровонлигига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади. Бу эса давлатни табиий монополиялар фаолиятини пухта назорат қилиш ва улар ўтказаятган иқтисодий сиёсатнинг хусусияти учун жавобгар бўлишга мажбур қилади.

Табиий монополиялар аломатларига эга бўлган тармоқлари сирасига электр энергетикаси, газ саноати, нефтни ташиш, темир йўл транспорти, алоқанинг кўп тармоқлари киради. Тармоқларга бўлиниш, энергия сифими ёки нодир ресурслардан фойдалана олиш уларга хос бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмларни кўпайганда харажатларни жиддий тежаш имконини беради. Шу сабабли жамиятга умуман олганда ушбу тармоқларнинг монополиячи бўлишини қўллаб-қувватлаш фойдалидир.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида, масалан, Буюк Британияда табиий монополия ўрнига кўпинча «public utilities» атасидан фойдаланилади, чунки уни қўллаш ҳам тарихан, ҳам юридик жиҳатдан мустаҳкамланган. «Public utilities» концепцияси корхоналарни мазкур тоифага киритиш учун мезон бўлиб, бартараф этилмайдиган (табиий) монополиянинг мавжудлиги ва биринчи даражали ижтимоий аҳамиятга молик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобланишини тақозо этади. Корхона «public utilities»га расман киритиш шуни англатадики, агар у хусусий мулк ихтиёрида бўлса, давлат томонидан тартибга солиниши керак. Табиий монополияларни давлат томонидан тартибга солиш, одатда, маҳсулотнинг ҳар қандай тўловга қодир шахсга тенг шароитларда етказиб берилишини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг хавфсизлиги, сифатнинг юқори стандартлари сингари масалаларни қамрайди. Уларни ҳал этиш кўп даражада техник, тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғланган. Нархларни бошқариш асосий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан энг мураккаб масала бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, табиий монополия тармоқларининг бошқа шаклларга ўтиш суръатлари ва шакллари турличадир. Масалан, иқтисодиётда анъанага кўра давлатнинг роли катта бўлган Европада табиий монополия тармоқларида давлат мулкнинг улуши катталигича қолмоқда, уларга рақобатни жорий этиш сиёсати эса чет эллик ҳамкорлар учун очиклигида ифодаланади.

Мамлакатимизда табиий монополиялар икки йўл билан тартибга солинмоқда:

- 1) кўрсатилаётган хизматлар ва товарларга нархлар (тарифлар)нинг чекланган даражасини белгилаш;

- 2) мажбурий равишда хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар доирасини аниқлаш ва истеъмолчиларнинг табиий монополиялар субъектлари томонидан реализация қилинаётган товарга эҳтиёжларини тўлиқ ҳажмда қондириш мумкин бўлмаган тақдирда уларни таъминлашнинг энг кам даражасини белгилаш.

Мамлакатимизда табиий монополиялар субъектларининг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, шунингдек истеъмолчилар, давлат ва табиий монополиялар субъектлари манфаатларининг мувозанатда бўлишини таъминлаш «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонунга (1997 йил 24 апрель, 398-1-сон) мувофиқ амалга оширилади. Мазкур Қонуннинг 3-моддасига кўра, табиий монополия деганда товар бозорининг шундай ҳолати тушуниладики, унда технологик хусусиятлар туфайли муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришнинг рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмас ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Шу билан бирга, давлат табиий монополиялар билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинишини мунтазам такомиллаштириб бормоқда. Ушбу тармоқларни ислоҳ қилишда Президент томонидан қабул қилинган «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2005 йил 11 февраль, ПҚ-5-сон) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги (2005 йил 2 май, ПҚ-66-сон) Қарорлар муҳим босқич бўлди. Яқинда қабул қилинган «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун (2007 йил 7 декабрь, ЎРҚ-120-сон, бундан кейин ЎРҚ-120-сон) аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, шунингдек асоссиз воситаларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларни асоссиз кўпайтиришга йўл қўймасликка хизмат қилади. Чунончи, табиий монополиялар субъектларининг фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш белгиланган соҳаларнинг рўйхатини ўз ичига олган 4-модда транспорт терминалларининг хизматлари билан тўлдирилди. Буни юкларни сақлаш, ортиш-тушириш ишлари, омбор операциялари амалга ошириладиган пунктларда божхонага оид ва бошқа таомилларни ўтказиш даврида рақобатни ривожлантириш технологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслиги тақозо этган. Шу сабабли мазкур соҳадаги давлат назорати хизматлар қийматини асоссиз равишда оширишнинг олдини олади, шунингдек тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Табиий монополиялар тармоқларини монополиядан чиқариш ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ушбу соҳаларга хусусий капитални жалб этиш мақсадида «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида келтирилган монополияга қарши давлат органи ваколатларининг рўйхати табиий монополиялар тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш назарда тутадиган хатбоши билан тўлдирилди.

Бунинг устувор ҳолати суниистеъмол қилинишининг олдини олиш ва табиий монополиялар субъектларининг ноқонуний ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадида 11-моддага ўзгартишлар киритилди, уларга кўра назорат вазифаларини амалга ошириш чоғида монополияга қарши орган томонидан олинган материаллар, шу жумладан табиий монополия субъектлари фаолиятини текшириш ва таҳлил қилишга доир материаллар, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мурожаатлари ҳамда прокуратура органларининг тақдимномалари табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун асос бўлади. Модданинг аввалги таҳририда ўзи ўтказган текширишларнинг материаллари, ҳўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг аризалари, шунингдек прокуратура тақдимномаларигина ана шундай асослар ҳисобланади. Табиий монополиялар субъектларининг ҳуқуқларини белгилайдиган 14-моддага ҳам қўшимча китирилди. Энди улар табиий монополия шароитларида реализация қилинадиган товар (иш, хизмат)лар нархларини (тарифларини) ваколатли органи албатта хабардор қилган ҳолда барча истеъмолчилар учун бир вақтнинг ўзида мустақил пасайтира оладилар. Буни ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва турли тоифадаги истеъмолчиларни камситишга йўл қўймаслик истаги тақозо этди.

Табиий монополиялар субъектларининг мажбуриятларини белгилайдиган 15-моддага киритилган қўшимчалар уларга нархлар (тарифлар) ёки уларнинг энг юқори (энг паст) даражалари тасдиқланаётганда ҳисобга олинадиган асосий воситаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов асосида харид қилиш; табиий монополия шароитларида товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) учун амалга ошириладиган тўғридан-тўғри харажатларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиш мажбуриятини юклайди. Ушбу меъёрларни жорий этиш таби-

ий монополиялар маҳсулотига доир нархлар (тарифлар)ни ўстириш ҳисобига олинган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради, етказиб берувчилар ўртасида рақобатнинг ривожланишига, шунингдек асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ, ўз навбатида, нархлар (тарифлар) ўсишига олиб келадиган харажатларни асоссиз равишда кўпайтиришга йўл қўймасликка хизмат қилади. Бундан ташқари, улар харажатларни ҳисобга олишнинг ошқора усуллариини жорий этишга ҳамда нархлар ва тарифларни асоссиз равишда кўпайтиришга йўл қўймасликка ёрдам беради.

Шуни қайд этиш лозимки, ЎРҚ-120-сон Қонуннинг қабул қилиниши нафақат монополияга қарши қонун ҳужжатларини, балки халқ ҳўжалиги комплексининг энг муҳим соҳаларидан бири — табиий монополияларни бошқаришни анчагина такомиллаштириш имконини беради. 2008 йил 1 январга келиб Давлат реестрида 11 хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган (хизмат кўрсатадиган) 300 нафар табиий монополия субъекти рўйхатдан ўтказилган.

Давлатимиз уларнинг истеъмолчиларига ҳам, ишлаб чиқарувчиларга ҳам турлича ёрдам кўрсатмоқда. Хусусан, аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматларга доир қўшилган қиймат солиғининг ноль даражали ставкаси жорий этилди, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича имтиёзлар берилмоқда, муҳандислик инфратузилмасини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, такомиллаштириш лойиҳалари амалга оширилмоқда, меъёрий-ҳуқуқий база ривожланмоқда. «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун бугунги кунда ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солишнинг икки асосий йўналиши биринчи ўринга чиқаётганлигидан далолат беради: *биринчидан*, табиий монополиялар томонидан бозордаги устувор ҳолатдан фойдаланишнинг олдини олиш ва уни чеклаш ва, *иккинчидан*, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш.

ПЕНСИОНЕРЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлариданоқ аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини изчил ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда ошириб боришга, аҳолининг муҳтож қатламлари — пенсионер р-

лар, ногиронлар, ёлғиз кексаларнинг аниқ ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Бу ўринда эса, кейинги йилларда эришилган юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляциянинг пастлиги ушбу кенг миқёсли ижтимоий вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузасида таъкидлаганидек, ижтимоий ҳимоя деганда, биринчи навбатда, хонадонларимиз фойзи ва фариштаси бўлган мухтарам қарияларимизни қадрлаш, уларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришни тушунамиз. Маълумки, аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини муттасил ўстириб бориш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишни давом эттириш, кексалар тўғрисидаги ғамхўрликни ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг пенсиялари миқдорини ошириш, шунингдек пенсия таъминоти тизимини изчиллик билан такомиллаштириб бориш — мамлакатимизда аҳолининг мазкур қатлами турмуш шароити ва сифатини янада яхшилашга олиб келади.

Ушбу вазифани самарали бажариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 сентябрдаги «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3921-сонли Фармонининг қабул қилиниши, ўз навбатида, республикаимизда пенсия ёшига етган деярли 3 миллион фуқаролар даромадларининг асосий манбаи — пенсияларни янада кўпайтиришни таъминлаш бўйича аниқ-равшан вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, мазкур Фармонга асосан, жорий йил охиригача Пенсия жамғармасидан қўшимча равишда 20 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганлиги, келгуси йилда эса шу мақсад учун 94 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилганлиги бунинг яққол мисолидир.

Бу ўринда, жорий йилнинг 1 октябридан пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг етти каррасидан саккиз каррасигача миқдорга оширилишини белгилашга қаратилган ушбу Фармон ўз навбатида тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритишни тақозо қилади. Шу боис, мазкур вазифани са-

марали бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2007 йил 7 ноябрда қабул қилиниб, 2007 йил 30 ноябрда Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқулланди ҳамда 2007 йил 8 декабрь куни матбуотда эълон қилиниб кучга кирди. Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун мамлакатимизда пенсионерларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш, бу борада ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлашга бевосита хизмат қилади.

Мазкур ижобий тенденцияни эса қонунда белгиланган қуйидаги қоидаларда кузатиш мумкин:

биринчидан, Қонуннинг «**Иш стажы учун пенсияларнинг оширилиши**» деб номланадиган 27-моддаси иккинчи қисмига киритилган ўзгартишларда, яъни эндиликда отасидан ҳам, онасидан ҳам жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ошириш ота ва она иш ҳақларининг умумий миқдоридан келиб чиқиб, **энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз ҳисса миқдори** доирасида амалга оширилиши белгиланганлигида;

иккинчидан, «**Ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартиби**» деб номланадиган 31-модда бешинчи қисмида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун **энг кам иш ҳақининг саккиз ҳиссасидан ортиқ бўлмаган** иш ҳақи олиншининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилганлигида.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган мазкур ўзгартишлар, ўз навбатида, республикаимизда ижтимоий таъминот органлари томонидан пенсияни тайинлашда улар миқдорининг юқорида таъкидлаб ўтилган нормативдан келиб чиққан ҳолда оширилишини назарда тутди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юртимизда 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги ва бу борада қабул қилинган махсус Давлат дастури доирасида кент қамровли, энг аввало, инсон ҳаёти ва унинг манфаатларини ҳимоялаш билан боглиқ йўналиш ва тармоқларни ўзида муҳассам этган ижтимоий соҳа ривожини таъминлаш, уни янги босқичга кўтариш йўналишида амалга оширилаётган ислохотларнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш борасида қабул қилинган мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқарола-

рининг қариганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат пенсияларининг ягона тизимини, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ БЎЙИЧА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йилнинг 30 ноябрь ва 1 декабрь кунлари бўлиб ўтган ўн иккинчи ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар маъқулланди. 2007 йилнинг 13 декабрида ана шу қонунлардан бири — «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда расман эълон қилинди. Мазкур Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125, 179, 245, 248, 287, 291-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ва ушбу Кодекс 128²-модда билан тўлдирилди.

Ушбу Қонуннинг биринчи бандига асосан давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усулда ўзгартирилган транспорт воситаларини, худди шунингдек давлат рақам белгиси айнаи шу транспорт воситасига тегишли бўлмаган транспорт воситасини бошқарганлик учун энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш жазосини назарда тутувчи маъмурий жавобгарлик белгиланди. Таъкидлаш жоизки, олдин Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда давлат рақам белгиси айнаи шу транспорт воситасига тегишли бўлмаган транспорт воситасини бошқарганлик учун жавобгарлик белгиланмаган эди. Бунинг оқибатида кейинги йилларда бу борадаги ҳуқуқбузарликлар сонининг сезиларли равишда ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, биргина 2007 йилнинг биринчи ярмида шу каби ҳуқуқбузарликлар сони ўтган йил шу даври билан солиштирганда 3,4 фоизга ошган. Шу муносабат билан бундай ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликнинг белгиланганлиги, энг аввало, ушбу қилмишларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 октябрдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситасини бошқариш пайтида ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олд қисмида ўрнатилган теле-, видеомонитордан фойдаланиш, шунингдек транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўзбошимчалик билан теле-, видеомонитор ўрнатиш тақиқланди. Бундан келиб чиқиб, мазкур Қонуннинг иккинчи бандига биноан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланганлик ва транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатганлик учун жавобгарликни белгиловчи 128²-модда билан тўлдирилди. Ушбу модданинг биринчи қисмига кўра, транспорт воситасини бошқариш пайтида транспорт воситаси салонининг олд қисмига ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилган монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш *энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорид*а жарима солишга сабаб бўлади. Модданинг иккинчи қисмига асосан транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатганлик учун *энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдор*да жарима солиш тариқасидаги жазо ўрнатилди. Башарти, юқорида таъкидлаб ўтилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, у ҳолда бундай қилмишлар учун *энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдор*да жарима ёки *транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этиш* жазоси қўлланиши белгиланди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, кейинги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўрилаётган чоралар, хусусан, транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан фойдаланганлик ва хавфсизлик камарини тақмаганлик учун жавобгарликнинг ўрнатилганлиги ўз самарасини бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, 2008 йилнинг 9 ойи мобайнида йўл-транспорт ҳодисаларининг 1,1 фоизга ва уларда жароҳатланганларнинг 2,5 фоизга камайишига эришилган. Лекин, шунга қарамасдан, ҳайдовчилар айби билан содир этил-

ган йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 фоизга ошган. Турли йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишида транспорт воситасини бошқариш пайтида ҳайдовчининг диққатни чалғитадиган ҳаракатлар қилиши, жумладан, монитор орқали теле-, видеодастурларни томоша қилиши ҳам асосий сабаблардан бўлмоқда. Шу маънода Кодексга киритилган ушбу ўзгартишлар турли йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчи ҳамда йўловчиларнинг ҳаёти ва саломатлиги муҳофаза-сига хизмат қилади.

Юқорида номи зикр этилган Қонуннинг учинчи бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 179-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, унга кўра аудиторнинг аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида ўзи аниқлаган бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек молиявий ҳисобот тузишга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилганлиги ҳолларини яшириши, худди шунингдек била туриб сохта аудиторлик ҳисоботини ёки аудиторлик хулосасини тузиши *энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда* жарима солиш жазосини назарда тутувчи маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Ушбу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги қарорида аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар суств ва баъзи ҳолларда сифатсиз татбиқ этилаётганлиги, аудит тизимидаги ишлар ҳолати замонавий талабларга жавоб бераётганлиги, аудит ҳали бизнес самарадорлигини реал баҳолашнинг амалий воситаси бўлмаганлиги, аудиторлик текширувлари кўп ҳолларда юзаки ва паст профессионал даражада ўтказилаётганлиги ҳамда аудит тизимининг ўзи молия бозорида ҳали етарлича ишонч қозонмаганлиги алоҳида қайд этилган эди. Шу боис мустақил аудит тизимини янада ривожлантириш, аудиторлик хизматлари сифатини ошириш, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш усулларини кўллаш, аудиторлик текширувларининг натижалари ва ҳолислиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шу орқали тадбиркорлик тузилмалари томонидан уларга нисбатан ишончни ошириш мақсадида қатор чора-тадбирлар белгиланиб амалга оширилди, инчунун, «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида»ги Низом ҳам тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 179-моддасининг янги таҳрирда баён этилганлиги эса юқорида қайд этилган мақсадларга эришиш йўлидаги амалий қадамлардан бўлиб ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг амалда самарали татбиқ этилиши мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳаёти ҳамда саломатлигини муҳофаза қилиш, аудиторлик ташкилотларининг кўрсатаётган хизматларининг сифатли бўлиши учун жавобгарлигини кучайтириш ҳамда шу орқали тadbиркорлик тузилмалари томонидан уларга нисбатан бўлган ишончни оширишга хизмат қилади.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ БИРЛАШТИРИШ ВА АЖРАТИШГА ОИД ЯНГИ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР

Мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги муҳим ўзгариш ва янгиликлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ соҳасига оид кўплаб қонун ҳужжатларининг қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилаётганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Таъкидлаш керакки, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган қонун ижодкорлиги фаолияти, аввало, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият эканлигини ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган ва жорий йилнинг 14 декабрида матбуотда эълон қилиниб кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-123-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўз мазмун-моҳияти билан юқоридаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишни назарда тутди. Маълумки, жиноят-процессуал қонунчилигининг асосий вазифаси жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши, шунингдек, айбсиз ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъ-

минлашдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида миллий қонунчилигимизга киритилаётган янгиликлар, энг аввало, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик тамойилига тўлиқ риоя этилишини кафолатлаш, суриштирув ва тергов органлари фаолиятини янада яхшилаш ҳамда жиноий суд ишларини юритиш тартиб-таомилларини такомиллштиришни назарда тутди. Худди шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-123-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам айнан юқоридаги мақсад-вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантикий давоми сифатида эълон қилинган мазкур қонун, энг аввало, жиноят иши юритилишида фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтириш, тергов органлари фаолиятида қонунийликка қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. ЎРҚ-123-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 332-моддаси учинчи қисмига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ва унга кўра, тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, жиноят ишининг мазкур ҳолатга доир қисми жиноят иши қўзғатилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилиши белгиланди. Шунингдек, ишларни бирлаштириш ва ажратиш суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, мазкур қонун билан тергов жараёнида юз бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим бўлган жиноят ишларининг бирлаштирилиши ва алоҳида иш юритувига ажратилишида тергов муддатларини ҳисоблашнинг аниқ механизмини белгиловчи нормалар жиноят-процессуал қонунчилигига киритилди.

Таъкидлаш жоизки, тергов қилинаётган жиноят ишида унга боғлиқ бўлмаган бошқа янги жиноят аниқланган ҳолатда мазкур ишнинг қай тарзда (алоҳида иш юритувга ажратилган ҳолда ёки бир жиноят иши доирасида) юритилиши қонунчиликда аниқ белгиланмаган эди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 332-моддасига киритилаётган ўзгар-

тириш тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, мазкур ҳолат бўйича жиноят ишининг бир қисми жиноят иши қўзғатилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилишини қонунан кафолатлади. Ундан ташқари, тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят ишининг ажратилиши тергов қилинаётган ва ажратилган жиноят ишининг тез ва тўла очилишига, жиноят содир этишда айбли бўлган шахслар доирасини тўғри аниқлаш ҳамда ушбу шахсларга адолатли жазо берилишини таъминлашга, айбсиз шахсларнинг жавобгарликка тортилишини ва ҳукм қилинишининг олдини олишга, тергов қилинаётган ва ажратилган жиноят ишидаги турли чалкашликлар ва ноаниқликларга барҳам беришга, тергов сифатини яхшилаш орқали қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишларининг бирлаштирилиши ёки алоҳида иш юритувга ажратилиши жараёнида тергов муддатларини ҳисоблаш қоидалари аниқ белгиланмаган эди. Бу эса жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратиш билан боғлиқ ҳар бир ҳолатда дастлабки тергов муддати янги жиноят ишининг қўзғатилиши пайтидан бошлаб ҳисобланишига сабаб бўлар эди. Эндиликда эса, мазкур қонунга мувофиқ жиноят ишларининг бирлаштирилиши ва алоҳида иш юритувга ажратилишида тергов муддатларини ҳисоблашнинг аниқ механизмини белгиловчи қоидаларнинг жиноят-процессуал қонунчилигига киритилишини таъминлади. Хусусан, ЖПКнинг 351-моддасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, жиноят иши бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддати узоқроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланиши, бунда қолган жиноят ишлари бўйича иш юритиш муддати узоқроқ тергов қилинган ишнинг муддати билан қамраб олиниши ва қўшимча равишда ҳисобга олинмаслиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов муддати, агар жиноят иши янги жиноят иши бўйича ёки янги шахсга нисбатан ажратилаётган бўлса, тегишли қарор чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланиши, қолган ҳолларда муддат бу жиноят иши қайси жиноят ишидан алоҳида иш юритувга ажратилган бўлса, ўша жиноят иши қўзғатилган пайдан эътиборан ҳисобланиши назарда тутилди. Бу эса тергов қилинаётган жиноят иши бўйича тергов муддати ҳамда қамоққа олиш тарикасидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларнинг бундай

эҳтиёт чораси муддатини ушбу жиноят ишига боғлиқ бўлмаган янги жиноят ишини тергов қилиш муносабати билан чўзилиб кетиши ёки узайтирилишининг олдини олади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда кенг қўламда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасига доир қонунчилик асосларининг шаклланиши ва унинг мунтазам равишда такомиллаштириб борилиши, аввало, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шу ўринда «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-123-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ жиноят-процессуал қонунчилигига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам жиноят иши юритувида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя этилишини ҳамда тергов органлари фаолиятида қонунларга қатъий риоя қилинишини қўшимча равишда кафолатлайди.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСЛАРИ

Жамиятнинг асосий негизи ҳисобланмиш оила ва табиий муҳитга унинг барча аъзолари, айниқса, болалар ўсиб-улғайишлари ва фаровонликка эга бўлишлари учун жамият доирасидаги мажбуриятларни ўз зиммасига тўлиқ оладиган бўлишига эришиш мақсадида зарур ҳимоя ва ёрдам билан таъминланиши керак, боланинг соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камолоти учун у оила ғамхўрлигида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлиб, уни давлат ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ратификация қилинган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция бўлди. 1992 йилда Конвенцияга қўшилгач, Ўзбекистон Республикаси бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича қатор халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Бундан ташқари, Конвенция қоидаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси БМТ нинг бола ҳуқуқлари қўмитасига мунтазам равишда Конвенция қоидаларини бажариш юзасидан даврий ҳисобот-

ларни тақдим этади. Миллий маърузаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича БМТнинг бола ҳуқуқлари қўмитаси якуний кузатишларни ишлаб чиққан бўлиб, унда давлат томонидан эътибор қаратилишини талаб этувчи соҳалар кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган. 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати «БМТнинг бола ҳуқуқлари қўмитаси тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режаси»ни ишлаб чиқди ва қабул қилди. Мазкур ҳаракат режаси бола ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликнинг қайта кўриб чиқирилишини назарда тутган.

Шу муносабат билан «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқулланди. Қонуннинг асосий мақсади бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизминини такомиллаштириш йўли билан болаларни, шу жумладан етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини оширишдан иборатдир.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тўртта боб ва ўттиз иккита моддадан иборат. Мазкур Қонуннинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг барча асосий ва қўшимча кафолатларини жамлаган тарзда мужассам этади ҳамда мустаҳкамлайди.

Таъкидлаш керакки, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикасида халқаро-ҳуқуқий меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича етарли даражада катта ишлар олиб борилди. Амалдаги қонунчиликда бола ҳуқуқлари ва манфаатлари, шунингдек, уларнинг ҳимоясига алоҳида ўрин берилган. Бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича қонунчилик асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Унга кўра, бола дунёга келиши билан инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлади ҳамда бу давлат томонидан кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига мувофиқ фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар

қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича амалдаги қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси меъёрларининг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияга мувофиқ ривожланишига қаратилган бўлиб, унинг талабларига мувофиқ боланинг асосий ҳуқуқлари, уларни ҳимоя қилиш шакллари мустаҳкамлаган ва кенгайтирган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Оила кодексларининг қабул қилиниши бола ҳуқуқлари ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Қонуннинг «Умумий қоидалар» деб номланган 1-боби бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги қатор муҳим тушунчалар, хусусан «етим бола», «жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола», «ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар», «ногирон бола», «ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола» тушунчалари берилган.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари 4-моддада белгилаб берилган. Бундай йўналишлар сирасига боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; боланинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш; боланинг камситилишига йўл қўймаслик; боланинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш; болалар ҳуқуқлари ва имкониятлари тенглигини таъминлаш; бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш; болаларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга, ювенал адлия тизимини яратиш ҳамда ривожлантиришга қўмаклашиш ва бошқалар кирadi.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига кўра давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ваколатлари, жумладан, бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш; бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича устувор йўналишларни белгилаш; бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш; бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ҳамда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш; бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат органлари, болалар муассасалари, ташкилотлари фаолиятини

мувофиқлаштириб ва назорат қилиб бориш; бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир тадбирлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилишини амалга оширишдан иборат. Қонунда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат органлари ва бошқа органларнинг шу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида бола ҳуқуқлари бўйича ваколатли орган ташкил этилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилган.

Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг 2007 йил 15 январдаги мажлисида маъқулланган «Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат Дастури»да 2007—2011 йилларда болалар фаровонлигини янада яхшилаш стратегияси асосида мазкур соҳадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қатъий белгиланган. Уларга илғор халқаро тажриба ва ҳуқуқ тизимини ҳисобга олган ҳолда оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва ривожлантириш; оила, болаларнинг моддий фаровонлигини мустаҳкамлаш, болалар ва ўсмирлар орасида зарур иқтисодий шароит яратиш; болаларнинг 12 йиллик умумий бепул таълим олишини кўзда тутувчи умуммиллий миқёсдаги таълим дастурини амалга ошириш; аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш; болаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — ногиронлар, етимлар, кам таъминланган оилалар фарзандларининг давлат томонидан ҳимояланишини таъминлаш каби масалалар киради.

Мазкур қонуннинг 6-моддаси бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат-нотижорат ташкилотларининг иштироки масалаларига бағишланган. Бизга маълумки, маҳаллаларда миллий қадриятларни асраш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият-тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ички ишлар бўлимлари, «Соғлом авлод учун» ҳамда «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармалари билан ҳамкорликда тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Маҳаллада тинчлик, тотувликни таъминлашда, ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда ҳамда соғлом оилаларни шакллантиришда маҳалла фаолларининг, «Ёшлар билан иш-

лаш комиссияси», айниқса, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси, шунингдек, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилишда қўмаклашади, болага ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий, ахборотга оид ва бошқа ёрдам кўрсатади. Бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни шакллантиришда ҳамда рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат-нотижорат ташкилотлари иштирок этиши имкониятлари ҳам мазкур Қонунда назарда тутилган. «Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари» деб номланган 2-боб Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг асосий принциплари миллий қонунчилигимизда мустаҳкамлашнинг таъминловчи нормалардан иборат. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, жумладан, боланинг: яшаш ҳуқуқи, ҳимояга бўлган ҳуқуқи, ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи, индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи, оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи, ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи кафолатлари, шунингдек боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кафолатлари ҳамда бошқалар қатъий белгилаб берилган.

Мазкур масала юзасидан давлатимиз томонидан бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 февралда қабул қилинган «Она ва бола» давлат дастури тўғрисидаги қарорида она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига эътиборни кучайтириш, болани парвариш қилиш тизимини яратиш, ҳар томонлама жисмоний, маънавий ва ақл-заковатли болалар камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларда педагогика ва психологиянинг замонавий усуллари қўллаш асосида қатъий билимлар, эркин фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, болаларни Ватанга ва халққа муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш ҳамда бола тарбиясида маҳаллаларнинг ролини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

«Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари» деб номланган 3-боб юзага келган вазият ва тақдир тақозоси билан ҳаёти оғир кечаётган, шунингдек дав-

лат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилиниш ва қўллаб-қувватланишга муҳтож болаларга мўлжалланган қўшимча кафолатлар, уларни таъмин этиш масалаларига бағишланган. Ана шундай тоифадаги болаларга ногирон болалар, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар, етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар, муайян муқим яшаш жойи бўлмаган болалар, кам таъминланган оилаларнинг болалари, жиноий жавобгарликка тортилиб, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган болалар, шунингдек зўравонлик, зулм ва эксплуатация, қуроли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрдийдага айланган болалар киради.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг оила муҳитига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш давлат зиммасига юклатилмоқда (24-модда). Бинобарин, давлат боланинг оилада бўлишига тўсқинлик қилувчи шароитларни бартараф қилиш, бола оиласидан ажратилган ҳолларда эса уни оиласига тезроқ қайтариш юзасидан зарур чораларни кўриши керак, шунингдек ногирон болаларни ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларга моддий ёрдам, маслаҳат ёрдами ва бошқа хил ёрдам кўрсатиши ҳамда уларни қўллаб-қувватлаши лозим. Бундан ташқари, Қонунда оилада тарбияланиш бахтидан бебаҳра етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум болаларнинг уларга зарур ғамхўрликни ҳамда қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муқобил шаклда жойлаштирилиш (васийлик ва ҳомийликни белгилаш, болани фарзандликка олиш, оилага тарбияга олиш (патронат), ихтисослаштирилган тарбия, даволаш муассасаларига, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштириш) ҳуқуқи ҳам белгилаб қўйилган.

Қонунда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг жамиятга уйғунлашиш ҳуқуқи кафолатларини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунончи, 25-моддада ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуқларга эга эканлиги назарда тутилмоқда. Қонунда айтилишича, ногиронлик белгиланган пайтдан эътиборан бола тегишли давлат органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган якка тартибдаги реабилитация дастуридан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Мазкур Қонунда, шунингдек, таълим, тиббиёт ва маданий-маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари

бўлган болаларнинг эркин ҳаракатланишлари учун мослаштирилган бўлиши кераклиги ҳам белгилаб қўйилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва улар oilаларининг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш учун уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик шартлари асосида дастурлар ишлаб чиқишда давлат ташаббускор бўлиши ҳамда зарур ресурслар ажратиши назарда тутилган.

26-модда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга қаратилган. Қонунда белгиланишича, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, давлат таъминотида турган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг битирувчилари ёки жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган болалар, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги болалар ўзлари илгари яшаган турар жой майдонига эга бўлиш ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой олиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкам мужассам топган 27-моддада белгиланганидек, ижтимоий ёрдам уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир болага тайинланади. Етим болаларга ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни таъминлаш эса тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади. Шуниси ҳам борки, давлат органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир болага, болаларнинг жойлаштирилиши шаклидан қатъи назар, моддий ва бошқа шароитларни таъминлайди.

Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ ногирон болаларнинг, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари уларнинг айна шундай ёрдам (профилактика, даволаш-таъхис қўйиш, реабилитация, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами) олиш, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли шартларда таъминланиш, давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, шунингдек ўз уйларида парвариш қилиш ҳуқуқлари амалга оширилиши орқали таъмин этилади.

«Боланинг билим олиш ҳуқуқи кафолатлари» деб номланган 23-моддага мувофиқ, ҳар бир бола билим олиш, шу жумладан бепул мажбурий умумий ўрта таълим, шунингдек ўрта махсус касб-ҳунар таълими олиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, «Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиш

ҳуқуқи кафолатлари» деб номланган 29-моддада, махсус педагогик ёндашувга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида билим олишларини кафолатловчи зарур маблағлар давлат томонидан ажратилиши, шунингдек бошқа чоралар кўрилиши тарзидаги қўшимча кафолатлар назарда тутилган. Шу билан бирга, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга ва ногирон болаларга улар учун махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишларига мос бўлган таълим олиш ҳуқуқи берилмоқда. Қолаверса, бундай болаларнинг ота-оналарига ўз хоҳиш-истакларига кўра ҳамда боланинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тавсияси бўлган тақдирда, таълим (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассасаси турини танлаш ҳуқуқи берилган.

Демак, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мамлакатимизда бола ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича қуйидаги имкониятларни яратади: *биринчидан*, миллий қонунчиликни бола ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар билан мувофиқ ҳолга келтириб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига мослигини таъминлайди; *иккинчидан*, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини аниқлаштириш ва ишлаб чиқиш, тегишли дастурлар тузиш, шунингдек, давлат органлари ва нодавлат ташкилотларнинг мазкур соҳадаги фаолиятини баҳолаш учун ҳуқуқий асос («Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция ва бошқа халқаро ҳуқуқий меъёрлар қоидалари билан биргаликда) яратди; *учинчидан*, давлат ва нодавлат органларининг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларини, ваколатларини ва ўзаро фаолиятини аниқлаштиради; *тўртинчидан*, бола ҳуқуқлари ҳимояси механизмининг амалий натижа беришини таъминлайди; *бешинчидан*, бола ҳуқуқлари бўйича қонунчиликнинг келгусидаги ривожини учун асос яратади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ПОЧТА ТЎЛОВЛАРИ ХИЗМАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ»ГА ҚЎШИЛИШИНING АҲАМИЯТИ ВА МОҲИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига йўналтирилган қонунлар қаторида «Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хиз-

матлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 4 октябрда қабул қилинган ҳамда 1 декабрь куни Сенат томонидан маъқулланган ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида»ги 2006 йил 4 август ПҚ-435-сонли Қарорига асосан ишлаб чиқилган.

Ушбу қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси 1996 йилнинг 29 мартдаги иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги интеграциялашувни чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартномада қатнашувчи давлатларнинг жисмоний шахслари томонидан пул ўтказмаларини амалга ошириш тартиб-қоидаларини соддалаштириш ҳақида 1998 йил 24 ноябрда Москва шаҳрида имзоланган Протоколга қўшилган. Мазкур Протокол талабларига биноан иштирокчи давлатлар почта пул ўтказмалари бўйича хизматлар кўрсатишда Почта тўловлари хизматлари тўғрисида тузилган Битим доирасидаги Умумжаҳон почта иттифоқининг норма ва қоидаларига амал қилишлари кўзда тутилган.

Тарихан олиб қараладиган бўлса, Умумжаҳон почта иттифоқи почта алмашувининг тартиб-таомилларига бўлган умумий қоидаларини белгилаб олиш ҳамда аъзо давлатларнинг почта маъмуриятлари ўртасида вужудга келадиган ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун тарифларни белгилаш тартибини ишлаб чиқиш мақсадида 1874 йили ташкил этилган. 1994 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Умумжаҳон почта иттифоқи БМТнинг махсус ташкилоти мақомини олган халқаро ҳукуматлараро ташкилотдир.

Бугунга келиб, 191 давлатни (2007 йил октябрь ойигача бўлган маълумот) бирлаштирган халқаро почта ўз мижозларининг қарийб 6800 тилида сўзлашади. Етти юз мингдан ортиқ почта корхоналарида олти миллиондан ортиқроқ хизматчи йилига 430 миллиардга яқин почта жўнатмаларини қайта ишлаб, дунёнинг барча бурчакларига етказиб беради. Умумжаҳон почта иттифоқи почта хизматлари ҳамкорлиги учун асосий форум ҳисобланиб, у маслаҳат ва воситачилик, керак бўлса, техник ёрдам бериб, универсал тармоқлар ёрдамида почта маҳсулотлари ва хизматларини кўрсатувчи ягона тизимнинг узлуксиз ишлашини таъминлаб беради. Ундан ташқари, Умумжаҳон почта иттифоқи халқаро почта алмашинувининг қоидаларини белгилаб беради ҳамда почта кўламини кенгайтириш,

мижозларга хизмат кўрсатишнинг сифатини оширишга доир таклифлар беради.

Умумжаҳон почта иттифоқи сиёсий бўлмаган ташкилотлар сирасига кирганлиги боис, у аъзо давлатлар миллий почтасининг ички ишларига аралашмайди. Шунинг учун жойлардаги миллий почта муассасалари мустақил равишда ўз хизматларига бўлган тарифларни ҳамда қандай турдаги маркаларни ва уларни қанча миқдорда чиқаришни ўзлари белгилайдилар.

2004 йил 5 октябрь куни Бухарест шаҳрида имзоланган Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битим пул жўнатмаларини амалга оширишни назарда тутувчи хизматларни кўрсатишга, бу эса, Битимга аъзо давлатларнинг почта муассасалари, шу жумладан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан валюта-айрибошлаш хизматларининг йўлга қўйилишини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги 128-сонли қарори билан тасдиқланган «2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш» Дастурига мувофиқ, мамлакатимизнинг почта алоқаси шохобчалари таркибий жиҳатдан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ўз ичига қуйидагиларни олган филиаллар ва шохобчалардан иборатдир: 189 та туман ва шаҳар узелларидан, 2991 та алоқа бўлимларидан (улардан 2305 таси қишлоқ жойларда) иборат бўлган 14 та минтақавий филиаллар; 3 та ихтисослаштирилган филиал — «Халқаро почта»т», «Халқаро тезкор почта», «Ўзбекистон маркаси»; почта жўнатмаларининг мунтазам равишда ташилишини таъминловчи 1 та темир йўл, 34 та авиа, 529 та автомобиль йўналишлари.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинишига қадар «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан «Ижтимоий аҳамиятга эга носавдо тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Битимга мувофиқ ижтимоий йўналтирилган, яъни нафақа ва алимент пул жўнатмаларини қабул қилиш ва бериш хизматлари амалга оширилиб келинган. Ҳозирга келиб «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ халқаро электрон пул жўнатмалари бўйича сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида Умумжаҳон почта иттифоқининг халқаро молиявий тизимига қўшилган.

Шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши пул жўнатмаларини амалга оширувчи молиявий институтлар ўрта-сида соғлом рақобатни келтириб чиқаради, бу эса шу каби хизматларнинг нархи камайишига ҳамда мижозлар сонининг кўпайишига олиб келади.

VI. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XIII ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар:

1. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

2. «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

3. «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

4. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

5. «Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

6. «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 2382-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

7. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

8. «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

9. «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

10. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

11. «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 389-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

12. «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

13. «Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

14. «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

15. «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

16. «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

17. «Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

18. «Ўзбекистон Республикасининг Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрель) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

19. «Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномага (Тошкент, 1992 йил 15 май) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

20. «Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 15 майдаги Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномани узайтириш ҳақидаги Баённомага (Москва, 1999 йил 2 апрель) қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

21. «Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилотининг Уставига (Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

22. «Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилотининг ҳуқуқий мақоми ҳақидаги Битимга (Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь) қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

23. «Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти доирасида махфий ахборотнинг сақланишини ўзаро таъминлаш ҳақидаги Битимга (Осто-

на, 2004 йил 18 июнь) қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

24. «Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 15 майдаги Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг иштирокчи давлатлари ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг асосий принциплари ҳақидаги Битимга (Москва, 2000 йил 20 июнь) ҳамда 1992 йил 15 майдаги Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг иштирокчи давлатлари ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг асосий принциплари ҳақидаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Баённомага (иш тартибида имзоланган, 2003 йил 19 сентябрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

25. «Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 15 майдаги Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг иштирокчи давлатлари ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг асосий принциплари ҳақидаги Битим доирасида етказиб бериладиган, ҳарбий соҳа учун мўлжалланган маҳсулотлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида 2002 йил 7 октябрда Кишинёв шаҳрида имзоланган Баённомага ҳамда 1992 йил 15 майдаги Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг иштирокчи давлатлари ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг асосий принциплари ҳақидаги Битим доирасида етказиб бериладиган, ҳарбий соҳа учун мўлжалланган маҳсулотлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Баённомага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 2004 йил 22 ноябрда Москва шаҳрида имзоланган Баённомага қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

VI. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ XIII ЯЛПИ МАЖЛИСИДА МАЪҚУЛ- ЛАНГАН ҚОНУНЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

2008 йилнинг 17 апрелида Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни кучга кирди. Қонуннинг қабул қилиниши трансмиллий жиноятчиликка қарши тизимли кураш борасида давлатимиз сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. 2000 йил 15 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши БМТ Конвенцияни тўлдирувчи одам, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги Протоколи қабул қилинди. Бу ҳужжатлар одам савдосига қарши кураш борасида давлатларнинг халқаро даражадаги мажбуриятларини белгилади.

Даромад даражасига кўра, одам савдоси гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ савдосидан кейин учинчи ўринда туради. Мутахассислар баҳосига кўра, трансмиллий жиноий гуруҳлар одам савдосидан йилига 7 миллиард доллар даромад кўради. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қонунчилик тизими томонидан нафақат жиноий тажовузлардан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг конституцион-ҳуқуқий кафолатлари, балки уларни таъминлаш борасида амалдаги ташкилий тузилма яратилди. Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши кураш инсон, жамият, давлат ҳимояси, одам савдоси фаолиятининг олдини олиш, аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш мақсадларида амалга оширилади. Кўрсатилган мақсадларга одам савдоси сабаблари, уларни амалга ошириш шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф қилиш чораларини кўриш; аҳоли ва алоҳида фуқароларнинг одам савдоси қурбонига айланиш хавфини камайтириш; одам савдосидан жабрланган шахсларни ҳуқуқий ва ижтимоий реабилитация қилиш каби масалаларни ҳал қилиш йўли билан эришилади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қуйидаги жиноятлар учун жавобгарликни белгилади: одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш, хусусан, вояга етмаган шахсга нисбатан, ўша ҳаракат бундай шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мақсадида содир этилган бўлса (Жиноят Кодексининг 135-моддаси). Лекин шароитнинг ўзгариши, трансмиллий жиноий гуруҳларнинг таъсир доираси кенгайиши ва оқибатда халқаро ҳамжамият томонидан трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш глобал тизимининг яратилиши Ўзбекистон Республикаси «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилинишига тўртки бўлди. Қонун одам савдосига қарши кураш самарасини ошириш, Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши кураш борасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадини назарда тутди.

Қонун одам савдосига қарши курашиш, одам савдоси, одам савдоси билан шуғулланувчи шахс каби тушунчаларни ўз ичига олади. Қонуннинг 4-моддаси одам савдосига қарши курашишнинг асосий принципларини белгилайди. Одам савдосига қарши курашиш қуйидаги асосий принципларга асосланади: қонунийлик; одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги; одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик; ижтимоий ҳамкорлик.

Қонунда одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари мустаҳкамланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати; Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги. Одам савдосига қарши курашиш фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевожута амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари Қонуннинг 7-моддасида мустаҳкамланган. Қонуннинг 6-моддасига биноан, одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси тузилади.

Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;

- одам савдосининг кўлами, ҳолати ва хусусиятлари тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда таҳлил қилиш;

- ҳудудий идоралараро комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

- одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- одам савдосига қарши курашиш масалалари ҳақида аҳолини хабардор қилиш тадбирларини ташкил этиш.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

Қонуннинг 8-моддасига кўра, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади. Одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш одам савдосига қарши кураш тизимининг ажралмас қисмидир. Одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этилиши мумкин.

Ихтисослаштирилган муассасалар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширади. Қонуннинг 9-моддасига кўра, ихтисослаштирилган муассасаларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: одам савдосидан жабрлан-

ганларга қулай яшаш ва шахсий гигиена шароитларини таъминлаш; одам савдосидан жабрланганларни озик-овқат, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш; одам савдосидан жабрланганларга шошилишч тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам бериш; одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш; одам савдосидан жабрланганларнинг қариндошлари билан алоқа ўрнатилишига қўмаклашиш; одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот бериш; одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишга қўмаклашиш.

Одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш борасида одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш муҳим ҳисобланади. Қонуннинг 10-моддасига кўра, одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилади ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, уларга вақтинчалик турар жой беришни ўз ичига олади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш жараёнида одам савдосидан жабрланган болалар манфаатларини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Қонуннинг 11-моддасига кўра, ихтисослаштирилган муассасаларнинг раҳбарлари уларда одам савдосидан жабрланган болалар ҳақида маълумот пайдо бўлган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ одам савдосидан жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Одам савдосидан жабрланган болалар ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилганда улар катта ёшдагилардан алоҳида туришлари керак. Ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилган одам савдосидан жабрланган болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат таълим муассасаларига қатнаш имконияти берилади. Агар одам савдосидан жабрланган болалар

ота-онаси қарамогидан маҳрум бўлган бўлса ёки ўз оиласи турган жойдан беҳабар бўлса, уларнинг ота-онасини ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларни қидириш чоралари кўрилади.

Одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари ва уларга бериладиган бошқа кафолатлар қонуннинг 12-моддасида белгиланган. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш хоҳишини билдирган одам савдосидан жабрланган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган хавфсизлик чораларини кўради. Агар одам савдосидан жабрланган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жабрланувчи деб топилган бўлса ёки жиноят иши бўйича гувоҳ бўлса ёхуд одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлашда тегишли органларга ёрдам бераётган бўлса, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг, судьянинг асослан-тирилган илтимосномасига кўра бундай шахсга нисбатан одам савдосида айбдор шахслар хусусида жиноят иши бўйича қарор чиқарилгунига қадар депортация чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Бунда одам савдосидан жабрланган шахсга унинг Ўзбекистон Республикасига кириши ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш ҳуқуқи берилиши керак. Одам савдосидан жабрланганлар мажбурлов ёки таҳдид остида содир этилган қилмиш учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади. Қонуннинг 13-моддасига кўра, суд томонидан одам савдосида айбдор деб топилган шахслар одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплайди. Таъкидлаш лозимки, давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги тизимини шакллантирмай одам савдосига қарши курашнинг самарали тизимини яратишни таъминлаш мумкин эмас. Қонуннинг 14-моддасида одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик нормаси мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни одам савдосига қарши курашиш борасида кенг доирадаги муносабатларни ўз ичига олиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини жинойи тажовузлардан самарали ҳимоя қилиш воситаси бўлиб ҳисобланади.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШНИНГ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизда суғурта муносабатларини тартибга солиш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Маълумки, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида тегишли бозор инфратузилмаларини, хусусан, суғурта тузилмасини ривожлантирмасдан амалга ошириш мушкул масаладир. Республикамизда суғурта бозорининг шаклланиши унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб боришни тақозо этди. Статистик таҳлиллардан маълум бўлишича, 27 та суғурта компанияси ўз низом жамғармалари миқдорини белгиланган талаблар даражасига етказиш баробарида уларнинг ялпи ҳажми 2007 йил 1,5 барабар кўпайишига эришилган. Кези келганда айтиш жоизки, ихтиёрий шахсий суғурталаш бўйича суғурта хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланиб бориб, 80 %га ортган. Мулкни суғурталашнинг ихтиёрий турлари эса 48 %га ўсганлигини кўриш мумкин. Аммо суғурталашнинг умумий ҳажмида мажбурий суғурталаш турли шакллариининг улуши ниҳоятда паст бўлиб, 6 %дан ортмаслиги, халқаро амалиёт талабларига мос бўлган мажбурий суғурталашнинг айрим турлари жорий этилмаётганлиги, ўз навбатида, транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг қонуний асосларини яратишни талаб этди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 914-моддасига кўра, қонунда кўрсатилган шахсларга суғурта қилувчилар сифатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкни ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини ўз ҳисобидан ёхуд манфаатдор шахслар ҳисобидан суғурта қилиш (мажбурий суғурта) мажбурияти қонун билан юкланган ҳолларда суғурта Фуқаролик кодекси 52-бобининг қоидаларига мувофиқ шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади. Маълумки, Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 декабрдаги 632-сонли «Ўзбекис-

тон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмлар эгалари фуқаролик жавобгарлигининг давлат мажбурий суғуртасини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори билан жорий қилинган транспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тизими амал қилмоқда.

Аммо амалиёт таҳлилларининг кўрсатишича, транспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тизими транспорт воситаларидан фойдаланиш чоғида зиён етказилган жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилди, деб айтиш қийин. Чунки, мутахассисларнинг фикрича, суғурта тўлови миқдорининг камлиги (энг кам иш ҳақининг 50 баравари), суғурта тарифларининг қулай тизими мавжуд эмаслиги, мажбурий суғурталашнинг хусусиятларини ва фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бўйича мажбуриятни бажармаслик учун жавобгарлик чораларини назарда тутувчи нормалар мукаммал эмас эди.

Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта хизматларини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, айниқса суғурта хизматларини кўрсатишнинг қонунчилик асосларини босқичма-босқич такомиллаштириб бориш объектив заруриятдир. Суғурта хизматларини ривожлантиришга бундай ёндашув мажбурий суғуртанинг кўплаб турларини амалиётга жорий этиш имкониятини бермоқда.

Мамлакатимизда суғурта муносабатларини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси муҳим ўрин тутadi. Мазкур Кодекснинг 52-бобида ихтиёрий ва мажбурий суғурта, мулкий суғурта шартномаси, суғурталашга йўл қўйилмайдиган манфаатлар, мол-мулкни суғурта қилиш, зарар етказилганлиги учун жавобгарликни суғурта қилиш, шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш, тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш, мажбурий суғурта ва уни амалга ошириш каби бир қатор нормалар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормалари «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунда ҳам ривожланган ҳолда ўз ифодасини топган. Ушбу қонун ҳужжатлари суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда ва суғурта бозори иштирокчиларининг фаолиятини ташкил этишда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлан-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан қабул қилинган «2007—2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури ишлаб чиқилганлиги уни далаат сиёсати даражасига кўтариш имкониятини яратди. Ушбу дастурда суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш вазифаси белгиланганлиги бу борадаги қонун ижодкорлиги фаолиятига туртки бўлди, дейиш мумкин.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатнинг ўн учинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонун 2008 йил 22 апрелда матбуотда эълон қилинди. Қонун тузилишига кўра 6 боб, 41 модладан иборат. Қонуннинг биринчи бобида умумий қоидалар ва мазкур қонунда ишлатиладиган асосий тушунчалар кўрсатилган. Иккинчи бобида мажбурий суғурталашни амалга ошириш шартлари ва тартиби белгиланган. Учинчи бобда суғурта ҳодисалари бўйича зарарнинг ўрнини қоплаш масалалари ўз ифодасини топган. Тўртинчи бобда суғурта ҳолатлари бўйича компенсация тўловлари, бешинчисида мажбурий суғурта бўйича тўловларни кафолатлаш, олтинчи бобда эса якуний қоидалар назарда тутилган.

Мазкур Қонун илк маротаба қабул қилиниб, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш асосларини белгилайди. Қонуннинг аҳамиятли жиҳати шундаки, суғурта бозорининг турли хил шакллари ривожлантириш баробарида махсус тарзда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Суғурта энг муҳим фуқаролик ҳуқуқий институт бўлиб, инсон манфаати учун хизмат қилади. Суғурта инсон ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилган тақдирда, бошқача қилиб айтганда, суғурта ҳодисаси рўй берганда, суғурта қилдирувчининг ёки транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича муайян оқибатларни келтириб чиқаради. Яъни, бундай турдаги шартнома юзасидан жавобгарлиги суғурталанган бошқа шахснинг фуқаролик жавобгарлиги юзага келади ва суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбуриятини келтириб чиқаради.

Қонунга асосан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси суғурта шартномаси бўлиб, унга кўра суғурталовчи суғурта ҳоди-

саси содир бўлганда жабрланувчиларга уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ушбу суғурта ҳодисаси оқибатида етган зарарнинг ўрнини шартномада белгиланган ҳақ (суғурта пули) доирасида қоплаш мажбуриятини олади. Транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкӣ манфаатлари мажбурий суғурта объектидир. Мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ва (ёки) мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган транспорт воситаси бошқа эгасининг фуқаровий жавобгарлиги суғурталаниши мумкин. Мажбурий суғурта шартномаси оммавий шартнома бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда тузилади. Мажбурий суғурта шартномаси бир йил муддатга тузилади, қонунда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Мажбурий суғуртани амалга ошириш учун суғурталовчи ўзига махсус ваколатли давлат органи томонидан берилган мажбурий суғурта бўйича суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши керак. Мажбурий суғурта транспорт воситаси эгаси ва суғурталовчи ўртасида мажбурий суғурта шартномаси тузиш орқали амалга оширилади. Мажбурий суғурта шартномаси тузилганда суғурталовчи суғурта қилдирувчи ҳисоблаб чиқарган суғурта мукофотини тўлаганидан кейин унга мажбурий суғурта амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлган суғурта полисини, шунингдек махсус давлат белгисини тақдим этади.

Қонуннинг энг муҳим жиҳатларидан бири суғурта ҳодисалари бўйича зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобланади. Шу боис, Қонунда суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчиларнинг (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларининг) ҳаракатлари аниқ белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Қонуннинг суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этилиши тўғрисидаги нормаларининг аҳамияти ҳам каттадир. Яъни, суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этишда суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) жабрланувчи ўзи билан мажбурий суғурта шартномасини тузган суғурталовчига ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун ёзма шаклда мурожаат қилишга ҳақли. Суғурта ҳодисасини тўғридан-тўғри ҳал этиш қўлланилганда

айбдор тарафнинг суғурталовчиси жабрланувчининг суғурталовчисига жабрланувчига суғурта товонини тўлаш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди. Бундан ташқари, жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган ҳамда мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланадиган зарарнинг миқдорини аниқлашга оид нормаларнинг белгиланганлиги жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутати. Бинобарин, бундай зарарнинг миқдорини аниқлаш билан боғлиқ ҳужжатлар, маълумотларнинг мавжуд бўлиши, мустақил экспертизанинг (баҳолаш) ташкил этилиши жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган ҳамда мажбурий суғурта шартномаси бўйича зарарнинг ўрнини қоплаш имкониятини ярағати. Қонунда суғурта товони миқдори ва уни тўлаш тартиби ҳам назарда тутилган. Хусусан, жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганида суғурта товонининг миқдори суғурта миқдорининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Жабрланувчининг мол-мулкига зарар етказилганида суғурта товонининг миқдори суғурта миқдорининг 35 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади.

Қонун нормаларига биноан, суғурта товони етказилган зарар миқдорида, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тўланади. Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини суғурталовчининг ёзма розилиғи билан ўз ҳисобидан қопласа, суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганидан кейин суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта тўловини тўлайди. Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) транспорт воситасидан фойдаланиш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурталовчининг ёзма розилигисиз ҳар қандай усулда қопласа ёки қоплашни ваъда қилса, суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий

суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) бу ҳаракатлари суғурталовчи учун мажбуриятларни келтириб чиқармайди. Жабрланувчи (унинг меросхўри) ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига бошқа манбалардан олган тўловлар суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятини камайтирмайди. Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) суғурта ҳодисаси содир бўлганда зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш чораларини кўрганлиги ёхуд жабрланувчига кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатганлиги суғурталовчи ушбу Қонунда ўзи учун белгиланган мажбуриятларни бажаришни рад этишига асос бўлолмайди.

Яна бир томони шундаки, агар мажбурий суғурта объекти бир вақтнинг ўзида ихтиёрий суғурта бўйича ҳам суғурталанган бўлса, ихтиёрий суғурта бўйича суғурта товони мажбурий суғурта бўйича суғурта товонини тўлаш шартларидан катти назар тўланади. Агар суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида жабрланувчи ҳалок бўлган ёки унинг соғлигига зарар етказилган бўлса, суғурта товони ушбу Қонуннинг 22-моддаси талаблари инобатга олинмаган ҳолда, шундай ҳодиса учун тўловни назарда тутувчи барча турдаги суғурта шартномаларига мувофиқ тўланади. Башарти, битта суғурта ҳодисаси натижасида икки ёки ундан ортиқ суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсларнинг) фуқаролик жавобгарлиги юзага келган бўлса, суғурталовчилар жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) ҳар бир суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) айби даражасига мувофиқ суғурта товонини тўлайди. Агар суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта товони тўловлари бир нечта жабрланувчига (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) тўланиши керак бўлса ва уларнинг суғурталовчига билдирилган талаблари суммаси суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлса, суғурта товони ҳар бир жабрланувчининг барча жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) талабларининг умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

Шу билан бирга, ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдори тўлиқ аниқлангунига қадар суғурталовчи жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) аризасига кўра суғурта тўловининг мазкур зарарнинг амалда аниқланган

қисмига мувофиқ бўлган қисмини тўлашга ҳақли. Жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) билан келишувга кўра ва мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган шартлар асосида суғурталовчи шикастланган мол-мулкнинг суғурта товони ҳисобидан таъмирланишини ва (ёки) унинг қолдиқлари утилизация қилинишини ташкил қилишга ҳамда ҳақини тўлашга ҳақли. Суғурта товонини тўлаш суғурталовчи суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори суғурта қилдирувчига у суғурта товони тўлаш тўғрисида ёзма мурожаат этганидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак ва товон тўлаш рад этилганда, қарорда рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилиши лозим. Агар суғурта товонини тўлаш ушбу Қонунда белгиланган муддатда амалга оширилмаган бўлса, суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта товонига қўшимча равишда, суғурта товонини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасидан келиб чиққан ҳолда, пеня тўлайди. Агар мажбурий суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта товони тўласа, суғурта қилдирувчи суғурталовчидан суғурта товони тўланганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки ҳафталик муддатда тўланган суғурта товони суммасига ва мажбурий суғурта шартномаси амал қилишининг қолган муддатига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофотини тўлайди. Суғурталовчи мажбурий суғурта шартномаси амал қилиши даврида вужудга келган зарарларнинг ўрнини, агар жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) зарарларни келтириб чиқарган суғурта ҳодисаси ҳақида зарарларнинг ўрнини мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугатанидан кейин уч йил ичида ундириш тўғрисида даъво аризаси берган бўлса, қоплайди.

Шунингдек, суғурталовчи зарар етказган шахсга (суғурта қилдирувчига, фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсга) ўзи тўлаган суғурта тўлови миқдорида қуйидаги ҳолларда регресс тартибидан талаб қилиш ҳуқуқига эга: агар мазкур шахснинг қасди оқибатида жабрланувчининг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган бўлса; зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, пси-

хотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда етказилган бўлса; мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса; мазкур шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса; мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахс сифатида мажбурий суғурта шартномасига киритилмаган бўлса (транспорт воситасидан фақат мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган ҳайдовчилар фойдаланиши шарти билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда); суғурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилмаган аниқ даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса (транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган даврда фойдаланиш шарти билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда). Бунда суғурталовчи мазкур шахсдан суғурта ҳодисасини кўриб чиқишда қилинган харажатларни қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақли эканлиги қонун билан белгилаб қўйилган.

Қонуннинг муҳим нормалари сифатида суғурта муносабатлари субъектлари, хусусан, фуқаролар ва юридик шахслар компенсация тўловини олиш ҳуқуқи кафолатланган.

Жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига компенсация тўлови мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта тўлови куйидагилар оқибатида тўланиши мумкин бўлмаган ҳолларда амалга оширилади: суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлиги; жабрланувчига етказилган зарар учун жавобгар шахснинг номаълумлиги; фойдаланилаётганда зарар етказган транспорт воситасининг эгаси ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаганлиги. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий календарь йилда яқунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар компенсация тўловларини олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган чет давлатлар фуқаролари компенсация тўловларини олиш ҳуқуқига, агар шу чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилган бўлса, эгадир. Компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисидаги

талаб жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган кундан эътиборан уч йил ичида билдирилиши мумкин.

Шу билан бирга, суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлиги оқибатида суғурталовчи томонидан суғурта товонини тўлаш имкони бўлмаган тақдирда суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисидаги далолатномани ва суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда Тўловларни кафолатлаш жамғармасига жабрланувчиларга (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилади.

Фойдаланилаётганда жабрланувчига зарар етказилган транспорт воситаси эгасининг номаълумлиги ёки фуқаролик жавобгарлиги суғурталанмаганлиги сабабли суғурта товонини тўлаш имкони бўлмаган тақдирда жабрланувчи ёки унинг меросхўрлари (агар жабрланувчининг аҳволи мустақил равишда мурожаат этиш имконини бермаса, қариндошлари ёки бошқа вакиллари) ёхуд ҳуқуқий ворислари қуйидаги ҳужжатларнинг аслини ёки нусхаларини илова қилган ҳолда Тўловларни кафолатлаш жамғармасига компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат этади, яъни суғурта полиси (агар бўлса); етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги суд қарори (агар иш суд томонидан кўрилган бўлса); зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги ҳулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаларидан олинган маълумотнома ёхуд ҳаётга ёки соғлиққа зарар етказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ўлим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома); мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар); жабрланувчининг шахсини ёки унинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар; мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар суғурта товони жабрланувчиларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига тўланиши лозим бўлса).

Суғурталовчи компенсация тўловини амалга ошириш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда, Тўловларни кафолатлаш жамғармаси тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилигини ҳамда зарар ва суғурта товонининг миқдори тўғри аниқланганлигини ўрганиб чиқишга, шу жумладан, суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини шартнома асосида жалб этиш орқали ўрганиб чиқишга ҳақлидир. Жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) компенсация тўловини амалга ошириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда, Тўловларни кафолатлаш жамғармаси зарар ва суғурта товони миқдорини аниқлаш учун суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини шартнома асосида жалб этиши мумкин. Компенсация тўловларини амалга ошириш ёки мазкур тўловларни тўлашни асослантирилган тарзда рад этиш тўғрисидаги қарор Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан суғурталовчи ёки жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) илтимоснома билан мурожаат этган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида қабул қилинади. Компенсация тўловлари уларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ҳафталик муддат ичида бевожуб жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан тўланади.

Агар компенсация тўловлари ушбу Қонуннинг 26-моддасида белгиланган муддатда тўланмаган бўлса, Тўловларни кафолатлаш жамғармаси жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) уларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кунда амалда бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкасидан келиб чиққан ҳолда пеня тўлайди. Ушбу қонун 21-моддаси қоидаларининг жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарар миқдорини аниқлаш тартибига доир қисми Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг ёки шартнома асосида ушбу мақсадда жалб қилинган суғурта бозори профессионал иштирокчисининг ҳаракатларига нисбатан татбиқ этилади. Агар шикастланган мол-мулкни ушбу қонун талабларига мувофиқ кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилишни (баҳолашни) ташкил қилишга қадар шикастланган мол-мулк таъмирланганлиги ёки унинг қолдиқлари утилизация қилинганлиги суғурта ҳодисаси мавжудлигини ва ўрни қопланиши лозим бўлган зарарларнинг миқдорини аниқ белгилаш имконини бермаса, Тўловларни кафолатлаш жамғармаси жабрланувчига компенсация тўловини ёки унинг бир қисmini тўлашни рад этишга ҳақли. Тўловларни кафолатлаш жамғармасининг компенсация

тўловларини амалга оширишни рад этиши устидан суғурталовчи ёки жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) даъво аризаси бериш орқали суд тартибида низолашиши мумкин.

Бундан ташқари, Қонунда компенсация тўловларининг миқдори ва унинг суммаларини ундириш, Тўловларни кафолатлаш жамғармасини ташкил этиш, унинг асосий вазифалари, мол-мулки ва молиявий фаолияти, суғурталовчиларнинг Тўловларни кафолатлаш жамғармасига тўлайдиган мажбурий бадаллари, кузатув кенгаши, тўловларни кафолатлаш жамғармасининг молиявий ва бошқа ҳисоботлари, мажбурий суғурта бўйича фаолиятни амалга оширувчи суғурталовчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ахборотни айирбошлаш, мажбурий суғурта бўйича мажбуриятнинг транспорт воситалари эгалари томонидан бажарилишини назорат қилиш каби бир қатор нормалар белгиланган. Шу билан бирга, ушбу Қонуннинг амалга киритилиш механизми ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, унинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонунга асосан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу қонуннинг 1-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 135¹-модда қўшимча сифатида киритилган бўлиб, унда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузиш каби ҳуқуқбузарлик учун жавбгарлик чораси назарда тутилган. Унга кўра: «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисларида назарда тутилмаган фойдаланиш даврида транспорт воситаларини бошқариш, худди шунингдек фақат мазкур суғурта полисларида кўрсатилган ҳайдовчилар айлани шу транспорт воситаларини бошқариши тўғрисида мазкур суғурта полисларида назарда тутилган шартларни бузган ҳолда транспорт воситаларини бошқариш энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади. Фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича қонунда

белгиланган мажбуриятнинг транспорт воситалари эгалари томонидан бажарилмаслиги, худди шунингдек, агар бундай мажбурий суғурта қилинмаганлиги олдиндан аён бўлса, транспорт воситаларини бошқариш, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир баравари, мансабдор шахсларга эса энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади». Бундан ташқари, ушбу янги моддага ҳавола тарзида МЖТКнинг 248, 256, 287, 291, 304-моддалари «135» сўзидан кейин «135'» рақами билан тўлдирилди.

Шунингдек, ушбу Қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 934-моддаси учинчи қисми «қонунда назарда тutilган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилди. Шу билан бирга, Қонунда Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 26-моддаси қуйидаги таҳрирда 4-қисм билан тўлдирилди: «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш билан боғлиқ маълумотлар тўғрисидаги маълумотномалар суғурта қилдирувчининг розилиги олинмаган ҳолда суғурталовчи томонидан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Тўловларни кафолатлаш жамғармасига белгиланган тартибда тақдим этилади». Бу «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунининг Тўловларни кафолатлаш жамғармаси тўғрисидаги нормалари талабларига мос бўлиб, уни амалиётда қўллаш механизмини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишга оид мукамал қонунчилик асосларининг яратилиши, суғурта қилдирувчиларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

ИНВЕСТИТОРЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган ҳамда Сенат томонидан 2008 йил 27 март куни маъқулланган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-мод-

дасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва матбуотда 2008 йил 10 апрелда эълон қилинди. Ушбу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2008 йил 8 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузасида хусусийлаштириш ишларига нисбатан муносабат ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш лозимлигини таъкидлаб, бунда амалдаги қонунчиликнинг меъёрий қоидаларини қайта кўриб чиқиш, қабул қилинган инвестиция мажбуриятларини сўзсиз бажариш ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг самарали фаолият юритиши учун янги мулкдорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий жавобгарлигини назарда туталган нормаларни кучайтириш, бу борадаги асосий вазифа — хусусийлаштириш жараёнларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник янгилаш, жаҳон бозорида харидоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган ишончли ва масъулиятли инвесторларни жалб қилиш учун барча қулай шарт-шароитларни яратиб беришдан иборат эканлиги тўғрисида алоҳида тўхталган эди.

Президентимизнинг 2007 йил 20 июлда «2007—2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 672-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, унда муҳим стратегик тармоқлар корхоналарининг устав жамғармаларида давлат улушини кескин камайитириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хусусий мулкчиликнинг ролини ошириш, шунингдек ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, шу асосда сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлаш мақсад қилиб белгиланган эди. Шу мақсадларга эришиш йўлида давлат активларини инвестиция киритиш мажбуриятлари билан сотишда инвесторлар томонидан эркин алмаштириладиган валютада пул маблағлари шаклида киритиладиган инвестициялари корхоналарнинг алоҳида ҳисоб рақамига ўтказилишини ва мажбурий тарзда сотилмаслигини кўзда тутувчи тартиб жорий этилиши, бунда

инвестиция мажбуриятлари сифатида киритиладиган маблағ ва мулк даромад (фойда) ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда қўшилган қиймат солиқларига тортилмаслиги, шунингдек инвестиция даври мобайнида тузиладиган олди-сотди шартномасига мувофиқ корхонанинг олдинги қарзини қоплаш ҳисоб рақамидан мажбурий тарзда ундириб олинмаслиги кабилар белгиланган эди.

2008 йил 10 апрелда қабул қилинган ва расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирган *«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 47-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги* Ўзбекистон Республикаси Қонуни инвестор билан давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган маблағлар ва мол-мулк инвестиция даври мобайнида қарздорнинг илгари юзага келган қарзини қоплаш ҳисобига мажбурий тартибда ундириб олинмаслигини назарда тутувчи нормани қонунан мустаҳкамлаб қўйди. Маълумки, ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида нодавлат сектори улушининг муттасил ошиб бориши, хусусий мулкчиликни шакллантириш, унинг иқтисодиёт таркибидаги аҳамияти ва улушини тубдан ошириш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Давлатимизда кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши натижасида хусусий сектор деярли барча соҳаларда тобора устувор аҳамият касб этмоқда.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Ундирувни қарздорнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкига қаратиш тартиби» деб номланган-47-моддасига тўққизинчи қисм сифатида киритилган мазкур қўшимча иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар жалб этилишининг фаоллашишга, хусусийлаштириш жараёнлари ва инвесторлар томонидан инвестиция киритиш учун мақбул ва қулай шарт-шароитларни яратиш, маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек инвестиция ресурсларидан фойдаланишнинг мақсадлилигини таъминлаш орқали хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ва рақобатбардошлигини ошириш учун ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади.

ЖИНОЙ ЖАЗО ТАРИҚАСИДА ТАЙИНЛАНГАН ЖАРИМА ЖАЗОСИНИ ИЖРО ЭТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёни суд ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятига тааллуқли кўплаб муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани билан тавсифланади. Бу, айниқса, улар фаолиятига тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жараёнида яққол намоён бўлади. Маълумки, жиноят қонунчилигида жарима жазосининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жарима айбдордан давлат даромадига Жиноят кодексида белгиланган тартибда пул ундиришдан иборат бўлган жиноий жазоларнинг бир тури ҳисобланади. Жиноят қонунида жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача белгиланган.

*«Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»*ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шу турдаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалаларига дахлдор.

Мазкур қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йилнинг 27 ноябрида қабул қилинган ва 2008 йил 27 мартда Сенатнинг ўн учинчи ялпи мажлисида маъқулланган. Қонун 2008 йил 10 апрель куни расман матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Ушбу қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад жиноят содир этганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини жарима тариқасидаги жиноий жазони мажбурий тартибда ижро этишнинг процессуал-ҳуқуқий механизмини яратиш йўли билан таъминлаш ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят ижроия кодекслари ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг айрим нормаларига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш орқали мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро мувофиқлиги ва мутаносиблигини таъминлаш, шу билан бирга, соҳаларга тааллуқли амалиётнинг бир маромда ишлашини таъминлашдан иборат. Қонун бешта моддалан иборат бўлиб, унинг I-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Жарима» деб номланган 44-моддаси учин-

чи қисмига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, қуйидаги таҳрирда баён этиш белгиланди:

«Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти барабари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга, қамоқнинг ҳар бир ойи эса энг кам ойлик иш ҳақининг юз барабари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади». Мазкур моддага киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, эндиликда аввал қўлланилган «махкум» сўзи ўрнига «ҳукм қилинган шахс» сўзлари қўлланилди ва бу билан жиноят содир этган шахснинг мазкур ҳолатдаги ҳуқуқий мақоми моҳияти аниқ очиб берилди. Шунингдек, илгари жаримани тўламаганлик учун ушбу моддада назарда тутилган бошқа турдаги жазо билан алмаштириш учун асос сифатида фақат маҳкум томонидан тайинланган жаримани тўлашдан уч ой мобайнида бўйин товлаши белгиланган бўлса, эндиликда бу асослар аниқ ҳолатлар ва вазиятлар билан аниқлаштирилди ва унга кўра жаримани бошқа жазо турлари билан алмаштириш учун аниқ ва янги асослар белгиланди. Унга кўра, *биринчи асос*, маҳкум жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа, *иккинчи асос*, қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, *учинчи асос*, кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда.

Мазкур моддадаги навбатдаги янгилик, бу илгари жариманинг тўланмаган миқдорини фақат ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ тариқасидаги жазо билан ал-

маштириш мумкин эди, эндиликда жариманинг тўланмаган миқдорини алмаштириш мумкин бўлган яна бир жазо тури, яъни озодликдан маҳрум қилиш ҳам белгиланди. Унга кўра, энди жариманинг тўланмаган миқдорини суд ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ тариқасидаги жазолар билан бир қаторда озодликдан маҳрум қилиш билан ҳам алмаштириши мумкин. Энг муҳими, илгари ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазосининг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилган бўлса, мазкур қонунга кўра юқоридаги жазо турларининг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилди. Шу билан бирга, борди-ю жарима жазоси қамоқ тариқасидаги жазо билан алмаштирилса, илгари қамоқнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилган бўлса, эндиликда мазкур қонунга биноан қамоқ жазо турининг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг юз бара-вари миқдоридаги жаримага тенглаштирилди.

Қонуннинг 2-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг «Хукм, ажрим ва қарорни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби» деб номланган 542-моддаси қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилди: «Жарима жазосига ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс жарима жазосини ва ахлоқ тузатиш ишларини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиши учун судда узрсиз сабабларга кўра ҳозир бўлмаган тақдирда, жазони ижро этувчи органнинг тақдимномаси маҳкум йўқлигида кўриб чиқилиши мумкин. Бундай ҳолда жарима жазоси ёки ахлоқ тузатиш ишлари қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган тақдирда суд маҳкумга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қидирув эълон қилиш масаласини ҳал қилиши керак».

Модданинг бундай қоида билан тўлдирилиши, процессуал қонунчилик нормаларида судларга жазо турларини алмаштиришнинг асосларини яратди. Унга кўра, башарти жарима жазосига ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс судга келишдан бўйин товласа ёки одил судловдан яширинаётган бўлса, жазони ижро этувчи органнинг жарима жазосини ёки ахлоқ тузатиш ишларини жиноий жазонинг бошқа турлари билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимномаси суд томонидан маҳкумнинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкинлиги бел-

гиланди. Айни бир вақтда жарима жазоси ёки ахлоқ тузатиш ишлари қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган тақдирда, суд маҳкумга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қидирув эълон қилиш масаласини ҳал қилади.

Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси жарима жазосини ижро этиш тартиби билан боғлиқ «Жазони ижро этиш тартиби» деб номланган 19-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилди: «Жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаши шарт. Маҳкум белгиланган муддатда жаримани ихтиёрий равишда тўламаган тақдирда, жарима суд ижрочиси томонидан мажбурий тартибда ундириб олинади. Жаримани мажбурий ундириш ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган маҳкумларга нисбатан қўлланилмайди. Ўн саккиз ёшга тўлмаган жиноят содир этган ва жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб олти ойлик муддат ичида жаримани ихтиёрий равишда тўлаши шарт. Агар белгиланган муддатда жаримани тўлиқ миқдорда тўлашга маҳкумнинг имкони бўлмаса, суд унинг илтимосномасига кўра ҳукмнинг ижросини Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддасида белгиланган тартибда кечиктириши ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этиши мумкин».

Мазкур моддага киритилган ўзгартиш ва қўшимча билан жаримани ихтиёрий равишда тўлаш муддати уч ойдан бир ойгача қисқартирилди. Демак, эндиликда жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс бир ой ичида жаримани ихтиёрий равишда тўламаган тақдирда, жарима суд ижрочиси томонидан мажбурий тартибда ундирилади. Айни вақтда, жаримани мажбурий тартибда ундириш ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги назарда тутилди ҳамда вояга етмаган шахслар учун тайинланган жаримани ихтиёрий равишда тўлашнинг муддати олти ой этиб белгиланди. Бу эса мамлакатимизда жиноят қонунчилигига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар реал асос ва омилларга таянаётганлигини, яъни вояга етмаган шахснинг пул ундириш билан боғлиқ жарима тариқасидаги жазони ўташида унинг мустақил пул топиш имконияти вояга етган шахсга нисбатан камлигини қонунчилик ҳам четлаб ўтмаётганлигини кўрсатади.

Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, мазкур Қонуннинг 5-моддаси 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилди: «жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмлари, ажримлари ва қарорларининг мулкӣй ундиришга оид қисми, шунингдек, жарима тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари». Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 23-моддаси учинчи қисми «Жарима тариқасидаги жазони тайинлаш тўғрисидаги ҳукм асосида берилган ижро варақаси бўйича ижро иши юритиш қўзғатилган тақдирда ихтиёрий ижро этиш муддати ҳукм қонунӣй кучга кирган кундан эътиборан бир ой этиб белгиланади», деган мазмундаги жумла билан тўлдирилди. Ушбу мазмундаги қонданинг жорий этилиши мазкур қонуннинг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси 19-моддаси мазмуни билан мутаносиблигини таъминлайди. Бундан ташқари, мазкур Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддаси номи ва биринчи қисмига ўзгартириш киритилиб, қуйидаги таҳрирда баён этилди. Яъни, 30-модданинг номи «Мажбурий ижро этиш муддатлари» деб номланиб, унинг биринчи қисми ижро ҳаракатлари ва ижро ҳужжатининг талаблари ижро ҳужжатининг ихтиёрий ижро этилиши учун белгиланган муддат тугаган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида суд ижрочиси томонидан амалга оширилиши ва ижро этилиши кераклиги белгиланди.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги 32¹-модда билан тўлдирилди. Бу моддада жаримани жазонинг бошқа турлари билан алмаштиришнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 44-моддасида назарда тутилган асослари қаторига тўланмаган жарима миқдорини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисида суд ижрочиси томонидан ўн кунлик муддат ичида судга тақдимнома киритиш тартиби ҳам киритилди. Бундан ташқари, ушбу қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар жаримани мажбурий ундириш тартибини ҳам очиб берди. Жумладан, «Ижро иши юритишни қўзғатиш» деб номланган 23-модда жарима тариқасидаги жазони тайинлаш тўғрисидаги ҳукм асосида берилган ижро варақаси бўйича ижро иши

юритиш қўзғатилган тақдирда, ихтиёрий ижро этиш муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой этиб белгиланишини назарда тутувчи қоида билан тўлдирилди. Шундан келиб чиқиб, ушбу қонуннинг «Мажбурий ижро этиш муддатлари» деб номланган 30-моддасига киритилган ўзгартишларда ижро ҳаракатлари ва ижро ҳужжатининг талаблари ижро ҳужжатининг ихтиёрий ижро этилиши учун белгиланган муддат тутаган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида суд ижрочиси томонидан амалга оширилиши ва ижро этилиши кераклиги белгилаб қўйилди. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Ижро иши юритишни тўхтатиб туришнинг мажбурийлиги» деб номланган 34-, «Ижро этишни юритишни тўхтатиб туриш» деб номланган 35- ва «Ижро иши юритишни тугатиш асослари» деб номланган 37-моддаларига аниқлаштириш йўсинидаги тузатишлар киритилди. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг аҳамиятли жиҳатлари мавжуд.

Умуман олганда, мазкур қонун жарима жазосини ижро этиш масалаларини ҳуқуқий тартибга солади. Хусусан, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг алоҳида моддаларини мувофиқлаштиради. Содиқ этилган жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлайди ҳамда жарима тариқасидаги жиноий жазони мажбурий ижро этишининг процессуал ҳуқуқий механизмини яратди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур қонун суд ва жазони ижро этиш органлари фаолияти билан боғлиқ Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодекслари айрим моддаларининг бир хиллигини таъминлаши баробарида, жарима тариқасидаги жазони ижро этиш тартибини белгиловчи «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини такомиллаштиришга хизмат қилади.

СУД БУЙРУҒИ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлигини ошириш мақсадида, айрим фуқаролик ишларини ўзига хос моддий-ҳуқуқий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишнинг

янги процессуал тартиблари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси «**Буйруқ тартибида иш юритиш**» деб номланган 20¹-боб билан тўлдиришди¹.

Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда «...даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш...»² мақсадида фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилишнинг бирмунча соддалаштирилган тартиби — буйруқ тартибида иш юритиш институтининг жорий этилиши фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушаётган даъво аризалари, ариза ва шикоятларни кўриб чиқишнинг дастлабки жараёнларини соддалаштириш, судьялар юритувидаги иш юкламаларини камайишида ҳамда иш сифатининг янада яхшиланишида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, 1998 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида барча тоифадаги фуқаролик ишларини мазмунан кўриб ҳал қилишнинг ягона процессуал тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра фуқаролик ишлари суд мажлисида, ишда иштирок этувчи шахсларнинг иштирокида, улар томонидан судга тақдим этилган далиллар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар бўлмиш гувоҳларнинг кўрсатмалари, экспертларнинг хулосалари асосида мазмунан кўриб ҳал қилинади. Эндиликда буйруқ тартибида иш юритиш институтининг амалга киритилиши муносабати билан низосиз ҳуқуқларни фуқаролик ишини кўзғатмасдан, ишни судда мазмунан кўрмай туриб тез ва соддалаштирилган шаклда ҳимоя қилинишига эришилмоқда.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари ҳам мазкур институтнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, муқаддам ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мулкни

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004, 1—2-сон, 18-модда.

² И.А. Каримов. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. —Т.: «Ўзбекистон», 32-б.

низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризалар бўйича ҳам фуқаролик иши юритилганлигини, ҳар икки тараф суд мажлисига чақирилиб, иш ҳал қилинганлигини, эндиликда қонун қабул қилингач, мазкур тоифадаги аризалар бўйича судья ишни кўрмасдан суд буйруғи чиқариш ваколатига эга бўлганлигини, бу, ўз навбатида, фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган фуқаролик муносабатларини ортиқча сансалорликларсиз тартибга солиш имкониятини яратганлигини таъкидлайдилар¹. Буйруқ тартибида иш юритиш институтининг амалга киритилиши муносабати билан судларда даъво тартибида кўриладиган ишларнинг сони бирмунча камайганлиги кузатила бошлади. Масалан, болалар таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарори чиқарилиб кўрилган ишларнинг сони 2003 йилда 13.928 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2004 йилда 6.727 та, 2005 йилда 3.427 та, 2006 йилда эса 3.272 тани ташкил этган. Ушбу тоифадаги ҳал қилув қарори чиқарилиб кўрилган ишлар сонининг йил сайин камайиб бораётганлиги, энг аввало, буйруқ тартибида иш юритиш институтининг амалда самара бераётганлиги билан изоҳланади. Қолаверса, биргина 2005 йилда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар туманлараро судлари томонидан чиқарилган 1153 та суд буйруғидан фақатгина 10 таси бекор қилинганлиги ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Шундай қилиб, буйруқ тартибида юритиладиган ишларнинг фуқароларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тез ва содда-лаштирилган усулда ҳимоя қилишдаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар доирасини кенгайтириш тақозо этила бошлади. Фуқаролик процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш ва суд буйруғи тартибида иш юритиш доирасини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан *«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238²-моддасига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»*ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилди. Мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 27 ноябрда қабул қилинди. Қонун Олий Мажлис Сенати томонидан 2008 йил 27 март куни

¹ Х. Ёдгоров. Суд буйруғи: суд ислохотлари самараси. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2003 йил, 4-сон.

маъқулланди ва шу йилнинг 9 апрелида матбуотда эълон қилиниб кучга кирди.

«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238²-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Фуқаролик процессуал кодексининг суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар рўйхатини белгиловчи 238²-моддаси 2-бандига ўзгартиш киритилиб, агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса, суд буйруғи чиқарилиши белгиланди.

Маълумки, даъволи ишлардан фарқли равишда буйруқ тартибида иш юритишда даъвогар ва жавобгар иштирок этмайди. Буйруқ тартибида иш юритиш жараёнида тарафлар сифатида ундирувчи ва қарздор эътироф этилади. Зеро, Кодекسدa суд буйруғига нисбатан берилган таърифдан келиб чиқиб, ушбу иш юритишда ундирувчи ва қарздор ишда иштирок этувчи тарафлар эканлигини англаш қийин эмас. Шундай экан, ФПКнинг 238²-моддаси 2-банди аввалги таҳриридаги «жавобгар» сўзининг «қарздор» деб ўзгартирилиши мантиқан тўғри ҳисобланади.

Коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб билан арз қилинган тақдирда суд буйруғи чиқарилишининг белгиланиши ҳам ҳозирги кундаги долзарб масалаларнинг ечими сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ҳеч кимга сир эмаски, суд амалиётида коммунал тўлов билан боғлиқ фуқаролик ишлари кўпчиликлари ташкил этмоқда. Статистик маълумотлардан кўринишича, 2006 йилда коммунал тўлов билан боғлиқ ишлар республика судлари томонидан жами кўрилган ишларга нисбатан фоиз кўрсаткичи бўйича 70,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилнинг 1-ярмида бу кўрсаткич 71,9 фоизга етган. Шу билан бирга, 2007 йилнинг 1-ярмида коммунал тўлов билан боғлиқ қарзни ундиришга оид кўрилган жами фуқаролик ишларининг атиги 23 таси, яъни 0,01 фоизи бўйича юқори инстанция судларига шикоят қилинган. Бу эса мазкур тоифадаги ишлар деярли низосиз эканлигини кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, шу кунгача ушбу тоифадаги фуқаролик ишлари даъво тартибида кўрилар ва уларни кўриш учун кўп вақт талаб қилинар эди. Чунки ушбу тоифадаги ишлар бўйича судьялар процессуал қонунчиликнинг умумий талабларига мувофиқ, суд муҳокамасини ўтказишлари лозим эди. Бу эса ортиқча суд харажатларини, шу жумладан, суд чақирув қоғозлари,

қоғоз, ижро варақалари, почта ва бошқа харажатларни талаб этади. Ўз навбатида, таҳлиллар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаблар юзасидан суд буйруғи чиқарилиши сарфланадиган харажатларни 1/3 бараварга қисқартиришини, шу билан бирга, мазкур ишларни кўриш тартибини енгилаштиришини кўрсатмоқда.

Худди шу каби ҳолатларни ходим ҳисобига ёзилган, лекин тўланмаган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундиришга оид фуқаролик ишлари бўйича ҳам келтириш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг «Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари» деб номланган 161-моддасига кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Таъкидлаш жоизки, иш берувчи томонидан ходимга иш ҳақини тўлаш муддатларининг бузилиши ходим ва унинг оила аъзолари ҳуқуқларини бузиб, нормал ҳаёт кечиришига жиддий таҳдид солади.

Меҳнат кодексининг 260-моддасига кўра, якка меҳнат низолари, хусусан иш ҳақини ундириш ҳақидаги ишлар меҳнат низолари комиссиялари томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин бўлса-да, лекин аксарият ходимлар иш ҳақини ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қиладилар. Бу эса, судларда кўриладиган даъво тартибидаги ишлар сони ҳамда судьялар иш юкламаларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Зеро, бу тоифадаги ишлар бўйича даъво талабларининг судлар томонидан асосан қаноатлантирилаётганлиги уларнинг низосиз эканлигини кўрсатади. Масалан, 2006 йилда республика судлари томонидан иш ҳақини ундириш тўғрисида кўриб, ҳал қилув қарори чиқарилган ишларнинг сони 26.200 тани ташкил этган бўлиб, шундан 25.878 таси, яъни 98,8 фоизи бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган. Шунингдек, 2007 йилнинг I-ярмида республика судлари томонидан кўрилган ушбу тоифадаги 9.673 та фуқаролик ишининг 9.639 таси, яъни 99,6 фоизи бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган. Таҳлиллар иш берувчи ходимнинг меҳнатига тегишли миқдорда ва ўз вақтида ҳақ олиш ҳуқуқини инкор этмаётганлигини, лекин бошқа турли сабаблар, хусусан, пул маблағи бўлмаганлигини важ қилиб иш ҳақини ўз вақтида тўламаслигини кўрсатади. Мазкур ҳолатлар ходим ҳисобига ёзилган, лекин тўланмаган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундиришга оид талаблар бўйича низонинг мавжуд эмаслигини, мазкур талаб билан арз қилинган тақдирда суд буйруғи чиқариш, энг аввало, ходимнинг

ҳуқуқларини тез фурсатларда ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилганлигини кўрсатади. Шундай экан, «*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238^б-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида*»ги Қонунга мувофиқ суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар рўйхати кенгайтирилиб, агар ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб билан арз қилинган бўлса, суд буйруғи чиқарилишининг белгиланиши муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, агар ходим юқоридаги талаб билан бирга судда кўрилиши мумкин бўлган бошқа ҳуқуқ тўғрисидаги низоли талаб билан мурожаат қилгудек бўлса, судья суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилишни ФПКнинг 152-моддаси 4-бандида назарда тутилган асос бўйича рад этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида» 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарори 46-бандига кўра, суд иш берувчига ҳар қандай меҳнат ҳуқуқининг бузилиши оқибатида ходимга етказилган маънавий зарарни қоплаш мажбуриятини юклаши мумкинлиги юзасидан тушунтиришлар берилган. Шундай экан, ходим ўз ҳисобига ёзилган, лекин иш берувчи томонидан тўланмаган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб билан бирга ўзига етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабни ҳам илгари суриш ҳуқуқига эга. Ўз навбатида, мазкур ишда ҳуқуқ тўғрисидаги низо мавжуд бўлиб, иш судда даъво тартибида кўриб чиқилади.

Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда МДХга аъзо давлатларнинг қонунчилик тажрибалари ўрганилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Россия Федерацияси фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам суд буйруғини чиқариш бўйича бир неча талаблар кўрсатилган бўлиб, унга кўра: 1) талаб нотариал тасдиқланган битимларга асосланган бўлса; 2) талаб оддий ёзма шаклда амалга оширилган битимларга асосланган бўлса; 3) талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланса; 4) агар вояга етмаган бола учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурияти билан боғлиқ бўлмаган талаб юзасидан арз қилинган бўлса; 5) солиқлар, йиғимлар ва давлат бюджетига мажбурий тўловлар бўйича боқимандаликни унди-

ришни фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб қўйилса; 6) агар ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ундиришга қаратилган бўлса; 7) ички ишлар органлари, солиқ полицияси, суд приставлари бўлимлари томонидан жавобгарни ёки қарздорни ёхуд унинг мол-мулкини ёки суднинг ҳал қилув қарори билан болани қидириш учун кетган харажатларни ундириш, шунингдек, қарздордан олиб қўйилган ва хатланган мол-мулкни сақлаш, турар жойдан қўчирилган қарздордан ундирилган ва қарздорнинг сақланаётган мол-мулкларини сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундиришга доир талаблар бўлса, суд буйруғи чиқарилиши белгиланган (РФ ФПКнинг 122-моддаси).

Шунингдек, Беларусь, Қозоғистон ҳамда Озарбайжон Республикаларининг ФПКларида ҳам суд буйруғини чиқариш бўйича юқоридаги талаблар ўз ифодасини топган. Дарҳақиқат, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида буйруқ тартибида иш юритиш институтининг жорий қилинганлиги фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган ҳуқуқий муносабатларнинг ўз вақтида, турли сансалорликсиз ҳал этилишини назарда тутувчи суд-ҳуқуқ ислохотларининг самараси ҳисобланади. Шундай экан, буйруқ тартибида иш юритиш институтининг фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тез фурсатларда ҳимоя қилишдаги ҳамда фуқаролик ишларини кам харажат сарфлаб, соддалаштирилган тартибда кўриб ҳал қилишдаги аҳамиятини инобатга олган суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар рўйхатини ислохотларнинг кейинги босқичларида янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАРИ

Маълумки, ўтган мустақиллик йилларида амалга ошириб келинаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизнинг бош мазмун-моҳияти инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу айниқса бугунги кунда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий моҳияти — фуқароларнинг кундалик талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларни товар ва хизматларнинг замонавий турлари билан таъминлаш ҳамда улар учун ҳеч кимдан кам бўлмаган турмуш шароитларини яратиб беришда намоён бўлмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисида сўзлаган маърузасида таъкидлаганидек, «Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун» деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади».

Бугунги кунда мамлакатимизда бозор принципларига асосланган кўп тармоқли иқтисодиётнинг қарор топганлиги ҳамда моддий ишлаб чиқариш, турли хизматлар кўрсатиш соҳасида хусусий мулкчиликка асосланган тadbиркорлик субъектлари сонининг сезиларли даражада ошиб бораётганлиги, товарлар ва хизматлар ассортиментининг ўтган йилларга нисбатан кўпайиб бораётганлиги (хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2006 йилда 110,8 фоиз, 2007 йилда эса 112,1 фоизни ташкил этган), эркин рақобат муҳити шароитида истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжларининг шаклланаётганлиги, ўз навбатида, бу соҳадаги қонунчилик тизимини янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Жумладан, Конституциямизнинг 53-моддасида истеъмолчилар ҳуқуқларининг устунлигини таъминлашга оид норма ўз аксини топган бўлиб, унда «Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тadbиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди», дейилган. Мазкур истеъмолчилар ҳуқуқларининг белгиланган кафолатлари эса бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 1996 йил 26 апрелдаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун нормалари билан батафсил тартибга солиниб келинмоқда.

Албатта, мазкур қонунлар ўтган давр мобайнида ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларда «**истеъмолчи доимо ҳақ**» деган қонданнинг амал қилишида муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтади. Бундай қонданнинг вужудга келишига асосий сабаб бозор иқтисодиёти қонуниятлари ҳисобланган талаб ва таклиф, эркин рақобат шароитида ҳукмдорлик жиҳатидан анча «заиф» бўлган истеъмолчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Аммо, шу билан бирга, бугунги кунда кенгайиб ва ривожланиб бораётган бозор муносабатларига мос келувчи, харидор манфаатларини етарли ҳимоя қила оладиган самарали назорат меха-

низмларини жорий қилиш, истеъмолчиларга ўз ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишларини кафолатлаш, маҳсулот ва хизматларнинг реализация қилинишида юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш тизимининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 12 декабрда қабул лисида маъқулланган ҳамда 2008 йил 10 апрель куни матбуотда эълон қилиниб, расмий кучга кирган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни маҳсулот ва хизматларнинг белгиланган меъёрлар ва сифатга тўғри келишини таъминлашга, истеъмолчилар ҳуқуқларини янада самарали ҳимоя қилишда, айниқса, тегишли маълумотларга эга бўлмаган товарларни ишлаб чиқариш ва сотилишини камайитириш имкониятини яратишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-573-сон қарори (1-сонли илованинг 4.4-банди) ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда ижтимоий ҳаётга татбиқ этилган мазкур қонунда белгиланган қўйидаги муҳим қондаларнинг мазмун-моҳиятига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

биринчидан, маълумки, амалиётда кўп ҳолларда ишлаб чиқарувчилар товарнинг ишлаб чиқарилган санасини кўрсатмай-риш бу эса ўз навбатида сотувчилар томонидан ишлаб чиқариш муддати кўрсатилмаган товарларни сотиш учун қабул қилиш ҳамда бунинг натижасида истеъмолчиларнинг товарнинг яроқлилик муддатини ҳисоблаш имкониятига эга бўлма-ликларига сабаб бўлмоқда. Зеро, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига му-вофиқ, дори-дармон, озиқ-овқат ва майший кимё товарларида уларнинг ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати ҳамда уларни сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим.

Бу ўринда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-мод-да-сига киритилган *муҳим ўзгартиш ва қўшимчалардан бири* — бу эндиликда сотувчиларга нафақат яроқлилик муддати ёки яроқлилик муддати ўтиб кетган, балки *ишлаб чиқарилган сана-си кўрсатилмаган товарларни ҳам қабул қилиш ва реализация*

қилиш ман этилганлигидадир. Мазкур норма эса ўз навбатида истеъмолчиларни тўлиқ, шу жумладан товарнинг сифати, яроқлилик муддатида истеъмол қилиш ва назарда тутилган мақсадларда ишлатилиши тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бутунги кунда Россия, Молдова, Украина каби давлатларнинг шу соҳага оид қонунларида мазкур норманинг мавжудлигини кузатиш мумкин;

иккинчидан, сўнгги пайтларда республикамізда истеъмолчилар томонидан ҳақиқатда кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олиш ҳолатлари бўйича манфаатдор органларга кўплаб ариза ва мурожаатларнинг келиб тушиш тенденциясининг давом этаётганлиги, ўз навбатида, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддаси иккинчи қисмида «Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга, *шунингдек кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмас*»ликларининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилишига сабаб бўлди.

Албатта, ушбу қонданинг Қонунда ўз ифодасини топганлиги, ўз навбатида, товар етказиб берувчилар ва хизмат кўрсатувчилар томонидан товар ва хизмат баҳосини яхлитлашнинг олдини олишга хизмат қилади;

учинчидан, Қонуннинг 11-моддаси олтинчи қисмига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, яъни сотувчилар томонидан ишлаб чиқариш санаси кўрсатилмаган товарларни қабул қилиш ва сотиш таъқиқланаётганлиги, ўз навбатида 27-модданинг иккинчи қисмига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозимлигини тақозо этади. Шу боисдан «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддаси иккинчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари томонидан ишлаб чиқарувчига (ижрочига, сотувчига) яроқлилик муддати билан бир қаторда *ишлаб чиқарилган санаси кўрсатилиши шарт эканлиги қонун ҳужжатларида белгиланганлигига қарамай, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган товарларни реализация қилишга ва сотишга қабул қилганлик учун* товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи тегишли давлат бошқаруви органларининг ушбу товарларнинг истеъмол (фойдаланиш) учун яроқлилиги тўғрисидаги хулосаси олинган тақ-

дирда, реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг беш фоизи ва ушбу товарларнинг истеъмол (фойдаланиш) учун яроқсизлиги тўғрисидаги хулосаси олинган тақдирда, реализация қилиш учун қабул қилинган товарлар ҳажмининг юз фоизи миқдориди, бироқ энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўп бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга эканликлари белгиланди;

*ва ниҳоят, тўртинчидан, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»*ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига асосан, республикада Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органларига истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш аломатлари аниқланган тақдирда, ишлаб чиқарувчидан (ижроқидан, сотувчидан) зарур ҳужжатлар, тушунтиришларни ва бошқа ахборотни сўраб олиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Аммо, амалдаги қонунчиликда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг маълумот тақдим этмаганлиги ёки нотўғри маълумот тақдим қилганлиги учун жавобгарлик чоралари белгиланмаганлиги, ўз навбатида, амалиётда монополияга қарши давлат органи томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларини бажаришда бир қатор низоли ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Зеро, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ваколатли давлат органи фаолиятининг самараси, кўпинча зарур ишончли маълумотни тезкорлик билан олиши ва у асосида тегишли қарор қабул қилишига боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Шу боис «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига риоя этиш, бу борада давлат назоратини самарали амалга ошириш, бундан ташқари, қонун нормалари ўртасидаги бирхилликни, ўзаро мувофиқликни таъминлаш мақсадида Қонуннинг 27-моддаси иккинчи қисмида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари томонидан ишлаб чиқарувчига (ижроқига, сотувчига) нафақат истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги ўз кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товланганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик,

шунингдек, уларга товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида ахборот тақдим этмаганлик ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун жавобгарлик чораларини қўллаш, яъни юридик шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда; жисмоний шахсларга эса энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга эканликлари ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлаб қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, монополияга қарши давлат органи томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларини амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўташга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу қонуннинг ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этилиши, *биринчидан*, республикамызда бозор муносабатлари жадал ривожланаётган ҳозирги даврда истеъмолчиларни сифатли маҳсулот ва иш (хизмат)лар билан таъминлашга; *иккинчидан*, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга; *учинчидан*, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасини кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича ваколатли давлат органлари томонидан зарур чораларни ўз вақтида амалга оширишга; *тўртинчидан*, бозор муносабатларининг оддий тамойили — «Омбор учун эмас, истеъмолчи, харидор учун ишлаш керак» деган қоидага ҳўжалик юритувчи субъектларнинг амал қилишларига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, истеъмолчилар ҳуқуқларининг устунлигини таъминлаш бўйича конституциявий қонуннинг барқарорлигига олиб келади.

РЕКЛАМА СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ЯНГИЛИКЛАРИ

Бугунги кунда Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида жамият ҳаётининг барча соҳаларида босқичма-босқич ислохотларни амалга ошириб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур ислохотларнинг салмоқли қисми ижтимоий соҳага йўналтирилган бўлиб, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб амалга оширилаётган бу сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида таъкидлаш жоизки, ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағлар давлатимиз бюджетининг умумий харажатларига нисбатан 2006 йилда 51,9 фоизни, 2007 йилда 53,8 фоизни, 2008 йилда эса 54,6 фоизни ташкил этади.

Ана шу сиёсатни изчил давом эттириш, унинг самарадорлиги ва таъсирини ошириш, жамиятимизда инсонпарварлик, меҳроқибат ва саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2007 йил юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди ва шу асосда махсус Давлат дастури амалга оширилди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва қулай тадбиркорлик муҳити яратиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес жадал суръатларда ривожланмоқда, иқтисодиётда хусусий сектор кенгаймоқда. Мамлакатимизда хусусий секторнинг кескин ривожланаётганлиги оммавий ахборот воситалари, яъни реклама тарқатувчилар фаолияти мисолида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Хатто «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда востока» сингари марказий газеталар ҳам ҳўжалик ҳисобида фаолият кўрсатмоқда. 2008 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги ПҚ-573-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг 4.3-бандини ижро этиш мақсадида «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган биргина реклама тарқатувчи оммавий ахборот воситаларининг сони 970 тани ташкил этаётган бўлса, улар орасида давлат бюджетидан молиялаштирилмайдиган оммавий ахборот воситалари жуда кўпчиликни ташкил этади. Хусусан, Республикаимизда 74 та телерадио воситалари фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг бор-йўғи 15 таси давлат бюджети ҳисобидан молиялаш, шу билан бирга, 69 та телерадиостанциялар ўз маблағлари ҳисобидан фаолият юритмоқдалар. Қабул қилинган янги қонунда ижтимоий рекламали ахборотнинг оммага кенг кўламда тарқатилиши зарурлигини, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини кўзлаган ҳолда, фаолияти қандай молиявий таъминланишидан қатъи назар, барча реклама тарқатувчиларга реклама майдонлари (теле-, радиоэфирда, нашр ва реклама майдони)да жойлаштиришлари норма сифатида белгилаб қўйилган.

Мазкур қонун қабул қилингунга қадар амалда бўлган «Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг «Ижтимоий рекламали ахборот» деб номланган 16-моддаси учинчи қисмида фақатгина фаолияти давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақтининг (нашр майдонининг) камида беш фоизи ҳажмида ижтимоий рекламали ахборотни бепул жойлаштириши

зарурлиги белгилаб қўйилган эди. Мазкур модданинг биринчи қисмидаги қоидага кўра ижтимоий рекламали ахборот жумласига соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия ресурсларини сақлаб қолиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш ва шу сингари нотижорат йўсиндаги бошқа ахборотлар кирadi.

Ижтимоий рекламали ахборотнинг муҳим ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда учинчи қисмга киритилган ўзгаришлар ижтимоий рекламали ахборот фаолияти қайси манбалардан молиялаштирилишидан қатъи назар, барча реклама тарқатувчилар томонидан жойлаштирилиши мажбурийлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, ижтимоий рекламали ахборот ҳажми реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг камида беш фоизини ташкил этиши зарурлиги ҳам аниқлаштирилиб, мустақамланди. Таъкидлаш жоизки, қабул қилинган янги қонун билан ҳам фаолияти давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган реклама тарқатувчиларнинг ижтимоий рекламали ахборотни бепул жойлаштириш ҳуқуқи сақланиб қолинди. Умуман олганда, ижтимоий рекламанинг мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги ислохотлар, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари, анъаналари моҳиятини оммага етказишда катта аҳамиятга эга эканлигини инобатга олганда реклама тўғрисидаги қонунчиликка киритилган мазкур қўшимча ва ўзгартириш бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йилнинг 27—28 март кунлари бўлиб ўтган навбатдаги ўн учинчи ялпи мажлисида вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид бўлган муҳим қонун — «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди. Ушбу қонун 2008 йилнинг 17 апрелида матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда вояга етмаган шахсларнинг

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Замонавий таълим муассасаларининг барпо этилаётганлиги, ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат гамхўрлиги, айниқса, жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниб, «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида муҳим чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги ушбу сиёсатнинг яққол ифодасидир. «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ёшлар келажагига нисбатан давлат эътиборининг намоиши сифатида вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек болалар ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Мазкур Қонун олтига моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунига, Жиноят кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди.

Статистик маълумотларга кўра, кейинги йилларда мамлакатимизда назоратсиз вояга етмаганлар сони ва улар томонидан қонунга зид қилмишлар содир этиш ҳолатлари бирмунча кўпаймоқда. Жумладан, қаровсиз қолганлиги сабабли ички ишлар органларига келтирилган болалар сони 2006 йилнинг биринчи ярмида 26.555 нафарни ташкил этгани ҳолда, 2007 йилнинг биринчи ярмида бу рақам 28.560 нафарга ўсган. Табиийки, қаровсиз қолган ва ҳаёт кечириш учун зарур моддий воситаларга эга бўлмаган вояга етмаган шахслар ижтимоий ҳаётдан хатарли гуруҳга мансуб бўлиб, улар ноқонуний ҳаракатларни содир этишга мойил бўлади. Хусусан, 2007 йилнинг биринчи ярмида 1290 нафар вояга етмаган шахслар жиноий, 3207 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилганлиги таъкидланарли ҳолдир.

Шу маънода, ушбу Қонун билан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг ваколатлари» деб номланган 13-моддасига ўзгартиш киритилиб, унга кўра фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) зиммасига вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жа-

моатчилик ишларини ташкил этиш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига такдим этиш, шунингдек бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашиш вазифаларининг юклатилганлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки маҳалланинг фаол иштирокисиз бу борада ижобий натижаларга эришиш амримаҳол. Қолаверса, тегишли ҳудудда болаларнинг қаровсиз қолганлигидан аввало маҳалла аҳли хабардор бўлиб, улар томонидан ўз вақтида зарур чора-тадбирларнинг кўрилиши юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олади.

Маълумки, вояга етмаган шахснинг психологик ва жисмоний ривожланиш даражаси катталарга улардан осонлик билан ўз манфаати йўлида фойдаланишига имконият яратади. Шу сабабли, катта ёшдагиларнинг вояга етмаган шахслар ҳулқига кўрсатадиган салбий таъсири болалар жиноятчилигининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Жумладан, 2007 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун 127 нафар шахс маъмурий, 222 нафар шахс эса жиноий жавобгарликка тортилган бўлиб, шундан 59 нафари ота-оналардир. Шунинг учун, мазкур Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 127-моддаси биринчи қисми санкциясига кўшимча киритилиб, ушбу жиноятни содир этганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима жазоси ҳам назарда тутилди ва судларга мазкур жиноят учун жазо тайинлашда жазо турларини танлаш имконияти кенгайтирилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш» деб номланган 122-моддасига ўзгартиш киритилиб, мазкур модданинг биринчи қисми санкциясидаги ахлоқ тузатиш ишлари жазоси бир йил муддатга камайтирилди ва ушбу жиноятни хавфли рецидивист томонидан содир этилганлиги учун жавобгарликни белгиловчи иккинчи қисм билан тўлдирилди.

Шу билан бирга, мазкур Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жавобгарликни кўзда тутувчи 188-модда санкциясидаги жарима миқдори кўпайтирилиб, энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда этиб

белгиланди. Мазкур Кодекс, шунингдек, «Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш» деб номланган янги 188¹-модда билан ҳам тўлдирилиб, бундай қилмиш учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима жазоси назарда тутилди. Шу асосда қонун «Бир неча ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо қўлланиш» деб номланган 34-моддага ўзгартишлар киритишни белгилади. Унга кўра, башарти шахс маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилган ҳолда содир этган бўлса, ушбу ҳуқуқбузарликка доир иш материаллари кўриб чиқиш учун судга топширилади. Бу ўз навбатида, катта ёшдаги шахсларнинг вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жавобгарлигини ошириб, шу каби қилмишларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Маълумотларга қараганда, 2004—2006 йиллар ва 2007 йилнинг 7 ойи давомида прокуратура органлари томонидан фарзандликка бериш, васийлик ва ҳомийлик тайинлаш ҳақидаги қонунчилик ижроси юзасидан 822 та текшириш ўтказилган бўлиб, уларнинг натижаларига кўра 2561 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган, қўпол қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан 15 та жиноят иши қўзғатилиб, судларга 2,2 млн. сўм ундириш ҳақида 326 та даъво аризалари киритилган.

Шу муносабат билан «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгартишлар Кодексни ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаганлик, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида атайин нотўғри маълумотлар берганлик учун (47¹-модда) ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга, фарзандликка беришда, уларга васийлик (ҳомийлик) белгилашда ёхуд уларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун (47²-модда) маъмурий жавобгарликни белгилайдиган иккита янги моддалар билан тўлдирилди. Кодексга мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилганлиги бу борада фуқаролар ва мансабдор шахслар-

нинг жавобгарлигини белгилаш билан бир қаторда, уларнинг масъулиятини оширишга олиб келади.

Қонунга биноан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47¹, 47² ва 188¹-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш маъмурий ишлар бўйича судьялар судловига тааллуқли эканлиги белгиланди. Шу билан бирга, 188-моддада назарда тутилган, илгари маъмурий комиссиялар (246-модда), вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар (247-модда) ва ички ишлар органлари (248-модда) томонидан кўриб келинган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш ҳам судлар судловига тааллуқли бўлиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига киритилган ўзгартишлар, ушбу Кодекснинг «Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш» деб номланган 149-моддасига дахлдор бўлиб, уни янада аниқлаштиришга хизмат қилади. Бунда муассасаларнинг (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларнинг), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ва бошқа фуқароларнинг болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлигидан хабардор бўлгач, етти кунлик муддат ичида бу ҳақда болалар ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беришлари шартлиги белгилаб қўйилди. Васийлик ва ҳомийлик органи бундай маълумотларни олган кундан эътиборан уч кун ичида боланинг турмуш шароитини текшириб чиқиши ва боланинг ота-она ёки қариндошлари қарамоғидан маҳрум бўлганлиги аниқланса, уни жойлаштириш масаласи ҳал бўлгунига қадар боланинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши шартлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамланди. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаганликда, шунингдек уларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши назарда тутилди. Қонунда у кучга кирган кундан эътиборан бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борада ташкилий-ҳуқуқий механизмларни тақомиллаштиришга қаратилган бўлиб, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

ҲАВО ТРАНСПОРТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, транспорт, шу жумладан ҳаво транспорти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий ва ҳуқуқий тусдаги чора-тадбирлар мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Уларнинг амалий натижаси ўлароқ бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудларида фуқаро авиацияси учishi хавфсизлигини назарда тутувчи турли масалаларни ўз ичига қамраб олган бир қатор шартномаларга қўшилди.

Маълумки, ўз олдига фуқаролик жамиятини куришни мақсад қилган ҳар бир давлатда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш шароитида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий муҳофазаси биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, либераллаштириш жараёнлари бунинг исботидир.

Мазкур ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2008 йил 8 апрелда тасдиқланган ва шу йил 9 апрелида матбуотда эълон қилиниб, кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунини келтириш мумкин. Қонуннинг асосий мақсади фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, транспорт, шу жумладан ҳаво транспортдан фойдаланиш борасида хавфсизликни таъминлашдан иборат.

Ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси парвозларининг хавфсизлиги қоидаларини тартибга солидиган бир қатор халқаро шартномаларга қўшилди, шунингдек бу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига транспортда, шу жум-

ладан ҳаво транспортида жиноятлар содир этганлик учун, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида эса ҳаво кемасида юриш-туриш қоидаларини бузиш, ҳаво кемаларининг ойналари ва ички жиҳозларига шикаст етказиш, шунингдек ҳаво кемаларида белгиланмаган жойларда чекиш билан боғлиқ қатор ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик назарда тутилган. Аммо мазкур чора-тадбирлар транспортда давлат ва жамоат тартиби сақланишини, транспортда хавфсизликни етарли даражада таъминлаб бермаётганлиги юқорида айтиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кутилган самара бермади. Хусусан, ҳуқуқни қўлланиш амалиётини таҳлил қилиш ҳаво кемасида йўловчилар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони кўпайганлигидан, бу ҳуқуқбузарликлар ҳаво кемаларининг хавфсиз парвозига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солаётганлигидан далолат бермоқда.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ва ўзгартириш назарда тутилган. Қонуннинг 1-моддасида Кодекс нормаларининг амал қилиш ҳудуди белгилаб олинганлиги эътиборга лойиқ. Унга кўра ушбу Кодекснинг 9-моддаси қуйидаги тахрирдаги қўшимча (2-қисм) билан тўлдирилди: «Ўзбекистон Республикасининг байроғи остидаги ёки Ўзбекистон Республикасининг портида рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида очик ҳаво ёки сув бўшлиғида бўлган кемада маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу кодексга мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади». Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 11-моддасида Ўзбекистон байроғи остидаги ёки Ўзбекистон портида рўйхатга олинган ҳаво, денгиз ёки дарё кемасида Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлиб, чет эл давлати ҳудуди ҳисобланмаган жойда жиноят содир этилса, бундай жиноят учун ушбу Кодекс бўйича жавобгарликка тортилиши белгиланган. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида бундай мазмундаги норма мавжуд эмас. Ушбу норма халқаро амалиёт ва Жиноят кодекси нормаларига аналогик тарзда қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдиришга муносиб хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу норманинг ўзига хослиги — унинг халқаро нормаларда назарда тутилмаган ҳолларда ҳаракат қилишидадир.

Кейинги пайтларда локомотивларни, пассажир вагонларини, автобусларни, таксиларни, шаҳар ичида қатновчи электр транспортларини, метрополитен вагонларининг ойналарини синдириш ва ички жиҳозларини бузиш оқибатида жуда кўп миқдорда моддий ҳамда фуқаролар соғлиғига жиддий зарар етказилган. 2007 йилнинг ўн бир ойи давомида бундай ҳуқуқбузарликлар олтмиш иккитани ташкил этган. 2006 йилда эса бу кўрсаткич қирқ олтитадан иборат бўлган. Бунда масъулиятни ҳис қилмасликнинг оқибати ўлароқ, ҳуқуқбузарликни қайта-қайта содир этиш ҳолати кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг айрим моддаларида ҳаво кемаси парвози чоғида унинг бортида фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, парвозларнинг хавфсизлиғига хавф солувчи ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун назарда тутилган жазо чоралари бундай ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилик даражасига мос эмас. Қонун нормалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, шунингдек, белгиланган қонунчилик тартиб-таомилларига тўғри келади.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларига мос келади. Шунга асосан, мазкур Қонуннинг 1-модда, 2-қисмига кўра МЖТК 117-моддаси 1-қисми санкциясидаги «энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача» деган сўзлар «энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар билан, 2-қисми санкциясидаги «энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача» деган сўзлар «энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан, шунингдек Кодекс 121-моддаси 1-қисми санкциясидаги «энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан, 2-қисми санкциясидаги «энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача» деган сўзлар эса «энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилиши назарда тутилган. Келтирилган моддаларда ҳаво кемасида юриш-туриш қоидаларини бузиш (117-модда) ва транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш (121-модда) каби маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган. Уларни содир этганлик учун

жавобгарлик кучайтирилишининг кўпгина сабаблари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, бунга кўра нафақат локал ва ички, яъни шаҳар ва республика ичидаги, балки шаҳар атрофи, шаҳарлар-аро, шунингдек, халқаро миқёсдаги транспорт воситаларида (автобус, такси, поезд, дарё ва ҳаво кемалари) юриш-туриш қоидалари тартибга солинган. Демак, ўз-ўзидан интеграциявий ҳолатда халқаро стандартлар асосида ҳуқуқий қоидаларни амалга киритиш табиий ҳолдир;

иккинчидан, тегишли нормаларнинг бажарилмаслиги доимо тартибсизлик ва бошқа пассажирларнинг соғлиғи ҳамда тинчлигига зарар етказилиши билан кузатилади. Жавобгарликнинг кучайтирилиши ҳуқуқбузарлик профилактикасига ёрдам беришини эътиборга олиб, бу чоралар ўзини оқлашига ишончимиз комил;

учинчидан, ҳаво кемаси каби мураккаб пассажирлик транспортда кичик кўринган ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳам-мамизга маълум. Шунинг учун бу борада ҳам жавобгарликнинг кучайтирилганлиги қўл келиши шубҳасиз;

тўртинчидан, поезд, локомотив, автобус ҳамда таксилар ойна ва жиҳозларига нафақат пассажирлар, балки ташқаридаги шахслар томонидан ҳам зарар етказилиши мумкин. Бунда транспорт ичидаги пассажирларнинг ҳам ҳаётига хавф туғилиши эҳтимоли бор. Уларнинг олдини олиш мақсадида ҳам жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фақатгина 2006 йилда ва 2007 йилнинг 11 ойида ҳаво кемалари бортида йўловчилар спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, ўзаро ва кема экипажи аъзолари билан жанжаллашгани, кема командири кўрсатмаларини бажармаслик ҳолатлари, учиб чоғида кема борти ички жиҳозларини шикастлантириш ҳоллари, ҳаво кемаси бортида туриб фотосуратга, кинога, видеога олиш, шунингдек, радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолларидан элликка яқини ҳисобга олинган. Маълумки, «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бошқарувининг 2000 йил 4 январдаги 1-сонли буйруғига асосан, 2000 йилнинг 1 февралидан бошлаб, Миллий авиакомпания рейсларида чекиш тақиқланган. Бироқ бу ҳол ҳуқуқбузарликнинг бутунлай йўқолиб кетишига асос бўлмади. Буни чекиш ҳолатларининг камаймани, аксинча, кўпая борганлигидан билиб олиш мумкин.

Демак, белгиланмаган жойларда чекишнинг олдини олиш, фақат белгиланган жойларда чекилишини назорат қилиш ва бунинг ҳуқуқий тартибга солиниши вақти етди, десак адашмаган бўламиз. Шунга ўхшаш ҳолатларни ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан келтирилган маълумот ҳамда хулосаларни эътиборга олган ҳолда ушбу Қонуннинг I-моддаси 4-қисмига мувофиқ, МЖТКнинг 122-моддаси таҳрири ўзгартирилиб, қуйидаги кўринишда баён этилди: «Маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиган поездларда, дарё кемаларида белгиланмаган жойларда, шаҳар атрофига қатнай-диган поездларнинг вагонларида (шу жумладан, тамбурлари-да), шаҳар ичида, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда қатнайдиган автобусларда чекиш, шунингдек, таксиларда, маршрут таксиларда ҳамда шаҳар электр транс-портида чекиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Ҳаво кемала-рида чекиш энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади».

Мазкур таҳрирнинг олдинги ҳолатида бошқа транспорт воситаларидаги каби белгиланмаган жойда чекиш учун жавоб-гарлик мавжуд бўлса, ҳаво кемаси алоҳида қисмда баён эти-либ, эндиликда умуман белгиланган-белгиланмаганлигидан қатъи назар, чекиш учун жавобгарлик тайинланди, иккинчи-дан, ҳаво кемаларида чекиш учун жавобгарликнинг (жарима) энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисмидан энг кам иш ҳақининг икки бараварига кўпайтирилганлиги, яъни жавоб-гарлик чорасининг кучайтирилганини кўрсатиш мумкин. Шу ўринда жавобгарликнинг субъектлари ва жавобгарликни қўллов-чилар доираси масаласи келиб чиқади. Жавобгарликнинг субъек-ти ушбу қонунда белгиланган турдаги транспорт хизматидан фойдаланаётган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин. Шу билан бирга, агарда халқаро транспортга зарар етказувчи хорижий давлатда ҳуқуқбузарликни содир эта туриб, ўзи ҳам бошқа дав-латнинг фуқароси бўлса, у жавобгарлик субъекти бўлиши мум-кинми, деган савол туғилади. Бундай ҳолда тегишли давлат билан Ўзбекистон Республикасининг қандай турдаги халқаро келишуви ёки шартномаси мавжуд бўлса, авваламбор, ушбу шартнома қоидаларига амал қилинади. Шунингдек, ушбу тур-даги жавобгарликни қўлловчилар қаторига авваламбор, ҳуқуқбу-зарлик содир этилган жойга энг яқин милиция пункти ходим-лари, қолаверса, тегишли транспорт воситалари (дарё ва ҳаво транспорти) капитанлари ва бошлиқларини киритиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, давлат ва жамият манфаатларини кўриқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун жавобгарлик чораларини оғирлаштириш ҳам керак пайтида ўз самарасини бериши мумкин. Шундай экан, ушбу Қонуннинг кучга киритилиши техника хавфсизлиги, авваламбор, ундан фойдаланувчи пассажирлар хавфсизлигини таъминлашда катта хизмат қилишига ишониш мумкин. Қонун, шу билан бирга, давлат ва жамият иқтисодий манфаатлари йўлида ҳам хизмат қилади. Чунки пассажирлар фойдаланувидаги транспорт воситаларининг асраб-авайланиши техника воситаларини таъмирлаш учун кетадиган қанчадан-қанча маблағнинг тежалишига хизмат қилади. Демак, ушбу қонун жамиятни ислоҳ қилиш, давлат ҳуқуқий базасини такомиллаштириш учун қилинадиган бир қанча ижобий чора-тадбирларнинг бир қиррасидир, десак адашмаймиз.

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 27—28 мартдаги ўн учинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларини тартибга солишга қаратилган қатор қонунлар муҳокама қилинди ва маъқулланди. Ушбу қонунлардан бири «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2008 йил 12 апрелда матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди. Қайд этиш жоизки, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида ватанимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг устувор йўналишларидан бири жиноий жазоларни либераллаштириш ҳисобланади. Амалдаги жиноят қонунига ярашув институтининг киритилиши, ўлим жазосининг бекор қилиниши, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг кенг қўлланила бошланганлиги инсонпарварлик ва одиллик принципларининг ифодаси бўлиб, қабул қилинган янги қонун ҳам жиноят қонунчилигимизни либераллаштиришга қаратилган навбатдаги қадамлардан биттаси бўлди.

Маълумки, жазо тайинлаш жиноят қонунчилигининг алоҳида институтларидан бири ҳисобланади. Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Ўз навбатида, қонун чиқарувчи орган томонидан баъзи жиноятлар бўйича жазо тайинлашда уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб алоҳида жазо тайинлашга оид нормалар белгиланган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддаси биринчи қисмига биноан, суд тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилиш билан бирга жиноятнинг оғир-енгиллигини, жиноий ният амалга оширилишининг даражасини ва жиноятни охирига етказолмаганлик сабабларини ҳам ҳисобга олади. Шу билан бирга, жазо тайинлашга оид ушбу нормаларнинг умумий хусусиятга эга эканлигини, қонунда тамом бўлмаган жиноят учун тайинланадиган жазонинг юқори чегараси белгилаб берилмаганлигини қайд этиш лозим. Тайёргарлик кўриш ёки суиқасд босқичида тўхтатилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси тамом бўлган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан камроқ бўлади. Шу сабабли ҳам республикаимиз Жиноят кодексига тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг алоҳида тартибини киритишга эҳтиёж бор эди. Таҳлил қилинаётган қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддаси иккинчи қисм билан тўлдирилди ва тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг янги тартиби киритилди. Қонуннинг мақсади ҳам тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноятлар учун судлар томонидан тайинланадиган жазолар миқдорини табақалаштириш билан жиноят-судлов ишларида адолат ва инсонпарварлик принципларини таъминлашдан иборатдир. Киритилган қўшимчага биноан эндиликда жиноятта тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак.

Масалан, шахснинг ўғрилиқ (ЖКнинг 169-моддаси биринчи қисми) жиноятини содир этишга қаратилган ҳаракатлари тайёргарлик кўриш ёки содир этишга суиқасд босқичида тўхтатилган бўлса, мазкур жиноят учун ушбу модда қисми санкциясида энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Агар суд ушбу тамом бўлмаган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони тайинлашни лозим топса, унинг муддати 2 йилу 3 ойдан ошмаслиги керак.

Хорижий давлатларнинг, шу жумладан ҳамдўстлик давлатлари Жиноят кодексларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқда-

ки, уларнинг аксариятида, чунончи Австрия, Дания, Голландия, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Тожикистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия давлатларида тамом бўлмаган жиноят учун алоҳида жазо тайинлаш тартиблари назарда тутилган бўлиб, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш учун тайинланиши мумкин бўлган жазонинг энг кўп муддати ёки миқдори тамом бўлган жиноят учун тайинланиши мумкин бўлган жазонинг энг кўп муддати ёки миқдорига нисбатан қисқартирилган. Масалан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 66-моддаси учинчи қисмида жиноятга суиқасд қилиш учун тайинланадиган жазо мазкур Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида тамом бўлган жиноят учун назарда тутилган энг оғир жазонинг кўп муддати ёки миқдорининг тўртдан уч қисмидан ошиб кетиши мумкин эмас, деб белгиланган.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, тамом бўлмаган жиноятлар учун жазо тайинлашнинг юқорида кўрсатилган тартиби баъзи жиноятлар бўйича жазо тайинлашда қўлланилмайди. Чунончи, ушбу қоида: а) ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жинойи уюшма аъзоларига нисбатан; б) тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар учун (ЖКнинг иккинчи бўлимида кўрсатилган жиноятлар), шунингдек жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисми); в) ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш (ЖКнинг 118-моддаси тўртинчи қисми, 119-моддаси тўртинчи қисми); г) ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар (ЖКнинг 246-моддаси иккинчи қисми) учун жазолар тайинлашда қўлланилмайди.

Фикримизча, қонунда юқорида кўрсатилган шахслар ва жиноятлар учун жазо тайинлашда тегишли қонунда қўллашнинг тақиқланиши ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси низоҳатда юқори эканлиги билан изоҳланади.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 58-моддасига киритилган ушбу қўшимча судларнинг адолатли жазо тайинлаш имкониятларини кенгайтиради, пировардида жиноят қонунчилигимиз нормаларида инсонпарварлик ва одиллик принципларининг амал қилишини таъминлашга хизмат қилади.

ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Мамлакатимизда инсон меҳнати ва қадр-қимматини улуғлашда ва уни тан олишда давлат мукофотларининг ўрни беқиёсдир. Бизга маълумки, Ватан ва эл-юрт равнақи учун фидокорона меҳнат қилган инсонлар ҳар доим эъзозланади десак, муболаға бўлмайди. Айниқса, мустақиллик шароитида фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари таъминланаётганлиги, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида улуғланаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширишининг Конституциявий кафолатлари яратилганлиги давлат мукофотлари соҳасида давлат сиёсатининг устувор қонунчилик асосларини яратиш имконини берди. Давлатнинг халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилаётганлиги, фуқароларнинг меҳнат ва жанговар хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун давлат мукофотлари билан тақдирланишида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Кези келганда шуни айтиш жоизки, мустақиллик йилларида нафақат давлат мукофотларининг қонунчилик асослари яратилди, балки унга ёндашув ҳам тубдан ўзгарди. Бошқача айтганда, давлат мукофотлари билан тақдирлашнинг ўзига хос тизими яратилди ва амалиётга жорий этилди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуни илк маротаба 1995 йил 22 декабрда қабул қилинганлиги миллий ҳуқуқий тизимда давлат мукофотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосларининг вужудга келиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қонун 22 моддадан иборат бўлиб, давлат мукофотларининг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу қонунга 8 маротаба ўзгартириш киритилган бўлиб, унинг мунтазам равишда такомиллаштириб борилаётганидан далолат беради. Қайд этилган Қонуннинг 2-моддасига кўра «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари, фахрий унвонлари ва фахрий ёрлиғи давлат мукофотлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 28 апрелдаги «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Қонуни Ўзбекистон Рес-

публикасининг Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 21 февралда қабул қилинган, Сенат томонидан 27 мартда маъқулланган. Мазкур қонун 2008 йил 29 апрелда расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 декабрдаги ПФ-3942-сонли «Фахрий унвонлар учун тўловлар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган. Мазкур Фармон мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъати, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келаётган шахсларни муносиб рағбатлантириш ва қўшимча тарзда моддий қўллаб-қувватлаш мақсадини назарда тутди. Хусусан, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб давлатимизнинг фахрий унвонларига сазовор бўлган шахслар — «Халқ» ва «Хизмат кўрсатган арбоб» фахрий унвонлари эгалари учун бериб келинаётган тўловлар энг кам иш ҳақининг 2 баравари, «Хизмат кўрсатган» фахрий унвони соҳиблари учун эса энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида оширилиб, ҳар ойлик тўловларнинг миқдори белгиланди.

Шунингдек, ушбу Фармонга кўра, фахрий унвонлар эгаларига тўловлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан амалга оширилади. Юқорида қайд этилган Фармонга асосан, «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби», «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби», «Ўзбекистон ифтихори», «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти», «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси», «Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси», «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми», «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси», «Ўзбекистон Республикаси халқ шоири», «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи» фахрий унвонлари учун ҳар ойлик тўловлар энг кам ойлик иш ҳақининг 3.0 бараваридаги миқдорда қилиб белгиланди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони учун ҳар ойлик тўловлар энг кам ойлик иш ҳақининг 1.8 бараваридаги миқдорида назарда тутилган. Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикасида коммунал, маиший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат

кўрсатган журналист», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвонлари учун ҳар ойлик тўловлар энг кам ойлик иш ҳақининг 1.6 бараваридаги миқдорда белгиланган.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Қонуни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 декабрдаги ПФ-3942-сон «Фахрий унвонлар учун тўловлар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони 4-банди ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилди: «Давлат мукофотлари («Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва фахрий ёрлиғи) билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат имтиёзларидан фойдаланадилар ҳамда бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу қийматдаги эсдалик совғасини оладилар. Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда ҳар ойда нафақалар оладилар».

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонунга киритилган мазкур ўзгартириш давлат муко-

фотлари билан тақдирланган шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлардан фойдаланиши ҳамда бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу қийматдаги эсдалик совғасини олишнинг устувор асосларини белгилайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда ҳар ойда нафақалар олишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда давлат мукофотлари ҳуқуқий асосларининг такомиллаштирилиши, ўз навбатида, фидокорона меҳнат қилаётган ва мустақил Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган шахсларни муносиб рағбатлантириш ва қўшимча равишда моддий қўллаб-қувватлаш имкониятини яратади.

«ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ КИЧИК ЁШИ ТЎҒРИСИДА»ГИ 138-СОНЛИ КОНВЕНЦИЯНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА МОҲИЯТИ

Мазкур йилнинг 8 апрелида Ўзбекистон Республикасининг «Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисида»ги 138-сонли Конвенцияни Ратификация қилиш тўғрисида»ги Қонуни кучга кирди. Болалар меҳнатига ишлаб чиқариш ва урбанизация, шу соҳадаги муносабатларни тубдан ўзгартирилиши ҳамда айти пайтда болалар меҳнатидан фойдаланиш борасидаги мавжуд хавфни кенгайтириш натижасидагина жиддий муаммо сифатида қарала бошланди. Баъзи давлатлар XIX асрдаёқ болаларни «фабрика» тизимининг энг ёмон ҳамда таъсири хавфлироқ бўлган қўринишларидан ҳимоя қилишни бошлаган бўлса-да, асосий ўзгаришлар ҳозирги замон миллатлари ривожланишининг зарурий шартлари сифатида ҳукуматнинг таълим соҳасидаги сиёсатига қўйилган талабларнинг ортиши билан амалга ошди. Ҳатто шу пайтда ҳам болалар меҳнатидан фойдаланишга қарши кураш кўпгина тўсиқларга учради. Таълим олиш камбағал болаларни жамиятга зарур бўлган оддий ишга номақбул этиб қўйиши, болалар меҳнати камбағал оилаларнинг фаровонлиги, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг баъзи тармоқлари рақобатбардошлигини сақлаш учун зарурлиги, кўп миқдордаги корхоналарнинг мавжудлиги ва кўпгина иш турлари фақатгина болалар томонидан амалга оширилиши болалар меҳнати тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишга йўл қўймаслиги ҳамда ота-оналарнинг фарзандларига нима қулайлигини ҳал қилиш ишига давлатнинг

аралашмаслиги лозимлиги асосий сабаблар этиб олинди. Турли хажмдаги хусусий, жамоат ёки давлат корхоналарини ўз ичига олувчи иқтисодиётнинг расмий секторида болалардан ота-оналари рухсати билан ёки ёрдам кўрсатиш мақсадида шартнома тузилган ёки тузилмаган ўқувчилардан доимий ёки вақтинча ишчи сифатида фойдаланиш мумкин.

Кенг диапазондаги одатий, тизимга эга бўлмаган, оилавий, касб-хунар ёки умуман рўйхатга олинмаган тадбиркорликни ўз ичига олувчи норасмий секторда болалардан ҳақ тўланадиган ишчилар, «ўқувчилар», ҳақ тўланмайдиган ҳамда шартномага эга бўлмаган ишчилар, хизматкорлар, уй ишчилари ва хизмат кўрсатувчилар сифатида фойдаланилади.

ХМТ фаолияти бошланиши пайтидан болалар меҳнати ва меҳнат инспекцияси тўғрисида бир қанча Конвенция ва Тавсиялар қабул қилиниб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида иш бошлашнинг энг кам ёш стандартлари асосий ижтимоий муаммо эмас, балки ишга қабул қилишнинг техник омили талаби сифатидагина қаралар эди. 1970 йиллардан бошлаб, ХМТга аъзо давлатлар орасида қуйидаги тушунчалар кенгая бошлади:

- болалик ҳаётнинг ишга эмас, балки таълим олиш ва ривож топишга бағишланган даври ҳисобланади;

- болалар меҳнати ўз хусусиятидан ёки намоён бўлиш шароитидан келиб чиқиб, вояга етиш, самарали ишлаш ва жамиятда ўз ўрнини топиш имкониятини кўпинча йўққа чиқаради;

- болалар меҳнати ишчилар келгуси вакилларининг таълим олиш имкониятини рад этиш натижасида давлатнинг обрўсига ҳавф тугдириши ва узоқ муддатга меҳнат самарадорлигини барбод этиши мумкин;

- болалар меҳнатининг олдини олиш мумкин; уни қисқартириш ёки ҳатто, унга барҳам беришда сиёсий куч орқали муваффақиятга эришиш мумкин.

Натижада 1973 йилда болалар меҳнати тўғрисида янги асосий конвенция — «Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисида»ги 138-сонли Конвенция қабул қилинди. Конвенция аъзо давлатлардан барча турдаги болалар меҳнатига барҳам беришни таъминлашга ҳамда ишга қабул қилишнинг энг кичик ёшини белгилашга қаратилган миллий сиёсатни ишлаб чиқиш ва олиб боришни талаб қилади. Лекин бу мураккаб муаммо бўлиб, турли тижорат манфаатлари намоён бўлиши, бозор таъсири, баъзи давлатларнинг муаммолари ва маданий анъаналарига жамиятнинг лоқайдлиги туфайли қарама-қаршиликларга учради.

Давлатларга шу каби қийинчиликларни ҳал қилишда кўмак бериш учун 1992 йил ХМТ болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича Халқаро Дастур (ИПЕК) ни амалга ошира бошлади. ИПЕК болалар меҳнати муаммоларини ҳал қилишда муҳим қалам қўяётган давлатларни техник ҳамда сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. ИПЕК нинг болаларни эксплуатация қилиш ва уларга ёмон муносабатда бўлишга қарши кураш тажрибаси болалар меҳнатига қарши чоралар устуворлиги, барча турдаги болалар меҳнاتини қисқартиришнинг кенг қўламли ва узоқ муддатли мақсадига интилиш билан бир вақтда, болалар меҳнатининг энг ёмон кўринишларига нисбатан дастлабки кучларни йўналтириш ҳолатларига олиб келди.

1973 йилги «Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисида»ги 138-сонли Конвенция уни ратификация қилган давлатларга «болалар меҳнатига барҳам беришни таъминлаш ҳамда ўсмирларнинг жисмоний ва ақлий ривожланиши даражасида ишга қабул қилишнинг энг кичик ёшини секин-аста кўтариш мақсадига эга бўлган миллий сиёсатни амалга ошириш» мажбуриятини юклади. Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёшини белгилаш Конвенцияни ратификация қилган аъзо давлатларга нисбатан асосий талаб бўлиб ҳисобланади. Конвенцияда уч турдаги ёш чегаралари белгиланган: энг кичик ёш мажбурий мактаб таълими муддати тугаши ёшидан ҳамда ҳеч қандай ҳолатда 15 ёшдан кам бўлмаслиги лозим. Етарлича ривожланмаган, иқтисодиёти ва таълим тизимига эга бўлмаган давлатлар дастлабки даврда ишга қабул қилиш ёшини 14 ёшга тенг қилиб белгилаши мумкин.

Нисбатан юқори энг кичик ёш (18 ёш) «ўзига хос хусусияти ёки шароит тақозоси билан амалга ошириладиган, ўсмирнинг соғлиғига, меҳнат ҳавфсизлигига ёки ахлоқига зарар етказиши мумкин бўлган» хавфли иш учун белгиланган. Шу каби иш турларини аниқлаш иш берувчилар ва ходимлар ташкилотлари билан маслаҳатлар ўтказилган ҳолда давлатлар ихтиёрига қолдирилди. Тавсиялар ишнинг хавфли деб топилишида қўлланилиши лозим бўлган омилларни ўз ичига олади.

Болалар соғлиғига ёки уларнинг ривожланишига зиён етказмайдиган ҳамда уларнинг мактабга қатнашига тўғаноқ бўлмайдиган енгил иш турларига қабул қилишнинг энг кичик ёши 13 ёшга тенг деб белгиланиши мумкин. Ишга қабул қилишнинг дастлабки умумий энг кичик ёши 14 ёш этиб белгиланган давлатлар учун енгил иш турларига қабул қилиш ёши 12 ёш

этиб белгиланиши мумкин. Шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасининг «Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисида»-ги 138-сонли Конвенцияни ратификация қилиши ёшларнинг ижтимоий ҳуқуқлари тизими ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

БОЛАЛАР МЕҲНАТИНИНГ ЭНГ ЁМОН ШАКЛЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бозорда бераҳм рақобатни ошираётган жаҳон хўжалиги алоқаларини глобализацияланиш жараёни баъзи бир салбий ҳодисаларга олиб келмоқда, булар қаторига болаларни болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига жалб этилиши ҳам киради. Табиийки, болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш фақатгина барча ижтимоий институтларнинг фаол ҳамкорликдаги фаолиятлари оқибатидагина амалга ошириши мумкин. 2008 йилнинг 8 апрелида Ўзбекистон Республикасининг «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги 182-сонли Конвенцияни (1999 йил 17 июнь, Женева) ратификация қилиш тўғрисида»ги Қонуни кучга кирди. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик эълон қилиниши билан болалар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида қонунчилик базасини яратиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз қўшилган энг биринчи халқаро ҳужжатлардан бири Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ҳисобланади. Шу билан бирга, Ўзбекистон БМТнинг таълим соҳасидаги дискриминацияга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияси, ХМТнинг меҳнат ва бандлик соҳасида дискриминацияга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияси, Болаларнинг яшаб қолиши, ҳимояланиши ва ривожланишларини таъминлаш тўғрисидаги Бутунжаҳон декларацияси ва бошқа бир қанча болалар ҳуқуқ ва манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган ҳужжатларга қўшилган.

Бола ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишни бевосита таъминлаб берадиган Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик тизими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси, «Давлат ёшлар сиёсати асослари тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Фуқароларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ўзбе-

кистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида», «Уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида», «Фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунлар ва яна бир қатор бошқа қонунлар ҳамда Ҳукумат қарорларидан иборатдир.

Бола — бу давлат ва жамият гамхўрлиги объекти бўлиб, ҳозирда ўтиш даврида бўлган ривожланаётган давлатлар, Ўзбекистон ҳам шулар қаторига киради, олдида турган кечиктириб бўлмайдиган ва муҳим муаммо болалар меҳнатини, айниқса, унинг энг ёмон, бола соғлиғи ва ҳаёти учун хавфли бўлган шакллари чеклаш ҳисобланади. Меҳнат қилувчи болалар каби ҳодиса нисбатан узоқ бўлмаган даврда пайдо бўлишига қарамасдан, ўтиш даври иқтисодига эга мамлакатларда болаларни болалар меҳнатининг энг ёмон, улар соғлиғи учун хавф ёки зарар етказадиган шаклларига жалб этиш муаммоси пайдо бўлмоқда.

Вояга етмаганларнинг жисмоний меҳнати, меҳнат ва дам олишини тўғри ташкил этиш, ишлаб чиқариш жараёнида ёки ишлаб чиқариш даврида ўқитиш ўсмир соғлиғига зарар етказмайди, балки кучи, чидамлилиги, иродасини мустаҳкамлаш имкониятини яратиб беради. Аммо болалар жисмоний ва ақлан етилмаганлиги сабабли махсус ҳимояга, шулар қаторида, ҳуқуқий ҳимояга зарурият сезади. Давлат болаларга зўровонлик, ёмон даволаниш ва улар ҳаётини хавф остига қўядиган ёки соғлиғига зарар етказадиган ишга жалб этиш, эксплуатациядан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаб бериши зарур ва бунга болаларга таълим олиш имкониятини бериш ёки улар бандлигини меҳнатнинг енгил турларида таъминлаш орқалигина эришиш мумкин. Бир томондан, ўн саккиз ёшга тўлмаган ишчилар, ҳеч қандай дискриминациясиз тўлиқ ҳажмда вояга етганлар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлишлари керак. Бошқа томондан эса, вояга етмаганлар учун махсус ҳимоянинг зарурлиги уларга бир қатор қўшимча ҳуқуқ ва кафолатлар берилишини, бир қатор вазиятларда, вояга етганлар билан қиёслаганда, бошқача қоидаларни татбиқ этишни объектив равишда талаб қилади.

Ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахсларни ишга жойлаштиришда асосий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 9.06.2001 йилда 1040 рақами билан рўйхатдан ўтган, бажарилиши мажбурий бўлган «Ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган, ноқулай шароитдаги ишлар рўйхати» ҳақидаги Низом ҳисобланади.

Табиийки, ҳамма иш ҳам болалар учун зарарли эмас. Ҳали анча ёш бўлган вақтларидан кўпчилик болалар уйдаги ишларга ёрдам беришади, турли хил топшириқларни бажаришади ёки ота-онасига оилавий корхона ёки фермада ёрдам беради. Болалар қандай улғаяётганликларига қараб, улар енгил ишларга ёки анъанавий ҳунарларни ўрганишга жалб қилинади ва улар ўзлари учун келажакдаги ходимлар ҳамда жамиятнинг фойдали аъзолари сифатида керак бўладиган кўникмаларни ҳосил қилиб боради. Енгил ишларни бажара туриб, болалар жавобгар бўлишни ўрганадилар ва ўз муваффақиятларидан гурурлана бошлайдилар. Зарурий назорат остида бундай меҳнат болаларнинг ривожланиши ва ижтимоий ҳаётга араланиш жараёнининг табиий қисми бўлиши мумкин. Бундай меҳнат хавфдан ҳоли бўлмаслиги мумкин, лекин болалар меҳнати дейилганда тушуниладиган тушунчага умуман тегишли эмас.

ХМТнинг нуқтаи назари бўйича «болалар меҳнати» атамаси, болаларни таълим олишига халақит берадиган, соғлиги ва тўлақонли ривожланишига зарар етказадиган характер ёки жадалликка эга бўлган, болалар томонидан бажарилаётган ишларни қамраб олади. Бу болалик ва келажакдан маҳрум бўлган, анча ёш вақтидан меҳнат қилишга мажбур бўлган, узоқ муддат давомида кам иш ҳақи эвазига меҳнат қилаётган, уларнинг соғлиги, жисмоний ва ақлий ривожланишига зарар етказадиган, оиласидан ажратиб олинган ёки таълим олиш имкониятидан маҳрум қилинган болаларга тегишлидир. Бундай меҳнат болага ўнганмас зарар етказиши мумкин, унинг амалга оширилиши халқаро ҳуқуқни, қоидага кўра, миллий қонунчиликлари ҳам бузиш ҳисобланади.

Болалар меҳнатининг тўртта тури халқаро ҳамжамият томонидан асосан номақбул деб топилган: қуллик, жинсий эксплуатация, ҳуқуқбузарликка оид фаолият ва хавфли меҳнат. Биринчи учта категория ноқонуний ва, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар соҳаси эътиборига тегишлидир.

Ижтимоий ходимлар ихтиёрига айнан охириги категориядаги болалар меҳнати тегишли, аммо катта тизимнинг бўлаги ҳисобланса-да, инспекторлар ҳар томонлама ёндашиш доирасида юқорида санаб ўтилган болалар меҳнатининг ҳамма турлари билан шуғулланишлари зарур. Болаларни тижорат мақсадида жинсий эксплуатация қилиш уларни камситадиган фаолиятдан иборат, бу фаолият болаларни таназзулга олиб келади ва улар ҳаётига хавф туғдиради. Болаларни тижорат мақсадида жинсий

эксплуатация қилишнинг учта бирламчи ва ўзаро алоқадор шакллари мавжуд: фоҳишабозлик, порнография ва жинсий мақсадларда савдо қилиш. Жинсий эксплуатациянинг бошқа шакллари ўз ичига болалар жинсий саёҳати ва эрта ниқоҳни олади.

Болалар меҳнати — анча салбий ижтимоий ҳодиса бўлиб, одатда, болаларнинг эксплуатация қилиниши улар ҳуқуқларининг бузилиши билан бирга кузатилди. Ҳозирги кунда болалар меҳнати муаммосига давлат даражасида катта эътибор берилмоқда. Бутун дунёда жуда ҳам кўп болалар фавқулодда хавфли бўлган касблар билан банд ёки хавфли шароитларда меҳнат қилишмоқда, мисол учун, қурилишда, шахталарда, тош конларида ва балиқчиликда. Баъзи болалар ота-оналарининг қарзлари эвазига сотиб олинган ёки сотилган, ҳақиқий қулчилик шароитларида ушлаб турилибди. Уларни давлат чегараларидан олиб ўтишмоқда. Айниқса, кичик ёшдаги болалар меҳнати ўзида ўткир муаммони акс эттирмоқда. Болалар қанча кичик бўлса, иш жойида улар кўпроқ хавф ва иқтисодий эксплуатацияга дуч келадилар.

Ўсмир қизларнинг ҳолати, уларнинг қилаётган меҳнати ва шароитлари характеридан келиб чиқиб, махсус эътибор талаб қилади. Аниқ бир соҳа ёки меҳнат турини ажратиш ва уни «энг ёмон меҳнат шакли» деб эълон қилиш жуда қийин. Ҳаттоки, юқорида эслатиб ўтилган энг ёмон шаклларда болалар эксплуатация қилинмайдиган жойларда ҳам болалар ўзлари учун етарли дам олишсиз, қийин шароитларда, кучсиз ёритилган жойларда, қуруқ ерда, ҳажми ўзларидан катта бўлган иш қуроллари билан, ичимлик суви етишмовчилигидан қийналиб ёки оддий санитария шароитлари йўқлигидан азоб чекиб, уларнинг келажаги учун зарур бўлган таълим олиш имкониятисиз ишлашга мажбурдирлар. Ҳатто, қишлоқ хўжалиги учун анъанавий бўлган оилавий фермаларда меҳнат қилаётган миллионлаб болалар хавф остида қолмоқда. Болалар фаровонлигини яхшилаш бўйича 2007—2010 йилларга мўлжалланган Давлат дастурида болаларни МЭЁШга жалб қилишни бартараф этиш бўйича ижтимоий сиёсатнинг ҳамма соҳалари қамраб олинган таҳсинга сазовордир. Бугунги кунда асосий вазифа қабул қилинган қарорларни амалга ошириш ҳисобланади. Бу борада асосан давлат, фуқаролик жамияти, оила ва бизнес ҳамжамиятларининг ижтимоий ҳамкорлигини фаоллаштириш вазифаси муҳим ўрин эгаллайди. Чунки пайдо бўлаётган хавф манфаддор бўлган ҳамма субъектларнинг биргаликдаги фаолиятини талаб қилмоқда.

ЯДРОВИЙ ТЕРРОРИЗМ АКТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

2008 йилнинг 9 апрелида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Ядровий терроризм актларига қарши кураш тўғрисидаги Халқаро конвенцияга (Нью-Йорк, 2005 йил 13 апрел) қўшилиши ҳақида»ги Қонуни кучга кирди. Ҳозирги вақтда терроризм жамият хавфсизлигига анча жиддий хавфлардан бирига айланди. Бу терроризмнинг куч-қудрати, унинг хавфи сезиларли даражада ўсганлиги билан боғлиқдир. Террористлар томонидан оммавий қирғин қуроллари ва янги технологиялардан фойдаланиш имконияти натижасида уларнинг фожиали оқибатлари ўсмоқда. Халқаро терроризмга қарши курашишнинг муҳимлиги ортида ядровий терроризм хавфи аниқса жуда катта хавф бўлиб қолмоқда. Ядровий энергиянинг йўқ қилиш кучи ёмонлик тилловчи кучлар қўлига тушиб қолса, жиддий фожага олиб келиши мумкин.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2005 йил 13 апрелда Нью-Йоркда қабул қилинган ядровий терроризм актларига қарши курашиш тўғрисидаги Халқаро конвенция терроризмга қарши курашиш бўйича ўн учинчи унверсал халқаро шартнома ҳисобланади. Террористик ташкилотлар ядровий кучга эга бўлишга ҳаракат қилаётган бир шароитда бундай шартноманинг қабул қилиниши, энг аввало, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу Конвенциянинг қабул қилиниши ядровий терроризм актларининг амалга оширилиш имконияти, шу билан бирга халқаро ҳуқуқда мавжуд бўлган кўп томонлама шартномаларда терроризмнинг бу турига қарши курашиш зарурий шаклда расмийлаштирилмаганлиги билан изоҳланади. Конвенция БМТда Россия таклифи билан қабул қилинган биринчи шартнома бўлди. Конвенция терроризмга қарши курашишни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги мавжуд бўлган бўшлиқларни, ядровий материаллардан террористик мақсадларда фойдаланганликда айбдор шахсларнинг жиноий қидирувини самарали олиб бориш учун зарурий шароитларни ташкил этиш йўли билан йўқотади. Ядровий материаллар ва технологиялар дунё бўйича кенг тарқалаётган бир шароитда Конвенциянинг қабул қилиниши террористларни огоҳлантириб қўйиш бўйича муҳим қадам бўлди.

Бу конвенция — амалга оширилган террористик ҳаракат изидан эмас, балки олдиндан қабул қилинган биринчи шартнома. Терроризмга қарши курашиш бўйича бу шартнома 1998 йилда тақлиф қилинган ва анча узоқни кўра билган, чунки ҳозирги кунда оммавий қирғин қуроллари (ОМУ) террористлар қўлига тушиш хавфи, афсуски, ҳақиқатга айланиб қолди. Бундан ташқари, унинг олдини олиш учун фаол чоралар кўришмоқда. Конвенция бу интилишга мустаҳкам халқаро-ҳуқуқий замин яратиб беради. Шартномада давлатларнинг «ё топшир, ё тергов қил» тамойили бўйича ҳаракат қилиш мажбуриятлари аниқ белгиланган. Гап ядровий қуроладан фойдаланиб террористик ҳаракат амалга оширишда гумон қилинаётган шахслар тўғрисида бормоқда. Шартнома бўлиши мумкин бўлган террористик ҳаракатларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича аниқ чораларни, ядровий материаллар ўғирланган ёки қўлга киритилган мамалакатга қайтариб бериш кафолати билан ҳам кўриб ўтади. Конвенция иштирокчилари бу соҳада атом энергияси бўйича Халқаро агентлик билан яқиндан ҳамкорлик қилишга мажбурдирлар. Бу — ядровий сиёсатнинг тиниқлиги ва материалларга нисбатан «икки томонлама стандартлар»ни татбиқ этиш ҳамда икки томонлама татбиқ этишнинг таркибӣ қисми йўлидаги тўсиқ, қўшимча кафолат.

Агар Конвенциянинг тавсифи тўғрисида гапирадиган бўлсак, у, биринчи навбатда, қуйидагиларга йўналтирилган:

— ядровий терроризм актларига қарши курашишда самарали ҳуқуқий базани яратиш, уларнинг оқибатларини тўхтатиш ва йўқ қилишни ҳам ўз ичига олади;

— ҳам тинч, ҳам ҳарбий атомга антитеррористик ҳимояни таъминлаб бериш, қўлбола ядровий мосламалардан фойдаланиб террористик актларни амалга оширилишини тўхтатиш;

— «ё топшир, ё тергов қил» тамойили асосида ядровий терроризм актларини амалга оширишда айбдор бўлган шахсларнинг муқаррар жавобгарлигини таъминлаш.

Конвенциянинг ҳуқуқий ҳолати ҳам тинч, ҳам ҳарбий ядровий объектлардаги ядровий материалларни террористлар қўлига тушиб қолмаслигини мақсад қилиб қўйган. Шу билан бирга, иштирокчи давлатлар ядровий терроризм сифатида таснифланганидан, жиноий жазога тортиладиган жиноят қилмишини тан олиш мажбуриятини олишади.

Конвенциянинг қабул қилиниши, деярли саккиз йилга чўзилган, мураккаб музокара жараёни натижасида амалга оширилди. Унинг қабул қилиниши БМТ ҳомийлиги остида, яқин

давр ичида келишувга келинадиган, Ҳиндистон томонидан таклиф қилинган халқаро терроризм тўғрисидаги Кенг қамровли конвенция лойиҳасини ҳам ўз ичига олган ҳолда, антитеррористик ўзаро ҳамкорликнинг кучайишида қўшимча имкониятларни очди.

Конвенциянинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиниши БМТ ҳомийлигида антитеррор коалиция доирасида Ўзбекистон Республикасининг фаол ва изчил позициясидан гувоҳлик беради, Марказий Осиё минтақасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ядровий терроризмга қарши курашишга йўналтирилган тизимнинг янги даражага кўтарилишига имконият яратиб беради.

VII. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XIV ялпи мажлисида маъқулланган қонулар:

1. «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

2. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

3. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

4. «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

5. «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

6. «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

7. «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

VII. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ XIV ЯЛПИ МАЖЛИСИДА МАЪҚУЛЛАН- ГАН ҚОНУНЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

НОГИРОНЛАР ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки йилнинг ўзида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Агар 1991 йил 18 ноябрда ушбу қонун қабул қилинган бўлса, 2008 йилнинг 18 июнида Президентимиз томонидан имзоланган «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги Қарор эълон қилинди. Бу ҳам ўша меҳр-мурувватга қаратилган сиёсатнинг мантиқий давомидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 22 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2008 йил 27 июнда маъқулланди.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишдан асосий мақсад ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш шарт-шароитларини мукаммаллаштиришдан, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришдан ва иш берувчиларнинг ногиронларни иш билан таъминлашдан манфаатдорлигини оширишдан, шунингдек қонун нормаларини Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг талабларига мувофиқлаштиришдан иборатдир.

«Умумий қоидалар» деб номланган 1-боб асосий тушунчалар, шахсни ногирон деб топиш, ногиронлар ҳуқуқларининг кафолатлари, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органла-

рининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок этиши ҳақидаги саккиз моддадан ташкил топган. Эски таҳрирдаги Қонундан фарқли равишда, янги таҳрирдаги Қонунда «ногирон» тушунчаси кенгроқ талқин қилиниб, уни БМТ томонидан 2006 йилда қабул қилинган Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларига мувофиқлаштириш назарда тутилмоқда. Эски таҳрирдаги Қонунга кўра «ногирон» деганда ақлий ёки жисмоний нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож шахс тушунилади. Янги таҳрирдаги Қонунда «ногирон» тушунчаси қўшимча равишда руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги каби ижтимоий жиҳатларни ҳам ўз ичига олади. Шу билан бирга, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган шахс ногирон ҳисобланиши аниқлаштириб қўйилди.

БМТ томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция»га мувофиқ ҳамда ногирон болалар учун назарда тутилган ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларнинг аниқ йўналтирилганлиги, бошқача қилиб айтганда, манзиллилигини кучайтириш мақсадида Қонунга «ногирон болалар» тушунчаси киритилган. Шу муносабат билан янги таҳрирда қабул қилинган қонун ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларни, алоҳида тарзда эса ўн олти ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш тартибини аниқлаштирадиган қоидалар билан тўлдирилди. Бундан ташқари, Қонун «ногиронларни реабилитация қилиш» ва «тиббий-ижтимоий экспертиза» каби янги тушунчалар билан ҳам тўлдирилди.

Киритилаётган ўзгартишлар қонунда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий йўналишларини белгилашга доир қоидаларни алоҳида ажратиб кўрсатишни назарда тутди. Булар жумласига, хусусан: ногиронларнинг шаъни ва қадрқимматини ҳимоя қилиш, ногиронларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигини таъминлаш, давлат органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг ногиронлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятининг ошкоралигини ҳамда очиқ-ойдинлигини таъминлаш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни

ривожлантириш каби масалалар киради. Янги таҳрирда қабул қилинган Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари янада аниқроқ баён этилган. Чунончи, давлат органларининг бу борада назарда тутилган ваколатлари сирасига қуйидагилар киради: ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш; ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича устувор йўналишларни белгилаш; ногиронларни реабилитация қилиш ва ижтимоий ҳимоялашга ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир давлат дастурларини (худудий дастурларни) шакллантириш ҳамда амалга ошириш; ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш; давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш; ногиронлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи давлат органларининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш.

Янги таҳрирда қабул қилинган Қонуннинг 8-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок этиш шакллари батафсил баён этилган. Улар, жумладан, ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир ваколатларни амалга ошириш чоғида давлатдан ва белгиланган тартибда халқаро ташкилотлардан ҳуқуқий, услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда, шунингдек, тегишли тадбирларни молиялаштиришда иштирок этиши мумкинлигини назарда тутди.

Янги таҳрирда қабул қилинган Қонуннинг 2-боби «Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш» деб номланган, у ўз ичига 3 та моддани қамраб олади. Аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриш, транспорт воситалари, алоқа ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришда ногиронларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида қонунда янги бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини қуриш бўйича ишлаб чиқиладиган лойиҳа ечимлари юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилиши шартлиги ҳақида қўшимча талаб белгилаб қўйилди. Айни вақтда, бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини қуриш

ҳамда реконструкция қилиш нормалари ва қоидалари ногиронларнинг тегишли жамоат бирлашмалари фикрини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилиши лозимлиги ҳам аниқлаштириб берилди.

Қонуннинг 3-боби «Ногиронларни реабилитация қилиш» деб номланиб, мазкур боб ногиронларнинг жамиятга интеграциялашуви тадбирлари моҳиятини очиб беришга қаратилган. Чунончи, Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ ногиронларни реабилитация қилишнинг асосий мақсади ногиронларнинг тўлақонли турмуш кечириши ҳамда ўз ҳуқуқлари ва потенциал имкониятларини рўёбга чиқариши имконини берувчи ижтимоий мақомини, ўзига ўзи хизмат кўрсатишга ва касбий фаолиятнинг ҳар хил турларига доир қобилиятларини тиклашда мужассам топади. Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Қонунда ногиронларни тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация қилишга қаратилган чора-тадбирлар янада аниқроқ чегаралаб берилди, «ногиронларни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури» тушунчасининг мазмунини очиб берилди. Хусусан, реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ногирон учун тавсия хусусиятига эгаллиги, ногирон реабилитация чора-тадбирларининг у ёки бу турини, шаклини ёки ҳажминини, шунингдек дастурнинг бутунлай амалга оширилишини рад этиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Ногирон ўзини муайян техника воситаси ёки бошқа восита ёхуд реабилитация қилиш тури, шу жумладан автомобиллар, ўриндиқли аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, махсус ҳарfli матбаа нашрлари, овоз кучайтиргич аппаратлар, сигнализаторлар, субтитрли ёки сурдо таржимали видеоматериаллар, бошқа шунга ўхшаш воситалар билан таъминлаш масаласини мустақил равишда ҳал қилишга ҳақли. Бунда ногирон реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини бутунлай рад этган ёки бу дастурнинг айрим қисмлари рўёбга чиқарилишини рад этган тақдирда, тегишли ташкилотлар мазкур дастурнинг бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

Қонуннинг 4-боби «Ногиронларнинг таълими ва уларни касбга тайёрлаш» деб номланиб, у ногиронлар таълим (умумий ўрта, ўрта махсус таълим, касб-ҳунар таълими ва олий таълим) олиши, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларига, ногирон болаларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари таълими, шунингдек оиладаги таълими ва шу қаби бошқа масалаларга бағишланган саккиз моддадан иборат. Киритилаётган ўзгартишларда эскириб қолган атамаларни «Таълим тўғрисида»ги

Қонунда қўлланилган атамалар билан алмаштириш назарда тутилган. Қонуннинг «Ногиронлар меҳнати» деб номланган 5-бобида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги эски таҳрирдаги Қонуннинг ногиронлар меҳнат шароитини белгилашга, ногиронларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ва ногиронларни иш билан таъминлаш масалаларига доир қоидалари сақлаб қолинган.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги эски таҳрирдаги Қонунда ногиронлар учун иш жойларини банд қилиб қўйишни таъминламаган ёки уларни ишга жойлаштиришдан бўйин товлайётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ногиронларни ишга жойлаштириш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш тарзида жавобгарлик белгиланган эди. Янги таҳрирдаги Қонунда ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ижро этмаганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг жавобгарлик тури аниқлаштириб қўйилди. Чунончи, бундай ҳолларда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларига ўхшаш тарзда, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ҳар бир яратилмаган иш жойи учун ана шу корхона, муассаса ва ташкилот ходимининг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида жарима солинади. Бунда жарима солиш суд томонидан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳуқуқбузарлик содир этишдаги айбига иқроор бўлган ҳамда жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Юқоридагилар билан бирга, қонунда ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ногиронларнинг жамоат бирлашмалари ва бошқа якунловчи қоидаларга бағишланган боблари мавжуд бўлиб, уларда ҳам мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган янги қоидалар ўз аксини топган.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, ногиронларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш улар учун мамлакатимизнинг бошқа барча фуқаролари билан тенг имкониятларни таъминлаш демакдир. Ногиронларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари, жамиятнинг барча жабҳаларида фаол қатнашишлари, бунинг учун уларга давлатимиз томонидан қулай ҳуқуқий шарт-шароит яратиб бериш ушбу қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти субъектлари, қолаверса иқтисодий жараёнлар билан ҳамнафасликда бўлган барча шахслар иқтисодий манфаатларини қимматли қоғозлар бозори билан бемалол боғлаши мумкин. Ҳозирги кунда барча соҳалар каби қимматли қоғозлар бозорида ҳам кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланиб, давлат раҳбари томонидан тасдиқланганидан кейин 2008 йилнинг 23 июлида матбуотда эълон қилинган ва кучга киритилган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши фикримизнинг ёрқин далилидир. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган. Умуман олганда, ушбу соҳанинг нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки бутун МДХ давлатлари ҳудудида янги эканлигини бемалол таъкидлаш мумкин. Чунки қимматли қоғозлар бозори тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг янги ва жуда серқирра соҳаси бўлгани баробарида жуда катта даромад манбаи бўлиш имкониятига ҳам эга. Унинг ушбу хусусиятлари дунёнинг барча ривожланган давлатларида ўзининг кенг асосини топиб улгурган, яъни деярли барча тадбиркорлик фаолияти субъектлари ушбу соҳанинг иштирокчисига айланиб улгуришган. Ўзбекистон Республикасида ушбу соҳани ёрқин ва самарали келажак билан боғлаш мумкин. Бу борада давлат томонидан ушбу соҳанинг қонун йўли билан тартибга солиниши кўпгина муаммоларнинг олдини олиши билан биргаликда, соҳанинг тартибли ривожланиши учун ҳам йўл очиб беради.

Ушбу Қонун қабул қилингунга қадар қимматли қоғозлар бозоридаги муносабатларни тартибга солувчи «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги каби Ўзбекистон Республикаси Қонунлари мавжуд эди.

Юқорида зикр этилган қонунлар ўзаро боғлиқ бўлишига қарамасдан, уларнинг алоҳида меъёрлари бир-бирини такрорлайди. Мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи нормаларнинг турли қонун ҳужжатларида акс эттирилиши, муайян бир ҳолатда уларнинг ўрганилиши ва англаб етилишини қийинлаштиради. Бу эса, ўз навбатида, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларини қўплаб қийинчилик ва тушунмовчиликларга олиб келар эди. Бундан ташқари, жаҳон қимматли қоғозлар бозори жадаллик билан ривожланар экан, юқорида санаб ўтилган қонунларнинг аксарият талаблари замонавий талабларга, хорижий молиявий бозорларга қўшилиш шартларига мос келмас эди.

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари учун қулай шароит яратиш, ушбу соҳада ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлитлигини ва тизимлилигини таъминлаш мақсадида қимматли қоғозлар бозоридаги барча нормаларни ўзида мужассам этган ягона қонун қабул қилинди.

Ушбу Қонун қуйидагиларни назарда тутади, яъни қимматли қоғозлар бозорининг барча иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш мажбуриятини белгилаш; қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг такроран ҳисобга олинишини бартараф қилиш; илгари чиқарилган нақд корпоратив қимматли қоғозларни нақдсиз шаклга ўтказиш ва уларни кейинчалик фақат нақдсиз шаклда чиқариш; қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият турларини қўшиб олиб боришга бўлган алоҳида чекланишларни бекор қилиш ҳамда тегишли лицензияларга эга бўлган инвестиция маслаҳатчиларига муайян қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотиш бўйича тавсияномалар бериш; мазкур соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида қайта такрорланадиган қоидаларни бартараф қилиш.

Шунга кўра, Қонун 64 модда ва 9 та бобдан иборат таркибда қабул қилинган бўлиб, улар асосан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги умумий тавсифий қоидалар, қимматли қоғозларни муомалага чиқариш қоидалари, қимматли қоғозларни жойлаштириш ва уларнинг муомаласини амалга ошириш масалалари, қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият асослари, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, қимматли қоғозлар бозорида ахборотни ошкор қилиш, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш, қимматли қоғоз-

лар бозори иштирокчиларининг ҳуқуқ-мажбуриятлари ва жавобгарлиги каби масалаларни ўз ичига олган.

Қонуннинг 3-моддасида асосий тушунчаларнинг тавсифи ёритилган бўлиб, улардан қонунчилик ва амалиётда ифодасини топганига кўп вақт бўлмаганлари сифатида вексель, депо ҳисоб-варағи, депонент, облигациялар, фонд биржаси, қимматли қоғозларга доир фьючерс, қимматли қоғозлар эмиссияси, қимматли қоғозларнинг ҳосилалари каби янги тушунчаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Қонунга кўра, **вексель** деб вексель берувчининг ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгасига муайян суммани тўлашга доир шартсиз мажбуриятини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз тушунилади. Ўз навбатида эса **депо ҳисоб варағи** деганда депонентнинг қимматли қоғозларини сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган депозитарийнинг ҳисобга олиш реестрларидаги ёзувлар мажмуи тушунилиши лозим. Яна **фонд биржаси** тушунчаси остида очиқ ва ошкора биржа савдоларини олдиндан белгиланган вақтда ва белгиланган жойда белгиланган қоидалар асосида ташкил этиш ҳамда ўтказиш орқали фақат қимматли қоғозлар савдоси учун шароитлар яратувчи юридик шахс назарда тутилади. Яна шу каби бошқа жуда кўп тушунчалар ҳам ушбу қонунда ўз ифодасини топган ва тавсифлаб берилган.

Қимматли қоғозларнинг муомаласи, улар билан ишлаш, улардан кўзланган мақсадларга эришиш, яъни даромад олиш албатта уларни чиқаришдан бошланади. Қонуннинг 4-моддасига биноан, қимматли қоғозлар чиқарилиш шаклига кўра бланкалар тарзида ҳужжатли ва депозитарийларнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар тарзида ҳужжатсиз бўлиши мумкин. Албатта, эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши учун асос сифатида тегишли тартибда қабул қилинган қарор хизмат қилиши мумкин. Ушбу қарорни Қонуннинг 5-моддасига асосан эмитент, яъни таъсисчи ва муомалага киритувчи чиқаради. Яна қонуннинг 6-моддасига асосан ушбу қарор тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина кучга киради.

Шунингдек, Қонунда келтирилган янги ҳолатлардан яна бири сифатида эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида эмитент мазкур

чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қоғозлар номинал қийматининг 0,01 фоизи миқдорида республика бюджетига йиғим тўлашлигини келтириш мумкин. Зеро, бу тўлов ҳажми ушбу Қонун қабул қилингунига қадар 0,1 фоизни ташкил этарди. Бу, албатта, ушбу бозор иштирокчилари учун берилган имтиёздир.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг янги жиҳатлари сифатида унинг 19-моддасида қимматли қоғозлар бозорининг профессионал, яъни доимий тартибда фақат шу фаолият билан шуғулланувчи иштирокчилари рўйхати берилганлигини кўрсатиш мумкин. Улар асосан инвестиция воситачиси (брокер, дилер), инвестиция маслаҳатчиси, инвестиция фонди, инвестиция активларини ишончли бошқарувчи, депозитарий, ҳисоб-китоб клиринг палатаси, трансфер-агент, қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси кабилардан иборат бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари билан биргаликда янги кириб боровчилар учун қулайликлар яратиш ҳамда уларнинг фаолияти хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қонун билан соҳадаги тегишли маълумотларнинг очиқ ва ошкора эканлиги, бундан ташқари, тегишли ахборотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сир сақланишига оид ҳолатлар ҳам Қонуннинг олтинчи бобида кенг ёритилиб берилган. Қонуннинг 38-моддасига асосан, бу соҳадаги ахборот очиқ ва ошкора бўлиб, қонунда белгиланган ҳоллар эса истисно сифатида қабул қилиниши мумкин. Тегишли ҳолларда бу соҳадаги ваколатли давлат органи, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари, шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар ахборотни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ҳамда ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа ахборот тақдим этиш орқали ошкор қилиб боришлари белгиланган.

Шунингдек, ушбу қонун талабларини бажармаганлик учун тегишли тартибда жавобгарлик келиб чиқиши тўғрисидаги моддалар ҳам ўз ифодасини топган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, давлатимиз қимматли қоғозлар бозорининг қонун йўли билан тартибга солиниши, аввало, бу соҳада тартибни вужудга келтиради, қолаверса, ушбу соҳадаги мавжуд ҳолатни қонун йўли билан тартибга солиш, тегишли ҳолларда назорат қилиш ҳамда иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни осонлаштиради.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ 224-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКИС- ТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ МОҲИАТИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар маъқулланди. Ана шу қонунлардан бири бўлмиш «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда расман эълон қилинди ва кучга кирди. Қонуннинг асосий мақсади чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жиноий жавобгарликни шундай қилмишлар учун солинадиган жарима суммаси миқдорининг энг юқори чегарасини ошириш йўли билан кучайтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш» деб номланган 224-моддаси биринчи қисмида чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, Ўзбекистонда бўлиш муддати тутагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бунда мазкур шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жиноий жавобгарлик уларга нисбатан шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейингина қўлланилади.

Ана шу модданинг биринчи қисми санкциясида энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Киритилган ўзгартиш жарима суммаси миқдорини энг юқори чегарага қадар оширишни, яъни энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима белгиланишини назарда тутмоқда. Киритилган ўзгартиш ноқонуний миграцияга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларнинг самардорлигини ҳамда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш борасидаги масъулиятини ошириш имконини беради.

ҲАВО КОДЕКСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси 1993 йилнинг 7 майида қабул қилинган. Айнан мазкур Кодекс қоидалари асосида мамлакатимизда ўтган давр мобайнида самовий ҳудуд суверенитети ҳамда самовий ҳудуддан фойдаланиш ва авиация фаолиятини тартибга солишнинг зарур ҳуқуқий механизмлари яратилди. Мазкур Кодекснинг 1993 йилдан буён амал қилиб келаётганлигини инобатга оладиган бўлсак, бугунги кунда жамият ҳаётининг кескин ривожланиши, авиация соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг жадал суръатлар билан ўсиб бориши, хусусан фуқаро авиацияси, экспериментал ва давлат авиациялари соҳасидаги кескин ўзгарувчан муносабатларнинг тобора авж олиши ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларни муносиб тарзда ҳуқуқий тартибга солиш заруриятини тақозо этмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган **«Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикасининг **Қонуни** 2008 йилнинг 9 июль куни матбуотда эълон қилинди. Биз қуйида мазкур қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига киритилган асосий ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятига тўхталамиз.

Киритилган ўзгартишга мувофиқ амалдаги Кодекснинг 2-моддаси янгича **«Самовий ҳудуддан фойдаланиш ва авиация фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари»** деб номланиб, унинг мазмуни кенгайтирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан фойдаланиш ва барча ундан фойдаланувчиларнинг фаолияти, шу жумладан, авиация соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикасининг Самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикасининг Самовий ҳудудида авиация парвозининг асосий қоидалари, шунингдек, тегишинча Ўзбекистон Республикасининг авиация Маъмурияти ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида фуқаро авиацияси ва экспериментал авиациянинг парвоз қилиш қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида

давлат авиациясининг парвоз қилиш қоидалари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши белгилаб берилди. Шунга мувофиқ тарзда модданинг иккинчи банди Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда халқаро шартнома қоидаларининг устунлигини эътироф этади. Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Самовий ҳудудида авиация парвозининг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 29 сентябрда 1723-рақам билан рўйхатга олинган Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 12 сентябрдаги 141-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Авиация қоидалари Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясида парвоз қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида парвоз қилишнинг асосий қоидалари самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиди ва авиациянинг учиб-ишларини ташкил қилиш, таъминлаш ва амалга ошириш бўйича фаолиятига дахл қилмаган ҳолда ҳудуддан фойдаланиш тартибини ўрнатади. Амалдаги Кодексда Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида парвоз қилувчи ҳаво кемаларининг ишлаб чиқарилиши ҳамда уларни сертификатлаштириш билан боғлиқ муносабатлар етарли даражада тартибга солинмаганлиги боис янги киритилган ўзгартиришларга асосан уларнинг оқилона ечими белгилаб берилди. Унга асосан, Кодекснинг 36-моддасида ҳаво кемалари ва бошқа учувчи аппаратларнинг сертификатланган турларини кўплаб ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар ҳаво кемалари ва бошқа учувчи аппаратларни ишлаб чиқаришни сертификатлаштиришга доир белгиланган талаблар асосида иш олиб боради. Ҳаво кемалари ва бошқа учувчи аппаратларни ишлаб чиқаришга доир талабларни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришни сертификатлаш халқаро стандартлар ва тавсияларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилиши жорий этилди.

Навбатдаги ўзгартиш эса бевосита ҳаво кемаларидан фойдаланишга рухсат бериш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, унда ҳам амалдаги Кодексдагига қараганда янгича ҳамда мазкур соҳада фаолият олиб борувчи субъектларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган та-

лаблар белгиланди. Бундан ташқари, бу борада Авиация маъмуриятининг ваколатлари ҳам маълум маънода кенгайтирилганлиги яққол намоён бўлади. Кодекснинг 37-моддасига киритилган мазкур ўзгартишга кўра ҳаво кемасининг хорижий давлат томонидан берилган учишга яроқлилик сертификати Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилиши мумкин. Фуқаро ҳаво кемасини ҳаво кемасининг учишга яроқлилик сертификати талабларига мувофиқ бўлган ҳолатда сақлаш ҳаво кемаси эксплуатанти зиммасига юкланади. Бундай мувофиқликка риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти амалга ошириши ҳам ушбу ўзгартиришлар асосида жорий этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси авиациясининг таркибини экспериментал, давлат ва фуқаро авиациялари ташкил этади. Юқорида қайд этилган барча турдаги авиацияларда фаолият олиб борувчи тегишли ҳуқуққа эга бўлган шахслар эксплуатантлар деб номланиб, улар белгиланган намунадаги сертификатга эга бўлганларидагина ушбу фаолиятни амалга оширишга ҳақли бўлиб ҳисобланадилар. Кодекснинг мазкур қоидаларни назарда тутувчи 45-моддасига янги киритилган ўзгартиришлар хорижий давлатлар томонидан берилган эксплуатант сертификати ёки унга ўхшаш ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилиши мумкинлигини белгилаб беради. Бу эса, ўз навбатида, юқоридагидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда Авиация маъмурияти ваколатларини янада кенгайтириши билан бирга, унинг бу борадаги масъулиятини ҳам оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, ҳаво кемаси эксплуатантининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалдаги 46-модданинг иккинчи ва учинчи бандлари тегишлича ўзгартирилиб, унга мувофиқ эксплуатант сертификатини бериш учун белгиланган талаблар ҳаво кемаси эксплуатанти томонидан бузилган тақдирда, сертификат берган орган эксплуатантни белгиланган муддатларда камчиликларни бартараф этиш зарурлиги ҳақида огоҳлантиришга ёхуд эксплуатант сертификатининг амал қилишини тўхтатиб қўйишга ёки уни олиб қўйишга ҳақли. Ҳаво кемаси эксплуатанти сертификатнинг амал қилишини тўхтатиш ёки уни олиб қўйиш ҳақидаги қарор юзасидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

Бугунги кунда фуқаро авиациясини малакали авиация ходимлари билан мустаҳкамлаш, ходимлар қўнимсизлигини камайтириш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда тегишли даражадаги меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш учун уларга ҳаво транспортида бепул юриш имкониятини бериш энг асосий масалалардан биридир. Шунинг билан бирга, фуқаро авиацияси ходимларининг форма кийимини кийиши ишлаб чиқаришда зарур бўлган талаб бўлиши билан бирга, халқаро стандарт ҳамдир. Парвозларнинг бажарилишини таъминловчи ходимлар ҳамиша ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга жисмоний тайёр бўлишлари зурар. Бунга эса алоҳида шароитлар яратиш, шу жумладан, меъёрига келтирилган озиқ-овқат билан таъминлаш орқали эришилади. Бу ҳам ходимларнинг даромад даражасини камайтирмаган ҳолда уларнинг яхши ишлаш шароитлари билан таъминланишини кафолатлаш ҳар бир корхонанинг мажбуриятига киради.

Юқоридагиларни назарда тутган ҳолда Кодексга киритилган ўзгартишларнинг энг муҳим жиҳати фуқаро авиацияси ходимлари учун белгиланадиган ижтимоий кафолатлар ва уларга нисбатан қўлланиладиган имтиёзларни назарда тутди. Янги киритилган ўзгартиришларга мувофиқ амалдаги Кодексга 53-модда, яъни ўзида фуқаро авиацияси ходимларига бериладиган ижтимоий кафолатлар ва имтиёзларни белгиловчи алоҳида норма киритилди. Унга асосан, *Фуқаро авиацияси корхоналари авиация ходимларининг алоҳида тоифаларини улар хизмат вази-фаларини бажараётганда белгиланган намунадаги форма кийим-бош ва озиқ-овқат билан таъминлайди. Фуқаро авиацияси корхоналари авиация ходимларига фойдаланилаётган ҳаво кемаларида имтиёзли тарзда юриш ҳуқуқини бериши мумкин. Фуқаро авиациясининг авиация ходимларига ушбу моддага кўра бериладиган ва меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги тармоқ битимларида белгиланган кафолатлар ва имтиёзлар фуқаро авиацияси корхоналарининг маблағлари ҳисобидан таъминланади ҳамда жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди.* Кодексга киритилган мазкур янги норма бир томондан авиация ходимларининг ижтимоий кафолатларини мустаҳкамлашга хизмат қилса, иккинчи томондан уларнинг ўз касбига бўлган муносабатини тубдан ўзгартиради. Ўзбекистон Республикасида авиация ишларини бажариш ва шундай фаолиятни амалга оширувчи хорижий эксплуатантлар ҳамда чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг авиация ишларини бажариш бораси-

даги фаолиятига рухсатномалар бериш тартиби ҳам мазкур ўзгартиришлар билан Авиация маъмурияти ваколатидан чиқариб ташланди. Бунга асосан, ушбу фаолият учун ҳамда авиация ишларини бажариш учун лицензияларни бериш мазкур ўзгартиш 96-моддасининг биринчи қисми билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мутлақ ваколатига киритилди. Шунга мувофиқ тарзда амалдаги Кодеснинг 130-моддасида белгиланган мамлакат ҳудудидаги авиация ишларини бажарувчи хорижий эксплуатантлар ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятига лицензиялар бериш ваколати ҳам Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига ўтказилди.

Кодексга киритилган муҳим ўзгартиришлар **ҳаво транспортида ташиш** билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишга қаратилган 14 бобни ташкил этади. Унга мувофиқ, «Ташишга доир ҳужжатлар» деб номланувчи 101-модда амалдагидан фарқ қилиб, унда ташиш ҳужжатларининг шакли Авиация маъмурияти томонидан эмас, балки тегишли фуқаро авиацияси халқаро ташкилотларининг қоидалари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ташувчи томонидан белгилаб берилиши жорий этилди. Бундан ташқари, почта орқали ташиш ҳужжатларининг шакли ҳам почта алоқаси соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади. Шунинг билан бирга, 103 ва 105-моддаларга киритилган ўзгартишлар ҳам ҳаво транспортида ташиш қоидаларини амалга оширишда ташувчи ваколатларининг кенгайтирилганлигини белгилаб беради. Бунга мувофиқ, ташувчи хавфсизликни таъминлаш, парвоз мўлжалланаётган мамлакатнинг ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш учун заруриятдан келиб чиққан ҳолда йўловчи ва қўл юки, почта ва юк ташиш шартномаларини бекор қилиши ёки ташиш ишларини ташкил этиш ва тарифларни қўллаш, қатновни кирага сотиш қоидаларини белгилаш каби ҳуқуқларни ҳам бевосита ўзлари амалга оширишлари мумкинлиги қонун билан мустаҳкамланди.

Ташиш жараёнларида ташувчиларга берилган бундай ҳуқуқлар билан бирга, уларнинг ушбу фаолиятни амалга оширишдаги жавобгарлиги ҳам анча кучайтирилганлиги янги ўзгартиришлардан аниқ кўриниб туради. Бунинг яққол ифодасини Кодеснинг 114-моддасига киритилган қуйидаги ўзгартиришда кўриш мумкин. Унга асосан «Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қўл юки ташишга қабул қилиб олинган пайтдан эътиборан то у қабул қилувчига берилган ёки бошқа вако-

лағли шахсга топширилгунига қадар унинг йўқолганлиги, камомоди ёки унга етказилган зарар учун ташувчи жавобгар бўлади». Амалдаги Кодексда эса, агар бундай вазиятларда ташувчи зарарнинг олдини олиш учун етарли даражада ҳаракат қилган ҳамда бунга тегишли чораларни кўрган деган важ билан жавобгарликдан озод бўлиб қолиши мумкин эди. Янги тартиб эса бундай шароитларда ҳар қандай ҳолатда ҳам ташувчининг жавобгарлигини муқаррар қилиб белгилади. Бу эса, ўз навбатида, халқаро ва транзит юк ҳамда багаж ташиш шароитларида жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини янада мустаҳкам ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

Юқорида келтирилган Кодексга киритилган муҳим ўзгаришлар мамлакатимизда авиация соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада мустаҳкам ҳимоя қилинишини таъминлабгина қолмасдан, балки улар манфаатларининг ҳар қандай ташқи тажовузлардан муҳофаза қилинишининг ҳам зарур ҳуқуқий механизмларини барпо этади.

ПАТЕНТ ЭҒАЛАРИ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСЛАРИ

Маълумки, мустақиллик йилларида амалга ошириб келинаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизнинг бош мазмун-моҳияти инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятlidir. Бу айниқса инсон ижодий фаолияти натижалари, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг индивидуаллаштириш воситаларини мол-мулк сифатида тўла эътироф этилишини таъминлашда намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда бозор тамойилларига асосланган кўп тармоқли иқтисодиётнинг қарор топганлиги ҳамда илмий-техника бозорининг шаклланаётганлиги, ўз навбатида патент тизимини белгилаб берувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Конституциямизнинг 42-моддасида ижоднинг барча турларини ривожлантиришни таъминлашга оид меъёр ўз аксини топган бўлиб, жумладан, унда «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади» дейилган. Бу кафолатлар бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар

тўғрисида»ги, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги, 2002 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги каби Қонунлар меъёрлари билан изчил амалга оширилиб келинмоқда. Бундан ташқари, ушбу қонунларнинг қабул қилинишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган бир қанча халқаро ҳужжатлар (масалан, 1983 йилда қабул қилинган Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси ва ҳ.к.) ратификация қилинди.

Албатта, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўтган давр мобайнида ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтади (Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири 2002 йил 29 августда қабул қилинган пайтдан бошлаб жами бўлиб 2714 та илмий-техник экспертиза ўтказилган, 1298 та ихтирога патент берилган). Аммо, шу билан бирга, бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитида ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини, бошқача айтганда, саноат мулки объектлари фуқаролик муомаласига киритилишини тезлаштириш, келажақда юзага келиши мумкин бўлган янги турдаги объектларга муҳофаза тақдим этиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотларни расмий экспертизадан ўтказиш жараёнини соддалаштириш каби ҳолатларда тadbиркорлик субъектлари манфаатларини етарли даражада ҳимоя қила оладиган самарали назорат механизмларини жорий қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган ҳамда 2008 йил 31 июль кuni матбуотда эълон қилиниб, расмий кучга кирган «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни республикаميزда энг янги ишланмалар тўғрисида тезкор ахборот бериб бориш, иқтисодиётнинг янада тараққий этишини қўллаб-қувватлаш, хусусан, ишлаб чиқаришни, шу жумладан, кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ихтироларга

ҳуқуқий муҳофаза олишда ишлаб чиқувчиларнинг дастлабки маблағларини қисқартириш учун муҳим ҳуқуқий асос яратади.

Мазкур қонунда белгиланган қуйидаги муҳим қоидаларнинг мазмун-моҳиятига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

биринчидан, маълумки, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг амалдаги таҳририда ихтиро сифатида эътироф этиладиган объектларнинг рўйхати (қурилмалар; усуллар; моддалар; микроорганизмларнинг штаммлари; ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари; илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штаммларининг янги мақсадда қўлланилиши.) чекланган ҳолда белгиланган эди. Бу эса, ўз навбатида, бошқа илмий-техникавий натижаларни (масалан, ген муҳандислиги объектларини) ихтиро сифатида муҳофаза қилишга тўсқинликларни келтириб чиқаради.

Бу ўринда Қонуннинг мазкур моддаси саккизинчи қисмига киритилган муҳим ўзгартиш ва қўшимчалардан бири — эндиликда ихтиронинг техник характерини эътироф этиш билан бир қаторда, илмий-техникавий тараққиёт жараёнида яратилиши мумкин бўлган объектлар рўйхатининг чекланмаслигидадир. Мазкур меъёр эса, ўз навбатида, келажакда юзага келиши мумкин бўлган янги турдаги объектларга муҳофаза тақдим этиш борасида мавжуд тўсиқларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади;

иккинчидан, Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, Патент идораси патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича расмий экспертиза, фойдали модель ҳақидаги талабнома экспертизаси ҳамда ихтиро ҳақидаги талабноманинг ёки саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасидан иборат бўлган давлат экспертизасини ўтказади. Бу ўринда, белгиланган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига сўров юборилиб, унда шу сўров йўлланган санадан эътиборан уч ой ичида тузатишлар киритилган ёки етишмаётган материалларни тақдим этиш таклиф қилинади.

Агар талабнома берувчи сўралган материалларни ёки белгиланган муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўрсатилган муддатда тақдим этмаса, патент бериш ҳақидаги талабнома чақириб олинган ҳисобланади. Аммо амалиётда

қўшимча экспертиза сўровига жавоб бериш муддатларини бир неча йилларга чўзилиб кетиш ҳолларининг учраб тураётганлиги ҳамда бунинг натижасида талабнома берилган объект бўйича иш юритиш ҳолати ҳуқуқий жиҳатдан мавҳум бўлиб қолишининг вужудга келаётганлиги, шунингдек бошқа талабномалар бўйича экспертизанинг тугалланишига тўсқинлик қилиш ҳолларини кузатиш мумкин. Шу боисдан, мазкур ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида **«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»**ги Қонуннинг 20-моддаси учинчи қисми «белгиланган муддат талабнома берувчининг илтимосномасига кўра шу муддат ўтган санадан кейин кўпи билан ўн икки ойга узайтирилиши мумкин»лиги қўшимчаси билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Албатта, ушбу қонданинг қонунда ўз ифодасини топганлиги, амалиётда қўшимча экспертиза сўровига жавоб бериш муддатларини бир неча йилларга чўзилиб кетиш ҳолларининг олдини олишга хизмат қилади;

учинчидан, янги техник ютуқлар тўғрисидаги ахборотни манфаатдор шахслар эътиборига тезроқ етказиш мақсадида, ихтирога берилган талабнома ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш жараёнини тартибга солиб турувчи янги 21'-модда Қонунда ўз ифодасини топди. Зеро, берилган талабномалар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш Ўзбекистон иштиракчиси бўлган 1970 йилнинг 19 июнида Вашингтон шаҳрида қабул қилинган «Патент кооперацияси тўғрисида»ги халқаро шартномада назарда тутилган.

Киритилган янги модда мазмунига кўра, «ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан ўн саккиз ой ўтганидан кейин расмий ахборотномада эълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади. Талабнома берувчининг илтимосномасига кўра Патент идораси кўриб чиқиш учун қабул қилинган ихтиро ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ўн саккиз ой ўттунига қадар ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиши мумкин». Албатта, мазкур модда мазмунидаги ўн саккиз ойлик муддат билан қоидалар юқорида таъкидлаб ўтилган халқаро ҳужжат талабларига тўла мувофиқ келади. Бинобарин, мазкур муддат жаҳон амалиётида анъанавий бўлиб, у талабномалар бўйича иш юритиш, уларни қайта ишлаш, расмий экспертизасини ўтказиш, олиб борилиши мумкин бўлган ёзишмалар, шунингдек нашрга тайёрлаш ишлари билан боғлиқ ҳисобланади;

тўртинчидан, мазкур Қонун орқали янги таҳрирда баён этилган 23-моддага мувофиқ, «*Патент идораси патент божни тўланган тақдирда, талабнома берувчининг ёки ҳар қандай шахснинг илтимосномасига кўра ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказди. Илтимоснома талабнома топширилаётганда ёки кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил ичида топширилиши мумкин. Талабнома берувчи келиб тушган илтимосномалар ҳақида Патент идораси томонидан хабардор қилинади*».

Бу ўринда илтимосномани бериш имкониятининг қонуний жиҳатдан мустақкамлаб қўйилганлиги, ўз навбатида, талабнома берувчига қўшимча маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, шунингдек ўз ишланмасини патентлаш зарурлигининг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш имкониятини юзага келтиради.

Бундан ташқари, янги таҳрирда баён этилган ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, «*ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани топшириш муддати бундай илтимоснома билан биргаликда патент божни тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда, талабнома берувчининг талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил ўтгунига қадар топширилган илтимосномасига кўра Патент идораси томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин*».

Илмий-техника экспертизасини ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани топшириш муддатини икки ойга узайтириш мумкинлигига оид мазкур қонда эса мамлакатимиз 2006 йилнинг 15 мартида қўшилган «2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисида»ги Шартноманинг 11-моддасига ҳамда мазкур Шартномага илова қилинган Йўриқноманинг 12-қондасига тўла мос келади.

Бундан ташқари, Қонуннинг ушбу моддасида белгилаб қўйилган ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасини ўтказиш жараёнини бугунги кунда аксарият Европа мамлакатларига, шунингдек АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Австралия мамлакатлари тажрибасида ҳам кузатиш мумкин;

бешинчидан, талабнома берувчининг талабнома берилган ихтиро моҳиятининг очилгани билан боғлиқ эҳтимоллий зарарларини қоплаш мақсадига мазкур қонун орқали янги 23'-модда ўз аксини топди. Унга кўра, ихтирога ихтиро ҳақидаги талабнома тўғриси-

даги маълумотлар эълон қилинган санадан ихтиро давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар эълон қилинадиган санага қадар вақтинчалик ҳуқуқий муҳофаза берилади.

Агар ихтиро ҳақидаги талабнома чақириб олинган бўлса ёки ушбу талабнома бўйича Патент идораси томонидан патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, бу қарор устидан шикоят бериш имконияти тугаган бўлса, вақтинчалик ҳуқуқий муҳофаза юз бермаган ҳисобланади. Ихтиродан унинг вақтинчалик ҳуқуқий муҳофазаси даврида фойдаланаётган шахс ихтирога патент олинганидан кейин патент эгасининг талабига кўра унга миқдори патент эгаси билан келишув асосида белгиладиган товон пули тўлаши шарт;

олтинчидан, мазкур Қонунда ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш имкониятининг назарда тутилганлиги, ўз навбатида манфаатдор шахсларга патент берилишига тўсқинлик қиладиган маълумотларни идорага экспертиза жараёни тугалланган, рўйхатдан ўтказилган ва эълон қилингандан кейин эмас, балки экспертиза бошланмасдан туриб ёки экспертиза ўтказилаётган пайтда маълум қилиш имкониятини беради. Ва бу борада, шунингдек, саноат мулки объектига патент берилишини ҳамда уни фуқаролик муомаласига киритилишини жадаллаштириш мақсадида *патент бериш Қонунининг 26-моддасида аввал белгиланган уч ой ўтганидан кейин эмас, балки ўн кун ўтганидан кейин берилиши мумкинлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди*;

ва ниҳоят, еттинчидан, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ўзига хос жиҳатларга эга бўлган, муайян молиявий қийинчиликларга дуч келаётган патент эгаларининг манфаатларини таъминлаш мақсадида Қонунда *«патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божли белгиланган муддатда тўланмаганлиги сабабли амал қилиши тугатилган саноат мулки объекти патентининг амал қилиши патент эгасининг илтимосномасига кўра тикланиши мумкин»*лигини назарда тутувчи 28¹-модда билан тўлдирилди.

Албатта, мазкур ҳолларда илтимоснома патентнинг амал қилиши тугатилган санадан эътиборан уч йил муддат ичида, бироқ патентнинг қонунда назарда тутилган амал қилиш муддати тугагунига қадар Патент идорасига топширилиши мумкин. Бундан ташқари, патент эгасининг илтимосномасига патентнинг амал қилишини тиклаш учун белгиланган миқдорда-

ги патент бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши керак. Таъкидлаш жоизки, мазкур модданинг учинчи қисмига мувофиқ, саноат мулки объекти патентининг амал қилиши тикланганлиги тўғрисидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинади.

Шунингдек, тўртинчи қисмда «саноат мулки объекти патентининг амал қилиш муддати тугатилган сана билан патентнинг амал қилиши тикланганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган сана оралиғидаги даврда саноат мулки объектидан фойдаланишни бошлаган ёки бунинг учун зарур тайёргарлик кўрган шахс ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтирмаган ҳолда саноат мулки объектидан бепул фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолиши»нинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилганлиги, ўз навбатида, саноат мулки объектидан виждонан фойдаланаётган (яъни бож тўланмаганлиги сабабли патентнинг амал қилиши тўхтатилгандан кейин) учинчи шахслар манфаатларини ҳимоя қилишда ва айни пайтда уларнинг патент эгалари ҳуқуқларини бузмасликларида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу Қонуннинг ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этилиши:

биринчидан, республикамізда энг янги ишланмалар тўғрисида тезкор ахборот бериб бориш тизимини янада такомиллаштиришга;

иккинчидан, ихтироларга ҳуқуқий муҳофаза олишда ишлаб чиқувчиларнинг дастлабки маблағларини қисқартиришга;

учинчидан, ишлаб чиқариш соҳасида, шу жумладан кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга;

тўртинчидан, ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг VIII ялпи мажлисида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти	11
Д. Каримов, Н. Мухторов. Уй-жой мулкдорлари ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг кафолатлари	11
Ж. Абдуллаев. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши	18
У. Муҳамедов. Давлат божхона хизматига оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари	25
Р. Ҳакимов. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш ва мамлакатимизда бўлиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик	28
Ш. Рўзиназаров. Муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни амалга ошириш кафолатлари	30
М. Миракулов. Фуқаролик жамияти институтларининг қонуний кафолати	37
Н. Мухторов. Ички ишлар идоралари ходимлари қунини белгилашнинг ҳуқуқий асослари	41
II. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг IX ялпи мажлисида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти	49
Ш. Файзиев. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг аҳамияти ва асосий йўналишлари	49
Н. Мухторов. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартиби ва асослари	56

М. Хусанова. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг асослари	58
Ж. Абдуллаев. Йўл ҳаракати хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш	62
С. Найимов. Ҳисоб палатасининг кўрсатмаларини бажармаганлик учун жавобгарлик	66
Д. Каримов. Йод етишмаслиги касаллиги профилактикасининг ҳуқуқий асослари	68
Н. Норматов. «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонуннинг аҳамияти, зарурияти ва моҳияти	73
М. Мамасиддиқов. Мулк дахлсизлигининг қонуний кафолатлари	84
Н. Мухторов. Истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари	89
Р. Ҳакимов. Транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши	99

III. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг X ялпи мажлисида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти

Ш. Файзиев. «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти	103
Ш. Файзиев. «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий йўналишлари	108
Р. Ҳакимов, Н. Мухторов. Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш тартибини такомиллаштиришнинг айрим масалалари	119
М. Мамасиддиқов. Ҳакамлик судларининг талбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда тутган ўрни ва аҳамияти	125
Э. Маҳсумов. «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-П-сонли Қарорнинг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг моҳияти	132

Ғ. Машкуров. «Содиқ хизматлари учун» медалини таъсис этишнинг қонунчилик асослари	135
Н. Норматов. Иқтисодий соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари хусусида	137

IV. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XI ялпи мажлисида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти	144
---	------------

Д. Каримов. Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари	144
С. Найимов. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни тартибга солишнинг айрим хусусиятлари	149
Н. Норматов. Соғлиқни сақлаш тизими: уни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари	152
Э. Маҳсумов. Аудит тизимини ҳуқуқий таъминлашнинг айрим масалалари	157
Н. Норматов. Суғурта фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши	163
А. Ҳазратқулов. Солиқ ва бож тарифи соҳасидаги қонунчиликнинг айрим жиҳатлари	169
Э. Эргашев. Энергиядан оқилона фойдаланишга оид қонунчиликдаги янгиликлар	173

V. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XII ялпи мажлисида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти	180
---	------------

Н. Норматов. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг асосий йўналишлари	180
Н. Мухторов. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни кучайтиришнинг айрим жиҳатлари	186
А. Ҳазратқулов. Саноат, газ таъминоти ва кон назорати соҳасидаги бошқарувнинг ҳуқуқий асослари	193
А. Ҳазратқулов. Ер солиғини тўлашга оид қонун ҳужжатларидаги янгиликлар	196
Д. Огай. Табиий монополияларни ҳуқуқий таъминлашнинг такомиллаштирилиши	201
Э. Мақсумов. Пенсияларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришнинг кафолатлари	205

Р. Ҳакимов. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва аудиторлик текшируви бўйича маъмурий жавобгарликка тортишнинг айрим масалалари	208
М. Мамасиддиқов. Жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратишга оид янги тартиб-таомиллар	211
Д. Каримов. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асослари	214
Д. Раҳимов. Ўзбекистон Республикасининг «Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битим»га қўшилишининг аҳамияти ва моҳияти	221
VI. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси	
Сенатининг XIII ялпи мажлисида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти	228
Б. Исмойлов. Одам савдосига қарши курашишнинг қонунчилик асослари	228
Ш. Рўзиназаров, А. Ҳазратқулов. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишнинг асослари	233
Д. Қурбонова. Инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг кафолатлари	244
Н. Мухторов. Жиноий жазо тариқасида тайинланган жарима жазосини ижро этишнинг айрим масалалари	247
М. Мамасиддиқов. Суд буйруғи тартибида иш юритишни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари	252
Н. Норматов. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари	258
Ж. Абдуллаев. Реклама соҳасидаги қонунчиликнинг янгиликлари	263
Р. Ҳакимов. Вояга етмаган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг айрим масалалари	265
Д. Каримов, А. Ҳазратқулов. Ҳаво транспорти хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш	270
С. Найимов. Жиноят қонунчилигини либераллаштириш асослари	275
Ш. Рўзиназаров, Ғ. Машқуров. Давлат мукофотларига оид қонунчиликдаги янгиликлар	278
Б. Исмойлов. «Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисида»ги 138-сонли Конвенцияни ратификация қилишнинг аҳамияти ва моҳияти	281

Б. Исмоилов. Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари бартараф этишнинг устувор йўналишлари	284
Б. Исмоилов. Ядровий терроризм актларига қарши курашиш тўғрисидаги халқаро Конвенцияни ратификация қилишнинг аҳамияти	288
VII. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси	
Сенатининг XIV ялпи мажлисида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти	292
Д. Каримов. Ногиронлар ижтимоий ҳимоясини такомиллаштиришнинг қонунчилик асослари	292
А. Ҳазратқулов, Т. Набиев. Қимматли қоғозлар бозорини ҳуқуқий таъминлашдаги янгиликлар	297
Н. Мухторов. «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг моҳияти	301
Н. Хаттабов. Ҳаво кодексини такомиллаштиришнинг айрим масалалари	302
Н. Норматов. Патент эгалари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг асослари	307

**ИНСТИТУТ МОНИТОРИНГА ДЕЙСТВУЮЩЕГО
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

СУЩНОСТЬ НОВЫХ ЗАКОНОВ

(Научно-практическое пособие)

Авторский коллектив:

Ш. Файзиев — д.ю.н. проф., **Ш. Рузиназаров** — д.ю.н. проф.,
Б. Исмаилов — д.ю.н., **Д. Каримов** — к.ю.н. доц.,
Д. Рахимов — к.ю.н. доц., **Д. Огай**

Ответственный редактор

доктор юридических наук, профессор **Ш.Х. Файзиев**

В настоящее научно-практическое пособие включены статьи сотрудников Института мониторинга действующего законодательства при Президенте Республики Узбекистан о сущности законов, принятых на в восьмом, девятом, десятом, одиннадцатом, двенадцатом, тринадцатом и четырнадцатом пленарных заседаниях Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан. В статьях на основе раскрытия гуманистической сущности законов, принятых двухпалатным парламентом Узбекистана, отражены основные задачи государственных органов в сфере совершенствования правовой системы страны, оптимизации правовой защиты интересов человека, обновления и демократизации общества, модернизации и реформирования страны. В пособии в научно-популярной форме дана теоретическая интерпретация сути принятых законов, обосновано их соответствие общепризнанным принципам и нормам международного права, содержится информация об опыте зарубежных государств.

Пособие предназначено для повышения правовой культуры населения, пропаганды сути и значения реализуемых в Узбекистане реформ.

СУЩНОСТЬ ЗАКОНОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В СФЕРЕ ДЕМОКРАТИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ И МОДЕРНИЗАЦИИ СТРАНЫ, РЕФОРМИРОВАНИЯ СУДЕБНО-ПРАВОВОЙ СИСТЕМЫ

ЗНАЧЕНИЕ КОНСТИТУЦИОННОГО ЗАКОНА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН «ОБ УСИЛЕНИИ РОЛИ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ В ОБНОВЛЕНИИ И ДАЛЬНЕЙШЕЙ ДЕМОКРАТИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ И МОДЕРНИЗАЦИИ СТРАНЫ»

С первых дней независимости нашей страной последовательно и поэтапно осуществляются реформы по коренному усилению роли и значения политических партий в системе государственного и общественного строительства по пути формирования гражданского общества. Исходя из исторического развития, реформы в данной сфере в период независимости можно разделить на два основных этапа. **Первый этап — 1991—2000 годы.** Данный этап явился периодом активной работы по созданию фундамента политической системы. Как известно, до независимости политическая партия и многопартийность в полном смысле слова отсутствовали, была установлена власть единой идеологии, одной партии. Только после достижения независимости на конституционной основе было определено развитие общественной жизни на основе многообразия политических институтов, идеологий и идей, невозможность установления какой-либо идеологии в качестве государственной, создана необходимая правовая база для деятельности политических партий в полном смысле слова.

